

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Жамолхонов Ҳасанбой

Сапаев Қаландар

ИМЛО МУАММОЛАРИ

Таълим йўналиши : 5141100 – “ Ўзбек тили ва адабиёти ”дан
ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ - 2007

АННОТАЦИЯ

Мазкур ўқув кўлланма ўзбек тили ва адабиёти йўналиши ўқув режасидаги «Имло муаммолари» танлов фани дастурига мувофик тайёрланди. Унда куйидаги масалалар камраб олинди: 1) фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари; 2) хозирги ўзбек адабий тили шаклланишининг илк босқичидан бугунга қадар амалга оширилган алифбо ва имло ислохотлари, бу жараёнда мунозара предмети бўлиб келган масалалар; 3) хозирги иккиёзувлилик (кирилл-ўзбек ва латин-ўзбек ёзувлари) шароитида юзага келаётган янги муаммолар, уларга муносабат масалалари.

*
* *
*

В пособии освещены все темы курса “Проблемы орфографии” . В нем изложены: а) цель и задачи данного курса; б) история реформ алфавитов и орфографий; в) спорные вопросы графики и орфографии, которые имели место на протяжении всего XX века; г) причины, приведшие к функционированию в Узбекистане двух графических систем, основанных на кириллице и латинице; д) сравнительная характеристика этих двух систем, а также их правил правописания.

В пособии особое внимание уделено вопросу формирования у студентов творческого подхода к решению тех или иных проблем, которые, как уже отмечалось, продолжают иметь место в нашей педагогической деятельности.

*
* *
*

All the themes of the course “Problems of orthography” were interpreted in the textbook. There were stated following on it: a) aim and tasks of the course; b) history of reforms of the alphabets and orthography; c) arguable points of graphics and orthography which took place for a period of the whole of the XX century; d) causes of putting in functioning of two graphic systems in Uzbekistan based on Cyrillic and Roman writings; e) comparative characteristics of these two systems and also their orthographical rules.

In the textbook there was given special attention to problem of formation students' creative approach to the solution of some or another problems which have been already marked and are still going on to take place in our teaching activity.

Тақризчилар : С. Султонсаидова,
Ўзбекистон Жаҳон тиллари
университети доценти,
филология фанлари номзоди .

Сапарниёзова Муяссар,
Низомий номидаги ТДПУ ўзбек
тилшунослиги кафедраси катта
ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.

СЎЗ БОШИ

Адабий тил, маълумки, икки формада – оғзаки ва ёзма шаклларда халққа хизмат қилади. Уларнинг иккаласи фикрни ифодалайди, бироқ бу вазифани бажаришда оғзаки шакл талаффуз ва эшитишга, ёзма шакл эса ёзишга, кўришга ва ўқишга асосланади, чунки улардан бирининг ифода жихатини физик-акустик омиллар, иккинчисининг ифода жихатини эса оптик-график белгилар ташкил қилади. Оғзаки шакл ёзма шаклга нисбатан бирламчидир, чунки у ёзма шакл пайдо бўлмасдан олдин ҳам мавжуд эди, ёзма шакл эса кейин пайдо бўлган. Шу боис у тилнинг оғзаки шаклига нисбатан иккиламчи ходиса саналади, шунга қарамай ёзма нутқнинг бир қатор афзал жихатлари ҳам бор: у нутқнинг узок вақт сақланишини ва узок масофаларга етиб боришини таъминлайди (оғзаки нутқ эса бир пайтда сўзловчи ва тингловчи иштирокида содир бўлади). Ёзма нутқ инсониятнинг ўтмишдаги маънавий-маърифий ва илмий бойликларини, жамиятдаги прогрессив ғояларини авлодларга етказиб беради, демак, ижтимоий тараккиёт суръатини тезлаштиришга ҳам ижобий таъсир ўтказиши, шунинг учун таниқли тилшунос олим Л.Р. Зиндер уни инсон тафаккурининг буюк кашфиёти деб баҳолайди.¹ Бундай кашфиётнинг структуравий-функционал жихатларини махсус ўрганиш, унинг тузилишига, тил билан алоқасига оид муаммолардан хабардор бўлиш талабаларнинг касб маҳоратини кўтаришда, билимларини янада мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Имло муаммоларининг танлов фани сифатида ўқув режасидан ўрин олишида масаланинг ана шу жихатлари ҳам ҳисобга олинган.

Мазкур қўлланманинг яратилишида ҳозирги ўзбек адабий тили тараккиётининг илк босқичидан (XX асрнинг биринчи чорагидан) ҳозирга қадар амалга оширилган алифбо ва имло ислохотлари материалларидан

¹ Зиндер Л.Р. Очерк общей теории письма. – Л.: Наука, 1987. – С.3

унумли фойдаланилди, бундай ислохотлар оралиғида турли бахс-мунозараларга сабаб бўлган муаммолар билан, уларни ҳал этиш жараёнида иштирок этган шахсларнинг номлари билан талабаларни таништиришга ҳаракат қилинди, зеро, бундай шахсларнинг номларини тиклаш, улардан жамоатчиликни хабардор қилиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Қўлланманинг бўлимлари муаллифлар ўртасида қуйидагича тақсимланди:

Ҳ. Жамолхонов: «Имло муаммолари» фанининг предмети, мақсади ва вазибалари», «Ҳозирги ўзбек адабий тили тараккиётининг илк босқичида алифбо ва имло муаммолари», «1930-1940 йилларда алифбо ва имло муаммолари», «1940-1995 йилларда алифбо ва имло муаммолари».

Қ. Сапаев: «Сўз боши», « Рус ва лотин алифболарига асосланган ўзбек ёзувларининг қиёсий тавсифи », «Графика», «Ҳар икки ёзув график тизимларининг қиёсий тавсифи», «Орфография»,«Имло қодалари», «Ҳар икки ёзувнинг имло қодаларидаги тафовутлар», «Адабиётлар рўйхати».

«ИМЛО МУАММОЛАРИ» ТАНЛОВ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ

Предмети - ўзбек ёзувлари графикаси ва орфографиясидаги муаммолар.

Мақсади - ҳозирги ўзбек адабий тилининг ёзув тизимларида, хусусан, графикаси ва имлосида шу вақтгача юзага келган турли муаммоли ҳолатлар билан талабаларни таништириш, уларда имлодаги мунозарали масалаларга ижодий муносабат кўникмаларини шакллантириш.

Вазифалари: а) XX асрнинг биринчи чорагидан (ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги илк босқичдан) то XXI аср бошигача бўлган даврда мамлакатимизда амалга оширилган ёзув ислохотлари хусусида талабаларга обзор-маълумот бериш; б) ҳозирги иккиёзувлиққа олиб келган ижтимоий-тарихий омилларни, амалда қўлланиб турган рус-ўзбек ва латин-ўзбек ёзувлари графикасини қиёсан ўрганиш; в) бу икки ёзув графикаси ва имлосидаги ўзига хос жиҳатларни, мунозарали ҳолатларни аниқлаш, шу орқали талабаларни ёзув амалиётига тайёрлаш.

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИЛК БОСҚИЧИДА (XX асрнинг биринчи чорагида) АЛИФБО ВА ИМЛО МУАММОЛАРИ

Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи мураккаб жараёнларга бой бўлди: бу асрда ёзув уч марта туб ислох қилинди – бир график тизимдан бошқа график тизимга кўчирилди. Жаҳон халқларининг ёзув тарихида бундай ҳодиса камдан-кам учрайди.

Мавжуд манбалар ва ҳужжатлар таҳлилидан шу нарса маълум бўладики, ўзбек ёзувининг XX аср тарихи тўрт даврни ўз ичига олади:

1-давр – араб графикасига асосланган йиллар (1900-1929).²

2-давр – лотин графикасига асосланган йиллар (1929-1940).

3-давр – рус графикасига (кириллицага) асосланган йиллар (1940-1993).

4-давр – иккиёзувлиликка (рус-ўзбек ва лотин-ўзбек алифболарига) асосланган йиллар (1993-2010)³

Биринчи даврнинг 1916-1917 йилларгача бўлган боскичида ёзувни ислох қилишга қаратилган жиддий ҳаракатлар кузатилмайди. Бу боскичда асосий эътибор янги усулда таълим беришга асосланган мактабларни ташкил этишга, уларда диний дарслар билан бирга дунёвий илмларни ҳам ўқитишга, шу орқали халқ оммасини маърифатли қилишга қаратилади. Бу жараёни, табиийки, янги мазмундаги ўқув-услубий қўлланмаларсиз тасаввур қилиб бўлмас эди. Аини шу эҳтиёж бир қатор янги китобларнинг яратилишига олиб келади: «Устоди аввал» (Саидрасул Саидазизов. Тошкент – 1900, 1902), «Адиби аввал» (Мунавварқори Абдурашидхонов. Тошкент - 1907), «Адиби соний» (Мунавварқори Абдурашидхонов. Тошкент - 1907), «Китоб ул-атфол» - «Болалар учун китоб» (Маҳмудхўжа Бехбудий. Самарканд – 1908, 1914), «Биринчи муаллим» (Абдулла Авлоний. Тошкент - 1911), «Иккинчи муаллим» (Абдулла Авлоний. Тошкент - 1912), «Туркча коида» (Фахриддинов Муҳаммадамин. Тошкент - 1913), «Савод» (Ҳевалик муаллим Мухтор Бакр. Қозон - 1913), «Таълими аввал» (Рустамбек Юсуф ўғли. Тошкент – 1912, 1914), «Туркий алифбе» (Муҳаммадхон Абдулхолик ўғли. Қўқон - 1916), «Раҳбари соний» (Абдуллахўжа Саидмуҳаммадхўжаев, 1916), «Биринчи йил» (Саидризо Ализода. Самарканд - 1917), «Раҳбари аввал» (Фахриддинов Муҳаммадамин. Тошкент - 1917) каби китоблар шулар жумласидандир.

² Бу ёзув эски туркий тил (XI-XIII асрлар) ва эски ўзбек тили (XIV-XIX асрлар) даврларида ҳам қўлланган.

³ Лотин ўзбек алифбосига асосланган янги ёзувга тўла ўтиш мuddати Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги Қонунига муvофиқ 2005 йилнинг 1 сентябридан 2010 йилнинг 1 сентябригача улайтирилган. Қаранг «Халқ сўзи», 2004 йил, 26 июнь сони.

Бундай китобларда ёзувни ислоҳ қилиш масалаларини кўриш мақсад қилинмаган бўлса-да, уларни (китобларни) яратиш, шулар асосида савод чиқариш, тўғри ёзиш ва тўғри ўқиш кўникмаларини шакллантириш жараёнида имло қоидаларини мукамаллаштириш, алифбони ўбек тили хусусиятларига мослаштириш, тиниш белгилари тизимини ва қоидаларини шакллантириш зарурати борлиги сезила борган, бундай зарурат сезгиси эса, ўйлаймизки, ёзув ислохотига жиддий замин хозирлаган. Бундан кўнглик маърифатчи Ашурали Зоҳирийнинг куйидаги гаплари ҳам исботлайди. У ўзининг 1916 йилда нашр эттирган «Имло» дарслигида бу ҳақда шундай дейди: «... Бизнинг ҳозирги (эски) имломизда қоида деган нарсаси асло ривож этилмаганлигидан ҳар ким ўзича қандай ёзмакни хоҳласа, ўшандай ёза берган; бу адабиётимизнинг кенгайишига сад бўлиб, ёшларимизнинг қийналишидан бошқа ажнабий миллатларнинг қошида тилимизнинг масҳара қилдириб, маданий тилларга баҳо қўйғанда, қиммати ҳеч бўлишига сабаб бўлди. Шунга биноан бул «Имло» рисоласини ёздим. Энг зарур қоидаларни дарж этдим... «ҳойе расмия»ни имломизга кирғиздим...»⁴

1919 йилда Тошкентда Фитрат бошчилигида тил-имло ва адабиёт масалалари билан шуғулланувчи тўғрак-семинар – «Чигатой гурунги» жамияти ташкил топади. Бу ҳақда «Иштирокиюн» газетаси шундай ёзган эди: «Тошкентда ёш бухороликларнинг фаол аъзоларидан Фитрат афанди ила ўзбек ёшлари тарафидан «Чигатой гурунги» ном(ли) янги бир жамият тузилган. Миллий ишлар комиссариати тарафидан тасдиқ этилиб ишқа киришкан.

Бу жамиятнинг мақсади: Туркистондаги эски ва янги туркий асарларни жам қилиб, туркий тилини ихё қилув ҳақинда материал хозирламок, луғат ва адабиёт дунёсин бойитмоқдир»⁵

⁴ Ашурали Зоҳирий Имло – Қозон: «Умид» типо-литографияси, 1916 - Б. 3.

⁵ Чигатой гурунги // Иштирокиюн – 1919 4 февраль (№ 66).

«Чигатой гурунги» жамияти фаолиятида алифбо ва имло масалалари алохида ўрин тутади. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлган: 1) эски ўзбек тилидаги 8-9, янги ўзбек тилидаги 6-7 унли фонема факат 3 та харф-¹ (алиф), و (вов), ی (йо) билан ифодаланган; 2) айрим харфлар полифонемали графема тарзида қўлланган: و (вов) харфи «в» ундошини ва «у», «ў» унлиларини (демак, учта фонемани), ی (йо) харфи ҳам учта фонемани – «и», «э (е)» унлиларини ва «й» ундошини ифодалаган; 3) «т» ундоши учун икки харф - ت (те), ط (то); «с» ундоши учун учта харф - ث (се), س (син), ص (сод); «з» ундоши учун эса тўртта харф - ذ (зол), ز (зе), ض (зод), ظ (зо) қўлланган; 4) хар бир харфнинг тўрт хил шакли – сўз бошида, ўртасида, охирида ёки ёлғиз ҳолда қўлланадиган аллографлари бўлган. Бундай ҳолат маориф-таълим ишларида ва ёзув амалиётида қатор кийинчиликларни юзага келтирган, равоқ ўқиш кўникмаларининг шакллантирилишига халакит берган. «Чигатой гурунги» жамияти айна шу кийинчиликларни ҳисобга олиб, алифбо ва имло муаммолари билан шуғулланишга мажбур бўлган: жамиятнинг «Имло тўдаси» аъзоси Элбек томонидан «Битик йўллари» китобчаси яратилади,⁶ унда араб ёзувини ўзбек тили товушлари тизимига мослаштириш лозимлиги айтилади, шу мақсадда алифбога ^ۋ («у» унлиси учун), ^ۋ («ў» унлиси учун), ^ا («о» унлиси учун), ^ا («а» унлиси учун), ^ۋ («и» унлиси учун), ^ۋ («э» унлиси учун) харфларини киритиш тавсия этилади. «Чигатой гурунги» имло тўдасининг бу таклифларига муносабат ҳам хар хил бўлган. Масалан, кўконлик ўқитувчи Ашурали Зохирий бу ҳақда шундай деган эди: «Имло тўдаси томонидан баъзи нарсалар майдонга чиқарилар экан, биз уни бир тўданики деб таниймиз... Шунинг учун ундок «тўдалар» тарафидан чиқарилгон нарсалар хусусий бир фикргина бўлиб, бутун ўлка учун «Умумий қоида» бўла олмайди. Ўлка Маориф шўроси Туркистон ўлкасидаги атоқли муаллим ва имло

⁶ Элбек Битик йўллари | Тошкент. 1919

мутахассисларидан тажрибаликларини чакириб, Тошкентдак бир ерга йиғса, улар маслахатлашиб, муҳокамалашиб бир иш ишлаб чиқарса, шундагина «умумий коида» бўлади.

«Имло тўдаси» «هم» ни «هه م», «هر» ни «هه ر», «شهر» ни «شاهر», «عرب» ни «عرا ب» нусхаларида ёзган. Ҳолбуки, тилимизга оралашгон арабий, форсий калималар ўз имлоларида ёзилмоғи лозим.⁷

1919 йилнинг 26 декабрида Россияда саводсизликни тугатиш тўғрисида Декрет эълон қилинди. Туркситон ўша йилларда Россиянинг Мухтор Республикаси бўлганлигини ҳисобга олсак, бу Декретнинг Ўзбекистонга ҳам дахлдор эканлиги маълум бўлади. Демак, 1919 йилда ва ундан кейинги даврларда тил ва имло масалаларининг фаоллашувида бу ҳужжатнинг ҳам ўзига яраша ўрни бўлган.⁸

1920 йилнинг 18 сентябрида Элбек (Машрик Юнусов)нинг «Имло масаласи» номли мақоласи матбуотда эълон қилинади.⁹ Мақолада имло масаласи кўпдан буён муҳокама этилаётган бўлишига қарамай, ҳамон ҳал этилмай қолаётганлиги айтилади ва шундай дейилади: «Қайси бирлари чигатой гурунги томонидан ёсолгон имлони қабул қилиб, онинг йўли билан кетдилар, қайси бирлари эса ул имлонинг ўзигада ва чиқарувчиларигада қарши кетиб, ўзларининг илгариги тутгон йўлларида қолаверадилар. Энг сўнг ички Россияда бўлгон имло ўзгаришин кўргач, оларнинг қайсилари секин-секин чигатой имлосининг туварагига йиғилдилар. Ҳам шул имлода ёзатургон бўлдилар. Белгили, иш бунинг билан битмас эди, zero замон юксалу замони; бу кунги иш эртага эскириб, ишдан чиқиб қоладир. Онга етмокни истовчилар учун албатта янгиликнинг кетидан кетудан бошқа чора йўқдур... Эски имло атагон имломиз бурун чоқлардан бери бир йўсунсиз, негизсиз ёзилиб келмакда бўлгон бир

⁷ Ашурали Зоҳирий. Имло масаласи ҳақида иккинчи турли мулоҳаза (мақоланинг «Умумий мулоҳаза» қисмига қаранг) // Иштирокиюн – 1919. – 19 июнь.

⁸ Бу ҳақда қаранг Абдуллаев Йўлдош. Мозий ва янги алифбо // Ўзбекистон овози. 1995 – 24 январь.

⁹ Элбек. Имло масаласи – Иштирокиюн. – 1920. – 18 сентябрь. № 192.

имлодурким, бунинг билан бир нарсани очик онглов жуда кийиндир. Чунки бир сўзни бир неча турли ўқимок мумкин бўлгонликдан киши кўб янглишади... Демак, эски имло йўлсизлиги учун ташланмоқдан бошка чора қолмайди. Эмди чиғатой имлоси аталгон янги имлога келсак, бу имло эски имлодан ойруларли олти чўзгини қабул эту, уларни қалин, ингичкаликка бўлуб ёзувда алиф (ا) ўрнида ҳамза (ه) ишлату биландир. Ҳар холда бу имло эски имлодан кўб юкори тутилсада, бунинг камчиликларин ва янглишларин кўргач онингда тузатилиб йўлга солинмоғи лозим келадур...» Шундан сўнг муаллиф чиғатой гурунги имлосидаги айрим ҳолатларга ҳам эътироз билдиради: харфларнинг икки гуруҳга – ёт харфлар (арабча, форсча сўзларда ишлатиладиган ح , ع , ض , ص , ط , ظ , ث , ذ , ز , ڙ харфлари) ва ўзимизники бўлган харфларга (ن , و , ن , ا , م , ل , گ , ك , ق , ف , غ , ش , س , د , ر , ر , خ , ح , ج , ت , پ , ب , ه , ي , ا харфларига) ажратилишини маъқулламайди, араб, форс ва рус сўзларида биринчи гуруҳ харфларини, қолган ҳолатларда эса иккинчи гуруҳ харфларини қўллаш ҳақидаги қоидалар қатталар учун қийин бўлганидек, ёш болалар учун ҳам жуда қийин бўлишини айтади: «гўё уларнинг тутқон қоидаларида ёзмок учун ёш болаларнинг ҳам туркча, арабча, форсча сўзларни ойратургон бўлмоқлари керак бўладур. Ўзбек тилини яхши англамаган ёш болалар учун бу йўлнинг қийин эканлиги ўз-ўзидан англашилиб туради. Шунинг учун тўғридан-тўғри ёт харф деган шул тўққиз харфларни бутунлай орадан чиқариб, қўноқларга ҳам туркча қийим қийинтиру ва оларга туркча одат (қилик)ларни тушунтиру керакдир. Бу чоқда бизнинг имлодаги йўл бир даража қулайлашқон бўладур», - дейди у ўз мақолисида.

Мақолада ёзув ва имло қоидаларининг педагогик ҳамда психологик жиҳатларига – равон ўқиш қўникмаларининг шакллантирилиши учун қоидаларнинг изчил бўлишига ҳамда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига алоҳида эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ҳол Элбекнинг

имло масаласига анча тўғри ва жиддий ёндаша олганлигидан далолат беради.

1920 йилнинг 19 сентябрида Элбекнинг «Имло масаласи» номли иккинчи маколasi (аниқроғи, биринчи мақоланинг давоми) чоп этилади.¹⁰ Унда, асосан, чўзгиларга (унли товушларга) график белги тайинлаш масаласи хусусида фикр юритилади, «бу масала янгичилар билан эскичилар орасида тортишилган ҳамза (َ), алиф (ِ) масалаларидан ҳам керак бўлганлиги учун бу нуктада ҳар бир кимсанинг узок ўйлаб, ишка киришуви керак...» эканлиги таъкидланади, ниҳоят «Чигатоӣ гурунги» томонидан тузилган коида жуда ўринли деб топилади, факат арабча, форсча сўзлар имлосининг бу коидадан четда колдирилганлигига эътироз билдирилади: «Бирок, шунисида борким, бу ерда тузилган имло коидаси ёлғиз туркча сўзлар учун бўлиб, арабча, форсча сўзлар мундан ташкари айтилмишдир. Яхшиси, бу коиданида ялпи (умумий) килмок керак эди, чунки болалар шул коидани ўргангач албатта шул йўлда ёза бошларлар...», - дейди мақола муаллифи.

1920 йилнинг 27 ноябрида Элбекнинг яна бир маколasi матбуотда эълон қилинади.¹¹ Мақолада Туркистон ўзбекларининг тили ва имлоси масалаларини кўриш мақсадида шу йилнинг декабрь ойида қурултой чакирилиши режалаштирилганлиги айтилиб, унга Туркистон ўзбеклари алоҳида тайёргарлик билан келишлари лозимлиги уктирилади. «Мундан бурунги бўлиб ўткан қурултойдаги торгишиш ва масалаларнинг кўби бутун турк уругларининг тили бир турли бўлади ва ёзилишлари ҳам бир коида остида ёзилсун каби (ҳозирдан килиниши мумкин бўлмайтурғон бош котирғичи) масалаларининг устида бўлиб келганидан, кўзга кўринарлик бир иш ишланмай келган эди. Эмди мундан сўнгги бўлатурғон қурултой у қурултойлар каби бўлмағусидир. Бунда ёлғизгина бир

¹⁰ Элбек. Имло масаласи // Иштирокиюн. - 1920 - 19 сентябрь.

¹¹ Элбек. Имло ва тил қурултойининг чакирилиши олдидан // Иштирокиюн. - 1920 - 27 ноябрь. № 240.

уймокнинг ўзига тегишли бўлгон шевасида ва ўзига тегишли саналган имлосида ўқиб, ёзишлари ҳамда шул имло ва тилни ялпи шул халқнинг ўзига қабул этдириш тўғрисида кўрилади. Бунинг учун ўлка курултойи чакирилиши олдида Тошкент шаҳрининг ўзида бўлгон ўзбек халқларига тегишли этиб биринчи декабрда шаҳар кунгреси чакирилади», - дейилади мақолада. Унда айтилишича, шаҳар конгрессига она тили ўқитувчилари, театр, санъат ходимлари (чолғучилар ва бошқалар) таклиф этилади, улар курултойда кўриладиган масалаларга тайёргарлик хусусида ўзаро келишиб олишлари керак бўлади.

1921 йилнинг 1-5 январида Тошкентда биринчи ўлка ўзбек тили ва имлоси курултойи бўлиб ўтади. Унда қуйидаги масалалар кўрилади:

1. Ҳарф ва имло масаласи.
2. Сарф ва наҳв масаласи.
3. Санойи нафиса ва адабиёт масалалари.
4. Маориф комиссарлиги ёнида «Илмий ҳайъат» тузиш масаласи.
5. Ҳар хил (галдан ташқари) масалалар.

Ҳарф (алифбо) ва имло масалалари бўйича Фитрат, Ашурали Зохирий ва Боту (М.Ҳодиев) маърузалари тингланади.

Абдурауф Фитрат ўз маърузасида мактаб масаласига Николай замонида аҳамиятсиз кичик бир масала сифатида қараб келинганлиги, Тошкент, Самарканд каби катта шаҳарларимизда икки-уч хил усулда жадид мактаблари очилган бўлса ҳам, уларда «имлодан гапирмок учун етарли кучлар...» бўлмаганлиги айтилади, мактаб масаласига Туркистон Кенгашлар Жумҳурияти пайтида катта аҳамият берилди бошланганлиги, шу муносабат билан имло масаласи ҳам кун тартибига қўйилди бошланганлиги, чунки мактаб масаласининг муваффақиятли ҳал этилишида имлонинг ўзига яраша ўрни борлиги таъкидланади, унда шундай дейилади: «Бутун миллатлар ёзуни ўқимоғоч маънони онглай олмайлар. Маънони онгламок учун ёзуни ўқийлар. Биз эсақ маънони онглаёлмасак ёзуни ўқиёлмаймиз.

Тилимиздаги ... « جمع », « علم » каби 39 эхтимолли сўзларни ёзиб, ўқувчи болаларимизнинг миясини чурутамыз. Туркча сўзларни ёзганда тўрт «харакат» кавул қилган эдик: « ا , و , ي , ن ». Бунларни харака деб олгон экан «نش» , «الاولو , اولو» сўзларида харп қилибда ишлатамыз, бутун харакани ҳам ўз ўринларида ёза билмаймыз. «كىل كه ن» деганда « گه ن » эшитиб, « گان » ёзамиз, « قارا » деганда, « قا » эшитиб, « قى » дан кейин харака қўймаймыз. Узун сўзнинг қисқаси: ёзумиз коидасиз, имломиз бузукдир. Эски ёзумизда бу қадар қийинлик, бузукликлар бор экан, биз ҳукуматимизнинг маориф программасидан бошқа миллатлар қаторида фойдалана олмаймыз, унлардан кейин қоламиз. Бошқалар бир ярим ойда савод чиқарсалар, биз ярим йилда чиқарамиз, бошқалар бир ярим ойда бутун синп болаларининг саводини чиқарсалар, биз ярим йилда бир синп болаларининг юздан элликтасининг ҳам саводини чиқара олмаймыз. Мана янги имлочиларимизнинг мантики: бунларни янги имлога мажбур қилгон сабаблар шулардир... Янги имлочиларимиз хузурингизга чиқиб, ўз асосларини арз этдилар ҳамда айталарким: эски имло блан ёхуд эски имлосизлик блан саводсизликни битириш, блимни умумлаштириш мумкин эмасдир. Саводсизликни битирмак истасалар коидали бўлгон асосларимиз қабул этилсин! Бундан бошқа яна бир масала бор. Ҳарпларнинг шакллари тўғрисида. Биласиз, икки йил бурун харпларимиздан хар бириси тўрт шаклда кўрсатила эди : бош харп, ўрта харп, сўнг харп, айри харп.. Ўткан йил шул «Тош-кент»да бўлгон ўқутғучилар қурултойи бу тўрт шаклни икига тушурди.

Бош харп блан айрим харпни қабул этиб, бутун сўзлар шул ики шакл харплар блан ёзилгон деб, ўқутулсун ҳам ёзилсун, деди. Бунинг блан харпларимизнинг сони 150 дан 50 га тушиб қолди... Янги имлочилар сизга хозир таклип қиларлар харпларнинг бир шаклдан бўлмоғини: айрим харпни ҳам ташлаб бутун сўзларни бош харп (сўзнинг бошида ёзиладиган харф – Ж.Х.) блан ёзайлик дейлар. Буни қабул этсак, харплар билан

чўзгиларимизнинг сони 29 га тушуб қолур, бунинг эса матбаа ва бошқа тўғриёларга пойдали бўлуви белгилидир».¹²

Шундан сўнг маърузачи янги имлочиларнинг қуйидаги таклифлари борлигини айтади:

«1. Эски имломиз бузук, қондасиз бўлғони учун маорипимизни бу имло ва ёзу блан кенгайтмак мумкин эмас. Маорипни кенгайтмак ва саводсизликни битирмак учун имломизни ислоҳ этмак лозимдир.

2. Олти чўзгилари имло қабул этилсин.

3. Тилимиздаги ёт сўзлар ҳам шул олти чўзги блан ёзилсин.

4. Ҳар ҳарп ва ҳар чўзгининг ўзига махсус шакл бўлсин.

5. Уст чўзгиларини ўрунли ёзмак учун сўзларнинг қоллиғи, ингичкалиғи (га) эътибор этилсин. Тилимиздаги арап сўзига ҳам шул тўрт модда қўлдан келганича юритилсин.

6. Ҳарпларнинг шакли икидан бирга тушиб, бутун сўзлар бош ҳарп билан ёзилсун.

7. Тилимизга кириб қолгон ёт сўзлар туркча ҳарплар блан ёзилсун».¹³

Фитрат маърузаси юзасидан сўзга чиққан Шаҳид Аҳмад (Маориф комиссари) янги имлочилар таклифини маъқуллаб, шундай дейди: «... Бизнинг янги имлодан тилагимиз бутун қора халқни тездан ўқу-ёзу танитиб, билимли қилмоқдир. Биз бу ерда бутун янги имло қабул қилмоқ учун йиғилмадик, бизга энди имломизни ва ҳарпларимизни бошқа қилиш эмас, балки бор бўлгон ҳарп ва имломизни тузатиш керакдир».¹⁴

Шаҳид Аҳмад ўз сўзида ҳарфларнинг тўрт шаклдан бир шаклга келтирилиши ҳарфлар миқдорини қамайтиришини, бу ҳол ўз навбатида босмаҳона ва матбаа ишларини осонлаштириши ҳамда оз чиким билан тез иш қўриш имкониятини яратиши мумкинлигини ҳам айтади.

¹² Қаранг: 1921 йил январда бўлгон биринчи ўлка ўзбек тил ва имло қурултойининг чиқаргон қарорлари. - Т.: Туркистон Жумҳуриятининг давлат нашриёти. - 1922. - Б. 13-16.

¹³ Қаранг: 1921 йил январда бўлгон биринчи ўлка ўзбек тил ва имло қурултойининг чиқаргон қарорлари. - Т.: Туркистон Жумҳуриятининг давлат нашриёти, 1922 йил. - Б. 16

¹⁴ Қаранг: 1921 йил январда бўлгон биринчи ўлка ўзбек тил ва имло қурултойининг чиқаргон қарорлари. - Т.: Туркистон Жумҳуриятининг давлат нашриёти, 1922 йил. - Б. 16.

Шундан сўнг мажлисда савол-жавоб жараёни бўлиб ўтади. Унда Довуд, Ғ.Салоҳиддин ва Ашурали Зоҳирийлар иштирок этади.

Ашурали Зоҳирий ўз нуткида Фитратнинг ёт сўзларни (арабча, форсча ўзлашмаларни) ҳам ўз харфларимиз ва ўз чўзгиларимиз (6 чўзги) билан ёзиш керак деган таклифига эътироз билдиради, бундай эътирозини у шундай асослашга ҳаракат қилади: «... биз ёт сўзларни ўз харп ва чўзгимиз билан ёзсок биз энг яқин турган тоторлардан ҳам узоклашгон ва мусулмон оламидан ажрагон бўламиз.

Агар биз янги имло билан дарс беришга одатланиб турганда чет ерларга (чунончи, «Қашқар»га) борсок, онда муаллимлик қилар бўлсак, биз ёзгонни ҳеч ким ўқий олмайди. Бу имлода ёзу ёзмокчи бўлсок ҳеч ким ўқий олмайди. Бу имлода ёзу ёзмокчи бўлсак ҳеч ким билмайди. Ҳозирга қадар тузилган панни ва адабий китобларни ўқий олмаймиз. Шунинг учун бу тўғрида менинг пикрим: ажнабий сўзларни ўз харпи билан ёзайлик. Майли, озорни ўз чўзгимиз билан ҳам ёзайлик, лекин сўнгидан яна қавсайин орасида ўз ёзуви блан кўрсатилсун».¹⁵

Ашурали Зоҳирийнинг бу фикри ва таклифини унга кўмакчи тарзида сўзга чиққан Баҳриддин Азизий ҳам маъқуллайди.

Боту (М. Ҳодиев) мазкур масала бўйича учинчи маърузачи сифатида нутқ сўзлайди. Ўз маърузасида у шундай дейди: «Маданиятда ортда қолгон миллат ёзуви ортда қолгон миллат демакдир... Эмди мен бу ерда эски ёки ўрта имлочилар тўғрисида сўйлаб ҳам турмайман, чунки у бўлмағур бир нарса... Янги имлочиларга келсак, оларнинг тутган йўллари, максадлари ўтганда Тошкент имло кўнференсиясида кўрилган эди: Масалан: бош харп билан ёзишни олсок: буни ёзмок жуда секин бўлади. Сўнгра чўзгиларга келсак, чўзгиларни харплардан айирмок учун қайси бир белгилар ортдирилгон, белгисиз ҳам харпларнинг остида, устида бўлгон

¹⁵ Юқоридаги «... Қарорлар» - Б. 19-20.

нукталари ўзи кшини ҳар вақт адаштириб қийин ҳолго қолдирадир, мана шунинг учун бутунлай ҳозирги араб ҳарфларини ташлаб, кўб миллатлар томонидан қабул бўлгон лотин ёзувини тилимиздаги товушларга мувофиқ бир ҳолго келтуруб қабул қилиш керақдир».¹⁶

Саидали (Ботуга кўмакчи маърузачи):

«... Бу лотин ҳарфларини ёлғиз немислар ёки англизларгина олгон эмас, балки бутун Оврупа миллатлари лотинча ҳарфни қабул қилгондир, ҳатто дунёдаги бутун маданий миллатлар, ёпонлар, амриколилар, ҳатто усмонли турклари лотин ҳарфларини оладилар...

Сиз қайси бир доруҳонадаги дору отлари, дўхтирларнинг дору сўраб ёзгон ёзулари, риёзиётда юкорирок дарсларга ўтганда ишлатиладирган барча ёзулар лотин ҳарипи билан бўладир, мана шунинг учун биз бу эски ва ярамас ҳарфларимизни (араб ҳарфларини) ташлаб, онинг ўрнига лотин ҳарфларини олайлик. Мана шул вақт биз маданий яшай оламиз, бўлмаса йўк!...».¹⁷

Кўриниб турибдики, курултойдаги маърузачилар ҳарфлар ва имло хусусида уч хил тақлиф беришган. Бу уч тақлифдан қайси бирини танлаш масаласи овозга кўйилади. Кўпчилик овоз билан амалдаги (арабча) ҳарфларни айрим тузатишлар билан саклаб қолиш ҳақида қарор қабул қилинади, шундан сўнг Фитрат мажлисга қуйидаги тақлифларни киритади:

«1. Имломизни ислоҳида ҳарп ила чўзги айри-айри юритулсин.

2. Ҳарпларимизнинг сони 23, чўзгилар олти бўлсин.

3. Ёзувларимизнинг барчаси биргина шаклда (бош ҳарп билан ёзилсунлар).

4. Тилимиз орасига кириб қолгон ёт сўзлар ўз ҳарпларимиз билан ёзилсунлар».¹⁸

Бу тақлифнинг 2-моддасига Ашурали Зоҳирий эътироз билдиради: «Ҳарпларимиз сони 24, чўзгилар 5 бўлсун», - дейди у.

¹⁶ Юқоридаги «... Қарорлар», - Б. 22.

¹⁷ Юқоридаги «... Қарорлар», - Б. 22-23.

¹⁸ Юқоридаги «... Қарорлар», - Б. 23.

Бу масала овозга қўйиш йўли билан хал этилади:

23 харф учун 23 овоз, 6 чўзги учун 16 овоз (7 та қарши) билан Фитрат таклифи қабул қилинади.¹⁹

Курултой ишида қуйидаги вакиллар иштирок этган:

№	Исми - шарифи	Қайси шаҳардан	Қайси ўриндан
1.	Аълохўжа Мансурхўжаев	Самарқанд	Маориф шўъбаси
2.	Қориахрор Ғойибназар	Самарқанд	Маориф шўъбаси
3.	Маъруф Маҳмудий	Самарқанд	Маориф шўъбаси
4.	Ашурали Зохирий	Қўқон	Маориф шўъбаси
5.	Салоҳиддин Мажидий	Қўқон	Маориф шўъбаси
6.	Нурулла Муродий	Каттакўрғон	Маориф шўъбаси
7.	Нурулла Сайфулла	Каттакўрон	Маориф шўъбаси
8.	Шукрулла Холмуҳаммад	Мирзаачўл	Маориф шўъбаси
9.	Баҳриддин Азизий	Ўратепа	Маориф шўъбаси
10.	Хайрулла Алибой	Хўжанд	Маориф шўъбаси
11.	Мамад Амин Аваз	Хўжанд	Маориф шўъбаси
12.	Вадуд Маҳмуд	Жиззах	Маориф шўъбаси
13.	Низомиддин Аҳмад	Чоржўй	Маориф шўъбаси
14.	Шамсиддин Наймий	Андижон	Маориф шўъбаси
15.	Тўраҳон Раҳмонберди	Авлиёота	Маориф шўъбаси
16.	Ваҳоб Мурод	Авлиёота	Маориф шўъбаси
17.	Абдусамиъ Қори Зиябой	Тошкент (эски шаҳар)	Маориф шўъбаси
18.	Ақбархўжа Қосимхўжа	Тошкент (эски шаҳар)	Маориф шўъбаси

¹⁹ Юқоридаги «... Қарорлар» - Б. 26

19.	Саидуллақори Шомухаммад	Тошкент (эски шаҳар ўқитувчилари уюшмаси)	Маориф шўъбаси
20.	Насруллақори Қодирий	Тошкент (эски шаҳар ўитувчилари уюшмаси)	Маориф шўъбаси
21.	Миён кози Раҳмон Бокиев	Янги шаҳар маориф шўъбаси	Маориф шўъбаси
22.	Нуриддин Каримий	Тошкент	Имло конференция-сидан вакил
23.	Абдулла Авлоний	Тошкент	Имло конференция-сидан вакил
24.	Абдулла Аҳмадий	Тошкент	Эски шаҳар растасидан.
25.	Ҳамид Сулаймон	Тошкент	Чигатой гурунги
26.	Абдулгани Ёқуб	Тошкент	Чигатой гурунги
27.	Санжар Сиддик	Тошкент	Чигатой гурунги
28.	Шаҳид Аҳмад	Тошкент	Маориф комиссар-лиги (докладчи)
29.	Тоҳир Фатхулла	Тошкент	Маориф комиссар-лиги
30.	Шокиржон Раҳимий	Тошкент	Шаҳар маориф шўъбаси
31.	Маннон Рамзий	Тошкент	Шаҳар маориф шўъбаси.

Қурултойга махсус чакирилган кишилар

№	Исми - шарифи	Қайси шаҳардан	Қайси ўриндан
1.	Муродхўжа Солихий	Тошкент	
2.	Фитрат	Тошкент	докладчи
3.	Элбек	Тошкент	
4.	Саидали Усмон	Тошкент	докладчи

5.	Абдуқаюм Рамазон	Тошкент	
6.	Маҳмуд Максуд	Тошкент	
7.	Шорасул Зуннун	Тошкент	
8.	Мажид Қодирий	Тошкент	
9.	Садриддин Айний	Самарқанд	келмади
10.	Ҳожи Мўин Шукрулла	Самарқанд	келмади.
11.	Ашурали Зоҳирий	Қўқон	докладчи.
12.	Ҳусанхон Махзум	Андижон	келмади.

1921 йил қурултойидан сўнг алифбо ва имло масалалари матбуотда яна анча вақт муҳокама қилиб борилади. Чунончи, «Ҳарфимиз» номли мақолада бу ҳақда шундай дейилади: «Араб тусидаги ҳарфимиз ислохотга муҳтож эмас, яна қайтариб айтаман, араб тусидаги ҳарфимиз ислохотга муҳтож эмас, балки отиб ташлашгагина муҳтождир. Агар араб тусидаги ҳарфимиз отиб ташланмасдан ўзини миллион мартаба ислох қилсада бир тийинлик фойда бера олмас».²⁰

1921 йилнинг 11 январида чоп этилган «Тошкент конференциясида имло масаласи» номли мақолада ҳам аста-секин лотин ёзувига ўтсак «ёзувимиз тартибга солинур, мотурланур, энгиллашур», - деган фикр билдирилади.²¹

1921 йилнинг 27 январида «Қизил байроқ» газетасида «Тил ва имло қурултойи» номли мақола чоп этилади. Унда қурултойнинг алифбо ва имлога оид куйидаги қарори эълон қилинади:

1. Ўзбекистонда ишлатиладурган ҳарфларнинг сони 23 та бўлиб, шулардир: **م ذ و ه ي ز ب ت ج د ذ ر س ش غ ق ك گ گ ل**

2. Чўзгиларнинг сони 6 бўлиб, ушбулардир:

²⁰ Абдукарим Ҳарфимиз // Қизил байроқ - 1921 - 5 январь, № 11.

²¹ ХО (муаллифнинг исми - шарифи шу тарзда қисқартириб кўрсатилган - Ж.Х.): Тошкент конференциясида имло масаласи // Қизил байроқ - 1921 - 11 январь, № 13.

ики уст чўзги: ۵ - ۱

ики ост чўзги: ۛ - ۛ

ики ўтру: ۛ - ۛ

3. Тилимизга кириб қолган ёт сўзлар ўзбек ҳарф ва чўзгилари билан ёзилур.

4. Чўзги ва ҳарфларимиз айри-айри шаклда бўлур.

Ҳарф ва чўзгиларимизнинг шакли икидан бирга (бош ҳарфга) тушурилуру.²²

1921 йилнинг 8 февралда М. Шермухаммаднинг «Алифбо масаласи» номли мақоласи матбуотда эълон қилинади.²³ Мақолада алифбонинг илм-фан тараққиётида тутган ўрни хусусида фикр юритилади, ғарбнинг бу кунги ихтиролари ва буюк тараққиёти уларнинг алифболаридаги қулайлик ва ўнғайлик туфайли содир бўлаётганлиги, шарқнинг эса бу қадар маърифатсизлиги уларнинг алифбосидаги камчиликлар сабабли юз бераётганлиги ҳақида гапирилади: «... бу кун ғарбда мингга бир саводсиз киши йўқ экан, шарқнинг баъзи ерларида мингга бир саводли ва ўқиғон киши тополмаймиз... Бизнинг қўлёзма хатларимизга қарасангиз илон, чаёнлардан тортиб, дунёда бўлғон барча нарсаларнинг ҳаммасининг шаклини топмок мумкиндир. Агар ғарбда бир киши бизнинг алифбони ўрганмакчи бўлса, олти йил умрини сарф қилиб яна тугал ўргана олмайди... Менинг фикрим шудир: билим тенгсизлиги битмас экан фасод ва фитналарга хотима бериб бўлмас. Шарқ ўзининг ҳозирги ноқис ва етишсиз ҳарфлари билан киёматда ҳам ғарб билан илмда тенг бўла олмас,.. Биз халқ ва инсоният тарафдори шарқни қутқармок истасак, ноқис алифбомизни, эски шакл ҳарфларимизни ташлаб, янги ҳарфлар қабул этайлик...» дейилади унда. Демак, мақола муаллифи араб алифбосидан бутунлай воз кечиб, бошқа алифбога кўчишни таклиф қилади, бу масалада Илмий ҳайъатдан ёрдам сўрайди.

²² Содиков. Тил ва имло қурултойи // Қизил байроқ. – 1921 – 27 январь. № 19

²³ Шермухаммад М. Алифбе // Қизил байроқ – 1921 – 8 февраль. № 24

1922 йилнинг 22 мартида Шокиржон Раҳимийнинг «Ўзбек имлоси тўғрисида асослар» номли маколasi эълон қилинади.²⁴ Макола Туркистон Республикаси ўзбек маданияти ва маорифи ходимлари курултойи муносабати билан ёзилган бўлиб, шундай сўзлар билан бошланади: «Ҳар қайси улуснинг адабиётининг тугаллашмаси шу улуснинг тил ва ёзувининг тартиблик ва йўсинлик бўлишига боғлиқдир. Тартибсиз ва қоида сиз тил ёзу бўйинча тузилган адабиётнинг бир кун эмас бир кун битишига ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Тил жон бўлса, ёзу унинг баданидир. Соғ бўлмаган бир танда жоннинг узок яшамоғи қийиндир. Бизнинг ёзувимиз касал. Бунинг иложига тездан киришилмаса иш хавплидир. Бунинг иложига киришувчи яна бизнинг ўзимиз – маорип аҳилларидир...»²⁵

Шундан сўнг муаллиф бизнинг алифбомиз ва ёзувимиздаги қийинчиликларга сабаб бўлган омиллар ҳақида гапириб, уларни бартараф қилиш йўллари хусусида фикр билдиради, таклифлар беради.

1923 йилда ҳам алифбо ва имло масалаларига оид мунозара-бахслар давом этади. Маколаларда бир-бирига зид фикрлар билдирилади, демак, бу масалалар хусусида изчил тугал бир қарорнинг шаклланишига эришилмайди. Бундай вазиятга муносабат билдирган Ашурали Зоҳирийнинг қуйидаги гаплари бу жиҳатдан эътиборга лойиқдир. У шундай деган эди: «Имло масаласида сиз (S) лар қанча жанжал қилинг, ўз идеянгизни ўтказмоқчи бўлинг, типирчинг, шу «ўтказамиз» дейишда муқобилингизни «мугтахам» демокдан ва ўзингиз мугтахамлик қилмоқдан бошқани билмайсиз, тутган йўлингизда ўз хатоларингиз билан ўзингизнинг нодонлигингизни ва бу соҳада тутган йўлингизнинг ҳам асоссиз эканлигини ўзингиз исбот қиласиз...»²⁶

Шундан сўнг макола муаллифи алифбо ва имлони ислоҳ қилиш масаласи Русияда, Туркияда, Кавказда, Татаристон матбуотида кўтарилиб

²⁴ Шокиржон Раҳимий. Ўзбек имлоси тўғрисида асослар (Маориф курултойига) // Қизил байроқ. – 1922. – 22 март, № 155-159.

²⁵ Шокиржон Раҳимийнинг юқорида кўрсатилган маколasiга қаранг.

²⁶ Ашурали Зоҳирий. Янги гап ёзуғичига // Фарғона. – 1341 йил. – 23-ражаб (№ 63). Иш: Ҳижрий йил санаси кўрсатилган. у милодий 1923 йилга тўғри келса керак. – Ж.Ҳ.

келинаётганлигини, Туркистонда эса бу масалада хойе расмиялар (« نه » - « о » лар) қўйишдан бошқа ҳеч нарсага эришилмаганини, имломиз Тошкентда бошқа, Самарқандда бошқа кўринишларда ишлатилаётганлигини айтиб, «Биз шу хилда маймунча ҳаракатлар (имло янгитамиз ва фалонлар) билан унча-мунча бўлиб келаётган хат-саводимиз ва мактабимизни ҳам йўқотдик», - дейди.

Ашурали Зохирий ўзининг яна бир мақоласида алифбо ва имлони тартибга солиш ишлари кейинги вақтларда бир қадар сусайиб қолганлигидан афсусланади; имлодаги бошбошдокликка чек қўйиш, умумтурк қавмлари имлосининг бир йўлда, бир қоидада бўлишига эришиш кераклигини айтади.²⁷

1923 йилнинг 9-10 октябрида Бухорода Ўрта Осиё ўзбекларининг алифбо ва имло масалаларига бағишланган биринчи конференцияси бўлиб ўтади. Конференция қарорига кўра алифбодан ط, ض, ص, ذ, ح, ت, ظ, ع ҳарфлари чиқарилади, натижада алифбо қуйидаги таркибда тасдиқланади:²⁸

ذ ب پ ت ج چ خ د ر ز ژ س ش غ ف ق ك گ گ ل م ن و ه ی

Конференцияда янги алифбо билан бирга имло қоидалари ҳам қабул қилинади.²⁹ Улар (алифбо ва имло) Туркистон Республикаси Халқ Маорифи Комиссарлиги томонидан 1923 йилнинг 18 октябрида тасдиқаниб, 1929-1930 йилларгача (лотин ўзбек графикасига тўла ўтгунга қадар) амалда қўлланиб келади.³⁰ Бу йиллар орасида алифбо ҳарфлари қуйидаги вариантларда ишлатилади: унли фонемаларни ифодаловчи ҳарфлар - ه (ä, a), ئ (и), ئ (ÿ), نا (о), ئو (ÿ, у), ئې (э); ундош фонемаларни ифодаловчи ҳарфлар - ب (б), و (в), گ (г), د (д), ژ (сирғалувчи ж), ج (дж), ز (з), ی (й), ك (к), ل (л),

²⁷ Ашурали Зохирий. Ўтганларга бир қараш (Имло тўғрисида) // Фаргона. - 1923. - 4 сентябрь. № 100.

²⁸ Қаранг: Туркистон Ҷумҳурияти маориф комиссарлигининг Туркистон ўзбекларининг имлолари тўғрисидаги берган буйруғи. - 1923 йил. 18 октябрь. № 18 - Тошкент. 1923 // Сб: Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР - М.: Наука, 1972 - с. 160

²⁹ Бу ҳақда қаранг: Ибрагимов С.И. Узбекский алфавит и вопросы его совершенствования // Сб: Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР. - М.: Наука. 1972. - с. 160

³⁰ Ибрагимов С.И. Юқоридаги мақола. - Б. 160

م (м), ن (н), پ (п), ر (р), س (с), ت (т), ف (ф), ح (х),
ج (ч), ش (ш), ق (қ), غ (ғ), ه (х), ح (х), ك (кг).³¹

1924 йилнинг 11 апрелида Маориф Халк Комиссарлигида алифбо масалаларига бағишланган махсус мажлис ўтказилади. Унда Москвадан юборилган лотин алифбоси (туркий халқлар учун тавсия этилган лойиха) муҳокама қилинади.³² Шу йилининг ўзида Е.Д. Поливанов томонидан лотин харфлари асосида тузилган ўзбек алифбосининг яна бир лойиҳаси муҳокама учун эълон қилинади.³³ Лойиҳа таркиби куйидаги 28 харфдан иборат эди: ундошларни ифодаловчи харфлар – в, с, d, f, g, y, h, z, j, k, l, m, n, p, q, r, s, S, t, x, Z; унлиларни ифодаловчи харфлар э, а, o, u, i, e.

Лотин харфлари асосида тузилган ўзбек алифбоси учун лойиҳаларнинг юзага кела бошлаганлиги ўша йилларда мамлакатимиздаги туркий халқларнинг ёзувларини араб графикасидан лотин графикасига кўчириш ҳаракатининг бир қадар фаоллаша бошлаганлигидан дарак беради: 1922 йилда Озарбайжонда лотин графикасига асосланган янги турк алифбосининг қабул этилиб, 1924 йилгача араб алифбоси билан параллель ишлатилганлиги, 1924 йилда эса унинг (лотин графикасидаги янги турк алифбосининг) Давлат алифбоси деб эълон қилинганлиги, шу йили Янги турк алифбоси комитети раиси Самад ога Оғамали ўгли бошчилигидаги махсус делегациянинг Тошкентда, Симферополда, Оренбург, Уфа ва Қозонда бўлиб, маданият ва маориф ходимлари билан тил ва алифбо масалаларини муҳокама этганлиги фикримизнинг исботидир. Дарвоқе, айти шу делегациянинг сафардаги учрашувлари жараёнида мамлакатдаги барча туркий халқлар вакиллари иштирокида бутуниттифок қурултойи чақириш, тил ва алифбо муаммоларини шу қурултойда кўриб чиқиш

³¹ Ибрагимов С.И. Юқоридаги мақола - Б. 172.

³² Қаранг: Абдуллаев Йўлдош Мозий ва янги алифбо // Ўзбекистон овози. – 1995. – 25 январь.

³³ Поливанов Е.Д. Проект латинского шрифта узбекской письменности // Бюллетень 1-го Средне-Азиатского Государственного университета - Ташкент, 1924. № 6. – с. 158.

мақсадга мувофиқдир, деган хулоса юзага келади. Бу хулосани кейинчалик Москва ва Ленинград туркшунослари ҳам маъқуллашади.³⁴

1925 йилнинг биринчи ярмида Маориф Комиссарлигининг илмий маркази қошидаги ўзбек кўмитаси мажлиси бўлиб ўтади. Унда «Лотин алифбоси тўғрисида матбуот воситаси блан мувоҳаса очишга ва умумий фикрлар блан танишмоққа қарор берилади».³⁵

1925 йилнинг 29-30 ноябрида Самарқандда тил мутахассислари ва ўзбекшунослар кенгаши ўтказилади. Унда тил ва истилоҳ (термин) масалалари бўйича Ғози Олим Юнусов, Е.Д.Поливанов маърузалари тингланади. Кенгашда қуйидаги қарор қабул қилинади: «Бугун ишлатилмоқда бўлган имломизнинг етишмовчиликларига қарамасдан айтиш мумкинки, кўп имлолардан мукамалдир. Бу имло етишмовчиликларини бир имло кенгаши йиғиш билан тўлдириш мумкиндир. Шунинг учун-ла бошқадан бир лотин ҳарф ва имлоси масаласини кўтариш ортиқчадир».³⁶ «Бутун турк оламининг кўпчилиги томонидан араб ҳарфлари асрлардан бери ишлатилиб келиб, туркларнинг аксариятининг тарих ва адабиёти билан боғланганлигини эътиборга олиб, биз турклар учун араб ҳарфларини олишни мувофиқ топамиз».³⁷

1926 йилнинг 3 январида Бокуда Бутуниттифок туркология қурултойи олдидан ташкилий комиссия-йиғилиши (пленими) бўлиб ўтади. Бу пленумда қурултойнинг кун тартиби (қўриладиган масалалар ва маърузачилар) белгиланади. Бундай масалалар қаторида умумий имло (маърузачилар: О. Шароф, Пешковский, Жирков), турк тилларининг имлоси (Олимжон Иброҳимов, Навширавонов, Фарход Оғазода), тилни ўрганиш ва техника нуқтаи назаридан алифбо тузилиши (маърузачилар: проф. Н.Ф. Яковлев ва проф. Жирков), турк миллатлари алифбосининг

³⁴ Бу ҳақда қarang: Исаев М.И. Языковое строительство в СССР (Принципы создания письменностей СССР). – М.: Наука. 1979. – с. 68.

³⁵ Қarang: Илмий марказда Лотин алифбоси масаласи // Маориф ва ўқитғучи. – 1925. № 4. – Б. 76.

³⁶ Қarang: Маориф ва ўқитғучи. – 1925. – № 9-10. – Б. 121. Яна қarang: Фаҳри Камол. Ўзбек орфографияси: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент. 1946. – б. 3-4.

³⁷ Қarang: Маориф ва ўқитғучи. – 1925. № 11-12. Б. 141-143. Яна қarang: Фаҳри Камол. Кўрсатилган дисс. – Б. 3-4.

ислохоти (маърузачилар Муҳаммадзода, Олимжон Шароф, Назир Тўракулов, Таҳсил Умар, Бердиев ва Муштарий) каби масалалар бор эди.³⁸

1926 йилнинг 26 февраль – 6 март кунлари Бокуда туркологларнинг Бутуниттифок курултойи бўлиб ўтади. Курултойда собик иттифокдаги туркий Республикалар ва вилоятлардан, шунингдек туркий бўлмаган бошқа республикалардан келган 131 вакил иштирок этади, курултойнинг 17 та йигилишида 38 та маъруза тингланади: Н.Ф. Яковлев (Россия), Л.Г.Жирков (Россия), Ж.Маҳмудзода (Озарбайжон), Олимжон Шароф (Татаристон), Назир Тўракулов (Ўзбекистон), У.Д.Алиев (Озарбайжон), Б.Бердиев (Туркменистон) ва бошқларнинг маърузалари шулар жумласидандир.³⁹

Курултойнинг араб ва рус графикаларига асосланган алифболарда иш кўраётган туркий халкларнинг ёзувларини лотинлаштирилган алифболарга кўчириш масаласига бағишланган йигилишлари анча тортишувли вазиятда ўтади: Қирғизистон, Доғистон, Шимолий Кавказ, Туркменистон вакиллари лотинлаштириш таклифини маъқуллашади, аммо Татаристон вакиллари ислох қилинган араб ёзувида қолиш истагини билдиришади: уларнинг фикрича, араб алифбоси табиат ва иқтисодиёт қонунларига мувофиқ шакллантирилгандир, бу алифбо шеър ёзишни эндигина машқ қилаётган ёш шоирлар учун, ўқишни эндигина ўрганаётган ёш болалар учун жуда қулайдир, рус ва лотин ҳарфларида ёзилган китобларни кўп ўқиш эса кўзойнак тақишга мажбур қилади. Татаристон вакили Олимжон Шароф томонидан айтилган бу гаплар курултой иштирокчиларининг жиддий эътирозига сабаб бўлади. Шу масала бўйича сўзга чиққан Ўзбекистон вакили Бекжон Раҳмон эса араб маданияти, араб ҳарфлари ва умуман араб таъсири натижасида «Ўрта Осиё халқларининг умумий маданият ишларида бошқа маданий халқлардан неча юз йиллар кейинга

³⁸ Бу ҳақда қаранг: Ашурали Зоҳирий Туркулужи курултойи атрофида // Фарғона - 1926 - март - № 374

³⁹ Бу ҳақда қаранг: Первый Всесоюзный поркологический съезд, 26 февраля - 5 марта 1926 г. Стенографический отчет. - Баку, 1926. с. 216-227 (Н.Ф.Яковлев), 231-238 (Л.И.Жирков), 238-249 (Д.Мамед-Заде), 242-260 (Г.Шараф), 263-268 (Н.Тюракулов), 268-272 (У.Д.Алиев), 272-277 (Б.Бердиев)

колгонликларини, янги оёққа босиб келадурғон ёш ўзбек маданиятининг байналхалқ маданиятга якинлашиш мақсадида у эски таъсирлардан озод бўлишқа тайёр эканлигини» айтиб, Ўзбекистон вакиллари номидан янги турк (лотин) алифбосига ўтиш таклифини маъқуллайди.⁴⁰

Доғистон, Шимолий Кавказ, Туркменистон, Бошқирдистон, Қирғизистондан сўзга чиққан вакиллар ҳам янги турк (лотин) харфларига ўтишни маъқул топадилар.

Қурултойда кўпчилик овоз билан (тарафдорлар – 101 та, қаршилар – 7 та) куйидаги қарор қабул қилинади:

1. Қурултой янги турк (лотин) алифбосининг араб алифбосидан, шунингдек ислох қилинган араб алифбосидан ҳам устунлигини ва техник жиҳатдан афзалликларини, бу алифбонинг жорий этилиши бениҳоя катта маданий-тарихий ва прогрессив аҳамиятга молик бўлишини қайд этгани холда, уни амалга киритиш, шу билан боғлиқ чора-тадбирларни белгилаш ишлари ҳар бир республика ва халқ учун ихтиёрийдир деб ҳисоблайди.

2. Қурултой Озарбайжонда, шунингдек СССР нинг айрим республика ва вилоятларида (Ўқутистон, Қирғизистон, Ингушетия, Қорачай - Черкессия, Кабардин, Болқор, Осетия ва Чеченистонда) янги алифбонинг қабул қилинганлигини, Бошқирдистон, Туркистон, Адигей-Черкессияда янги алифбога ўтиш жараёни оммавий тус олганлигини катта ижобий ҳаракат сифатида баҳолайди, бу соҳада амалга оширилган ишларни кизгин табриқлайди, айти пайтда қолган туркий-татар ва бошқа халқларни янги алифбега ўтишда Озарбайжонда, бошқа Республикаларда тўпланган тажрибалардан унумли фойдаланишга даъват этади.⁴¹

Қурултойда бу муҳим ишни давлат миқёсида мувофиқлаштириб турувчи ягона марказ ташкил қилиш кераклиги қайд этилади ва бундай марказ тузилгунга қадар шу соҳага оид ишларни бошқариб бориш

⁴⁰ Қаранг: Усмон М. Туркиёт қурултойида алифбо масаласи // Маориф ва ўқитғучи - 1926. № 3. - Б. 30-31

⁴¹ Қаранг: Агагаде Ф. Каракашлы К. Очерки по истории развития движения нового алфавита и его достижения - Казань 1928 - С. 78-79 Яна қаранг: Исаев М.И. Языковое строительство в СССР. - М.: Наука. 1979 - с. 70-71.

Озарбайжон Янги турк алифбоси комитетига (бу Комитет 1922 йилнинг 21 июлида Бокуда ташкил топган)⁴² ва унинг раиси Самад Оғамали ўғли зиммасига юкланади.⁴³

Боку курултойидан сўнг барча туркий республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ёзувни лотин графикасига кўчириш харакати жадаллашади. Чунончи, «Маориф ва ўқитгучи» журналида чикқан бир мақолада бу ҳақда шундай дейилади: «Нима учун арабдан лотинга ўтиш керак? Шу сўроқка киска қилиб жавоб берамиз:

1. Араб алифбоси турк тилидаги товушларнинг шаклини тамомила бера олмайди.

2. Араб алифбоси техника томонидан лотиндан куйида туради. Арабда нукталар, аломатлар, бош, ўрта ва сўнгги ҳарфлар бордир. Лотин эса булардан узоқдир...

3. Араб алифбоси ўқитиш, ўрганиш ишида лотиндан ортда тургани, техника томонидан бузуклиги устига ерлилаштириш ишида ҳам тўскинлик қилади. Масалан: ёзу машиналари, стенография, телеграф ва шунга ўхшашлар...».⁴⁴

1926 йилнинг 28 мартда Кўкондаги «Дехкон уйи»да (илгариги хоннинг хашаматли уйида) Боку курултойи тўғрисида Ашурали Зоҳирий маъруза ўқийди. Маърузачи курултойнинг очилиш тартиби, риёсатга кимлар сайлангани, курултойда иштирок этган таникли мутахассислар хусусида маълумот бергач, шундай дейди: «Курултойда ҳаммаси бўлиб 17 масала кўрилди. Буларнинг ичида энг муҳим бўлгон масалалар алифбо ҳам атамалар масаласи эди: Мен бу кунги маърузамда кўбрак ана шу масалаларга тўхталиб ўтаман». Шундан сўнг Ашурали Зоҳирий курултойда янги турк (лотин) алифбоси тарафдорлари билан араб алифбоси тарафдорлари ўртасида юз берган тортишувлар, бунда лотин

⁴² Исоев М.И. Юқоридаги асар. - Б 63-64.

⁴³ Исоев М.И. Юқоридаги асар - Б 71.

⁴⁴ Иномов Р. Лотин алифбоси учун кураш // Маориф ва ўқитгучи - 1926 - №3. - Б. 5-7.

алифбосига ўтиш таклифи устун келганлиги ҳақида, лотин алифбосининг «таълим жиҳатдан бўлсин, техника жиҳатдан бўлсин минг мартаба қулайроқ, енгилроқ, осонроқ» жиҳатлари хусусида гапириб, курултойнинг тўғри қарор қабул қилганлигини айтади.⁴⁵

1926 йилнинг 19-21 майида Самарқандда ўзбек зиёлиларининг алифбо муаммоларига бағишланган илмий кенгаши бўлиб ўтади ва кенгаш қарорига биноан янги алифбо лойиҳаси тузилади, бу лойиҳа Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги томонидан тасдиқланади.⁴⁶ Лойиҳада кўрсатилган 33 та ҳарфдан 10 таси (А, а, э, е, о, ө, и, у, ь, і ҳарфлари) унли товушларни ифодалаш учун белгиланган, русча Г ҳарфи «Ғ» товуши учун, З ҳарфи эса «Ш» товуши учун, лотинча Z ҳарфи «ж» товуш учун, җ ҳарфи эса «нг» товуши учун олинган. Бундан ташқари, лойиҳага апостраф белгиси ҳам киритилган. Лойиҳада бош ҳарфлар берилмаган, шу сабабли А ҳарфининг кучсиз лаблаған «а°» унлисини ифодалаш («ота» сўзининг *Ата* деб ёзилиши) назарда тутилган; а ҳарфига орқа катор лаблағанмаган «а» унлисини (*qalam* сўзида), э ҳарфига олд катор «а» ни (*katta* сўзида), ь ҳарфига орқа катор , йўғон «ы» унлисини (*qyz* сўзида), і ҳарфига олд катор, тор, ингичка «и»ни (*kir* сўзида), е ҳарфига ўрта кенг лаблағанмаган «э» унлисини (*sen* сўзида), у ҳарфига эса «ув» дифтонгини (*su* – «сув», *qu* – «қув» сўзларида) ифодалаш вазифаси юкланган.⁴⁷

Самарқанд кенгаши қарорларини амалга киритиш ҳақида шу кенгаш ташкилотчиларидан бири бўлган А. Фитрат қуйидаги гапларни айтган эди: «Кенгаш мажлисининг лойиҳаси шу кунларда Маориф Комиссарлиги коллегиясида қараб, қабул этилгандан кейин, комиссарлар шўросида қараладир. Онда ҳам қабул этилгач, қонуний алифбо бўлиб қоладир. Ондан кейин онинг татбиқ чораларига киришиладир. Татбиқ учун кўрилгуси

⁴⁵ Қаранг: Мухбир (Мадамин Иброҳимов). Туркистон курултойи тўғрисида маъруза // Фарғона. – 1926. – 1 апрель. № 384.

⁴⁶ Қаранг: Маориф ва ўқитгучи. – 1926. – №5. – Б. 50 Яна қаранг: Фахри Камол. Кўрсатилган дисс. Б. 4-5.

⁴⁷ Қаранг: Фахри Камол. Кўрсатилган дисс. – Б. 4-5.

чоралар мана шулардир: Ўзбекистон Марказий Ижроя Кўмитаси ёнида Марказий «Лотин харфлари кўмитаси» тузиладир.

Маориф Комиссарлиги эса бу кўмитанинг илмий жихатларига қарайди. Вилоятларимизда лотин кўмиталари тузилади. Лотин харфлари билан алифбо китоблари ёзиладир. Шу кунларда очилган таълим-тарбия курсларимизда янги ўзбек алифбосини ўргатмак учун махсус соатлар белгиланадир. Журнал, газеталаримизда янги ўзбек харфларига ўрин бериладир. Қабул этилган харфларимиз араб харфлари билан баробар татбиқ эттирилиб, Ўзбекистонда яқиндагина тарқатиладир.⁴⁸

1926 йилнинг 10 июнида Ўзбекистон Ижроия Шўролар Жумҳурияти Кенгашининг 1-чақирик 4-сессияси бўлиб ўтади. Унда янги алифбога ўтишни режали равишда амалга ошириш мақсадида Ижроия Кенгаш хузурида Ўзбекистон Янги Алифбе Марказий Кўмитасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинади, шу қарорга кўра Янги Алифбе Марказий Кўмитасининг 44 кишидан иборат қуйидаги таркиби ҳам белгиланади: Й. Охунбобоев (Раис), Р. Иномов (Раис муовини), Хўжаев Мўмин (Раис муовини), А. Икромов, Файзулла Хўжаев, Пўлатов, А. Мавлонбеков, Ризаев, Иноятлов, Назаров, Бурхонов, Назиркулов, Бурнашев, Алимов, Элбек, Ҳамидхонов, Мажидов, Одилий, Қориев, Каримов, Раҳматуллаев, Абдужабборов, Хўжа Мўмин, Тожиев, Рамзий, Каримов, Азимов, Охунов, Зоҳиров, М. Алимов, Холмуродов, Садрий, Мавлонбеков, Ширинов, Рўзибоев, Диловархонов, Масаидов, Болтаев, Бекжон Раҳмонов, Фитрат, Д. Алимов, А. Қодирий, Рунбаев.⁴⁹

1926 йилнинг 11 августида Самарқандда Ўзбекистон Илмий Марказининг махсус мажлиси чақирилади. Унда лотин графикасига асосланиб тузилган алифбонинг янги лойихаси кўрилади. Лойихада

⁴⁸ Фитрат Лотин харфларига кўчмаси // Озод Бухоро. 1926. 3 июнь. (Микола Абул Бозоров томонидан қайта нашрга тайёрланиб, «Маърифат» газетасининг 1991 йил. 1 август сонида эълон қилинган).

⁴⁹ Бу ҳақда қаранг: Постановление 4-сессии ЦИК Советов УзССР 1-го созыва «О необходимости введения ново-узбекского (латинского) алфавита, об образовании Комитета по введению ново-узбекского алфавита // Центральный Архив АН Республики Узбекистан. фонд № 4, опись № 2, ед. хр. 14. - с 1-3

унлилар учун 12 та шакл олинган бўлиб, шулардан 10 таси жуфт, 2 таси ток унлиларни ифодалаш керак эди: а – ä, о – ö, u – ü, i – ĩ, iy – ĩy (жуфт унлилар учун. Булар йўғонлик ва ингичкалик белгилари билан фаркланади); е ва иv (эшсиз, тоқ товушлар учун).

Ундошлар учун белгиланган ҳарфларнинг 18 таси дастлабки лойихада қандай бўлган бўлса, шундай қолдирилган, қолган 5 таси ўзгартирилган: j («ж» учун), y («й» учун), °l («ғ» учун), Š («ш» учун).

1926 йилнинг 27-29 августида Самарқандда илмий кенгаш бўлиб ўтади. Унда шу йилнинг май ойида бўлган кенгаш ва 11 августдаги илмий марказ лойиҳалари атрофлича текширилиб, куйидаги қарор қабул қилинади:

1. Оддий чўзгилардан тўккуз чўзгу қабул қилиниб, улар учун ушбу шакллар белгилансин:

а - ئا Ә - ә о - و ө - ۆ u - ۇ у - ۇ i - ې b - ې e - ې

Қолган товуш (...) мураккаб саналиб, мураккаб шакл белгилансин:

Мисоллар: suv, qəjma, kijmæk.

2. Сомат товушлардан 23 товуш олиндиб, улар учун тубандаги шакллар белгилансин:

°l - غ	Z - ز	r - ر	
g - گ	b - ب	S - س	
h - ه	c - چ	3 - ش	
j - ي	Z - ج	t - ت	
q - ق	d - د		
k - ك	f - ف		
L - ل	n - ن		
m - م	ŋ - نڭ		
v - و	p - پ		
x - خ			

ˆ - апостроф чет сўзларнинг айтилишини саклаш учун мана шу туруш (ˆ) қабул қилинди. Масалан: mæsˆul, mæˆlum.⁵⁰

1926 йил сентябрида имло қоидалари ҳам қабул қилинади.⁵¹ Унда шундай дейилади: «Имлода ики усул блан фойдаланиш мумкин: савтий

⁵⁰ Бу ҳақда қаранг: Маориф ва ўқитгучи. 1926 - № 7-8 - Б. 41-42

⁵¹ Қаранг: Янги ўзбек алифбосида имло қоидалари // Маориф ва ўқитгучи - 1926. № 7-8. - Б. 43-46.

(фунетик) ҳам сарфий (этимулуйи) усул. Савтий усулда асос эшитилишича ёзиш бўлиб, сарфий усулда асос – сарфий кўшмачадирлар. Бизнинг тилимизда бир канча шевалар бўлгонидан таълим-тарбия ишларида энгиллик учун хар ики усулдан ҳам фойдаланишга қарор берилди.

Сўзнинг томири эшитилганча ёзиладир. Кўшмачалар сарфий усул блан ёзиладир. Буларнинг ҳаққида изоҳат ва мисоллар қуйида ёзилгандир...» Шундан сўнг феъл ва от туркумларидан бир неча сўз шаклларининг ёзилиши намуна тарзида берилади.⁵²

1926 йилнинг 16 октябрида Ўзбекистон Шўролар жумхурияти Марказий Қўмитаси ўзининг 88-сонли қарори билан Янги Алифбо Марказий ва Маҳаллий кўмиталари низомини тасдиқлайди. Бу низомда Марказий ва маҳаллий кўмиталар структурасининг ҳуқуқ ва вазифалари белгиланади. Улардан айримларини келтириб ўтамиз (улар Архивдаги русча матндан айнан кўчирилди):

1. . .

2. . .

3. На Центральный Комитет по введению ново-узбекского алфавита возлагается выработать правильный метод постепенного (но скорейшего) введения в УзССР указанного алфавита и практическое осуществление этого введения.

4. Для осуществления возложенной на него задачи, Центральный Комитет имеет право:

а) принимать и проводить в жизнь, с утверждения Президиума ЦИК Советов УзССР, решения, касающиеся введения нового алфавита (латинского алфавита);

б) . . .

в) . . .

г) . . .

⁵² Қаранг: Маориф ва ўқитғучи – 1926. №: 7-8 . Б. 43-46.

д) . . .

ж) . . .

з) посылать своих делегатов на съезды и конференции по вопросу о латинизации тюркского алфавита, как на всесоюзные, так и на созываемые отдельными Республиками Союза ССР.

5. Для выполнения текущей работы и руководства всей деятельностью Центрального Комитета образуется президиум...

6. . . .

7. . . .

8. . . .

9. . . .

10. . . .

11. . . .

12. Центральный Комитет в отношении научной стороны своей деятельности поддерживает непосредственную связь с Народным Комиссариатом Просвещения Уз ССР.

13. . . .

14. . . .

15. . . .

16. . . .

17. Центральный Комитет ликвидируется лишь после полного введения в Уз ССР ново-узбекского (латинского) алфавита.

16 октября 1926 г № 88.⁵³

1926 йилнинг охирроғида Отажон Ҳошимнинг янги алифбога Ўтиш харакатини қувватлаб ёзган мақоласи чиқади.⁵⁴ Мақолада араб алифбосидан воз кечиб, латин алифбосини қабул қилиш турк-татар халқларининг миллий маданияти ва маорифини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган жиддий тадбир эканлиги, бу алифбо тилнинг ўқиш ва

⁵³ Центральный Архив АН Республики Узбекистан. Фонд № 4, опись № 2, ед. хр. 14. – С. 6-8

⁵⁴ Отажон. Янги алифбомизнинг чиқиши / Ер Юзи. - 1926. - № 16 - Б 12-13.

ёзиш шакллари анча енгиллатиши мумкинлиги айтилади, шундан сўнг араб алифбосида қолиш тарафдорларига эътироз билдирилади. Маълумки, арабчилар лотин алифбосига ўтиш декрет билан амалга ошириляпти, декрет чиқарилмаганда араб алифбоси ўз ўрнини сақлаб қолади, деган фикрда эдилар. Отажон Ҳошим бу фикрга қарши шундай дейди: «Йўқ, бундай эмас. Арабчадан лотинчага ўтиш турмуш ва турмушда тўкнашилган қўб тажрибавий масалалар орасида бундай кенг равишда ўртоға отилди. Бугун бўлмаса эртага, эртага бўлмаса индинга лотинча масаласининг чиқиши лозим эди. Бутун ишчи-деҳқон оммасини тезлик билан саводли қилиш, бундан кейин турк-тотор миллатлари орасида матбаа ва матбуот ишларини тараққий этдириш ва давлат апаратини миллий тилда қўйишни эсингизга олсангиз лотинчага ўтиш масаласининг бундай бир катта ҳаракат шаклига кириши ўзидан ўзи маълум бўлиб қолади...», - дейди муаллиф ва айна шу омиллар Марказий Ижроқўм қошидаги ўзбек лотин алифбоси Марказий қўмитасининг илмий Марказ билан бирга 29 августда Ўзбекистон микёсида конференция чақиришига сабаб бўлганлигини, бу конференцияда май ойида муҳокамага қўйилган лойиҳа қўриб чиқилганлиги, бу лойиҳа бир қадар тузатилиб, сўнг қабул қилинганлиги айтилади ва шу алифбонинг қўйидаги жадвали мазкур мақола таркибида берилди.

تۈزۈپ بەن ئىفاسىب. ALIFBASA. ۹۷/۱۹۲۷

ا-آ ا-ا dal.	6-B ب	d-d د	f-F ف	m-M م
ع-ع ع-ع salim, salim.	1-T ت	z-Z ز	q-Q ق	n-N ن
پ-پ پ-پ p-P pup, pup.	p-P پ	z-Z ز	k-K ک	v-V ف
ق-ق ق-ق q-Q qatib, holdi.	z-Z ز	s-S س	q-Q ق	h-H ه
چ-چ چ-چ mon. s.m.	c-C چ	z-Z ز	h-H ه	j-J ي
خ-خ خ-خ x-X xib, xib.	x-X خ	q-Q ق	l-L ل	m-M م

1927 йилнинг бошларида Маориф Комиссарлиги томонидан сўнги 2 йил ичида амалга оширилган ишлар шу комиссарлик коллегиясида кўрилади, унда 1925-1927 йилларда бу соҳада анча ютуқлар қўлга киритилганлиги, аммо бир катор камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги айтилгач, бу камчиликларни бартараф қилиш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Режада куйидагилар назарда тутилади:

1. Янги ўзбек алифбе китоби тузиш ва нашр этиш.
2. Имло тартиблари тузиш.
3. Рахбарлар тайёрлаш учун марказий курс ташкил қилиш ва маҳаллаларда лотинчилар тўғарақларини тузиш.

4. Ўзбекистон Жумхуриятининг барча ўрта мактабларида лотинлаштирилган алифбони ўргатиш дарсларининг режаларини ишлаб чиқиш.

5. Вилоят янги алифбо кўмиталарига ишлаш учун тегишли кўлланма бериб, яқин орада уларни тартибга солиш.⁵⁵

1927 йилнинг 28-29 майида Самаркандда Ўзбек, Қозок ва Қирғиз жумхуриятлари вакилларининг бирлашган кенгаши бўлиб ўтади, унда Ўрта Осиё туркий халқлари учун умумий бўлган куйидаги алифбо ишлаб чиқилади:⁵⁶

a	آ	v	ۋ	z	ز	d	د	e	ه
q	ق	γ	ع	k	ك	g	گ	i	ي
l	ل	sh	ش	n	ن	ñ	ن	o	و
p	پ	r	ر	s	س	sh	ش	t	ت
ch	چ	c	ع	z	ز	y	ي	v	ۋ
x	خ	h	ه	f	ف	aukmalik	apostrof		
						belgisi			

1927 йилнинг 1 июнида Бокуда собиқ СССРнинг Янги Турк Алифбоси Марказий Кўмитаси (ВЦК НТА) ўзининг биринчи пленумини

⁵⁵ Хабарлар. Маориф Комиссарлиги коллегиясида // Маориф ва ўқитгучи. - 1927. № 3-4. - Б. 60-61.

⁵⁶ Гози Олим. Ўрта Осиё тюркларининг янги алифбоси // Маориф ва ўқитгучи - 1927. - № 6. Б. 39-40.

ўтказади (бу кўмита 1926 йилнинг ёзида Москвада – СССР Марказий Ижроия Комитетининг навбатдаги сессияси пайтида ташкил этилган, унинг раиси қилиб Самад Оғамали ўғли сайланган эди).⁵⁷

Пленумда лотин графикаси асосида тузилган бирлашган турк алифбоси қабул қилинади. Бу лойиҳа қуйидаги 33 ҳарф ва тутук белгисини ўз ичига олади.

А а (ا), В в (ب), С с (ج), Ç ç (چ), D d (د), E e (ه),
Ә ә (ه), f f (ف), G g (گ), Ğ ğ (غ), h h (ه), İ i (ی), J j (ی),
K k (ك), L l (ل), m m (م), n n (ن), Ŋ ŋ (ئ), O o (و), Ø ø (و),
P p (پ), Q q (ق), R r (ر), S s (س), Ş ş (ش), t t (ت), U u (و),
V v (و), X x (خ), Y y (ی), Z z (ز), Z z (ز), b b (ب), apostrof
(mas'ul).⁵⁸

Пленумдан сўнг унинг натижалари ҳақида Отажон Ҳошимнинг махсус маколasi эълон қилинади.⁵⁹ Унда бу пленумнинг аҳамияти катта эканлиги, туркий халқлар алифболарини бирлаштириш шу халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, уларнинг маданиятини ривожлантириш учун хизмат қилиши айтилади.

Шундан сўнг туркий халқларнинг алифболарини бирлаштириш асослари хусусида гапирилади. Унда шундай дейилади:

«Бутун турк халқлари алифболарини лотин асосида бирлаштириш биринчи мартаба қўйилаб турган масала бўлгон учун – турк алифболарини бирлаштириб муштарак алифбе тузиш мумкинми? деган савол ҳар бир киши олдиға келиб туради.

- Муштарак алифбо тузиш мумкин. Бунинг учун ики асос (принцип) бор: биринчиси савтий, иккинчиси сарфий асосдир. *Савтий* асос шундан

⁵⁷ Қаранг: Исаев М.И. Языковое строительство в СССР – М.: Наука – 1979 – с. 71

⁵⁸ Қаранг: Исаев М.И. Юкоридаги асар. – Б. 322 Яна қаранг: Аланга. – 1928 № 5 – Б. 1

⁵⁹ Отажон. Боку пленуми натижалари // Маориф ва ўқитғучи – 1927 - № 7-8 – Б. 54-57.

иборатки, муштарак ҳар бир товуш учун бир хил шакл қабул қилинадида, турк халқларининг ҳарфлари шаклан бирлашади. Масалан, ن, ق, م, ك, ва бошқа ҳарфлар турк халқлари учун муштарак эса, буларнинг ҳар бири учун умумий бир шакл қабул қилинадида, бундай муштарак ҳарфлар шаклан бирлашиб кетаверади. Сарфий асос шундан иборатдирки, бир шакл турли товушлар учун олинади. Турк халқлариға муштарак бўлгон товушларға шакл олиш масаласида бу асоснинг кераклиги йўқ. У фақат муштарак бўлмоғон товушлардагина чиқади. Масалан, туркманларда « ز » ҳарфининг йўқ бўлдиғи ҳолда « ذ » ҳарфи, « س » ҳарфининг йўқ бўлдиғи ҳолда ث ҳарфи бордир. Мана бундай ҳолларда янги шакллар қабул қилмаслик учун бир оз бўлса ҳам сарфий асосдан фойдаланишқа тўғри келади. Сарфий асосни ҳам қонун қилсак, яъни сарфий асосдан бир оз бўлса ҳам фойдаланишга йўл қўйсак, юкорида кўрсатилган мисол тездан ҳал бўлади, чунки қўб турк халқлари учун муштарак бўлгон « ز » ҳарфиға олинган шаклни « ذ » га, « س » га олинган шаклни « ث » га бера оламиз. Шундай қилгон вақтда туркманларда хафа бўлмайди; «bozor» (ز) сўзимизни туркманлар «bodzor» - «بازار» деб ўқийберадилар. Агар сарфий асосдан ҳам фойдаланишга йўл қўймасақ, бундай масалаларни ҳал қилиш кийин, ҳал қилинса ҳам тўғри бўлмайди, чунки анча шакл ортдирилгон бўлади. Шу сабабдан турк алифболарини бирлаштириб муштарак алифбо тузишда фақат савтий ёки сарфий асос билангина чегараланиш хато; мумкин бўлар экан (юкоридаги мисоллар мумкин эканни кўрсатади), ики асосдан ҳам фойдаланиш керак. Мана шунинг учун Боку пленуми ҳам масалани диалектикача қўйиб, асосан савтий асосни қабул қилиб, мумкин бўлгон чокда сарфий асосдан ҳам фойдаланишиға йўл қўйди».

Маколада сингармонизм қонунияти барча туркий тилларға хос бўлганлиги учун муштарак турк алифбосида бу қонуният ҳам ҳисобга олинганлиги айтилиб, ўзбек тилини ва латин алифбосини тузишда ҳам

шунга амал қилиш кераклиги, чунки сингармонизми шевалар бизда кўпчиликни ташкил этиши таъкидланади.

Мақолада айтилишича, Боку пленумида босма ва ёзма, катта (бош) ва кичик ҳарфлар қабул қилинган бўлса-да, бу масалада ҳар бир жумхуриятнинг ўзи қарор қабул қилиш ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилган. Шу асосда биз катта ва кичик ҳарфларни (икки хил шаклни) қабул қилмаймиз, деган фикр билдирилади.

Мақола муаллифи Боку пленумида кўрилган масалалардан яна бири ҳарфларга шакл танлаш масаласи бўлганлигини айтар экан, бу масалада қуйидаги принципларга асосланиш лозим топилганлигини уқтиради:

1. Шакллар бир-бирига ўхшамаслиги керак.
2. Шакллар устида, остида белгилар бўлмасин; бўлса ҳам тез ёзмокка ва шаклларнинг бир-бирига боғланишига зарар бермасин.
3. Шакл мураккаб бўлмасин.
4. Шакллар матбаада қийинчилик туғдирмайдиган бўлсин.
5. Лотин ҳарфларини мумкин қадар лотинча бўлган ифодаси билан олишга ҳаракат қилиш керак.

Шундан сўнг мақолада Боку пленуми тавсия этган муштарак алифбонинг қуйидаги жадвали (бир қадар ўзгартирилган кўриниши) келтирилади:

а	В	d	f	m
о – ө	t	r	q	n
у – у	p	Z	k	v
ь – i	Ç	S	q	h
Ә	С	Ş	ŋ	j
е	X	°I	l	Z (ž)

Шу йилнинг ўзида Ўзбек янги алифбе марказий кўмитаси юкоридаги «Бирлашган турк алифбоси» асосида янги ўзбек алифбосининг куйидаги лойиҳасини яратади:

a-a	B-b	C-c	Ç-ç	d-d	e-e
o-o	f-f	g-g	h-h	i-i	b-b
j-j	k-k	l-l	m-m	n-n	ñ-ñ
o-o	o-o	p-p	q-q	oī-oī	r-r
s-s	t-t	u-u	v-v	x-x	y-y
Z-z	Z-ž	S-s	apostrof	malym	

Ўзбек Янги Алифбе Марказий Кўмитаси

1928 йилнинг январида Тошкентда Бутуниттифок Янги Алифбе Марказий Кўмитасининг иккинчи пленуми бўлиб ўтади. Пленумда янги (лотинлаштирилган) алифбога ўтиш йўлида учраб турган тўсиқларни енгиб, алифбо ислохотини тезлаштириш кераклиги, бу замон талаби эканлиги алоҳида таъкидланади. Унда Ўзбекистон, Татаристон, Туркменистон, Абхазия, Ёкутия ва бошқа жойларда бўлаётган ишлар ҳақида ҳам ҳисобот тингланади ва тегишли кўрсатмалар берилади: ҳар бир республика ёки вилоятда яшаётган турли миллат вакиллари орасида ҳам

лотинлаштириш ишларини кучайтириш хакида қарор қабул қилинади;⁶⁰ бу қарорларнинг амалда бажарилиши матбуотда кенг ёритиб борилади.⁶¹

1928 йилнинг 17 январида Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси хайъати раёсатининг мажлиси бўлиб ўтади, унда Янги Алифбо Марказий Қўмитасининг янги таркиби белгиланади. Бу таркибга Й. Охунбобоев (раис), Рамз (раис муовини), Тожиев, Охундий, Икромов, Файзулла Хўжаев, Иноятов, Боту, Ҳошимов, Қориев Босит, Юсупов, Назиркулов, Ширинов, Ҳожи Мўмин, Элбек, Вайис Раҳимий, Олимжон Ориф, Исмоил Садрий, Бекжон Раҳмонов, Фитрат, Ғози Олим, Қаюм Рамазон, Аҳмаджан Ёқубов, Девонов, Ғозиев Ҳамид, Самий Қосимов, Шодиева, Исо Хўжаев, Ниёзова, Наби Қодиров, Олимжонов, Отауллаев, Ҳомидов, Низомбоев, Тоҳирбеков, Абдулла Хўжаев, Ҳожиматов, Умаров, Раҳимбоев, Хусан Каримий, Абдужабборов Уйғур киритилади. Янги Алифбо Қўмитаси раёсатининг хайъати Охунбобоев, Рамз, Тожиев, Охундий, Боту, М.Ширинов ва Ориф Олимжоновдан таркиб топади.⁶²

1928 йилнинг 31 январида Ўзбекистон Марказий Ижроқўми Хайъати Раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлиб, унда Янги Алифбе Марказий Қўмитасининг шу йил 17 январда белгиланган таркиби қисман ўзгартирилади. Мажлис Марказий Ижроқўмнинг яқинда бўладиган сессияси тасдиғига қуйидаги аъзолардан иборат таркибни тавсия этиш хакида қарор қабул қилади:

- | | |
|---------------|---------------------|
| 1. Охунбобоев | 25. Лутфулла Олимий |
| 2. Рамзий | 26. Қосим Сорокин |
| 3. Тожиев | 27. Аҳмаджон Ёқубий |
| 4. Охунов | 28. Девонов |
| 5. Икромов | 29. Ҳамид Қозиев |

⁶⁰ Қаранг: Маннон Рамз. Иккинчи пленум яқунлари //Маориф ва ўқитгучи. - 1928 - № 1 - Б. 7.

⁶¹ Рамзий. Бизнинг алифбе // Аланга - 1928 - № 2 - Б.8. Яна қаранг: Расулий М. Янги Алифбе ва саводсизликни битириш // Аланга - 1928 - № 2. - Б. 10, 19.

⁶² Қаранг: Янги алифбе Марказий қўмитасининг янги состави // Маориф ва ўқитгучи. - 1928 - № 2 - Б. 64.

- | | |
|---------------------|-----------------------------------|
| 6. Файзулла Хўжаев | 30. Биригин |
| 7. Иноятйй | 31. Самиъ Қозимов |
| 8. Боту | 32. Шодиева |
| 9. Ҳошимов | 33. Хўжаев |
| 10. Қори – Босит | 34. Ниёзова |
| 11. Юсупов | 35. Робия Носирова |
| 12. Назиркулов | 36. Наби Қодиров |
| 13. Ширинов | 37. Отауллаев |
| 14. Ҳожи Мўин | 38. Ҳамидов |
| 15. Элбек | 39. Низомбоев |
| 16. Вайис Раҳимий | 40. Саиджонов |
| 17. Ориф Олимжонов | 41. Тохир Беков |
| 18. Исмоил Садрий | 42. Абдулла Хўжаев |
| 19. Бекжон Раҳмонов | 43. Ҳожиматов |
| 20. Фитрат | 44. Омаров |
| 21. Ғози Олим | 45. Раҳнабоев |
| 22. Қаюм Рамазон | 46. Қулижонов |
| 23. Шокир Сулаймон | 47. Хусаин Каримий. ⁶³ |
| 24. Абдулла Раҳмон | |

1928 йилнинг февраль ойида «Аланга» журналида Ботунинг «Тил ва имло масаласи устида бир неча сўз» номли мақоласи чоп этилади.⁶⁴ Мақолада меҳнатқашларни билимли қилиш, маданиятга эриштириш йўлида жиддий ишлар қилинганлиги ва қилинаётганлиги таъкидланиб, бу йўлдаги муҳим масалалардан бири алифбо ва имло муаммолари эканлиги, бу соҳада маълум ишлар амалга оширилган бўлишига карамай, хали анчагина камчиликлар борлиги айтилади. «Биз муштарак алифбе қабул

⁶³ Бу ҳақда қаранг: Ҳамма Округ маориф шўъбаларига . . // Аланга - 1928 - № 2 - Б. 20.

⁶⁴ Боту. Тил ва имло масаласи устида бир неча сўз // Аланга - 1928 - № 12 - Б. 17-18

қилдик, тўққиз чўзғи олдик, бироқ жанжал бутунлай ечилгани йўқ. Тўққиз чўзғининг тилимиз учун озлигини даъво қилувчилар бўлгани каби, буларнинг кўплигини исбот этувчилар ҳам бор. Албатта, бу масалани «Муштарак алифбедан четга чиқиш ярамайди» нуқтаи назаридан ҳал этишга тўғри келмайди. Озарбайжон ҳам муштарак алифбени бутунлай қабул қилишни рад қилган. Ўзбек тилининг хусусияти, тараққиёти ўзбек алифбосида бир қанча янгиликларни тўлдиришни талаб қилар экан, мутаассиблик қилиш ярамайди. Биз, модомики, янги - ўзбек алифбоси, биринчидан, меҳнатқашларнинг саводсизлигини тез битиришга хизмат қилади ва шундай бўлиши керак дер эканмиз, амалда ҳам шу томон боришимиз керак. Бир неча йиллик тажрибамиз ҳозирги тўққиз чўзғи омма учун сўнг даражада оғирлик келтиришини кўрсатди. Шундай бўлгандан кейин омма билан ҳисоблашишга тўғри келади. «Осори атика жонкуярлари» учун тўққиз чўзғини камайтириш масаласи жуда зарарли бўлар, бироқ «осори атика» деб тараққиёт йўлини тўсиш катъиян ярамайди», - дейди муаллиф ўз мақолисида.

Кўриниб турибдики, Боту барча туркий халқлар учун «муштарак (бирлашган) алифбо ва имло» яратиш йўлидан боришни маъқулламаган, бу йўл алифбо ва имлонинг кенг омма учун оғирлик қилишини таъкидлаб, тўққиз унлили вокализм асосида алифбо ва имло яратишга ҳам эътироз билдирган.

1928 йилнинг 7 мартида Ўзбекистон Республикаси 2-чакирик Марказий Ижроия Қўмитаси Олий Кенгашининг 3-сессияси Янги ўзбек Алифбоси Марказий Қўмитасининг ҳисоботини ва 5 йиллик иш режаси ҳақидаги ахборотини тинглайди ҳамда ўз ишини амалга оширишнинг янги тадбирларини ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлайди.

Сессия Мажлисининг баённомасида (унинг 6-моддасида) қайд этилишича, Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси (ЦИК УзССР) янги ўзбек алифбосини Давлат алифбоси деб тан олади ва бу ҳақда махсус

қарор қабул қилиб, уни (қарорни) матбуотда эълон қилишни Марказий Ижроия Қўмита Президиумидан сўрайди.⁶⁵

1928 йилнинг баҳорида «Маориф ва ўқитғучи» журналининг 3-сонида Фитратнинг «Имло конференцияси муносабати билан» номли мақоласи чоп этилади.⁶⁶ Мақола муаллифи «... имло масаласи шаклдан-шаклга кира-кира янги алифбега ўтишдан бошқа бир чора бўлмағонига ҳамани ишондирди. Янги алифбега ўтдик. Бу йўлда ҳар томондан жиддий суръатда тиришилмакда. Тилимиздаги товуш оҳангига (қалинлик, ингичкаликка) таяниб янги алифбомиз учун тўққиз савт қабул қилдик. Бизнинг тилга ёт тилларнинг таъсирлари бўлмағон тиллардан бизнинг тилга қўб сўзлар ўтиб қолмағон бўлса эди, тўққуз савт олиш блан товуш оҳанги масаласини қатъий суратда ҳал қилғон бўлар эдик. Ҳолбуки, масала бундай эмас...», - дейди ва бунга асос қилиб четдан ўзлаштирилган сўзлар орасида товуш оҳангига тобе бўлмаган *хусусият, диёнат, парвона, боло, лола* каби ёт сўзларнинг борлигини кўрсатади, ўз тилимиздаги «бўлди», «ўқитди», «буни» сўзларини «бўлду», «ўқутду», «буну» деб ёзиш керак бўладими деб савол беради, шундан келиб чиқиб, тилимиздаги лаб оҳанги ва товуш оҳангига тобе бўлмаган сўзларни аниқ белгилаб чиқишни таклиф этади, тил ва имлодаги мустасноларнинг ана шундай аниқ чегарасини белгиламаслик имломизда анархияга олиб келиши, ҳар кимнинг ўз истаги билан сўзга қоида бериши, истамаган сўзини эса мустаснога чиқариб қўйиши мумкинлигини айтади.⁶⁷

Янги ўзбек алифбоси Давлат алифбоси деб эълон қилингандан сўнг уни амалга киритиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб чиқилади: нашриёт ишларини бу ёзувга кўчириш, янги ёзувда ўқув адабиётларини нашр қилиш, маҳаллий халқ ичида тушунтириш ишларини олиб бориш, ўқув

⁶⁵ Қаранг: По докладу о пятилетнем плане введения нового узбекского (латинского) алфавита // Центральный Архив АН Республики Узбекистан, фонд № 4, опись № 2, ед. хр. 14 - С. 14-16. Яна қаранг: Абдурахмонов Ғ., Мажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. - Т.: Ўзбекистон, 2002. - Б. 59.

⁶⁶ Фитрат. Имло конференцияси муносабати билан // Маориф ва ўқитғучи. - 1928 - № 3. Б. 6-7.

⁶⁷ Фитрат. Юқоридаги мақола - Б. 6.

курслари ташкил қилиш, бу ишга керакли миқдорда маблағ ажратиш каби ишлар режалаштирилади ва амалга оширилади бошлайди.

1928 йилнинг июнида Ўзбекистон Янги Алифбе Марказқўмининг биринчи пленуми бўлиб ўтади. Унда шу йилнинг 7 мартида Ўзбекистон Республикаси 2-чақирик Марказий Ижроия Қўмитаси Олий Кенгашининг 3-сессиясида тасдиқланган «Ўзбекистон Янги Алифбеси Марказий қўмитасининг 5 йиллик иш режаси»га бирмунча ўзгартишлар киритилади, лотин ёзувига тўла ўтиш муддати эса 1931 йилнинг охири деб белгиланади.⁶⁸ Бу муддатнинг йиллар бўйича тақсимооти режалаштирилади (янги алифбони мактабга киритиш, ўқитувчилар тайёрлаш, янги алифбода дарсликлар, қўлланмалар нашр қилиш, иш юргизишни янги ёзувга кўчириш муддатлари белгиланади), шу асосда тегишли қарорлар қабул қилинади.

1928 йилда матбуотда Шокир Сулаймоннинг «Янги алифбе Марказқўми биринчи пленумининг яқунлари» номли мақоласи эълон қилинади.⁶⁹ Мақолада Мазкур пленум қарорларининг амалий аҳамияти катта бўлганлиги, хусусан, шу пленумда «араб алифбосига тантанали фотиҳа ўқилиб, янги алифбони турмушга татбиқ этиш масаласига киришилганлиги» айтилади.

1928 йилнинг 11 августида Ўзбекистон Республикасининг Марказий Ижроия Қўмитаси шу йилнинг 7 мартида бўлиб ўтган сессия қарорини амалга ошириш мақсадида 123-сонли махсус қарор қабул қилади. Қарорга биноан янги (лотинлаштирилган) ўзбек алифбоси Давлат алифбоси деб эълон қилинади ҳамда бу алифбога аста-секин (босқичма-босқич) ўтиш тартибининг янги алифбо Марказий Қўмитаси режасига мувофиқ амалга

⁶⁸ Бу сана 1928 йилнинг 7 мартдаги қарорда «1932 йилнинг охири» деб кўрсатилган // Қаранг По докладу о пятнадцатилетнем плане введения нового узбекского (латинского) алфавита – Центральный Архив АН Республики Узбекистан, фонд № 4, оп. 2, ед. хр. 14, с. 15-16.

⁶⁹ Шокир Сулаймон. Янги алифбе марказқўми биринчи пленумининг яқунлари // Маориф ва ўқитғучи. – 1928 - № 4 (40). – Б. 3-5

оширилиши лозимлиги кўрсатилади. Бу қарорда янги алифбега тўла ўтишни 1932 йилнинг охиригача яқунлаш назарда тутилади.⁷⁰

1928 йилнинг кузида Бутуниттифок янги Алифбе Марказий Қўмитасининг саркотиби Қамчинбекнинг шу Қўмита иши юзасидан кичик бир ҳисобот мазмунидаги мақоласи чоп этилади.⁷¹ Унда Бутуниттифок янги Алифбе Қўмитаси фаолиятига оид маълумотлар баёни берилади. Мақоланинг алифбеларни бирлаштириш ишига оид қисмида қуйидагилар айтилади:

1. Бугун турк-татар халклари Марказий Қўмитасининг I-пленимида бирлашган турк алифбеси қабул қилинган. Барча турк-татар жумҳуриятлари деярли шу алифбе асосида ишларини давом эттиришган (фақат Ўрта Осиё бош ҳарфларнигина қабул этмайин ишлаб келмоқда).

2. Турк-татар халклари шеваларида бўлмаган садолар (товушлар) учун етишмаган аломатлар ўрнида бошқа халқлар умум алифбега қўшимча аломатлар киритиб, лотинлаштирилган алифбега кўчмоқдалар.

3. Умум турк-татар халклари қабул қилган алифбега кўчмаганлар ҳам озарбайжон ва кавказорти жумҳуриятларида бўлган турклардир. 2-пленим қарорига мувофиқ Марказий Қўмита Озарбайжон ва Кавказорти туркларини ҳам умумий бирлаштирилган алифбега кўчириш ва қабул қилдириш йўлида катъий чора-тадбирлар кўрмоқда. Озарбайжонни бирлашган алифбега кўчириш масаласи бўйича Боқуда давлат комиссияси иш олиб бормоқда. Ҳар ҳолда бирлашган алифбега Озарбайжон жумҳуриятини кўчириш иши ҳам узокқа чўзилмаса керак.

1928 йилнинг I декабрида Марказий Ижроия Қўмитасининг 209-сонли қарори билан шу йилнинг II августида қабул қилинган 123-сонли қарорига қўшимча равишда 12-модда киритилади. Унда мазкур

⁷⁰ Қаранг: Об объявлении в Узбекской письменности ново-узбекского (на латинской основе) алфавита государственным и о порядке перехода на ново-узбекский алфавит всех учреждений, школ и издательства // Центральный Архив АН Республики Узбекистан, фонд № 4, опись № 2, ед. хр. 14 – С. 9-10. Яна қаранг. Абдурахмонов Ғ., Мамажонов С. Узбек тили ва адабиёти – Т.: Ўзбекистон, 2002 – Б. 59.

⁷¹ Қамчинбек. Бутуниттифокда янги алифбе // Аланга. – 1928. – № 9. – Б. 17-18.

қарорнинг 9-моддасида назарда тутилган талабларни (барча давлат муассасалари ва қорхонлари, жамоат ва кооператив ташкилотлари ҳамда алоҳида шахсларнинг уч ой ичида пешлавлардаги ёзувларни янги лотин ўзбек ёки рус алфавитига кўчириш мажбуриятини) ўз вақтида бажармаган шахсларга нисбатан жазо чоралари кўрилиши айтилади.⁷²

1928 йил декабрида Ўзбекистон Янги Алифбе Марказий Кўмитасининг II пленуми бўлиб ўтади. Унда I пленумдан сўнг амалга оширилган ишлар ҳисоботи ва келгуси вазифалар, шунингдек тил ва имло конференциясини чақириш масалалари кўрилади. Ҳисобот маърузасида қуйидаги маълумотлар берилди:

«1. Ўзбекистонда янги алифбега кўчиш ишлари ҳозирги кунда кенг суръатда амалга оширилиб, янги алифбе давлат алифбеси бўлиши баробарида унинг меҳнатқаш омма ўртасида ўзига кенг ўрин олғонини ўзбек Янги Алифбе Марказий Кўмитасининг II пленуми айрича таъкидлаб ўтади.

Маданий шиорни борликка чиқаришда олдимизда турғон (саводсизликни битириш, умумий таълим каби) вазифаларни бажаришда янги алифбенинг катта енгиллик келтираётгани амалий ишлар билан исбот қилинмоқдадир.

2. Марказий Кўмитанинг биринчи пленумидан ушбу вақтгача катта ўзгаришлар бўлғони айтилиб, 2-пленум тубандаги муваффақиятларни кўрсатиб ўтади:

а) турли курслар, тўғараклар воситаси билан кўпчилик меҳнатқашлар орасида янги алифбеда саводлик бўлғонларнинг сони кўб миқродо ортган...

б) наشريёт ишлари ҳам анчагина яхши йўлга қўйилгон...

⁷² Қаранг: О дополнении постановления Центрального Комитета Советов УзССР от 11 августа 1928 года № 123. «Об объявлении в узбекской письменности ново-узбекского (на латинский основе) алфавита - государственным и о порядке перехода на ново-узбекский алфавит всех учреждений, школ и издательств» статьей 12-ой // Центральный Архив АН Республики Узбекистан. фонд № 4, оп. 2, ед. хр. 14 с. 11

в)...

г) ҳамма мактабларда жиддий равишда дарслар янги алифбе асосида ўтилмоқда, мактабларнинг тамомила янги алифбега кўчиш муддати кискартирилган (3 йилдан 2 йилга туширилган)...

д) Ўзбекчалаштириш йўлида овруполиларга очилгон ўзбек тили ўрганиш курслари учун махсус ўқиш китоблари бостирилмоқда».

Ҳисоботда қайд этилган маълумотлар орасида идора ишларининг янги алифбога кўчирилиши анча жадаллашганлиги (бланка, штамп, печат ва бошқаларнинг янги алифбога кўчирилганлиги), маҳалларда ташвиқот ишларининг олиб борилаётганлиги, шунга карамай хали анча камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳақидаги хабарлар ҳам бор. Пленум ана шу камчиликларни тугатишга қаратилган чора-тадбирлар режасини эълон қилади ва қуйидаги қарорга келади:

«Тил ва имло конференцияси қақриш тўғрисидаги ўртоқ Ботунинг маърузасини эшитгандан сўнг Ўзбек Янги Алифбе Марказий Қўмитасининг 2-пленими шу қарорни чиқаради:

1. Жумхуриятимиздаги иктисодий, маданий юксалишнинг суръати олдимизга назарий ва амалий аҳамияти зўр бўлгон бир қанча масалаларни қўйиб, тез ҳал этишни кескин талаб қилади...

2. Ўзбек адабий тили масаласи бир қанча вақтлардан бери майдонда кўндаланг тургон бўлса ҳам, бу йўлда баъзи ишлар қилингон бўлса ҳам, асосий кўб ишлар ҳалигача бутунлай бажарилган эмас. Бу албатта ҳозирги давримиз руҳига мувофиқ бўлмагон ҳолдир. Меҳнатқашлар оммасидаги маданий юксалиш ўзбек адабий тили масалаларидаги қарама-қаршилиқларни, чатокликларни тез ҳал қилишни кескин талаб қилади, буларнинг тўғри ҳал этилиши бўлса чуқур илмий тадқиқ ва таҳлил қилишни олдинга суради.

3. Ўзбек адабий тили масаласи ҳал бўлмагонча янги имло масаласининг ҳам асосли суратда ҳал бўлиши мумкин эмас. Буни бир

қанча йилги ўз тажрибаларимиз ҳам очик кўрсатдилар. Имломиздаги чатоқликларнинг тездан йўқотилиши жуда зарурдир.

4. Истилоҳ масаласига келсак, бунда ҳам жуда зўр этишмовчиликларимиз бор...

5. Ўзбек адабий тили, имлоси ва истилоҳ масалаларини илмий йўлда ҳал қилиш учун ўзбек янги алифбе Марказий қўмитаси ва Маориф қўмисарлиғи томонидан бошланғон ҳаракатни пленум жуда вақтли ва муҳим деб билади.

Тил ва имло конференцияси учун тузулғучи режани бутунлай тўғри топиб, амалга оширишга илмий кучларни чакиради».⁷³

1928 йилнинг охирида Янги Турк Алифбеси Марказий Қўмитаси раиси Самад оға Оғамали ўғлининг ва Ўзбекистон Марказий Ижрокўми раиси Йўлдош Охунбобоевнинг мақолалари матбуотда эълон қилинади. Уларда ўзбек халқининг янги алифбони ҳаётга татбиқ этишда эришган ютуқлари катта маданий-маърифий ғалаба бўлганлиги алоҳида таъкидланади.⁷⁴

1928 йилнинг 18-23 декабрида Қозон шаҳрида (Татаристонда) Иттифок Янги Алифбе Марказий Қўмитасининг III пленуми бўлиб ўтади. Унда қуйидаги масалалар кўрилади:

1. Бутуниттифок Янги Алифбе Марказий Қўмитаси Президиумининг маърузаси.

2. Қўмита қошидаги илмий шўро маърузаси.

3. Татаристон янги Алифбе қўмитаси маърузаси.

4. Озарбайжон Янги Алифбе қўмитаси маърузаси.

5. Қозоғистон Янги Алифбе қўмитаси маърузаси.

6. Ўзбек Янги Алифбе қўмитаси маърузаси.

⁷³ Иккинчи пленум ҳисоботи, унда қўйилган вазифалар ва қабул қилинган қарорлар ҳақида қаранг: Ўзбекистон янги алифбе Марказий қўмитасининг 2-нчи пленумида қўмитанинг ҳисобот маърузаси юзасидан чиқарилган қарор // Маориф ва ўқитғучи. – 1928 - № 12. – Б. 50-52.

Шокир Сулаймон. Иккинчи пленум яқунлари // Аланга. – 1929. № 1. – Б. 2-4.

⁷⁴ Бу ҳақда қаранг: Маданий инкилоб ва янги алифбе // Аланга. – 1928. - № 12. Б. 2-4, 7-12.

7. Навбатдаги масалалар.

Биринчи масала юзасидан ўқилган маърузада шу вақтгача қўлга киритилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар санаб кўрсатилади:

Ютуқлар:

1. Миллий жумҳуриятларнинг кўпчилигида янги алифбо «Давлат алифбоси» деб эълон қилинди.

2. Шу кунгача алифбоси (ёзуви) бўлмаган халқларда янги алифбо қабул қилинди.

3. Саводсизликни битириш мактабларидаги 1-2-босқич мактабларида, шунингдек ўрта ва олий мактабларда ўқишнинг янги алифбога кўчирилиши давом этмоқда.

4. Қатор адабиётлар янги алифбода тайёрланиб, нашр эттирилди.

5. Янги алифбога асосланган ёзувларимизнинг имло масалалари ҳал этила бошланди.

6. Маҳаллий бюджетларга янги алифбо ишларини кучайтириш учун зарур бўлган сармоялар берилди бошланди.

Камчиликлар

1) Янги алифбо ҳаракатини кучайтириш ишларида Иттифок кўмитаси ва унинг илмий шўроси маҳаллий кўмиталар билан етарли даражада жонли алоқада бўла олмади;

2) Янги алифбода ўқита оладиган кадрлар ҳам етарли эмас...

3-плениумда янги алифбога кўчиш ишлари Ўзбекистонда анча яхши йўлга қўйилганлиги алоҳида таъкидланади.

Пленум барча жумҳуриятларда алифбога тўла ўтиш ишларини 1930 йилнинг охиригача яқунлаш вазифасини қўяди.⁷⁵

⁷⁵ Пленум материаллари куйидаги манбаларда ўз ифодасини топган: Стенографический отчет третьего пленума Всесоюзного Центрального комитета нового тюркского алфавита (18-23 декабря 1928 г.) - Казань, 1928. Оғамали ўғли 3-плениум ҳақида // Аланга - 1929 - № 2-3. - Б 2-4 Бутуниттифок Янги алифбе Марказий кўмитасининг Қозон шаҳрида чақирилган III-инчи пленумининг ишлари ҳам чизиб қолдирган йўллари // Аланга 1929. № 2-3. Б. 5-6. Камчинбек. Янги алифбе майдонида - янги вазифалар // Аланга. - 1929 - № 2-3 - Б 19-20.

1929 йилнинг 29 январида Элбекнинг «Тил, атама ва имло бахслари (Тил - имломиз устида. Чўзгилар масаласи)» номли мақоласи матбуотда эълон қилинади.⁷⁶ Ўша йилларда ўзбек тили унлиларининг миқдори ва сифат белгилари масаласи анча тортишув-бахсларга сабаб бўлиб келаётган эди. «Чигатой гурунги» аъзолари унлиларни 6 та деб қараб, шу 6 унли учун алифбода 6 та ҳарф-белги қўллашни таклиф қилишган бўлса, 1926 йилнинг май ойида Самарқандда ўтказилган илмий кенгаш унлилар учун 10 та ҳарф белгилайди; шу йилнинг 11 августида Ўзбекистон Илмий Маркази томонидан ўтказилган йигилишда эса ўзбек тили унлиларининг контраст жуфтликлари бор деб қаралади, шу асосда унлилар учун белгиланган ҳарфлар миқдори 12 тага етказилади. (а – ä , о – ö , и – ü , і – ї , іу – їу – жуфт унлилар учун; е ва иv – ток унлилар учун). Масаланинг бундай ҳал қилинишига проф. Е.Д. Поливанов эътироз билдиради: у ўзбек адабий тили вокализмини Тошкент шеvasига асосланган деган позицияга таяниб, унлиларни 6 та деб ҳисоблайди.⁷⁷ Алифбо ва имлонинг тўққиз унлили вокализм тизимига асосланиши ғоясига Боту ҳам эътироз билдиради.⁷⁸ Элбекнинг юқорида номи тилга олинган мақоласи ана шу вазият тақозоси билан ёзилган эди. Унда муаллиф шундай дейди: «б чўзгининг ўзбек тилига етарли жавоб бера олмаслиги олдинроқ сезилмасда, сўнги чокларда, айниқса янги алифбега кўчиш олдидан очик сезила бошлагон эди. Фақат у чокдаги янги алифбега кўчиш олдиданги чўзги жанжали 9 устида эмас, 6 устида бўлиб келганидан, то янги алифбега кўчмаганча бу тўғрисида сўз очиш оғир эди. Ҳарф иллатчиларининг

Агамалы– Оғлы С.А. Итоги III пленума Всесоюзного Центрального комитета по введению нового тюркского алфавита. // В кн.: Культура и письменность Востока. вып. 4 – Баку, 1929. – С. 3-6.

Чобан-заде Б. Деятельность Научного Совета ВЦК ИТА после 3-го пленума и проблемы языка // В кн.: Культура и письменность Востока, вып. 6 Баку, 1930. – с. 127-147.

⁷⁶ Элбек Тил, атама ва имло бахслари (Тил - имломиз устида. Чўзгилар масаласи) // Қизил Ўзбекистон – 1929 – 29 январь. № 23.

⁷⁷ Поливанов Е.Д. Невозможно молчать // Правда Востока. – 1928 – 22 октябрь. № 244.

⁷⁸ Боту Тил ва имло масаласи устида бир неча сўз // Аланга – 1928 № 12. – Б. 17-18. Яна шу муаллиф: Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчилар: Наим Каримов, Шерали Турдиев. – Т.: Шарк нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2004 – Б. 122-124.

шовқини ҳали босилмагон бир даврда 6 дан 9 га кўчиш тугил, шу 6 нинг ўзини саклаб қолиш катта муваффақият эди.

Мана шунинг учунда 1926-нчи йилгача 9 чўзги устида оғиз очгучилар жуда оз кўринди, тўғриси, бу масала устида ортиқча бош котирилмади.

1926-нчи йил феврал ойида Озарбайжонда чакирилган туркалугларнинг курултойи янги алифбе масаласи тўғрисида қарорлар қабул этди ва алифбени барча турк жумҳуриятларида қабул этишни орзу қилинди. Шундан сўнг бизнинг Ўзбекистонда ҳам бу тўғрисида жиддий ташаббуслар бошланди. Энг сўнг Узнаркомпроснинг ҳаракати билан май ойида Самарқандда янги алифбенинг 1-нчи тўнғич кенгаши ўтказилди. Бу кенгашга Ўзбекистоннинг ҳар еридан тил- имло билармонлари чакирилди. Кенгаш янги алифбе лойиҳасини ишлаб чиқиш ила бирга чўзгиларнинг миқдорини ҳам белгилаб кетди. Май кенгашининг энг муҳим иши, шубҳасиз, ўзбек тилининг хусусиятин кўзда тутиб, унинг чўзгиларин 6 тадан 9 га миндириши эди. Кенгашнинг кўрсатқан чўзгилари қуйидагилар бўлиб, булар ҳали ҳам ишлатилмақдалар:

1) уст чўзгилар: а, ә - *qar, kæl*.

2) ўрта чўзгилар: о, ө, у, и - *qol, kæl, qul, kyl*.

3) ост чўзгилар: е, ь, і - *kel, qьz, til*.

Юқоридаги 9 чўзгини калин-ингичкаликка бўлганимизда о, и, ь, а калин сўзларда ишлатила турғон чўзгилар, е, і, у, ө, ә ингичка сўзларда истеъмол қилина турғон чўзгилар дейилади.

Демак, бу йўл билан тилимиздаги сўзларнинг қандай ёзилиши тўғрисида бир талай янгиликлар ишланди, десак янглишмаймиз...»

Шундан сўнг Элбек ўз мақоласида 9 чўзгига қарши бўлган проф. Е.О.Поливанов ва Ботуни «тилимининг хусусиятидан етарли хабари бўлмагонлар...» деб танқид қилади: «Қисқаси, Тошкент шеvasи ўзбекнинг адабий тили ролини ўйнай олмайди. Чўзгининг кўпайиши сизга қанча

оғирлик килса, бунинг учун таажжуб этиш ортикчадир. Чунки «кўрмаган ернинг чуқури кўб» бўлиши мумкин...», - дейди у мақола охирида.

Мақолада Элбекнинг фонема ва унинг оттенкалари (вариациялари)ни кориштирганлиги кўзга яққол ташланади; «Биз бу кун сўзнинг эшитилишидаги товушларга тўла жавоб берарлик чўзғига эга эмасмиз. Масалан: **қара** сўзидаги 1-«а» чўзғиси билан 2-нчи «а» чўзғиси орасида очик айирма бўлғони ҳолда бунинг икисинида бир шакл билан ёзамиз, холбуки, бундаги товушлар айри-айри бўлиб, биринчиси тўғри «а» ўқилғонда, 2-нчиси **кана** дегандаги «а» билан **қара** сўзидаги биринчи «а» ўртасида бўлғон бир товушни берадир», - дейди у ва ҳар бир товуш (яъни оттенка) учун алоҳида-алоҳида шакл белгиланиши кераклигини айтади.

Элбекнинг бу фикри ва ғоялари унинг 1929 йил 30 январда эълон қилинган мақоласида ҳам такрорланади. Мақоланинг «Тил-имломиз устида» деб номланган иккинчи қисмида Элбек сингармонизм кўп кишиларни чўчитган, баъзи бир кимсаларнинг кулги ва сўкиш тўрваларининг ёрилишига сабаб бўлғон бўлсада, аслида у тилимизнинг бутунлигини сақлаш учун елим ва тилимизнинг кўркини ошириш учун безак вазифасини бажараётганлиги айтилади, калинлик ва ингичкалик оҳанги эса тилимизнинг жони деб баҳоланади. Шундан келиб чиқиб, у юз процент сақланиши керак деган таклиф берилади.⁷⁹

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ўзбек адабий тили вокализми (унлилар тизими) ва уларнинг алифбодаги ифода шакллари бўлган харфлар микдори масаласидаги тортишув-бахслар бир неча йил давом этган бўлсада, ўзининг мантикий ниҳоясига етмай келаётир. Айни шу вазият **1929 йилнинг 13 майида** бўлиб ўтган Ўзбекистон Янги Алифбе Кўмитасининг 3-пленумида ҳам адабий тил, истилоҳ ва имло масалалари устида баҳс юритилишига сабаб бўлади, унда бу масаланинг яқинда

⁷⁹ Элбек Тил, атама ва имло баҳслари Тил - имломиз устида // Қизил Ўзбекистон. - 1929 - 30 январь - № 24

чакириладиган Республика тил-имло конференциясида махсус кўриб чиқилиши режалаштирилади.⁸⁰

1929 йилнинг 15-23 майида Самарқандда Республика тил-имло конференцияси бўлиб ўтади. Унда асосан 3 та масала – *адабий тил, истилоҳ (термин)* ва *имло* масалалари кўрилади. Конференция сингармонизмни кишлоқ шеваларининг хусусиятини, шунингдек ўзбек тилининг бошқа туркий тиллар билан уйғунлигини таъминлаш заруратини хисобга олиб, адабий тилнинг 9 унлига асосланишини, шунга мувофиқ алифбода ҳам унли товушлар учун 9 та ҳарф бўлишини маъқул деб топади, ҳамда шу меъёрларга таяниб тузилган имло қоидалари лойиҳасини тасдиқлайди.

Имло қоидаларида ҳам, алифбода бўлганидек, сингармонизмни шевалар хусусиятига алоҳида ўрин берилади: тил гармониясидан келиб чиқиб, ўзак ва қўшимчаларнинг икки хил кўринишида – “-mъz” / “-miz”, “-gan” / “-oʻjan”, “-mэк” / “-maq” каби шаклларда ёзилиши, айрим унлиларнинг талаффузда ва ёзувда тушиб қолиши (oʻʻ|b| - oʻʻ|bm, qorъn - qornъ ... каби) қоидалаштирилади.

Мазкур конференция натижаларидан яна бири шу бўлдики, унда алифбога бош ҳарфлар қўшилди, ҳарфларнинг алифбодаги тартиби белгиланди. Алифбога бош ҳарфларни қўшиш масаласи анча тортишувларга сабаб бўлди: бир гуруҳ мутахассислар (Қаюм Рамазон, Ориф Айюб, Сатторов ва бошқалар) бир товуш учун икки шаклнинг қабул қилиниши таълим-тарбияга салбий таъсир қилади, матбаадаги кассалар миқдорининг ошиши эса босмаҳона ишларини қийинлаштиради, деган сабабларга кўра алифбога бош ҳарфларнинг киритилишига қаршилик

⁸⁰ Бу ҳақда қаранг: Краткие тезисы для доклада о работе ЦКНУА. Об организационном оформлении вопроса нового узбекского алфавита // Центральный Архив Академии наук Республики Узбекистан. Фрнд № 4, опись № 1, ед. хр. № 2, индекс 1112. - С. 1-17.

қилдилар.⁸¹ Иккинчи гуруҳ мутахассислар (Фитрат, Абдулхай Аюбий ва бошқалар) бош ҳарфларнинг қабул қилиниши таълим-тарбияга ҳеч зарар келтирмаслигини, аксинча, савод чиқаришга ижобий таъсир этиши мумкинлигини, буни Овруподаги ёзув тизимлари амалда исботлаб турганлигини айтишади. Шу иккинчи ғоя конференцияда устун келиб, алифбога бош ҳарфлар киритилади, натижада алифбо куйидаги тартиб ва таркибда тасдиқланади:

⁸¹ Бу ҳақда қаранг: Фахри Камол. Ўзбек орфографияси. Филология фанлари номзоди дисс. Тошкент. 1946 – Б 3-4. Яна қаранг: Жомонов Равшан. Бош ҳарфларнинг қўлланиши тарихига доир // Тил ва адабиёт таълими – 1998. - № 5 – Б 19-24

A a	B b	C c	Ç ç	D d	E e	Ə ə
<i>A a</i>	<i>B b</i>	<i>C c</i>	<i>Ç ç</i>	<i>D d</i>	<i>E e</i>	<i>Ə ə</i>
					(jel=acrep)	
F f	G g	Oj oj	H h	I i	J j	K k
<i>F f</i>	<i>G g</i>	<i>Oj oj</i>	<i>H h</i>	<i>I i</i>	<i>J j</i>	<i>K k</i>
					(3)	
L l	M m	N n	Ŋ ŋ	O o	Ө ө	P p
<i>L l</i>	<i>M m</i>	<i>N n</i>	<i>Ŋ ŋ</i>	<i>O o</i>	<i>Ө ө</i>	<i>P p</i>
				(34)	(34)	
Q q	R r	S s	Ş ş	T t	U u	V v
<i>Q q</i>	<i>R r</i>	<i>S s</i>	<i>Ş ş</i>	<i>T t</i>	<i>U u</i>	<i>V v</i>
					(34)	(34)
X x	Y y	Z z	Ʒ Ʒ	Ь ь		
<i>X x</i>	<i>Y y</i>	<i>Z z</i>	<i>Ʒ Ʒ</i>	<i>Ь ь</i>		
	(34)			(34)		

Конференцияда адабий тил; имло ва истилох (термин) масалалари бўйича ҳам тегишли қарорлар қабул қилинади.

1929 йилнинг май-июнь ойларида Самарқанд конференцияси якунига муносабат тарзида бир неча мақола матбуотда чоп этилади. Шулардан бири Ботунинг «Тил ва имло конференцияси якунлари» номли мақоласи бўлиб, унда муаллиф мазкур конференция якунлари билан 1921 йилдаги «Биринчи ўзбек тил ва имло қурултойи» натижаларини ўзаро кийёслайди ва шундай хулосага келади:

1. 1921 йилдаги «Тил ва имло» қурултойи маданий юксалишимиз тарихида ҳар жиҳатдан муҳим ўрин олишга ҳақли бўлса, 1929 йил май ойида бўлган конференция ундан тубан ўрин олмайди, балки ундан юқори ўрин ишғол қилади...

2. 1921 йилда қақирилган тил ва имло қурултойи олдида ўзбек адабий тили масаласида уч йўл бор эди:

- а) чиғатой туркчасига тортиш;
- б) жануб туркчасига тортиш;
- в) шимол туркчасига тортиш.

Шу йилларда нашр этилган газета, журнал ва китоблар бу окимларнинг ҳаммасига хизмат қиларди, яъни қайси бир нарса қайси бир оким кишилари қўлида бўлса, шу тилда босиларди, бу окимларнинг ҳеч бири ўзбек адабий тили меъёрлари масаласини меҳнатқашлар оммаси манфаати билан боғламасди;

а) чиғатой туркчасига тортувчилар араб, форс сўзларига қатъий уруш эълон қилиб, эски чиғатойча сўзларни тиклашга «қатъий бел боғлаган» эдилар;

б) шимол туркчасига тортувчилар қурултойда ўз юзларини яққол кўрсатиб чиқмадилар;

в) жануб туркчасига тортувчилар (бу окимнинг вакили Мусо Жодулло) «Ислом миллати»нинг бирлиги учун араб, форс сўзларига қарши

чикиш зарарли дедилар. Улар курултойда куръонни кўтариб, янги имло, янги адабий тилга қарши фарёд қилдилар...

Ана шундай шароитда биринчи тил ва имло курултойи ҳозирги адабий тилимизнинг усулини бирмунча белгилаб берди. Айни шу курултойда имлони белгилашда ҳисобга олиниши керак бўлган масалалар гуруҳи аниқлаб олинди (чет сўзларни қандай ёзиш, араб сўзларини қайси имлода қандай ёзиш ва бошқалар).

3. 1929 йил конференциясида:

а) ўзбек тилини меҳнатқашлар оммасига яқинлаштириш, оммага тушунарли бўлишини ҳисобга олиш каби омилларга алоҳида эътибор берилди;

б) бундан сўнг адабий тилимизда «жўқчил» аталмиш гуруҳдан кўп фойдаланиш, сўзлар олиш, сарф ва наҳв тузишга эътибор қилиш вазифа қилиб қўйилди;

в) янги адабий тилда «отамга», «уйимга» сўзлари билан бир қаторда, «отама», «уйима» шаклларининг қўлланиши, феълнинг келаси замон кўрсаткичи бўлган «-ажак», «-ажак» қўшимчасининг шу икки шаклда ишлатилиши ҳам меъёр деб қаралди, бу ҳол адабий тилимизни бойитди, гўзаллаштирди.

4. 1929 йил конференциясида истилох (термин) масаласида ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди («Термин тўғрисидаги қарор»га қаранг).

5. 1929 йил конференциясида имло тизимининг савтий принциплари ишлаб чиқилди ва шуларга асосланган имло қоидалари тасдиқланди («Имло қарори»га қаранг).

Мақола муаллифи мазкур конференцияда алифбога бош ҳарфлар қўшилгани, конференция ишида бошқа жумҳуриятлардан келган қатор таниқли олимлар (академик А.Н.Самойлович, проф.Л.В.Шчерба,

проф. Поппе, проф Чўбонзода, проф. Абдурахмон Саъдий ва бошқалар) қатнашгани хақида маълумот беради.⁸²

1929 йилнинг иккинчи ярмида янги ўзбек алифбоси ва имлосида ўқиш ва ўқитиш ишларини ташкил қилиш давом этади, дарслик ва қўлланмалар яратиш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, ишчи-деҳқонлар, идора ходимлари ва бошқалар учун ўқув курслари ташкил этиш жараёни фаоллаштирилади, Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакилларининг янги ўзбек ёзувига асосланган алифболарини яратиш ишига алоҳида эътибор қаратилади.⁸³

1929 йилнинг 7 августида СССР Хукуматининг янги алифбони амалга киритиш тўғрисидаги қарори эълон қилинади.

⁸² Бу ҳақда қаранг Боту Тил ва имло конференцияси якунлари // Аланга - 1929 - № 5 - Б 2-3 Яна Боту. Танланган асарлар Нашрга тайёрловчлар: Наим Қаримов, Шерали Турдиев. - Т «Шарк» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004 - Б 126-129.

⁸³ Бу ҳақда қаранг Янги алифбе курслари // Аланга - 1929 - № 5 - Б 14, 23.

1929 йилнинг 10 августида Ўзбекистон Халк маорифи комиссарлиги коллегиясининг йиғилиши бўлади. Унда май ойида (Самарқандда) бўлиб ўтган тил-имло конференцияси тавсия қилган янги имло қоидалари тасдикланади.⁸⁴

Шундай қилиб, ҳозирги ўзбек адабий тили таракқиётининг илк босқичига Самарқанд Конференцияси яқун ясайди. Бу босқичнинг асосий жиҳатларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. 1900-1917 йиллардаги маърифий ишлар араб графикасидаги ўзбек ёзувини ислох қилиш кераклиги ҳақидаги гоёни шакллантирган.

2. 1918 – 1923 йилларда «Чигатой гурунги» жамияти аъзолари томонидан адабий тил, термин (истилох), алифбо ва имлони такомиллаштиришга, араб графикасидаги эски ўзбек ёзуви билан ўзбек тили фонологик тизими ўртасидаги номутаносибликка барҳам беришга қаратилган бир қатор таклифлар ўртага ташланган, уларни амалга ошириш учун Ўлка миқёсида конференция ва қурултойлар ўтказилган, алифбога маълум ўзгартишлар киритилган, бироқ бу чора-тадбирлар кутилган натижани бермаган, оқибатда шу йиллар ичида араб графикасидан бутунлай воз кечиб, лотин графикаси асосида янги алифбо яратиш гоёси пайдо бўлган.

3. 1923-1929 йиллар орасида араб ёзувини саклаб қолиш тарафдорлари билан лотин ёзувига кўчиш тарафдорлари ўртасида кизгин баҳс-тортишувлар бўлиб ўтади, бу мунозараларда, дастлаб (1923-1926 йилларда) «арабчалар» устунликка эришади, аммо кейинроқ (1926-1927 йиллардан бошлаб) устунлик «лотинчилар» тарафига ўтади, 1928 йилда лотин графикаси асосида тузилган янги ўзбек алифбоси давлат алифбоси деб эълон қилинади ва Янги ўзбек алифбоси комитети томонидан

⁸⁴ Қаранг. Ибрагимов С.И. Орфография узбекского языка // Орфография тюркских литературных языков СССР. - М. Наука, 1973 - с. 222.

тайёрланган режа асосида уни амалга кiritиш ишлари жадаллаштирилади.

4.1929 йилда Самарқандда ўтказилган Республика тил-имло конференцияси сингармонизмни кишлоқ шевалари вокализмига таяниб тузилган алифбони маъқуллайди, унга бош ҳарфларни кўшиш билан чекланади. Бу конференцияда «Ўзбек адабий тили тўғрисидаги қарор», «Имло қарори» ва «Термин тўғрисидаги қарор»лар ҳам қабул қилинади, шу тарихда Республикада адабий тил ва имло муаммолари бир даража ҳал этилади.

1930 – 1940 ЙИЛЛАРДА АЛИФБО ВА ИМЛО МУАММОЛАРИ

Алифбо ва имлонинг мунозарали жиҳатлари устидаги баҳслар ўзбек ёзуви лотин графикасига тўла кўчирилгандан кейин ҳам давом этади.

30-йилларнинг биринчи ярмидаги мунозара-баҳсларга янги ўзбек алифбоси ва имлосининг, асосан, сингармонизмни шевалар хусусиятига таяниб тузилганлиги сабаб бўлади: имлодаги бу хусусият уни ўзлаштиришни анча қийинлаштиради, бинобарин, ёшларни ёппасига саводхон қилиш ишига халақит беради; аynи пайтда босмаҳоналарда янги ҳарф кассаларини яратишда ҳам маълум муаммолар пайдо бўлади. Бундай муаммоли ҳолатларни кенгрок доирада ва мутахассислар иштирокида кўриб чиқиш мақсадида 1934 йилнинг январида Тошкентда Республика Қурултойи ўтказилади. Қурултойда алифбодан 3 та ҳарф (ё, у, ё) чиқарилади: «ё» ва «о» ўрнида битта «о» нинг, «и» ва «у» ўрнида битта «и» нинг, «і» ва «ь» нинг ўрнида битта «і» нинг қўлланиши коидалаштирилади, шу асосда унлилар сонини 9 тадан (а – э, о – ө, и – у, ь – і , е дан) б тага (а, э, о, и, і, е га) келтириш ҳақида қарор қабул қилинади; алифбо қуйидаги таркибда тасдиқланади: а, в, с, Ҷ, d, е, э, f, g, °, h, i, j, k, l, m, n, o, p, q, r, s, Ҷ, t, u, v, x, z, z, ' (апостраф).

Алифбодаги « э » ҳарфининг вазифа доираси анча қискартирилади: бу ҳарф шаклан бир-бирига яқин (ўхшаш), аммо маъноси ҳар хил сўзларни фарқлаш керак бўлган ўриндагина ишлатилиши назарда тутилади: **bəs** («етарли», «бўлди») – **bas** («босмоқ») феълининг буйрук майлидаги шакли), **səp** («сен») – **san** («микдор сон»), **əпə** (кўрсатиш олмоши) – **апə** («она») каби. Бошқа барча ҳолатларда «а»нинг ўзигина ишлатилади.⁸⁵

Республика курултойида алифбо ва имлога киритилган бу ўзгартишлар шу йилнинг ўзида Ўзбекистон Жумҳурияти Марказий Ижроия Қўмитаси Президиумининг махсус қарори билан тасдиқланади.⁸⁶

1935 йилнинг 1 июнида СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумида Бутуниттифок Янги Алифбе Марказий Комитети (ВЦК НА)нинг фаолияти масаласи кўрилади. Унда РСФСРда яшовчи ва аввалдан рус графикаси асосидаги ёзувда иш кўриб келган бир қатор халқларнинг ёзувлари лотин графикасига кўчирилганлиги қораланади.⁸⁷ Бу қарорнинг Иттифокдаги миллий ва автоном Республикаларда (шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам) ёзувни лотин графикасидан рус графикасига кўчириш ишининг бошланишига тўртки бўлганлиги шубҳасиз.

1935 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси Кенгаши Президиумининг бир неча мажлиси бўлиб ўтади. уларда Ўзбекистон янги Алифбе ва терминология Марказий Комитети амалга оширган ишлар ҳисоботи тингланади, бу комитетнинг кейинги йиллар учун иш режаси белгиланади ҳамда унинг (Комитетнинг) янги таркиби тасдиқланади.⁸⁸

⁸⁵ Қаранг: Резолюция первого научного съезда по вопросу орфографии узбекского языка. – Ташкент. 1934. – с.10.

Яна қаранг. Ибрагимов С. Узбекский алфавит и вопросы его совершенствования // Вопросы совершенствования алфавитов горских языков СССР. – М. Наука. 1972. с. 161.

⁸⁶ Бу ҳақда қаранг: Узбек тилининг бирлашган имлоси тўғрисида 1-имло ва терминология курултойи резолюцияси ва ЎзСССЖ МИК қарорлари – Т. Кизил Ўзбекистон. – 1934. – Б. 27.

⁸⁷ Қаранг: Исаев М.И. Языковое строительство в СССР (Принципы создания письменностей СССР) М: Наука. 1979. – С 254-255.

⁸⁸ Қаранг: Выписка из протокола № 14-14 заседания Президиума Центрального Комитета Советов от 28 сентября 1935 г. г. Ташкент // Центральный Архив АН Республики Узбекистан, фонд № 4, опись № 2, ед. хр. 13. – с. 29-30

1936 йилнинг август ойида РСФСР таркибидаги Автоном Республикалар Халк Маорифи Комиссарликларининг биринчи Бутун Россия кенгаши бўлиб ўтади, унда Бутуниттифок Янги Алифбе Марказий Комитети (ВЦКНА) нинг Россия Автоном Республикалари ва Ўлкаларига бераётган ёрдами қониқарсиз деб топилади. Россиянинг шимолида яшовчи халкларнинг ёзувларини рус алфавитига кўчириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланади.⁸⁹ Бу масала ва ғоя ВКП (б) нинг Шарқий Сибирь обкоми ҳисоботида ҳам ўз ифодасини топади.⁹⁰ Натижада РСФСР таркибидаги Автоном Республика ва Ўлкаларда рус графикаси асосида тузилган алифболарга кўчиш жараёни бошланиб кетади.

1936-1938 йилларда РСФСР таркибида яшовчи 30 га яқин халкнинг (абазин, авар, адигей, болкор, бурят, даргин, ёкут, ингуш, черкес, коряк, лак, лезгин, нанай, ненец, нўғай, олтой, осетин, татар, хакас, чечен, чукчи, шор, эвен (тунгус), эвенк (ламут), эскимос, корачай, қирим татар, қумик халкларининг) ёзувлари рус графикаси тизимига кўчирилади.⁹¹

1936 йилгача 11 халкнинг (белорус, коми, мансий, марий, молдован, мордва, рус, табасаран, удмурд, украин, чуваш халкларининг) ёзувлари рус графикасида бўлганлигини ҳисобга олсак, 1938 йилда бу график системада иш кўраётган халкларнинг сони 40 тага етганлигини кўраимиз.

1938 йилнинг бошларида Ўзбекистон Республикаси Халк Комиссарлари Совети қошидаги Фанлар Комитетининг А.С.Пушкин номи Тил-адабиёт ва тарих институтида А.К. Боровков (рахбар), Олим Усмонов, Фахри Камолов, Б. Авизовлардан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, унга латин графикаси асосидаги ўзбек алифбоси ва орфографиясини

Яна қаранг: Выписка из протокола № 15-15 Заседания Президиума Центрального Исполнительного Комитета Советов от 14 октября // Центральный Архив АН Республики Узбекистан, фонд № 4, опись № 2, ед. хр. № 13 - с 31

⁸⁹ Исаев М.И. Кўрсатилган асар - Б. 255-256. Яна қаранг: ЦГА РФ, ф.301. оп. 2, л. 2535, л. 33.

⁹⁰ Исаев М.И. Кўрсатилган асар. - Б. 255-256

⁹¹ Мазкур маълумотлар куйидаги манбалар асосида тайёрланди:

Гиларевский Р.С., Гривнин В.С. Определитель языков мира по письменностям. - М.: Наука, 1964 - 375 с.

Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР. - М.: Наука, 1972. - 240 с.

БСЭ (Большая Советская Энциклопедия). 3-е издание, 1-30-тома. - М.: Изд-во «Советская Энциклопедия», 1970 - 1978 г.

матбуотда ҳамда турли анжуманларда билдирилган фикрлар асосида қайта кўриш ва такомиллаштириш вазифаси юкланади.⁹²

1938 йилнинг 13 мартида ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Совети «Рус тилининг русча бўлмаган мактабларда мажбурий ўқитилишини жорий қилиш тўғрисида» қарор қабул қилади.⁹³

1938 йилнинг 3 апрелида худди шу мазмундаги қарор Ўзбекистонда ҳам қабул қилинади.⁹⁴

1938 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар Партиясининг VIII съезди бўлиб ўтади, унда Марказий Комитетнинг Биринчи котиби Усмон Юсупов шундай дейди: «Ўртоқлар, мен русча бўлмаган ҳамма мактабларда рус тилини ўрганиш вазифасини алоҳида уқдириб, кўрсатиб ўтмоқчиман.

Ҳозир ҳамма халқлар рус тилини ўрганишмоқдалар. Бу иш сабаби шуки, рус тили ҳозир энг илғор революцион назария тилига, социализм тилига, энг илғор социалистик маданият тилига айланди».⁹⁵

Усмон Юсупов маърузаси юзасидан қабул қилинган резолюцияда бу ҳақда шундай дейилади: «Съезд партия ташкилотларининг алоҳида эътиборини... Ҳукуматнинг русча бўлмаган ҳамма мактабларда рус тилини мажбурий суратда ўрганиш тўғрисидаги қарорини бажариш зарурлигига қаратади»⁹⁶. (Резолюция кискартирилиб кўчирилди. – Ж.Ҳ.).

Юқоридаги ҳужжатлар ва матбуот материаллари тахлилидан шундай хулоса келиб чиқади: ўзбек мактабларида ва русча бўлмаган бошқа мактабларда рус тилини мажбурий равишда ўқитишнинг жорий қилиниши рус тилининг маданий, илмий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ролини янада оширишга интилиш, бу ҳаракатнинг зўр бериб тарғиб қилиниши собиқ СССР даги тил сиёсатининг Ўзбекистондаги

⁹² Бу ҳақда қаранг: Отчет о работе научно-исследовательского института Языка и литературы им. А.С. Пушкина при Комитете наук СНК УзССР (за 1-ый квартал 1938 г.) // Центральный Архив АН Республики Узбекистан, фонд № 4, опись № 2, ед. хр. № 29. – С. 27, 43-44.

⁹³ Қаранг Исаев М.И. Кўрсатилган асар. – Б. 260-261.

⁹⁴ Қаранг Ўқитувчилар газетаси. – 1938. – 5 апрель, №32.

⁹⁵ Ўқитувчилар газетаси. – 1938. – 11 июль, № 64.

⁹⁶ Ўқитувчилар газетаси. – 1938. – 14 июль, № 65.

кўриниши бўлган, бу сиёсат бора-бора ўзбек ёзувини лотин графикасидан рус графикаси асосидаги янги алифбега кўчириш учун жиддий замин хозирлаган, чунки рус тилини иккинчи она тили даражасида ўзлаштириш ишини тезлаштириш ва осонлаштиришда ўзбек ва рус тиллари ёзувларининг бир хил график тизимда бўлиши ниҳоятда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши керак эди. 1935-1938 йилларда РСФСР да амалга оширилган тил ва ёзув сиёсати ҳам, аслида, шундан гувоҳлик беради.

1938 йилнинг 9 декабрида лотин графикасидаги ўзбек алифбоси ва имлосини қайта кўриш ва такомиллаштириш бўйича шу йилнинг бошларида тузилган муаллифлар гуруҳи (А.К.Боровков, Олим Усмонов, Фахри Камолов, Барот Авизов) томонидан тайёрланган «Ўзбек тилининг янги орфографияси проекти» матбуотда муҳокама учун эълон қилинади.⁹⁷ Лойихада имло қоидаларидан ташқари, алифбо ҳам кўрсатилган бўлиб, унинг таркибига қуйидаги ўзгаришлар киритилганлиги маълум бўлади:

1) «э» ҳарфи алифбодан чиқарилган, унинг вазифаси «а» ҳарфига юкланган;

2) кучсиз лабланган қуйи кенг «ɔ» унлиси учун алифбога усти чизикли «ā» ҳарфи киритилган;

3) алифбодаги ҳарфлар тартиби қисман ўзгартирилган: Ҷ, қ, °|, һ, җ ҳарфлари алифбо охирига олинган. Натижада алифбо лойихаси қуйидаги 30 ҳарф ва тутук белгиси (апостроф)дан таркиб топган: а, в, ʋ, ɡ, d, е, z, z, i, у, k, l, m, n, ā, o, p, r, s, t, u, f, x, c, ʃ, ʧ, q, °|, h, җ, ' (апостроф).

Лойиханинг имло қоидаларига алоқадор қисмида қуйидаги ўзгаришлар борлигини кўрамиз: 1) «- gan » - «-°| ān », «-гас » - «-°| āс », «-gunca » - «-°| unca », «-ga » - «-°| ā », «- mak » - «- māq », «- rak » - «- rāq » каби жуфт (ингичка ва йўғон) қўшимчалардан фақат биттаси

⁹⁷ Ўқитувчилар газетаси - 1938. - 9 декабрь

(«-gap», «-gac», «-gunca», «-ga», «-māq», «-rāq» вариантлари) имло учун стандарт шакл тарзида белгиланиб, қолганлари график тизимдан чиқарилган; 2) *қши* (кши), *рсақ* (пчок) каби сўзларнинг биринчи бўғинида қиска «і» нинг ёзилиши (*kişi*, *picāq* каби), *jāzuci* («ёзучи»), *toquci* («тўқучи») сўзлари таркибидаги «-uci» («-учи») кўшимчаси таркибида «v» товушининг орттирилиши («-uvci» - *jāzuvci*, *toquvci* каби), русча ўзлашмалар таркибидаги «-ческий» кўшимчаси ўрнида «-tik» ёки «-ik» нинг қўлланиши (*социалистический* ўрнида *sotsialistik*, *технический* ўрнида *texnik* ёзилиши) коидалаштирилган. Лойихада булардан бошқа ўзгаришлар ҳам бор.

1938 йилнинг 12 декабрида А.С.Пушкин номли Тил-адабиёт ва тарих институтининг илмий кенгашида Олим Усмонов «Ўзбек адабий тили ва орфография масалалари» бўйича қилинган ишлар юзасидан ҳисобот беради. Ҳисобот жараёнида ёзувни рус графикаси асосидаги янги алифбога кўчириш ҳақида таклифлар бўлади. Кенгаш бундай таклиф-тавсияларни ҳисобга олиб, қуйидаги қарорни қабул қилади:

«I ... 5) Предложить тов. Усманову представить к 14 / XII аргументы, говорящие за переход на русский алфавит.

6) Предложить тов. Усманову немедленно связаться с проф. Боровковым телеграфно или по телефону».⁹⁸

Олим Усмонов рус графикасига асосланган ёзувнинг лотин графикасига асосланган ёзудан афзал жиҳатларини кейинчалик Айюб Ғуломов билан ҳаммуаллифликда ёзган бир мақоласида қуйидагича изоҳлайди: «*Биринчидан*, лотинлашган ўзбек алифбоси рус алифбоси билан жуда кўп жиҳатлардан мослашмайди... Мана буларнинг натижасида ўзбек тилига кириб ўзлашиб кетган рус ва интернационал сўзларнинг имлосидаги бирлик бузилади, анархияга юз тутади ва уларнинг тўғри талаффуз қилиниши бутунлай бузиб юборилади.

⁹⁸ Қаранг: Протокол совещания научных работников УзНИИЯЛ им А С Пушкина // Центральный Архив АН Республики Узбекистан, фонд № 4, опись № 2, ед. хр. № 30. – С 9-10.

Иккинчидан, 24 график белгидан иборат бўлган лотинлашган алифбо ўзбек тилининг хусусиятларига тўла жавоб беролмайди. Ўзбек тилида 30 дан ортик товуш бўлган ёзувда бу товушлар учун янги белгилар олиниши талаб қилинади. Шунинг учун ҳам қолган товушларни ифода қилиш учун қўшимча (диакритик) белгиларни, ҳарф ости белгиларини олишга мажбур бўлинган эди. Бу ҳол эса алифбо ва ёзувнинг ўзлаштирилишини жуда қийинлаштириб юборди.

Учинчидан, лотинлашган ва рус алифбосида бир неча ҳарфларнинг шакллари айнан бир хил бўлиб, улар ҳар икки алифбеда турлича талаффуз қилинади (масалан, в, қ, р, с, п ва бошқалар). Натижада болаларни икки алифбега ўргатиш кўп қийинчилик туғдиради. Ўқитувчи биринчи дарсда в, қ, р, с, и деб ўргатса, айни шу ҳарфларни рус тили дарсларида бошқа товушларни ифода қилиш учун ишлатишга мажбур бўлади...

Тўртинчидан, ўтмишда Чоризм колонияси бўлган Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ҳаёти ва маданий қиёфасининг бутунлай ўзгариши ўзбек халқининг адабиётигагина эмас, ҳатто унинг жонли тилига ҳам жуда зўр прогрессив таъсир қилди... Буларнинг ҳаммаси мавжуд ёзувни техника томонидангина мукамллаштиришни талаб қилмасдан, балки бу ёзувни тубдан реформа қилишни талаб қилади... Ўзбек тилининг лотинлашган алифбеси маданий қурилишнинг маълум тарихий даврида ўзининг ижобий ролини ўйнаган бўлсада, лекин бу алифбе ўзбек тилининг бундан кейинги ривожланишини таъминлай олмайди...»⁹⁹

Мақола муаллифлари юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб, ўзбек тилининг бундан кейинги тараққиёти рус графикаси асосида тузилган янги алифбега қўчишни қўндаланг қилиб қўяди, дейишади. Уларнинг фикрича, рус алифбеси асосидаги янги ёзувга қўчиш мактабларда икки хил алифбе асосида ўқитишга барҳам беради, ўзбек тилига ўзлашган кўллаб русча – интернационал сўзларнинг тўғри ўзлаштирилишини таъминлайди,

⁹⁹ Усмонов Олим, Гуломов Айюб. Янги ўзбек алифбеси. // Кизил Ўзбекистон. – 1939 – 10 август.

орфографиядаги анархияга сабаб бўлган мужмал масалаларни ҳал қилишга имконият тўғдиради.¹⁰⁰

Лотин графикасидан рус графикаси асосидаги янги ёзувга кўчишнинг мақсадга мувофиқлиги лотин-ўзбек алифбоси ва шу асосда тузилган «Ўзбек тилининг янги орфография проекти» муҳокамаси жараёнида ҳам билдирилган. Чунончи, Фарғона область Пахтаобод райони ўқитувчиларининг 1939 йил 12 январда юқоридаги лойиҳа муҳокамасига бағишлаб чақирилган конференцияси қароридан рус графикасига ўтиш тўғрисида мана шундай дейилади:

«Конференция таъкидлаб ўтадики, ўзбек тили янги орфографиясини рус алифбоси асосида қабул қилинганда яна ҳам яхши бўлар эди. Чунки рус алифбосини қабул қилиш рус тилини ўрганиш, русча тўғри ўқиш, ёзишга катта ёрдам берар эди ва орфографиядаги анархияга чек қўйилган бўлар эди. Иттифоқимизнинг бир канча республикалари рус алифбоси асосидаги янги алифбега кўчиб турган бир даврда, бизда ҳам рус алифбосига кўчиб, ўзаро яқинлик кучайтирилган бўлар эди.

Шунинг учун конференция А.С.Пушкин номли Тил-адабиёт илмий текшириш институтидан алифбемизни рус графикаси асосидаги янги алифбега кўчириш масаласини кўзгаши илтимос қилади».¹⁰¹

Юқоридаги каби таклиф Қўкон шаҳридан ҳам келади: 1939 йилнинг 12 мартда шаҳар мактаблари тил ва адабиёт ўқитувчиларининг йиғилиши бўлиб, унда шундай фикр билдиради: «Орфографиямизни осонлаштириш ва рус орфографиясига яқинлаштириш мақсадида рус алфавитига асосланиб алфавит қабул қилиш ва етишмаган харфлар учунгина лотин харфларидан фойдаланиш тўғрисидаги фикрларни қувватлаймиз».¹⁰²

¹⁰⁰ Усмонов Олим, Ғуломов Айюб. Юқоридаги мақола.

¹⁰¹ Камолов Фахри. Рус графикаси асосида янги ўзбек алифбосига ўтиш тўғрисида жамоатчилик фикри // Ёш Ленинчи - 1939 - 24 ноябрь.

¹⁰² Камолов Фахри. Юқоридаги мақола.

Баъзи кишилар, масалан, Р. Азизхўжаев, Иброхимов (Тошкент бирлашган педагогика институтини шу йил битириб чиққан ёш мутахассилар), Содиков Фердавси (ЎзССР Маориф халқ комиссарлиги ходими), Ф. Абдуллаев (Тошкент бирлашган педагогика инситути ўқитувчиси), Сайфи Захидуллин (Андижон шаҳар маориф бўлимнинг методисти). Раҳимов Убайдулла (Тошкент паровоз-вагон тузатув заводининг паспортчиси) ва бошқалар рус графикасига ўтиш кераклиги ҳақида фикр билдириш билан чекланмай, шу графика асосида янги алифбе лойиҳаларини тузиб, муҳокама учун Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлигига, А.С. Пушкин номли Тил-адабиёт институтига, ўқув-педагогика нашриётига, «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари редакциясига юборишади.¹⁰³

1936-1940 йиллардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий аҳвол таҳлилидан шу нарса маълум бўладики, бу йилларда ёзувни латинлаштирилган алифбодан рус графикаси асосидаги янги алифбога кўчиришнинг бир қатор омиллари бўлган, шулардан учтаси алоҳида ўрин туган.

Биринчи омил шуки, собик СССР да рус тилининг миллатлараро тил, хаттоки, иккинчи она тили сифатидаги ролини мустаҳкамлаш, шу билан унинг норасмий равишда бўлса-да давлат тили мавқеига эга бўлишини таъминлашга интилиш тенденцияси бўлган, негаки, бу тенденция СССР даги миллатларнинг ҳамда миллий маданиятларнинг яқинлашувига, охир оқибатда, миллатлар интеграциясидан таркиб топган ҳамда умумий бир тилга эга бўлган янги бир ижтимоий-тарихий бирликнинг шаклланишига хизмат қилиши керак эди. СССР ҳудудида бундай янги ижтимоий-тарихий бирликнинг, яъни совет халқининг «умумий бир тили» ролида эса рус тилининг назарда тутилганлиги ҳеч кимга сир эмас: 1938 йилнинг 13 мартда Бутуниттифок Коммунист (большевик)лар Партияси

¹⁰³ Камолов Фахри. Юкоридаги мақола.

МК ва СССР Халк Комиссарлари Совети томонидан қабул қилинган қарор ҳам шундан гувоҳлик беради. Бу қарорда, юқорида айтиб ўтилганидек, рус тилининг русча бўлмаган барча мактабларда мажбурий ўқитилишини жорий қилиш назарда тутилган. Мазкур қарор, табиийки, Иттифокдош Республикаларнинг барчасида, шу қатори, Ўзбекистонда ҳам тегишли чора-тадбирларнинг кўрилишини такозо қилган. Алифбо-имло масалаларига ҳам шу контекстда қаралган, чунки рус тилини иккинчи она тили даражасида ўзлаштириб олиш ишини тезлаштириш ва осонлаштиришда ўзбек ва рус тиллари ёзувларининг бир хил график системада бўлиши ниҳоятда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши керак эди.

Иккинчи омил СССРдаги латин графикасида иш кўраётган халқларнинг ёзувларини рус графикаси негизига кўчириш кампаниясининг бошланиб кетганлиги билан белгиланади. Бу кампания дастлаб РСФСРда бошланган бўлсада, кейинроқ бошқа Республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ёзувни рус графикасига кўчириш жараёнининг юзага келишига бир тўртки бўлган.

Учинчи омил бевосита ўзбек адабий тили ва ёзуви нормаларини белгилашда йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқади. Маълумки, 1934 йилгача ўзбек адабий тили вокализми 9 унлидан иборат деб қараб келинган ва шунга мувофиқ равишда латин ўзбек алифбосига унли фонемалар учун 9 та ҳарф (а, э, е, ь, і, о, ө, и, у) киритилган. Улардан 4 таси (а, ь, о, и) йўғон унлиларни, бештаси (е, і, э, у, ө) эса ингичка унлиларни ифодалаши лозим эди, аммо ёзув амалиётида бу нормага амал қилиш анча қийин бўлган, чунки жонли тилда, айниқса, шаҳар аҳолиси нутқида вокализмнинг бу хусусиятига кўпчилик мослаша олмаган, оқибатда ёзув кўникмаларининг шаклланиши ҳам анча қийинлашган. 1934 йилнинг январь ойида Тошкентда ўзбек алифбоси ва орфографияси масалаларига бағишланган биринчи Республика кўрултойида алифбодан учта ҳарф (ө, у, ь) чиқарилган бўлса-да алифбо ва имлодаги

кийинчиликлар етарли даражада бартараф қилинмайди: а билан э харфларининг қўлланишига оид коидаларнинг ноизчиллиги, аффиксал морфемаларнинг кўп вариантлилиги («-ga» ва «-^ola», «-gan» ва «-^oan», «-gas» ва «-^oas», «-lik» ва «-liq» «-dik» ва «-diq», «-gin» ва «-^oin», «-gig» ва «-^oig» каби), уларнинг сангармонизм қонуниятига бўйсундирилиб ёзилиши жонли тил билан имло ўртасида жиддий тафовутларни юзага келтиради, изчил ва барқарор саводхонликни таъминлаш ишига халакит беради. Бу ҳолат 30-йилларнинг охиригача давом этиб, кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлади: «Ҳозирги қўлланилмоқда бўлган сингармонизм принципи асосида тузилган «қоида» асосида, - дейилади Олим Усмонов ва Барот Авизовлар томонидан эълон қилинган бир мақолада, - барча қўшимчаларнинг «йўғонлик» варианты ҳам қабул қилинган. «Шу қоида»га кўра *га, ган, диган, гач, сак, гина* каби қўшимчалар **к** - **ғ** ли сўзларда *га, ган, гач, сак* бўлуви керак (*ўқушга, ўқуган, ўқийдиган, ўқугач, ўқусак, ўқушгина* каби). Шу йўл билан меҳнатқашларнинг адабий тилини уларнинг жонли тилига бутунлай қарама-қарши қўядилар. Ҳаттоки, ҳозирги вақтда қишлоқ шеваларида ҳам сингармонизмнинг юқоридаги сингари «муқаддас йўғонлиги»га ҳеч қандай қилинмайди... Шунинг учун ҳам ҳеч қандай шак-шубҳасиз, дадиллик билан юқоридаги қўшимчаларнинг фақат бир хил шаклини қабул қилиш жуда мувофиқдир.¹⁰⁴

Мақолада шу тарздаги фикрлар «-мак» ва «-мок», «-рак» ва «-рок» аффиксларига нисбатан ҳам билдирилади, аниқроғи, шулардан биттасини стандарт қўшимча сифатида қўллаш лозимлиги таъкид этилади. Маълумки, 1934 йил қоидаларида «а» билан «э» харфларининг *вэс* – *vas*, *эпэ* – *ана* – *анэ* каби сўзларда маъно фарқлаш зарурати бўлган ўринлардагина қўлланиши, бошқа барча ҳолатларда фақат «а» харфининг

¹⁰⁴ Усмонов О., Авизов Б. Орфографиямизни ислох қилиш ҳақида // Ўқитувчилар газетаси. – 1938. 14 февраль.

ўзи ёзилиши айtilган.¹⁰⁵ Бу хол, биринчидан, э харфининг «хукук» доирасини чеклаб қўйган, иккинчидан « ɔ » (кучсиз лабланган) ва «э» (лабланмаган) унли фонемаларини ёзувда фарқлаш имконини камайтирган. Қиёс қилинг: qanun (а харфи « ɔ » унлисини ифодалаган) – vaqt (а харфи « э » унлисини ифодалаган) – hatta (а харфи биринчи бўғинда « э » унлисини, иккинчи бўғинда эса « ɔ » унлисини ифодалаган).

Шу типдаги қийин ҳолатлар і, е харфлари, «-lik» ва «-liq», «-dik» ва «-diq», «-gin» ва «-°| in», «-gir» ва «-°| ig» каби қўшимчалар имлосида ҳам бўлган.¹⁰⁶ Алифбо ва имлодаги бундай камчилик ва қийинчиликлар, табиийки халқни ёппасига саводли қилиш ишига халакит берган, шу боис кўп мунозара ва баҳсларга сабаб бўлган, охир оқибатда, бу масала ҳукумат раҳбарларининг ҳам эътиборини ўзига тортган. Чунончи, Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Биринчи котиби Усмон Юсупов партиянинг VIII съездида қилган докладида (1938 йилнинг 1 июлида) шу масалага алоҳида тўхталиб, бундай дейди: «Биз алифбе саводсизлигини тугатиш ишларини тамомлаш вазифасини айниқса ўтқир қилиб қўйишимиз лозим...

Биз аҳолининг алифбе саводсизлигини тугатиш ишларини шундай қизитишимиз лозимки, 1938-39-нчи йил ичида бу балодан батамом ва тугал қутулишимиз мумкин бўлсун. Бу ишда комсомол, профсоюз ва ҳамма жамоат ташкилотлари жуда катта роль ўйнашлари керак».¹⁰⁷

Шундан сўнг съезд бу масалани ўз резолюциясига ҳам киритади. Унда шундай дейилади: «Съезд партия ташкилотларининг алоҳида эътиборини аҳоли ўртасидаги саводсизликни тугатиш темпларини тезлатиш зарурлигига... қаратади».¹⁰⁸

¹⁰⁵ Ўзбек тилининг бирлашган имлоси тўғрисида – 1934 – Б. 11.

¹⁰⁶ Рахимов Вали. Орфографиямизни ислох қилиш ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўқитучилар газетаси. – 1938. – 28 февраль. Яна қаранг: Усмонов О. Авилов Б Орфографиямизнинг икки прблемаси ҳақида // Ўқитучилар газетаси. – 1938. – 20 февраль.

¹⁰⁷ Юсупов Усмон. Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар Партиясининг VIII съездида ўқилган маъруза // Ўқитучилар газетаси. – 1938. – 11 июль.

¹⁰⁸ Ўзбекистон К(б)П МК ҳисобот доклади юзасидан Ўзбекистон К (б) П VIII съездининг резолюцияси // Ўқитучилар газетаси. – 1938. 14 июль

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, лотинлаштирилган ўзбек алифбоси ва орфографиясига 1934 йилда бирмунча ўзгартириш киритилган бўлишига карамай, у ҳали анча номукамал эди. Бундай номукамаллик, юқорида кўриб ўтилганидек, омма орасида, зиёлиларнинг маълум қатламида, ҳаттоки ҳукумат раҳбарларида имлодаги мавжуд ҳолатга нисбатан норозилик туйғуларини шакллантирган, оқибатда ёзувни рус графикасига кўчириш ғоясининг қўллаб-қувватланишига маълум замин яратган.

Рус графикаси асосидаги ўзбек алифбосининг шаклланиши ва жорий қилиниши

1939 йил, айтиш мумкинки, рус графикаси асосидаги ўзбек алифбосини шакллантириш йили бўлган: шу йилнинг бошида бу алифбони (шунингдек, орфография қоидаларини ҳам) тузиш иши А.С. Пушкин номи Тил, адабиёт ва тарих институтининг лингвистика сектори планига киритилади, уни бажариш эса Ф. Камолов, О. Носироова ва З. Маъруфовларга топширилади.¹⁰⁹

1939 йилнинг 25-27 март кунлари шу институтда алифбо ва орфография масалаларига бағишланган Республика илмий сессияси бўлиб ўтади, бу сессияда, гарчи лотин графикасидаги ўзбек орфографиясининг 1938 йил декабрь ойида эълон қилинган янги лойиҳаси ва унинг муҳокамаси яқунлари кўрилган бўлса-да, унда рус графикаси асосидаги янги алифбога ўтиш ҳақида кўплаб таклифлар бўлганлиги, бу масаланинг қатта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгалиги алоҳида таъкидланади. Масалан, институт директори Сотти Ҳусайнов ўзининг кириш нутқида бу ҳақда шундай дейди: «Энди сўз охирида муҳим масалага тўхталмоқчиман. У ҳам бўлса, бизнинг тилимизнинг ориентацияси масаласи...»

¹⁰⁹ Қаранг: Тематический план работ Института языка и литературы на 1939 г // Центральный Архив АН Республики Узбекистан, фонд № 4, опись № 2. ед. хр. № 32. – С. 87.

«... Биз hozir буюк рус халкидан сал ажратиладиган тўсикликларни ўзимизнинг маданиятимиздан олиб ташлашимиз керак... Бизнинг кувватимизнинг томирларидан энг кучлик биттаси – миллий бирлик. Шу муносабат билан лотинлаштириш масаласи, лотин харфлари олганлик ва рус алифбосига ўтишлик масаласи...»¹¹⁰ Шундан сўнг Сотти Хусаинов рус алфавитига hozirча ўтилмаган бўлса-да, бу алифбога ўтишни Иттифок халклари бирлигини мустаҳкамлаш зарурати, рус тилини ўрганиш ва билишга интилишнинг кучайиб бораётганлиги каби омиллар тақозо қилаётганлигини айтиб ўтади.¹¹¹

Фахри Камоловнинг маърузасида эса орфография қоидаларининг янги лойиҳаси лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзуви асосида тузилган бўлса-да, буни тузиш жараёнида рус алифбосига ўтиш, ёзувимиз ва орфографиямизнинг кейинги истикболи, совет-интернационал сўзларни кўп тилларда бир хил ёзишга интилиш тенденциясининг мавжудлиги ҳам ҳисобга олинганлиги алоҳида таъкидланади.¹¹² Бундай фикрлар ёзувчи Мирзакалон Исмоилов нутқида ҳам учрайди.¹¹³

1939 йилнинг 13 октябрида Тошкентда (Хукумат уйининг мажлислар залида) пойтахт зиёлиларининг шаҳар партия комитети томонидан уюштирилган йиғилиши бўлади. Унда рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосига кўчиш масаласи кўрилади. Мажлисида Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев, А. Абдурахмонов, Пўлатов, Сторожев, Федотов, Исамухамедов, проф. Бродский, Қори Ниёзов, проф. А.К. Боровков ва яна бир қатор зиёлилар (фан ва санъат ходимлари, матбуот вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, маорифчилар) қатнашади.

Кун тартибидаги масала бўйича Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ Қори Ниёзов доклад қилади.

¹¹⁰ А С Пушкин номидаги Тил-адабиёт илмий текшириш институти ҳузурида Ўзбек янги орфографияси проекти ва унинг муҳокамаси хақида чакирилган сессиянинг стенограммаси (1939-нчи йил 25-27-нчи март) // Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Марказий архиви, фонд № 4. опись № 2. саклаиш бирлиги № 35 (инв. № 34). – Б. 22-23.

¹¹¹ Юкоридаги сессия стенограммаси. – Б. 23-29.

¹¹² Юкоридаги сессия стенограммаси. – Б. 30-32.

¹¹³ Юкоридаги сессия стенограммаси. – Б. 225-235.

Докладда араб ва лотин графикаларига асосланган ёзувларимизнинг ўзига хос томонлари ҳақида гапирилиб, шундай дейилади: «Лотинлаштирилган алифбе араб алифбесидан кўра анчагина осон бўлиб, савод чиқаришни тезлаштиргани сабабли бу алифбе ўзининг ижобий самараларини берди. Лекин шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, таракқиётимизнинг hozirги босқичида лотинлаштирилган алифбенинг ижобий роли энди тугади... Ҳозирги тарихий этапда ўзбек ёзувининг бундан кейинги ривожланиши соҳасида юқори босқич - ҳеч шубҳасиз, рус графикаси, яъни рус тилининг алифбеси асосида тузилган янги алифбедан иборат эканини кўрсатиб ўтиш керак».¹¹⁴

Докладчининг фикрича, бундай хулосага қуйидагилар асос бўлади:

1) барча халқларнинг ўзаро зич алоқа ўрнатиш хоҳиши;

2) ҳозирги вақтда барча халқларнинг рус тили ва рус алифбосига жуда қизиқиб қараётганлиги, шу муносабат билан барча миллий Республикаларда лотинлаштирилган алифбодан рус алифбосига кўчиш ҳаракатининг авж олганлиги;

3) рус графикаси асосидаги янги алифбога кўчиш проблемасининг катта сиёсий аҳамиятга эгалиги, рус тилининг дунёдаги энг катта давлатлар томонидан расмий тил сифатида тан олинганлиги, унинг кўпгина капиталистик мамлакаларда ўқитилаётганлиги;

4) ўзбек ва рус алифболарининг бирлаштирилиши натижасида ўзбек болаларининг рус тилини, рус болаларининг эса ўзбек тилини ўрганиши анча осонлашиши;

5) рус тили орқали ўзлашган ва ўзлаштирилаётган интернационал сўзларнинг талаффуз хусусиятларини ўзбек ёзувида тўғри ифодалаш имконига эга бўлиш;

¹¹⁴ Қори Ниёзов Т.Н. Лотинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги алифбога кўчиш ҳақида 1939 йил, 13 октябрда Тошкент Шаҳар интеллигенциясининг умумшаҳар йиғилишида қилган доклады // Қизил Ўзбекистон - 1939 - 17 октябрь. Яна: Ўқитувчилар газетаси - 1939 - 23 октябрь.

б) полиграфия саноатида бир қатор қулайликларнинг яратилиши: бир хил линотиплардан, бир хил ҳарф кассаларидан фойдаланилиши.

Шулардан сўнг докладчи ўзбек ва рус алфавитларини бирлаштиришнинг амалий томонлари ва алифбо тузиш принциплари ҳақида гапириб, қуйидаги маъумотларни беради:

1) алифбонинг дастлабки лойиҳаси А.С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти томонидан ишланган, сўнг бу лойиҳа лингвистлар, графиклар ва полиграфия саноати мутахассислари иштирокидаги кенгашда муҳокама қилиниб, унга баъзи ўзгаришлар киртилган;

2) янги алифбони (лойиҳани) тузишда қуйидаги принципларга асосланган:

а) алифболарда мумкин қадар бирлаштириш манфаатларини кўзда тутиб, рус алифбосини максимал даражада сақлаш;

б) рус алифбосига ўзбек тилининг ўзига хос товушларини ифода этиш учун керак бўлган қўшимча ҳарфларни киритиш. Бунда ҳарфларни танлаш ёки шакллантиришнинг беш хил йўли ўйлаб кўрилган. Хусусан:

- ўзбекча товушларни ифодалашда шу вақтгача қўлланиб келган латинча ҳарфларни рус алифбосига шу ҳолича киритиш;

- рус алифбосидаги ҳарфлар иштирокида қўшма ҳарфлар тузиш;

- бутунлай янги шаклдаги ҳарфларни ясаш;

- юқоридаги вариантлар комбинациясидан фойдаланиш;

- русча ҳарфларга диакритик белгилар қўйиб, янги ҳарфлар шакллантириш.

Докладчининг фикрича, биринчи, учинчи ва тўртинчи вариантлар рус алифбоси структурасига мос эмас, улар алифбонинг силлиқлигини ҳам бузади; иккинчи вариант алифбони ўзлаштириш жараёнини кийинлаштиради. Шунинг учун бешинчи вариант маъқулдир, чунки у алифбонинг ички структурасини ва силлиқлигини бузмайди, аммо бу вариантни реаллаштириш йўллари ҳам бир неча хил эканлиги аниқланади.

Хусусан, диакритик белги ҳарфнинг устига, остига ёки ўртасига қўйилиши мумкин. Маълум бўлишича, ҳарфнинг устига белги қўйиш полиграфия саноатимиз имконига тўғри келмайди, шунинг учун ҳарф остига белги қўйиш системаси (седил система) етакчи принцип сифатида танланган. Натижада лотинлаштирилган алифбодаги q, p, ç ҳарфлари янги алифбеда k, n ч ҳарфлари билан алмаштирилган: ʞ| ҳарфи ўрнига ƒ (белбоғли «г») ҳарфи киритилган; h ҳарфи алоҳида хусусиятга эга бўлганлиги учун мустасно тариқасида янги алифбо лойиҳасида ҳам ўз ҳолича қолдирилган.

Янги алифбо лойиҳасида « э » ва « ɛ » унлилари учун « а » ва « о » ҳарфлари танланган, бу ҳол лотинлаштирилган ўзбек алифбосида шу товушларни ифодалаш билан боғлиқ бўлган яна бир чигалликка чек қўяди: маълумки, лотинлаштирилган алифбода « а » ҳарфи « э » ва « ɛ » унлилари учун қўлланилган, бу ҳолат ўқиш жараёнида анча қийинчиликларга сабаб бўлган, чунончи, **dana** сўзи **дона** («сон») ва **доно** («етук») деб икки хил ўқилган ва икки хил тушунилган. Янги алифбода « а » ва « о » ҳарфларининг танланиши бу чигаликка ҳам барҳам беради.

Муҳокама жараёнида русча **ц, щ, я, ю** ҳарфлари ўрнида **тс, шч, йа, йу** шаклидаги қўшма ҳарфлардан фойдаланиш керак деган таклифлар ҳам бўлган. Бундай таклифларни қабул қилиш алифболарни бирлаштириш принципига хилоф бўлиб, айтилган бир хил сўзларнинг рус тилида бир хил, ўзбек тилида эса бошқа хилда ёзилишига олиб келарди. Шунинг учун бу таклифлар инobatга олинмаган.

Докладдан кейин кизгин музокара бўлиб, унда Хусаинов, Ҳамид Олимжон, Хўжахонов, Ф.Камолов ва бошқалар сўзга чиқишади. Уларнинг барчаси рус графикасига қўчиш халқ оммасининг талаби эканлигини таъкидлаган ҳолда, ҳукуматнинг бу йўлдаги тайёргарлигини маъқуллашади ва уни тезроқ узил-кесил ҳал қилиш кераклигини айтишади.

Йиғилишда қуйидаги резолюция қабул қиланида:

Биз, интеллигенция йигилишининг қатнашчилари, бу энг муҳим масалани меҳнаткашларнинг кенг муҳокамасига қўйишни табриклаймиз ва ўз вақтида қилинаётган иш деб топамиз.

Биз Ўзбекистон ҳукуматидан лотинлаштирилган алифбодан рус графикаси асосидаги янги алифбога ўтишни тезлаштиришни сўраймиз.¹¹⁵

1939 йилнинг 22 октябрида Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари Қори Ниёзов ҳузурида рус графикаси асосидаги янги ўзбек валифбосининг лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган яна бир муҳим кенгаш бўлиб ўтади. Кенгашда А.С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт илмий текшириш институти ходимлари, Тошкент тилчилари, матбуот, нашриёт ходимлари иштирок этади. Кенгашда Фаҳри Камолов лойиҳа ҳақида доклад қилади. Музокарага чиққан ўртоқлар лойиҳани асосан маъқуллаб, уни тезроқ омма муҳокамасига қўйиш ва жорий қилиш зарурлигини айтишади, шу муносабат билан лойиҳани яқин ўртада республика матбуотида кенг муҳокама учун эълон қилиш лозим деб топилади.¹¹⁶

1939 йилнинг 23 октябрида «Ўқитувчилар газетаси»да «Ўзбек адабий тилининг рус графикаси асосидаги янги алфавити» номли бош мақола чоп этилади. Унда шундай фикр ва маълумотлар бор: «Ҳозирги кунда РСФСРда 36 миллат рус графикаси асосидаги янги алфавитга кўчди. Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон ва бошқа кардош республикалар янги алфавитга ўтиш олдида турадилар».

«СССР халқлари маданияти ва тилининг ҳозирги ҳоли ва бундан сўнгги тараккиёти уларни ўзида тўғри акс этдирувчи бирлашган умумий ёзувни талаб этади. Бундай ёзув фақат рус графикаси асосидаги ёзувгина бўлиши мумкин».

¹¹⁵ Тошкент шаҳар интеллигенциясининг 1939 йил 13 октябрда бўлиб ўтган умумшаҳар йигилишида «Рус графикаси асосидаги янги алифбога ўтиш тўғриси»да ўқилган доклад юзасидан қабул қилинган резолюция // Қизил Ўзбекистон. – 1939 – 17 октябрь.

¹¹⁶ Фаҳри Камолов. Рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбеси проекти ҳақида (1939 йилнинг 22 октябрида Ўзбекистон Халқ Комиссарлиги Совети Раиси ўринбосари Қори Ниёзов ҳузурида қилинган маъруза) // Қизил Ўзбекистон – 1939 – 24 октябрь.

«Рус графикаси асосидаги янги алфавитга ўтиш - ҳозирги давр ўзбек адабий тили алфавити ва орфографиясидаги анархияни йўқотиш, ёзув бланжонли талаффуз орасида бўлган баъзи ажралишни, фарқни тугатиш демакдир».

«Лотин алифбеси асосидаги ўзбек алфавити блан ҳозирги давр ўзбек адабий тилининг фонетик, морфологик хусусиятларини тўла ифода этиб бўлмайди. Айниқса, интернационал сўзларнинг талаффузига мос формаларни тўғри кўрсатиш учун лотин алифбеси ярамай колди... Ўқувчилар ўзбек алфавитидаги в, с, т, и, р, н сингари ҳарфларни бир бошқа, рус ёзуви графикасида эса айна шу шаклларни бошқа хил товуш этиб ўқийдилар... Шунинг учун ва шунинг сингари бирмунча асосларга кўра ўзбек интеллигенциялари, ишчи ва колхозчиларидан лотин алифбеси ўрнига рус графикасини қабул қилиш тўғрисида жуда кўп талабномалар келмоқда. Ўзбек ўқитувчилари ўзларининг конференцияларида янги алифбега ўтиш ҳақида қарорлар чиқармоқдалар. Шу йилнинг 13 октябрида Тошкент шаҳар партия комитети томонидан чақирилган Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳар интеллигенциясининг умумий йиғилиши, шунингдек Самарқанд, Фарғона шаҳар интеллигенциясининг йиғилиши ҳам бир оғиздан рус графикаси асосидаги янги алифбега тездан кўчишни талаб этиб, резолюция қабул қилдилар. Буларнинг ҳаммаси рус графикасига ўтиш масаласининг аллақачон пишиб етганини, бу буюк масаланинг Ўзбекистондаги кенг меҳнаткашлар оммаси томонидан майдонга отилаётганини кўрсатади...

Ўзбек интеллигенцияси – маорифчилар армияси буюк сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавитига ўтишнинг тезлатилишини кутиб қолади».

Шу мазмундаги мақолалар Республика матбуотида янги алифбо лойиҳаси эълон қилинганга қадар яна бир неча бор чоп этилади.¹¹⁷ Бу

жараён ўзбек ёзувини лотин графикасидан рус графикаси асосидаги янги алифбога кўчириш иши анча етилиб қолганлигидан дарак беради.

Нихоят, 1939 йилнинг ноябрида Республика матбуотида «Рус графикаси асосида тузилган янги ўзбек алифбеси»нинг қуйидаги лойиҳаси муҳокама учун эълон қилинади.¹¹⁸ (Бу лойиҳа А.С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан тайёрланган):

Тартиб №	Янги алфавит		Eski alfavit		Harflar-ning nomi	Тартиб	Янги алфавит		Eski alfavit		Harflar-ning nomi
	Basma harflar	Jazma harflar	Basma harflar	Jazma harflar			Basma harflar	Jazma harflar			
1	Аа		Аа			25.	Шш				ша
2	Бб		Вв			26.	Цц				ца
3.	Вв		Уу			27.	Ъъ				айириш белгитст
4	Гг		Гг			28	Ыы				
5.	Дд		Дд			29.	Ьь				юмшатиш белгиси
6.	Ее, е		Ее, е,ю			30.	Ээ				э
7.	Жж		Јј			31.	Юю				ю
8.	Зз		Зз			32.	Яя				я
9.	Ии		Ии			33.	Өө				о
10.	Йй		Уу			34	Чч				ч (джэ)
11.	Кк		Кк			35.	Ққ				қа
12.	Лл		Лл			36.	Ғғ				ғэ
13	Мм		Мм			37.	Һһ				һа
14	Нн		Нн			38.	Ңн				эн
15	Оо		Оо								
16.	Пп		Рр								
17.	Рр		Рр								
18	Сс		Са								
19.	Тт		Тт								
20.	Уу		Уу								
21	Фф		Фф								
22.	Хх		Хх								
23.	Цц		Тс,с								
24	Чч		Сс								

Қуйида ушбу проект бўйича берилган тушунтириш ва изоҳларнинг баъзиларини (муҳимларини) келтираимиз:

¹¹⁷ Иброҳимов Собиржон. Рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига тезроқ кўчайлик // Ўқитувчилар газетаси - 1939 - 7 ноябрь.

Ёдгоров А. Яна бир буюк галаба // Қизил Ўзбекистон - 1939 - 27 ноябрь.

Яхёев Собир Ўзбек тилининг янги орфографияси ҳақида // Ўқитувчилар газетаси. - 1939 - 11 январь.

¹¹⁸ Рус графикаси асосида тузилган янги ўзбек алифбеси (проект). // Ўқитувчилар газетаси. - 1939 - 23 ноябрь.

1. «Янги ўзбек алифбесининг проекти рус ва ўзбек тили ва шу каторда қардош миллат адабий тилларидаги нутқ товушларининг ёзув ҳам талаффузда бирлашадиган элементларини эътиборга олиб тузилди. Шунинг учун проектда ҳарфларнинг ёзилиши ҳамда айтилишини максимал унификациялаштириш (бирлаштириш) идеяси олдинга сурилди. Шунинг билан баробар проектни тузишда ўзбек адабий тилининг фактлари ва унинг хусусиятлари ҳисобга олинди.

Янги ўзбек алифбесининг проекти алоҳида шеваларга таяниб тузилмади. Балки кўпчилик ўзбек шевалари учун умумий бўлган ўзбек адабий тилидаги сўзлар, шу ҳисобда совет-интернационал сўзларнинг фонетик, морфологик ва график хусусиятлари асосга олинди».

2. «Рус алифбесидаги ҳарфлар рус тилида қандай бўлса, асосан, шундай айтилишча ҳам ёзилишча ва ўша тартибда олинди. Проектга рус графикасидаги ҳарфларга қўшимча сифатида ўзбек адабий тилининг специфик товушларини ифода этувчи янги ҳарфлар киритилди.

Рус адабий тилида ц, щ, ь, ъ сингари, ўзбек адабий тилида ө, җ, қ, °|, җ, һ каби баъзи специфик товушлар бор. Буларни мустасно қилганда маъно товуш нуктаи назаридан фонетик хусусиятлари билан ҳар иккала тил товушлари асосан бирлашади».

3. «Рус графикаси асосида тузилган янги ўзбек алифбесининг сони ҳаммаси бўлиб 38 та (ё - ўзбекча җо товушини айрим ҳарф ҳисоблаганда 39 та). Ундан (ё айрим ҳарф ҳисобланмаганда) 32 таси рус алифбесидаги ҳарфлардир. Улар рус графикасининг асосини сақлаш, ёзувда унификацияга риоя қилиш, айниқса, совет-интернационал сўзларни тўғри айтиш ва ёзишни таъмин этиш мақсадида шаклан ҳеч ўзгаришсиз ўз тартиби ва ўз номи билан олинди...

Ўзбек тилининг специфик товушларини ифода этувчи ҳарфлар 6 тадир. Бу 6 ҳарф рус алифбесидаги ҳарфлардан сўнг берилди».

4. «Янги алифбедаги барча ҳарфлар бир хил вазифа ва бир формада ишлатилабермайди. Уларнинг бир нечаси бир вазифа ва бир формада қўлланилса ҳам, баъзилари бошқа-бошқа вазифани адо этади. Бошқачароқ айтганда, қўп ҳарфлар ўзбекча ва совет-интернационал сўзларда ҳамда ўзлашиб кетган арабча-форсча сўзларда бир хил ишлатилади, баъзи ҳарфлар фақат совет-интернационал сўзларнинг ва баъзилари эса ўзбекча сўзларнинг специфик товушларини ифода этиш учун қўлланилади».

Юқоридаги лойиха ва изоҳлар эълон килингандан сўнг, республика матбуотида уларнинг муҳокамасига кенг ўрин берилади. Бу муҳокама 3-4 ой давом этиб, 1940 йилнинг март ойида умумлаштирилади. Матбуот материаллари кўздан кечирилганда қуйидагилар маълум бўлади:

Эълон килинган материалларнинг барчасида лотин графикасидан рус графикаси асосидаги янги алифбога кўчиш маъқулланган, аммо лойихадаги ҳарфлар сираси бўйича бир қадар мунозарали фикр ва таклифлар ҳам бўлган. Бундай мунозарага сабаб бўлган ҳарфларни бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Хусусан:

1. *Е, Ё, Ю, Я ҳарфлари.* Бу ҳарфларнинг баъзи позицияларда бир унлини, бошқа позицияларда эса икки товушни (йе, йо,йу, йа) кабиларни ифодалашни анчагина эътирозларга сабаб бўлади.

2. *Ц, Ш, Ъ, Ы, Ь ҳарфлари.* Бу ҳарфлар асосан рус тилидан ўзлашган сўзларда қўлланилган бўлганлиги, бинобарин, бевосита ўзбек тили фонологик системасига алоқаси йўқлиги сабабли авторлар уларга нисбатан турлича позицияда бўлишган.

3. *Диакритик белгилари ҳарфлар (Ц, К, F, Н).* Лойихадаги бундай ҳарфлар аслида рус алфавитидаги ҳарфларга «дум улаш» ёки «белбоғ тақиш» принципида шакллантирилган. Бундан ўзбек ва рус алфавитларини мумкин қадар яқинлаштириш мақсад килинган эди, аммо мунозара пайтида айти шу принцип ва белгиларга эътироз қўп бўлган.

4. *А, О ва Ө ҳарфларининг* лойихада кўрсатилган вазифаларда қўлланишига ҳам бирмунча эътирозлар бўлган.

5 *Х ва һ ҳарфлари*. Бу ҳарфлардан биринчисининг (х ҳарфининг) чуқур тил орқа «х» ундошини (*хия, сих* каби сўзларда) ҳамда русча лексик ўзлашмаларда қўлланидиган «х» товушини (*химия, механика...* каби сўзларда) ифодалаш; һ ҳарфининг эса «һ» бўғиз ундошини (*Ҳамза, ҳоким, ҳарф* каби сўзларда) ифодалаш назарда тутилган, аммо шу икки ҳарфнинг имлосини (улар латин-ўзбек ёзувида ҳам бўлган) ўзлаштириш амалда анча қийин бўлаётганлиги сабабли, улардан бирини алифбодан чиқариб, ҳар икки фонема учун бир ҳарф қолдирилиши керак деган таклифлар ҳам бўлган.

6. *Алифбо (лойиха)даги ҳарфларнинг миқдори масаласи*. Бу масала кўпчилик мақолаларда махсус кўрилмайди, аммо баъзи мақолаларда унга муносабат билдирилган ўринлар ҳам бор. Чунончи, Б. Авизов, Х. Қайюм, М. Шамсларнинг «Ўзбек тилининг янги алифбеси проекти ҳақида» номи мақоласида бу ҳақда шундай дейилади: «... проеклда ҳарфларнинг сони жуда кўп. Биз имконият борида ҳарфларнинг сонини қисқартиришга тарафдормиз... Ахир *јөл, јил* сўзларини **йол, йил** каби ёзар эканмиз, нега *јар, јағ* каби сўзларни **йор, йош** каби ёзиш мумкин эмас?!

Худди шунингдек **щ, ы, ь** шакллари ҳам қисқартириш яхшидир...»¹¹⁹

Бундай фикрлар *е, ё, ю, я, ц, щ, ь, ы, ь* ҳарфларининг (ёки шулардан айримларининг) алифбеда бўлишига эътироз билдириб ёзилган мақолаларнинг деярли барчасида бор.

Шундай қилиб, муҳокама жараёнида проеклдаги 38 (39) ҳарфдан 18 таси (*а, е, ё, о, ц, щ, ь, ы, ь, э, ю, я, ө, ч, қ, ғ, һ, н* ҳарфлари) устида турли хил фикр ва мулоҳазалар бўлганлиги маълум бўлади, бундай фикр ва

¹¹⁹ Авизов Б, Қайюм Х. Шамс М. Ўзбек тилининг янги алифбеси проекти ҳақида // Қизил Ўзбекистон – 1940 – 28 январь.

мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар алифбо масаласига ҳар хил нуқтаи назардан ёндашиш борлигини кўрсатади, ammo лойиҳани қайта ишлаш ва мукамаллаштириш жараёнида уларнинг барчасини ҳисобга олиб бўлмаслиги ҳам табиий бир ҳол. Шуларни назарда тутган ҳолда лойиҳанинг етакчи муаллифларидан бири бўлган **Фаҳри Камол** муҳокамага қуйидагича яқун ясайди: «Янги ўзбек алифбосининг проекти тузилиб, omma муҳокамасига чиқарилганига 3-4 ой бўлиб қолди. Проектнинг кенг omma томонидан муҳокама қилиниши жуда кўп нарса берди. Кўп ўртоқлар проектга қимматли тузатишлар киритаётирлар, лекин бу тузатишлар ўзларининг қимматларига кўра турличадир.

Ўзбек адабий тилининг орфографияси ва алифбесининг тузилишида ҳозирга қадар турли йўллар қўлланиб келинган. Бу йўлларнинг бири иккинчисига сира тўғри келмайди. Газеталарда баён этилган фикрларнинг ҳам турлича бўлиши ана шундан келиб чиққандир. Шунинг учун ҳам янги алифбенинг тузилиш принциплари тўғрисида алоҳида мақола ёзишга тўғри келади».

Шундан сўнг мақола атори проектнинг тузилишида асос қилиб олинган 5 та принцип ҳақида гапириб, алифбедаги о, а, ө, е, ё, ю, я, ь, ы, ъ, қ, ғ, ң каби ҳарфларнинг танланиши ана шу принциплар талабидан келиб чиққанлигини, бу ҳарфларни, баъзи авторлар таклиф қилаётганидек, алифбедан чиқарсак ёки уларнинг шаклини, вазифасини ўзгартирсак, юқорида айtilган принциплар бузилиши мумкинлигини уқтиради. Маълумки, янги алифбе проектнинг тузилиши рус графикасининг ихчамлигини, яхлитлигини тўла саклашга, ҳаттоки ўзбек тилининг специфик товушлари учун белгиланадиган янги (кўшимча) ҳарфларни ҳам рус графикасига хос шакллар негизда яратишга асосланган: к шакли асосида қ, ч шакли асосида ч, г шакли асосида ғ, н шакли асосида ң, о шакли асосида ө ҳарфлари яратилгани каби.

Ўзбек алифбосининг бундай принципларга таяниши, мақолада келтирилишича, ўзбек халқи ёзуви билан қардош миллат ёзувлари орасидаги унификацияни (бирликни) назарда тутаяди, муҳокама жараёнида билдирилган айрим фикрлар эса ана шу принципга ҳилофдир.

1940 йилнинг март ойидан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосига ўтиш учун тайёргарлик жараёнининг янги этапи бошланади. Бу этапда бир қатор амалий ва ташкилий ишлар бажарилади. Хусусан:

1. Ўзбекистон Республикаси Маориф Халқ комиссарлиги қошида проф. А.К. Боровков бошчилигида ишлаб турган янги ўзбек алфавити комиссияси мактабларда, ўрта ва олий ўқув юртлирида тажриба диктантлари ўтказаяди. Бу тажрибадан қуйидаги мақсадлар кузатилади: а) турли даражадаги билим ва ўқув-ёзув кўникмаларига эга бўлган мактаб ўқувчилари, ўрта ва олий ўқув юртлири талабалари янги алифбони ва унга асосланган ёзувни қай даражада ўзлаштира олишини синаб кўриш; б) қайси харфларда қандай хатоларга йўл қўйилишини аниқлаш; в) тажриба диктантлари хулосаларига мувофиқ (аммо рус алфавити принципларини бузмаган ҳолда) проектга тегишли тузатишлар киритиш; г) орфография қоидалари учун материал тўплаш.

Тажриба диктантлари 1, 2, 3, 4, 5, 6-синфларда, билим юртлирида ва педагогика институтларида ўтказилади. Диктант текстларини танлашда унлиларга ҳамда е, ё, ю, я, ц, ш, һ, х каби ундошлар қатнашган сўзларнинг бўлишига кўпроқ эътибор берилади. Диктант натижаларига кўра қуйидагилар аниқланади: а) совет-интернационал сўзларида о ўрнида кўпинча о ёзилади: б) *хил-хил ва һил-һил* каби сўзлардан бошқа ўринларда х ва һ харфлари кўпроқ қориштирилади; в) диакритик белгили харфларнинг «думи» тушиб қолиш ҳоллари жуда кам учрайди: г) ё ўрнида йо ёзиш ҳоллари ҳам учрайди; д) ь, ъ, ц, ш, е, я, ю харфлари кўпчилик ўринларда тўғри қўлланган, бу харфлар билан боғлиқ хатолар деярли учрамайди; е) шаҳар ўқитувчилари ўртасида ўтказилган тажрибага

кўра ўқитувчиларнинг янги алфавит асосидаги диктантни муваффақиятли ёза олганлари маълум бўлади.¹²⁰

2. 1940 йилнинг 10 мартида «Қизил Ўзбекистон» газетасида махсус билдириш эълон қилинади. Унда шу йилнинг 25 мартида Тошкентда рус графикаси асосида тузилган янги ўзбек алфавити ҳамда янги орфография бўйича Республика кенгаши ўтказилиши айтилиб, қуйидаги кун тартиби жамоатчилиққа маълум қилинади:

- Янги ўзбек алфавитининг сиёсий ва маданий аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Маориф Халқ комиссари ўрток М. Йўлдошев доклади.

- Ўзбек адабий тилининг ўсиши ва рус графикасига ўтиш ҳақидаги масалалар ҳақида проф. *А.К. Боровков* доклади.

- Янги ўзбек алфавитининг проекти ва орфографияси ҳақида *Ф.Камол* доклади.

- Ўзбекистон Маориф Халқ комиссарлиги томонидан ўзбек янги алфавитини тузишда татбиқ этиш учун кўрилаётган чоралар ҳақида Ўзбекистон Маориф Халқ комиссарлиги мактаблар бошқармасининг бошлиғи *Қосимбеков* доклади.

1940 йилнинг 12 мартида ЎЗК(б)II нинг IX съезди очилади. ЎЗК(б)II Марказий Комитетининг съезддаги хисобот докладида янги алифбога ўтиш жараёнининг бориши ҳақида ҳам маълумот берилади ва шу асосда қуйидаги резолюция қабул қилинади:

а) Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги алифбега кўчириш юзасидан белгиланган чоралар ўз вақтида белгиланган ва тўғри деб хисоблансин. ЎЗК(б)II Марказий Комитетига бу ишни намунали ўтказиш топширилсин».¹²¹

1940 йилнинг 26 мартида СССР Фанлар Академияси Ўзбекистон филиалининг мажлислар залида янги ўзбек алфавити ва орфографияси масалаларига бағишланган Республика илмий кенгаши очилади. Кенгашда

¹²⁰ Янги алфавит ва орфография юзасидан тажрибалар // Қизил Ўзбекистон – 1940 - 18 март (Муаллиф - Д.).

¹²¹ Ўзбекистон К (б) II IX съездининг резолюцияси // Қизил Ўзбекистон 1940. - 18 март.

кардош республикалардан ҳамда Ўзбекистоннинг шахар ва районларидан келган илмий ходимлар қатнашадилар.

Кенгашда проф. *А.К. Боровков* «Ўзбек адабий тилининг ўсиши ва рус графикасига ўтиш ҳақидаги масалалар» мавзусида илмий доклад қилади. Докладда алифбе ва орфография масалалари кўпгина маданий-маърифий масалаларнинг (матбуот, нашриёт, мактаб ва ҳоказоларнинг) калити эканлиги айтилиб, бу муҳим масалага бизда ҳар ким ўзича, ўз касби – ихтисослигига мувофиқ ёндашаётганлиги кўрсатилади. Шундан сўнг докладда ўзбек адабий тили лексикасидаги совет-интернационал сўзларнинг салмоғи сўнгги 10 йил ичида 2 процентдан 20 процентга кўтарилганлиги, араб ва форс сўзлари салмоғи эса камайиб бораётганлиги ҳақида гапирилиб, бу ҳол лотин алфавити имкониятларини чеклаб қўйганлиги, шу сабабли рус графикасига ўтиш зарурати пайдо бўлганлиги алоҳида таъкидланади.¹²²

Янги ўзбек алфавити ва орфографиясининг лойиҳалари ҳақида *Фахри Камолов* доклад қилади. Унда алифбе лойиҳасининг қуйидаги 5 (беш) принцип асосида тузилганлиги айтилади:

- 1) Ўзбек адабий тилининг специфик хусусиятларини ҳисобга олиш;
- 2) ҳозирги ўзбек орфографияси коидалари билан боғланишини таъминлаш;
- 3) ўзбек адабий тилининг ҳозирги ҳолини ва истиқболини назарда тутиш;
- 4) ўзбек тилида специфик товушларнинг озлигини ҳисобга олиш;
- 5) ўзбек ёзувини бошқа халқлар ёзуви билан бирлаштириш (унификациялаш).¹²³

Доклад юзасидан сўзга чиққанларнинг барчаси лотин графикасидан рус графикасига ўтиш ҳозирги кун талаби эканлигини, бу жараён бутун Иттифок бўйлаб амалга оширилаётганлигини таъкидлашади.

Кенгашда лойиҳадаги айрим ҳолатларга эътирозлар ҳам билдирилади.

¹²² Янги ўзбек алфавити ва орфографиясига бағишланган Республика кенгаши // Кизил Ўзбекистон – 1940 – 27 март.

¹²³ Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлиги томонидан янги ўзбек орфографиясини қабул қилиш (рус графикаси асосида) юзасидан қақирилган кенгаш мажлисининг стенограмма ҳисоти // Ўзбекистон ФА Марказий Архиви, фонд № 4, оп. № 1, сакланиш бирлиги № 19. – Б. 1-49

Шундан сўнг илмий кенгашда қуйидаги қарор қабул қилинади:

1. Тил ва адабиёт институти томонидан рус графикаси асосида тайёрланган янги алфавит лойиҳаси қуйидаги ўзгаришлар билан тасдиқлансин;

а) «ы» ва «щ» ҳарфлари ўзбек тилида кам қўлланадиган товушларни ифодалагани учун алифбе таркибидан чиқарилсин;

б) «дж» товуши учун белгиланган диакратик белгили «ч» ҳарфи диакритик белгили «ж» билан алмаштирилсин;

в) бўғиз ундоши лотинча «h» билан эмас, диакритик белгили русча «х» билан ифодалансин;

г) «о» ва «у» унлилари орасидаги товуш фита (ө) билан эмас, устида қисқалик белгиси бўлган «у» ҳарфи билан ифодалансин;

д) «ё» мустақил ҳарф сифатида берилсин.¹²⁴

Шундай қилиб, кенгаш рус графикаси асосида тузилган янги ўзбек алифбесини қуйидаги 37 ҳарфдан иборат қилиб тузишни маъқул топади: Аа, Бб, Вв, Гг, Дд, Ее, Ёё, Жж, Зз, Ии, Йй, Кк, Лл, Мм, Нн, Оо, Пп, Рр, Сс, Тт, Уу, Фф, Хх, Цц, Чч, Шш, Ъъ, Ьь, Ээ, Юю, Яя, Ўў, Ҳҳ, Ққ, Ғғ, Ҳҳ, Ңң.

Кенгашда *А. Нажибов* Ўзбекистоннинг барча ўқитувчиларига мурожаатнома матнини ўқиб эшиттиради, унда янги алифбони ўқувчи ва ўқитувчилар орасида оммалаштириш бўйича кенг иш олиб боришга чақирилади.

Шундай қилиб, **1940 йилнинг март ойида** аввалги 3-4 ой мобайнида лойиҳа бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинади, уларга муносабат билдирилади, бу масала бир қатор илмий-амалий йиғилишларда ҳамда ЎзК(б)II IX съездида махсус кўриб чиқилади. Шундан сўнг лойиҳанинг охириги вариантини тайёрлашга киришилади. Бу вариант 1940

¹²⁴ Стенографический отчет научной сессии, посвященной новой узбекской орфографии (проект). 26.27 и 28 марта 1940 г. // Центральный Архив Республики Узбекистан. фонд № 4, опись № 1, ед. хр. №19 (инвентарь № 40) С. 313 - 314

йилнинг апрель ойида тайёрланиб, 1940 йилнинг май ойида бўладиган Ўзбекистон Олий Советининг III сессияси кун тартибига киритилади.

1940 йилнинг 5 майида Ўзбекистон Олий Советининг I чакирик III сессияси очилади. Сессиянинг 7 майдаги йиғилишида депутат Қори Ниёзов «Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига кўчириш хақида» доклад қилади.¹²⁵ Доклад мазмуни қуйидаги масалаларни ўз ичига олади: 1) ўзбек ёзуви тарихидан қисқача маълумот; 2) араб графикасидаги ёзудан лотинлаштирилган ўзбек ёзувига ўтишнинг сабаблари ва аҳамияти; 3) лотинлаштирилган ўзбек ёзувидан рус графикасига асосланган янги ёзувга кўчиш заруратининг юзага келиши; 4) рус графикасига асосланган янги ўзбек алифбоси проектининг тузилиш принциплари.

Шундай қилиб, маърузачи юқоридаги фикр-мулоҳазалар асосида лойиҳанинг қуйидаги янги варианты шакллантирилганлигини, бу лойиҳа 35 харфни ўз ичига олганлигини айтади:

Тартиб №	Янги алфавит		Эски алфавит		Харфларнинг номи	Тартиб №	Янги алфавит		Эски алфавит		Харфларнинг номи
	Босма харф	Ёзма харф	Босма харф	Ёзма харф			Босма харф	Ёзма харф	Босма харф	Ёзма харф	
1	Аа				а	26.	Шш				ша
2.	Бб				бэ	27.	Ъъ				айриш белгиси
3.	Вв				вэ	28.	Ьь				юшатиш белгиси
4	Гг				гэ	29	Ээ				э
5	Дд				дэ	30.	Юю				ю
6.	Ее				е	31	Яя				я
7	Ее				е	32	Уу				у
8.	Жж				же	33.	Ққ				қа
9	Зз				зэ	34.	Ғғ				ғз
10	Ии				и	35.	Хх				ха
11	Йй				й						

¹²⁵ Каранг: Стенографический отчет 3-ей сессии Верховного Совета УзССР на узб. языке с приложением. т.6 // Центральный Государственный Архив Республики Узбекистан, ОФОР, фонд 2454. опись. ед. хр 359, т.г. - С. 50-64 т2. ед. хр. 360. - С 231-254; т. в. ед. хр. 361. - С 1-91.

Яна қаранг: Қизил Ўзбекистон - 1940 - 11 май

12.	Кк				ка					
13.	Лл				эль					
14.	Мм				эм					
15.	Нн				эн					
16.	Оо				о					
17.	Пп				пэ					
18.	Рр				эр					
19.	Сс				эс					
20.	Тт				тэ					
21.	Уу				у					
22.	Фф				эф					
23.	Хх				ха					
24.	Цц				цэ					
25.	Чч				че					

Янги алифбе лойихасининг бу варианти олдингисидан куйидагилар билан фарк қилади:

1. Щ, ы, ө, ч, һ, ң харфлари лойихадан чиқарилган:

а) «щ» ўрниде «шч» аналитик графемасининг ёки «ш» харфининг қўлланиши лозим топилган;

б) «ы» ва «и» харфларининг вазифалари битта «и» харфида, «ч» ва «ж» харфларининг вазифалари эса битта «ж» харфида бирлаштирилган;

в) «ө» ўрнига «ў» харфи киритилган, бу харф билан ўзбек тилининг орқа қатор лабланган ўрта кенг «о» унлисини ифодалаш ҳам назарда тутилган: *кўл* (көл) ва *кўл*(қол), *ўт* (өт) ва *ўт* (от) каби;

г) «һ» харфи «х» билан алмаштирилган;

д) «н» ўрнига нг аналитик графемасини қўллаш тавсия қилинган.

2. «О» харфининг функциялари биттага камайтирилган: унинг ўзбекча ўрта кенг лабланган «ө» унлисини ифодалаш функцияси «ў» харфига олиб берилган.

3. «Ё (ё)» харфи сўнги лойихага мустақил харф сифатида киритилган.

4. Алифбедаги харфлар миқдори тўрттага камайтирилган (39 тадан 35 тага туширилган).

Олий Совет сессиясининг 8 майдаги йиғилиши депутат Қори Ниёзов доклади юзасидан музокаралар билан бошланади. Музокараларда

депутатлардан Аббосов Эминжон, Сора Эшонтўраева, А.Л. Бродский, Ҳамид Олимжон, Р. Аҳмедова ва М. Мақсудов сўзга чиқишади. Уларнинг барчаси рус графикаси асосидаги янги ёзувга ўтишнинг катта ижтимоий-сиёсий ва маданий воқеа бўлишини таъкидлашади, бу соҳада бажарилган илмий-амалий ва ташкилий ишларни, шу жумладан янги алифбо лойиҳасини ҳам маъқуллашади. Уларнинг фикрича, янги ўзбек алифбосининг лойиҳаси анча пухта ишланган, хат-савод чиқариш учун қулай, рус тилини ўрганишни, босмахона ишларини осонлаштиради, СССР халқларининг миллий алифболарини бирлаштириш принципларига ҳам мос.

Нихоят, сессия «Ўзбек ёзувини латинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига кўчириш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқади ва уни бир овоздан тасдиқлайди. Қонунда шундай дейилган: «Ўзбек ёзувини латинлаштирилган алифбедан (алфавитдан) ўзбек ёзувини янада юксалтириш ва ривожлантириш воситаси бўлган рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига (алфавитига) кўчириш ҳақида Ўзбекистон меҳнатқашлари томонидан кўйилган талабни қондириб ва бу тадбир СССР халқларининг бузулмас дўстлигини янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам эканини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССР колхозчилари, ишчилари ва интеллигенцияси кенг оmmasининг ўзбек ёзувини латинлаштирилган алифбедан янги ўзбек алифбесига кўчириш ҳақидаги илтимоси қондирилсин.

2. Ўзбекистон Совет Социалисти Республикаси Халқ Комиссарлари Совети томонидан киритилган рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбеси (алфавити) лойиҳаси тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон ССР территориясидаги барча халқ комиссарликларига ва республика муассасаларига ўз қарамоғларидаги давлат муассасаларида,

жамоат ташкилотларида иш юритишни ва вақтли матбуотни янги алифбега кўчиришни 1940 йил биринчи июлдан бошлаш мажбурияти юклатилсин.

4. Ўзбекистон ССР Маориф Халқ комиссарлигига ва меҳнаткашлар депутатлари советларининг область ижроия комитетларига мактабларда ўқутиш ва таълим беришни биринчи навбатда ҳамма типдаги мактабларнинг пастки синфлари – I, II, III синфлари, саводсизликни ботириш мактабларини 1940 йил биринчи сентябрдан бошлаб янги ўзбек алифбосига кўчириш топширилсин.

5. Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССРнинг барча халқ комиссарликларига, республика муассасаларига, меҳнаткашлар депутатлари советларининг область ижроия комитетларига республикада лотинлаштирилган ёзувдан янги алифбега кўчиш ишларининг ҳаммасини икки йил ичида ўтказиш, бу ишни 1942 йил 1 январгача тугаллаш мажбуриятини юклайди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиуми Раиси Й. Охунбобоев,
Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиумининг секретари
А. Муродхўжаев.

Шундай қилиб, **1930-1940 йиллардаги алифбо** ва имло муаммоларини, уларни ҳал этиш бўйича амалга оширилган ишларни қуйидагича шарҳлаш мумкин:

1. XX асрнинг 30-йиллари ўзбек ёзувининг лотин графикасига тўла ўтиши билан бошланади: бу даврда асосий эътибор янги алифбо ва имлода ўқиш-ўқитиш ишларини ташкил этиш, шу мақсадда ўқитувчи кадрларни етиштириш, тегишли ўқув адабиётларини яратиш, типографияларни янги ёзувга асосланган тегишли шрифтлар ва асбоблар билан таъминлаш каби ташкилий ишларга қаратилади.

2. Алифбо таркиби ва имло қоидаларининг сингармонизми шеваларга таяниб тузилганлиги ўқувчиларда барқарор имло кўникмаларининг шаклантирилишига ҳалакит бера бошлайди, бу ҳол адабий тилнинг диалектал асоси ва имло масалалари устида қайта мунозара-баҳсларнинг бошланишига сабаб бўлади.

Бу жараён 1934 йилдаги Республика курултойида алифбодан учта харфнинг (ё, ү, ь ларнинг) чиқарилиши билан яқунланади: алифбода 6 та унли учун 6 та харф (а, э, о, и, і, е) колдирилади.

3. 1936-1938 йиллар орасида РСФСР да лотин графикасига кўчган халкларнинг ёзувларини рус графикасига кўчириш ишлари авж олади. Бу иш давлат сиёсати даражасида ҳал этила бошланади, натижада ёзувни лотин графикасидан рус графикасига кўчириш ғояси РСФСРдан бошқа Республикаларга, шу жумладан Ўзбекистонга ҳам кириб келади. Ўзбекистонда у 1938 йилнинг охиридан фаол тарғиб этила бошланади ва 1940 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида «Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбодан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосига кўчириш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан яқунланади.

4. Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Республикада янги ўзбек алифбосига тўла ўтиш муддатини 1942 йилнинг 1 январигача қилиб белгилайди.

Демак, қисқа муддат (10 йил) ичида ўзбек ёзуви 2 марта туб ислоҳ қилинади.

1940 – 1995 ЙИЛЛАРДА АЛИФБО ВА ИМЛО МУАММОЛАРИ

1940 йилнинг 2-ярми рус графикасига асосланган янги ўзбек алифбосини ҳаётга татбиқ этиш ишлари билан бошланади: 1) Республика матбуотида «Янги алифбени ўрганамиз» номи билан ҳар бир харфнинг

ёзилиши ва ўқилишига оид сабоқлар бериб борилади; 2) «Ўзбек адабий тилининг орфографияси» (лойиха) тузилиб, муҳокамага кўйилади ¹²⁶ ва янги алифбе ҳукумат комиссиясининг 1940 йил 4 июлдаги йиғилишида баъзи ўзгаришлар ҳамда тузатишлар билан тасдиқланади; ¹²⁷ 3) ўқитувчилар ва халқ маорифи ташкилотларининг биринчи республика съездига тайёргарлик муносабати билан эълон қилинган мақолаларда, шунингдек Маориф Халқ комиссари *М. Йўлдошевнинг* съездда қилган докладада янги алифбога кўчишнинг аҳамияти яна бир бор таъкидланади ва шу ишни амалга ошириш бўйича тегишли установакалар берилади; 4) область ва районларда ҳамда корхоналарда янги алфавит бўйича курслар ташкил қилинади, Маориф Комиссарлиги янги ўқув йили очилишига 1850 ходимни ўқитиб тайёрлайди; 5) босмахоналарда янги алифбога асосланган техникани жиҳозлаш ишлари бошланади; 6) Республика газеталарида айрим мақолалар янги ёзувда бериб борилади; 7) янги алифбони ўрганиш бўйича қўлланмалар нашр қилишга киришилади; 8) ташкилотларда, мактаб-маориф муассасаларида янги ёзувга ўтиш билан боғлиқ ишлар назоратга олинади, бу ишдаги сусткашликлар ва камчиликлар ҳақида танқидий материаллар бериб борилади; ёзув машиналари учун стандарт клавиатура ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

1940-1941 ўқув йилида: 1) мактабларнинг куйи синфларида ўқув жараёни янги ёзувга кўчирилади; 2) «Ўзбек адабий тилининг орфографик лугати» ва «Имло лугати» нашр этилади. ¹²⁸

1941-1942 ўқув йилида мактабларнинг юқори синфларида ҳам ўқув жараёни янги ёзувга (кириллицага) кўчирилади, саводсизликни битириш

¹²⁶ Ўзбек адабий тилининг орфографияси (лойиха) // Қизил Ўзбекистон - 1940 - 3 июнь.

¹²⁷ Қаранг: Янги орфография проекти тасдиқланди // Қизил Ўзбекистон - 1940 - 9 июль.

¹²⁸ Иброҳимов С., Раҳмонов М. Ўзбек адабий тилининг орфографик лугати. - Т.: Ўз ФАН, 1940

Олим Усмонов. Имло лугати. Бошланғич. тўлиқсиз ва ўрта мактаблар учун - Т.: Ўзбекистон Давлат ўқув-педавнашр. - 1941 (2- нашр 1949 йил).

мактабларида, ўрта ва олий ўқув юртларида, илмий тадқиқот муассасаларида янги ёзувда иш кўрилади бошланади.

1943-1946 йилларда алифбо ва имло асосларини оммага сингдириш ишлари олиб борилади. Шу йиллар ичида ёзув амалиётида имло қоидаларидан четга чиқиш, уларга ғайри қонуний ўзгаришлар киритиш, адабий тилнинг таянч шеваларига етарли амал қилмаслик каби нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги ҳам маълум бўлади. Бундай нуқсонларга барҳам бериш, камчиликларни тузатиш мақсадида орфография қоидаларининг янги тўпламини яратишга, имло луғати ва қийин сўзлар луғатини тузи ишига киришилади. Нихоят, 1946 йилда орфография қоидаларининг янги тўплами яратилади ва у 1947 йилнинг 29 майида Тошкентда бўлиб ўтган матбуот ходимлари ва ўқитувчилар кенгаши қатнашчиларига муҳокама учун тақдим этилади.

1947 – 1950 йилларда А.С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида махсус тузилган орфография комиссияси иш олиб боради: бу комиссия 1946 йилда тузилган ва нашр этирилган қоидалар тўпламини матбуотда ва турли кенгашларда билдирилган фикрлар асосида қайта ишлайди, шу асосда янги лойиҳа яратади. Лойиҳа 1950 йилгача яна бир неча марта қайта ишланиб, муҳокамадан ўтказилади.

Тил ва ёзув меъёрларини таҳлил қилиш, уларнинг амалдаги ҳолатини ёритиш ишлари 1950 йилнинг 14-16 сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган конференцияда ҳам кўрилади. Бу конференцияда *Фахри Камолов* маъруза қилади. Маъруза бўйича сўзга чиққан *С. Иброҳимов, О. Азизов, С. Акобиров, Р. Абдураҳмонов, О. Усмонов, А.К. Боровков, М.Т. Ойбек* ва бошқалар тилшуносликдаги кўп соҳалар билан бирга ўзбек орфографиясида ҳам жиддий камчиликлар – имловий бошбошдоқлик, анархия, терминларнинг қўлланиши ва ёзилишидаги ҳар хилликлар каби анормал ҳолатлар борлиги ҳақида гапириб, бу камчиликларни тугатиш чораларини кўриш кераклигини айтишади: шу муносабат билан яқин орада

орфография масалаларига бағишланган Республика конференцияси чақиришни таклиф қилишди.

1951 – 1952 йилларда имло (орфография) масалалари атрофидаги мунозара–баҳслар янада авж олади: матбуотда мақолалар эълон қилинади, уларда фақат орфография эмас, балки алифбога ҳам маълум ўзгаришлар киритилиши кераклиги айтилади. Жараённинг таажжубли томони шундаки, 1939-1940 йилларда алифбо лойиҳаларини тузишда иштирок этган ва уларнинг тузилиш принципларини шу вақтгача ҳимоя қилиб келган Фаҳри Камолов ва А.К. Боровковлар ҳам эндиликда алифбони қайта кўриш керак деган фикрга келишади.¹²⁹ Масалан, *Фаҳри Камоловнинг* фикрича, ўзбек ёзувининг бундан кейинги такомили амалдаги алфавитга бир катор муҳим ўзгаришлар киритилишини такозо қилади, шу муносабат билан қуйидаги масалалар кенг миқёсда муҳокамага кўйилиши керак:

1) ўзбек алфавитига қўшимча равишда янги белгилар киритиш масаласи;

2) мавжуд харфлардан баъзиларининг шаклини ўзгартириш, бошқа шакл билан алмаштириш масаласи;

3) диакритик белгилар харфлар масаласи;

4) айрим шаклнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш масаласи;

5) алфавитдаги харфлар тартибини қайта кўриш масаласи.

Юқоридаги каби таклифлар бошқа мутахассислар томонидан ҳам билдирилган. Бундай мунозара–баҳсларда ўша йилларда А.К. Боровков, Р. Жуманиёзов, З. Маъруфов, Ғ. Абдурахмонов, Ҳ. Рустамов, Ш. Тохиров, Т. Шермухамедов, И.А. Киссен, У. Турсунов, Ҳ. Бердиёров, Ж. Ҳамдамов, Отақўзи Азизовларнинг фаол иштирок этганлигини кўрамиз. Уларнинг

¹²⁹ Каранг Фаҳри Камол. Янги ўзбек алфавити ҳақида баъзи мулоҳазалар // Қизил Ўзбекистон – 1952. – 8 апрель. Яна шу муаллиф ва шу мақола // Ўзбек орфографияси ва терминологиясига доир масалалар. Т. Ўзб. Фанлар академиясининг нашриёти – 1952. – Б. 25-50.
Боровков А.К. Ўзбек орфографияси масалаларига доир // Ўзбек орфографияси ва терминологиясига доир масалалар. – Т. Ўзб. Фанлар академиясининг нашриёти. – 1952. – Б. 5-24.

таклиф-тавсиялари тахлилидан шундай хулоса келиб чиқади: алифбо атрофидаги фикрлар икки хил бўлган: *бир гуруҳ муаллифлар* (Ф.К. Камолов, З. Маъруфов, Ш. Тохиров, Т. Шермухамедов ва бошқалар) алифбога муҳим ўзгаришлар киритиш тарафдори бўлишган; *иккинчи гуруҳ муаллифлари* (А.К. Боровков, И.А. Киссен, А. Азизов ва бошқалар) алифбога жиддий ўзгаришлар киритишга қарши бўлишган, уларнинг фикрича, бундай «муҳим ўзгаришлар» ёзув киффасини ўзгартириб юборади, оқибатда миллионлаб кишиларнинг шу кунгача яратилган ёзма манбалардан (китоб, газета, журнал ва ҳоказолардан) фойдаланиши кийинлашади, сўзларнинг ёзувдаги график шакли ўзгаргач, уларнинг маънолари ҳам ўзгаради: *қошиқ* («ложка»), *чол* («старик») сўзлари ислохотдан кейин *қўшиқ* («песня») ва *чўл* («пустыня») деб ўқиладиган бўлади, чунки «о» ҳарфи «ў»нинг вазифасини ўзига олади (ў ҳарфи алифбодан чиқарилади). Шунинг учун бундай фикр тарафдорлари алифбога ёзув киффаси ва кўникмасини бузмайдиган бир-икки ўзгариш киритиш билан чекланишни таклиф қилишган. Бу фикр, охир оқибатда, устун келган ва алифбо таркиби кейинги 3-4 йил давомида махсус кўрилмаган, асосий эътибор имло қодаларидаги камчиликларни тузатишга қаратилган, натижада 1955 йилнинг охиригача «Ўзбек орфографиясининг асосий қодалари»нинг яна бир неча лойиҳаси яратилган, уларнинг ҳар бири юзасидан кенг доирада муҳокамалар уюштирилган, ниҳоят шу лойиҳаларнинг сўнгги (бешинчи) варианты **1956 йилнинг 4 апрелида** Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг махсус фармони билан тасдиқланган. Бу «... қодалар»да ўзбек алифбосига алоқадор бўлган факат битта ўзгариш борлигини – алифбодаги айириш (ъ) белгисига апострофнинг функцияси олиб берилганини кўрамиз, ҳолос.¹³⁰ «... қодалар»нинг етакчи муаллифларидан бири бўлган *Фахри Камолнинг* айтишича, апосторофдан воз кечишга

¹³⁰ Қаранг: Ўзбек орфографиясининг асосий қодалари. - Т.: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти - 1956. - Б. 10 (29-параграф)

куйдагилар асос бўлган: «Алфавитга махсус айириш белгиси киритилган бўлишига қарамай, *дар'ё, дун'ё, гир'я, ҳад'я* каби сўзларда ёлашган унлилардан олдин ҳам апострофнинг ишлатилиши мутлақо ортиқча эканлиги аниқ сезилиб қолди. Шу билан бирга *сур'ат, сан'ат, қал'а, мас'ул, Тал'ат* каби сўзларда апострофнинг унлидан олдин келиб, уни ундошдан ажратиш учун ишлатилиши ҳам ноўрин эканлиги аниқланади. Чунки бу ҳолат апострофга қараганда айириш белгисининг табиатига кўпроқ мос келади. Бу ҳол апострофнинг тақдири масаласини узил-кесил ҳал қилиш зарурлигини кўрсатади. Шунинг учун қоидалар тўпламининг 29-параграфида айириш белгисининг ишлатилиш доираси бирмунча кенгайтирилди, яъни апостроф ўрнида ҳам айириш белгисини қўллаш лозим топилди.¹³¹

Шундай қилиб, бир неча йил давомида алифбо атрафида олиб борилган қизгин мунозара ва тортишувлар ўзбек ёзуvidан фақат бир белгининг – апострофнинг чиқарилиши билан яқунланади. Апострофнинг 1940 йилда алифбо тасдиқлангандан сўнг ёзувга махсус орфографик белги сифатида киритилганини ҳисобга олсак, алифбо таркибида 1956 йилдан кейин ҳам мутлақо ўзгариш бўлмаганлигини англаш қийин эмас. Бу ҳол кўп ўтмай алифбо атрафидаги мунозара ва тортишувларнинг такроран бошланишига сабаб бўлади: 1956 йилнинг ўзида *А.К. Боровковнинг* Иттифокдаги туркий тиллар алифболарини ўзаро уйғунлаштириш масаласига бағишланган мақоласи эълон қилинади.¹³² Мақолада алифбо унификациясини, бир томондан, Иттифокдаги барча туркий тиллар алифболари билан уйғунлаштириш йўналишида, иккинчи томондан эса мураккаб босмаҳона техникасининг имкониятларига мос равишда олиб бориш лозимлиги ҳақида фикр билдирилади».

¹³¹ Фаҳри Камол. Ўзбек орфографияси ҳақида (Ўқитувчиларга ёрдам) – Т: Ўқувпедадавнашр. – 1957. – Б. 20.

¹³² Боровков А.К. К вопросу об унификации тюркских алфавитов в СССР // Советское востоковедение. – 1956. – № 4 – С. 101-110.

1959 йилда В.В. Решетовнинг «Узбекский язык» номли китоби чоп этилади. Бу китобда айтилишича, Я, Е, Ё, Ю графемалари ўзбек тили табиатига мос эмас, чунки уларнинг икки товушни (е=й+э, ё=й+о, ю=й+у, я=й+а каби) ифодалаши ўзбекча сўзларнинг морфологик таркибини хиралаштириб, морфемалар чегарасини аниқлашга монелик қилади. Масалан, *кияман* < кий+«-а» + «-ман», *тўяман* < тўй+ «-а»+ «-ман» каби. Бунинг устига, ўзбек тили ундошлари системасида каттиклик-юмшоклик зиддияти (оппозицияси) учрамайди, бинобарин, е, ё, ю, я графемаларидан юмшок ундошларга ишора қилувчи сигнализатор харф сифатида фойдаланиш зарурати ҳам йўқ. Рус орфографиясида эса е, ё, ю, я графемалари ўзидан олдин келган ундошларнинг юмшоклигини кўрсатади, шу ундошдан кейин келган унлини ифодалайди. Бу хусусият ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган русча ва интернационал сўзларда ҳам сақланади.¹³³ Шундай қилиб, В.В. Решетов я, е, ё, ю харфларининг соф ўзбек сўзларида қўлланишига эътироз билдиради, ammo уларни алифбода қолдириш ёки қолдирмаслик ҳақида аниқ бир фикр билдирмайди.

1962 йилнинг октябрь ойида Олмаота шаҳрида СССР халқлари адабий тиллари тараққиёти муаммоларини ўрганишга бағишланган бутуниттифок илмий конференцияси бўлиб ўтади. Унда *Ф.К. Камолов* ўзбек алифбоси муаммолари ҳақидаги маърузаси билан катнашади. Бу маърузада у ўзбек алифбоси ҳозирги ўзбек тили фонемаларини, шунингдек, ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган сўзларнинг фонетик-орфоэпик хусусиятларини етарли даражада тўла ифода эта олмаётганлиги ҳақида гапириб, алифбо таркибига «ж» (джь), «н» (нг), « ъ » товушлари учун янги харфлар киритишни; рус тилидан ўзлашган сўзлар учун щ ва ы харфларини қабул қилишни; алифбо таркибидаги харфларнинг жойлашиш

¹³³ Решетов В.В. Узбекский язык. ч. I Введение. Фонетика - Т.: Государственное учебно-педагогическое издательство УзССР - 1959. - С. 121-122.

орфография масалаларига бағишланган Республика конференцияси чақиришни таклиф қилишди.

1951 – 1952 йилларда имло (орфография) масалалари атрофидаги мунозара–бахслар янада авж олади: матбуотда мақолалар эълон қилинади, уларда фақат орфография эмас, балки алифбога ҳам маълум ўзгаришлар киритилиши кераклиги айтилади. Жараённинг таажжубли томони шундаки, 1939-1940 йилларда алифбо лойиҳаларини тузишда иштирок этган ва уларнинг тузилиш принципларини шу вақтгача ҳимоя қилиб келган Фаҳри Камолов ва А.К. Боровковлар ҳам эндиликда алифбони қайта кўриш керак деган фикрга келишади.¹²⁹ Масалан, *Фаҳри Камоловнинг* фикрича, ўзбек ёзувининг бундан кейинги такомили амалдаги алфавитга бир қатор муҳим ўзгаришлар киритилишини такозо қилади, шу муносабат билан қуйидаги масалалар кенг миқёсда муҳокамага кўйилиши керак:

1) ўзбек алфавитига қўшимча равишда янги белгилар киритиш масаласи;

2) мавжуд ҳарфлардан баъзиларининг шаклини ўзгартириш, бошқа шакл билан алмаштириш масаласи;

3) диакритик белгили ҳарфлар масаласи;

4) айрим шаклнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш масаласи;

5) алфавитдаги ҳарфлар тартибини қайта кўриш масаласи.

Юқоридаги каби таклифлар бошқа мутахассислар томонидан ҳам билдирилган. Бундай мунозара-бахсларда ўша йилларда А.К. Боровков, Р. Жуманиёзов, З. Маъруфов, Ғ. Абдурахмонов, Ҳ. Рустамов, Ш. Тохиров, Т. Шермухамедов, И.А. Киссен, У. Турсунов, Ҳ. Бердиёров, Ж. Ҳамдамов, Отақўзи Азизовларнинг фаол иштирок этганлигини кўрамиз. Уларнинг

¹²⁹ Қаранг. Фаҳри Камол. Янги ўзбек алфавити ҳақида баъзи мулоҳазалар // Қизил Ўзбекистон – 1952. – 8 апрель. Яна шу муаллиф ва шу мақола // Ўзбек орфографияси ва терминологиясига доир масалалар. – Т.: Ўзб. Фанлар академиясининг нашриёти. – 1952. – Б. 25-50.
Боровков А.К. Ўзбек орфографияси масалаларига доир // Ўзбек орфографияси ва терминологиясига доир масалалар. – Т.: Ўзб. Фанлар академиясининг нашриёти. – 1952. – Б. 5-24.

таклиф-тавсиялари таҳлилидан шундай хулоса келиб чиқади: алифбо атрофидаги фикрлар икки хил бўлган: *бир гуруҳ муаллифлар* (Ф.К. Камолов, З. Маъруфов, Ш. Тохиров, Т. Шермухамедов ва бошқалар) алифбога муҳим ўзгаришлар киритиш тарафдори бўлишган; *иккинчи гуруҳ муаллифлари* (А.К. Боровков, И.А. Киссен, А. Азизов ва бошқалар) алифбога жиддий ўзгаришлар киритишга қарши бўлишган, уларнинг фикрича, бундай «муҳим ўзгаришлар» ёзув киёфасини ўзгартириб юборади, оқибатда миллионлаб кишиларнинг шу кунгача яратилган ёзма манбалардан (китоб, газета, журнал ва хоказолардан) фойдаланиши кийинлашади, сўзларнинг ёзувдаги график шакли ўзгаргач, уларнинг маънолари ҳам ўзгаради: *қошиқ* («ложка»), *чол* («старик») сўзлари ислохотдан кейин *қўшиқ* («песня») ва *чўл* («пустыня») деб ўқиладиган бўлади, чунки «о» ҳарфи «ў»нинг вазифасини ўзига олади (ў ҳарфи алифбодан чиқарилади). Шунинг учун бундай фикр тарафдорлари алифбога ёзув киёфаси ва кўникмасини бузмайдиган бир-икки ўзгариш киритиш билан чекланишни таклиф қилишган. Бу фикр, охир оқибатда, устун келган ва алифбо таркиби кейинги 3-4 йил давомида махсус кўрилмаган, асосий эътибор имло қодаларидаги камчиликларни тузатишга қаратилган, натижада 1955 йилнинг охиригача «Ўзбек орфографиясининг асосий қодалари»нинг яна бир неча лойиҳаси яратилган, уларнинг ҳар бири юзасидан кенг доирада муҳокамалар уюштирилган, ниҳоят шу лойиҳаларнинг сўнгги (бешинчи) варианты **1956 йилнинг 4 апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг махсус фармони билан тасдиқланган**. Бу «... қодалар»да ўзбек алифбосига алоқадор бўлган фақат битта ўзгариш борлигини – алифбодаги айириш (ъ) белгисига апострофнинг функцияси олиб берилганини кўрамыз, холос.¹³⁰ «... қодалар»нинг етакчи муаллифларидан бири бўлган *Фахри Камолнинг* айтишича, апосторофдан воз кечишга

¹³⁰ Қаранг: Ўзбек орфографиясининг асосий қодалари. – Т.: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти – 1956. – Б 10 (29-параграф)

куйдагилар асос бўлган: «Алфавитга махсус айириш белгиси киритилган бўлишига карамай, *дар'ё, дун'ё, гир'я, ҳад'я* каби сўзларда ёлашган унлилардан олдин ҳам апострофнинг ишлатилиши мутлако ортикча эканлиги аниқ сезилиб қолди. Шу билан бирга *сур'ат, сан'ат, қал'а, мас'ул, Тал'ат* каби сўзларда апострофнинг унлидан олдин келиб, уни ундошдан ажратиш учун ишлатилиши ҳам ноўрин эканлиги аниқланади. Чунки бу ҳолат апострофга қараганда айириш белгисининг табиатига кўпроқ мос келади. Бу ҳол апострофнинг тақдири масаласини узил-кесил ҳал қилиш зарурлигини кўрсатади. Шунинг учун қоидалар тўпламининг 29-параграфида айириш белгисининг ишлатилиш доираси бирмунча кенгайтирилди, яъни апостроф ўрнида ҳам айириш белгисини қўллаш лозим топилди.¹³¹

Шундай қилиб, бир неча йил давомида алифбо атрофида олиб борилган қизғин мунозара ва тортишувлар ўзбек ёзуvidан фақат бир белгининг – апострофнинг чиқарилиши билан яқунланади. Апострофнинг 1940 йилда алифбо тасдиқлангандан сўнг ёзувга махсус орфографик белги сифатида киритилганини ҳисобга олсак, алифбо таркибида 1956 йилдан кейин ҳам мутлако ўзгариш бўлмаганлигини англаш қийин эмас. Бу ҳол кўп ўтмай алифбо атрофидаги мунозара ва тортишувларнинг такроран бошланишига сабаб бўлади: 1956 йилнинг ўзида *А.К. Боровковнинг* Иттифокдаги туркий тиллар алифболарини ўзаро уйғунлаштириш масаласига бағишланган мақоласи эълон қилинади.¹³² Мақолада алифбо унификациясини, бир томондан, Иттифокдаги барча туркий тиллар алифболари билан уйғунлаштириш йўналишида, иккинчи томондан эса мураккаб босмаҳона техникасининг имкониятларига мос равишда олиб бориш лозимлиги ҳақида фикр билдирилади».

¹³¹ Фаҳри Камол. Ўзбек орфографияси ҳақида (Ўқитувчиларга ёрдам) – Т.: Ўқувпедавнашр. – 1957. – Б. 20.

¹³² Боровков А.К. К вопросу об унификации тюркских алфавитов в СССР // Советское востоковедение. – 1956. – № 4. – С. 101-110.

1959 йилда В.В. Решетовнинг «Узбекский язык» номли китоби чоп этилади. Бу китобда айтилишича, Я, Е, Ё, Ю графемалари ўзбек тили табиатига мос эмас, чунки уларнинг икки товушни (е=й+э, ё=й+о, ю=й+у, я=й+а каби) ифодалашни ўзбекча сўзларнинг морфологик таркибини хиралаштириб, морфемалар чегарасини аниқлашга монелик қилади. Масалан, *кияман* < кий+«-а» + «-ман», *тўйман* < тўй+ «-а»+ «-ман» каби. Бунинг устига, ўзбек тили ундошлари системасида каттиклик-юмшоклик зиддияти (оппозицияси) учрамайди, бинобарин, е, ё, ю, я графемаларидан юмшок ундошларга ишора қилувчи сигнализатор ҳарф сифатида фойдаланиш зарурати ҳам йўқ. Рус орфографиясида эса е, ё, ю, я графемалари ўзидан олдин келган ундошларнинг юмшоклигини кўрсатади, шу ундошдан кейин келган унлини ифодалайди. Бу хусусият ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган русча ва интернационал сўзларда ҳам сақланади.¹³³ Шундай қилиб, В.В. Решетов я, е, ё, ю ҳарфларининг соф ўзбек сўзларида қўлланишига эътироз билдиради, аммо уларни алифбода қолдириш ёки қолдирмаслик ҳақида аниқ бир фикр билдирмайди.

1962 йилнинг октябрь ойида Олмаота шаҳрида СССР халқлари адабий тиллари тараққиёти муаммоларини ўрганишга бағишланган бутуниттифок илмий конференцияси бўлиб ўтади. Унда Ф.К. Камолов ўзбек алифбоси муаммолари ҳақидаги маърузаси билан катнашади. Бу маърузада у ўзбек алифбоси ҳозирги ўзбек тили фонемаларини, шунингдек, ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган сўзларнинг фонетик-орфоэпик хусусиятларини етарли даражада тўла ифода эта олмаётганлиги ҳақида гапириб, алифбо таркибига «ж» (джь), «ң» (нг), « ъ » товушлари учун янги ҳарфлар киритишни; рус тилидан ўзлашган сўзлар учун ш ва ы ҳарфларини қабул қилишни; алифбо таркибидаги ҳарфларнинг жойлашиш

¹³³ Решетов В.В. Узбекский язык, ч. I Введение. Фонетика - Т. Государственное учебно-педагогическое издательство УзССР - 1959. - С. 121-122.

тартибини эса 1952 йилда ўзи тавсия қилган лойихага мослаб ўзгартиришни таклиф этади.¹³⁴

1966 йилда Бокуда туркий тиллар алифболари ва орфографияларини мукаммаллаштириш масалаларига бағишланган бутуниттифок илмий конференцияси ўтказилади. Бу конференциядан сўнг Ўзбекистон Фанлар академиясининг А.С. Пушкин номи Тил ва адабиёт институтида махсус комиссия тузилиб, унга ўзбек алифбоси билан боғлиқ масалаларни ўрганиб чиқиш, мутахассисларнинг ва жамоатчиликнинг шу масалага оид фикрлари билан танишиш ҳамда алифбони унификация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш топширилади. Комиссия С. Иброҳимов (раис), Ф.А. Абдуллаев, Ш. Шоабдурахмонов, О. Усмон, З. Маъруфовлар таркибида иш кўради ва масалани ҳар томонлама ўрганиб, рус графикаси асосидаги ҳозирги ўзбек алифбоси ўзбек ёзуви талабларига асосан мос, чунки ундаги ҳарфларнинг кўпчилиги (25 таси) ўзбек тили хусусиятларини, шунингдек, ўзбек тилидаги русча лексик ўзлашмаларнинг фонетик таркибини тўғри ифодалайди деган хулосага келади: бундай ҳарфлар каторига а, б, в, г, д, е (э), з, и, к, л, м, н, о (русча ўрта кенг «о» учун), п, р, с, т, у, ф, х, ц, ч, ш, к, ғ белгилари киритилади, қолган ҳарфлар мунозарали деб топилади.¹³⁵

Мутахассисларнинг ва жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш жараёнида **ц** ни **тс** ёки **с** билан, **х** ни **һ** билан алмаштириш лозимлиги ҳақида, шунингдек, алифбога **ч** (қоришиқ «джъ» учун), **ң** (сонор «нг» учун), **ӓ** ёки **а** (қуйи кенг, орқа катор « ɔ » учун), **э** (*ана, мана* сўзларидаги олд катор, қуйи кенг, лабланмаган унли учун) ҳарфларини киритиш ҳақида таклифлар бўлганлиги аниқланади. Бу таклифлар мазкур комиссиянинг

¹³⁴ Камалов Ф. Всесоюзный форум языковедов (20-24 ноября 1962 г. Алма-Ата) // Общественные науки в Узбекистане. – 1963. – № 2. – С. 67-69.

¹³⁵ Каранг: Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР – М.: Наука, 1972 – С. 166-168

1967 йил 7 июлида бўлган йиғилишида тўғри деб топилади ва маъқулланади.¹³⁶

1968 йилда С. Отамирзаеванинг ўзбек алифбосини такомиллаштириш масаласига оид мақоласи рус тилида эълон қилинади. Бу мақолада автор алифбодан е, ё, ю, я ҳарфларини чиқаришни, унга ж (қоришиқ «дж» учун), ң (саёз тил орқа «нг» учун), ЎГ (чуқур тил орқа «нг» учун, масалан, қўнғиз сўзида), Э (*ош, нон* сўзларидаги қуйи кенг «о» учун), Һ («х» бўғиз ундоши учун) ҳарфларини киритишни, шу билан бирга алифбодаги ҳарфлар тартибини ўзгартиришни таклиф қилади ва қуйидаги лойиҳани муҳокамага қўяди: а, б, в, г, ғ, д, е («э» функциясида), ж, ж, з, и, й, к, қ, к, л, м, н, ң, ЎГ, Э, п, р, с, т, у, ў, ф, х, Һ, ч, ш, о, ц, ь, ь, - (харф усти белгиси).¹³⁷

1969 йилнинг 27-29 май кунлари Тошкентда нутқ маданияти масалаларига бағишланган биринчи Республика илмий конференцияси бўлиб ўтади, унда алифбо ва имло масалаларига ҳам кенг ўрин берилади; шу масала бўйича тингланган маъруза ва нутқларнинг деярли барчасида ўзбек алифбоси ва орфографиясини мукамаллаштириш керак деган фикр билдирилади.¹³⁸

1972 йилда СССР ФАнинг Тилшунослик институти мамлакатдаги туркий тилларда алифбо масаласи борган сари актуаллашиб бораётганлигини ҳисобга олиб, шу масалага оид йирик бир тўпلام тайёрлайди, унда туркий тилларнинг алифболарини шакллантиришда тўпланган тажрибалар умумлаштирилади, камчиликлар таҳлил қилинади, бу камчиликларни тугатиш юзасидан таклифлар киритилади. Бу тўпلامдан

¹³⁶ Қаранг: Юқоридаги асар. – Б. 168.

¹³⁷ Атамирзаева С. К вопросу дальнейшего совершенствования алфавита узбекского языка // Общественные науки в Узбекистане. – 1968. – №3 – С. 46-49.

¹³⁸ Нутқ маданиятига оид масалалар (Ўзбек тили нутқ маданиятига бағишланган I Республика тилшунослик конференцияси материаллари) – Т. Фан, 1973. – Б. 7-13, 27-31, 44-45, 66-67, 86-96, 97-100, 107-108, 121-125, 125-127, 127-129, 130-135

С.И. Иброҳимовнинг ўзбек алифбоси ва уни такомиллаштириш масалаларига бағишланган мақоласи ҳам ўрин олади.¹³⁹

Мақолада СССРдаги барча туркий халқлар алфавитларининг рус графикасига кўчганлиги муҳим ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамиятга эга воқелик сифатида баҳоланади, шундан сўнг бевосита ўзбек ёзувининг тарихи (қадимги туркий рун, уйғур, хоразм алифболари), араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзуви ва унинг ислох қилиниши, лотин графикасига асосланган ўзбек алифбосининг шаклланиши ва жорий этилиши, рус графикасига асосланган ўзбек алифбосининг жорий этилиши ҳақида қисқа, ammo муҳим маълумотлар берилади, ўзбек алифбоси ҳозирги ўзбек ёзуви талабларига асосан жавоб бераётган муҳим восита сифатида баҳоланади, шу билан бирга унинг айрим камчиликлари борлиги, бу камчиликларга барҳам бериш учун алифбо таркибига бир қатор ўзгаришлар киритиш лозимлиги айтилади, шу мақсадда қуйидаги таклифлар берилади:

а) алифбога ч (коришик «ж » учун), н (сонор «нг» учун), э (олд қатор, қуйи кенг «а» учун), ы (орқа қатор «ы» учун), ө (олд қатор, ўрта кенг, ингичка «о» унлиси учун: *бөлә, бөз* каби), ү (юқори тор, олд қатор ингичка “у” унлиси учун: *бүр, түзүк* каби) харфларини киритиш;

б) алифбодан *й* харфини чикариш, унинг вазифасини *о* харфига юклаш;

в) *о* харфининг қуйи кенг *ɔ* фонемасини (*ош, нон* сўзларидаги унли товушни) ифодалаш вазифасини *а* ёки *ä* шаклларидадан бирига олиб бериш;

г) *а* харфининг ҳозирги вазифасини алифбога янги киритиладиган *э* харфига юклаш;

д) *й* харфини *ј* шакли билан алмаштириш, чунки *й* харфи рус тилида ярим унли товушни билдиради, ўзбек тилидаги «й» фонемаси эса ярим унли эмас;

¹³⁹ Ибрагимов С. Узбекский алфавит и вопросы его совершенствования // Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР - М. Наука. 1972 - С. 152-171

е) айириш (ъ) ва юмшатиш (ь) белгиларини апостроф билан алмаштириш;

ж) е, ё, ю, я ҳарфларини алифбодан чиқариш ёки уларни факат русча лексик ўзлашмалар учунгина қолдириш; ўзбекча сўзларда эса е, ё, ю, я ҳарфлари билдирган ҳар бир товушни алоҳида ҳарф билан (*йэ, йо йу, йа* тарзида) ифодалаш;

в) алифбодаги ҳарфлар тартибини ўзгартириш.

С. Иброҳимовнинг алифбога оид юқоридаги таклиф-тавсиялари шу муаллифнинг 1967-1973 йилларда эълон қилинган яна бир қатор ишларида ҳам тўла ёки қисман акс этган.¹⁴⁰

1973 йилда *Ф.К. Камолов, Ф.А. Абдуллаев, Ғ.А. Абдураҳмоновларнинг «Ўзбек тили»* номли мақоласи (рус тилида) эълон қилинади.¹⁴¹ Унда ўзбек тилининг 1920-1970 йиллардаги тараққиёт йўли ва хусусиятлари ёритилади. Мақоланинг ёзув ҳақидаги қисмида мавжуд алифбонинг ютуқлари билан бирга баъзи камчиликлари борлиги ҳам таъкидланади, бундай камчиликлар қаторида **о, а, и, ж** ҳарфларининг ҳар бири бир нечтадан товушни ифодалаб келаётганлиги, «**о**», «**н**», «**ж**», «**ы**», «**щ**» товушлари учун махсус (алоҳида) ҳарфларнинг йўқлиги кўрсатилади. Муаллифларнинг фикрича, ҳозирги ўзбек адабий тили нормаларини ўзлаштиришда, ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган сўзларнинг имлоси ва талаффузини (орфография ва орфоэпия нормаларини) тўғри ифодалашда юқоридаги камчиликлар маълум қийинчиликларга сабаб бўлмоқда.

¹⁴⁰ Ибрагимов С.И. Орфография узбекского языка // Орфография порских литературных языков СССР (Отв.ред. К.Мусаев). – М.: Наука, 1973 – С. 218-236.

Иброҳимов С. Имлоиз равнаки // Ўзбекистон маданияти – 1967 – 31 декабрь

Иброҳимов С. Талаффуз ва имло // Ўзбекистон маданияти – 1967 – 10 октябрь

Ибраҳимов С. Элик йил ичида ўзбек ёзуви маданиятининг ривожини ва унинг такомиллашувига оид мавсарлар // Сб.: Юбилейная научная сессия АН УзССР. – Ташкент, 1967. – С. 138.

¹⁴¹ Абдуллаев Ф.А., Камалов Ф.К., Абдурахманов Ғ.А. Узбекский язык // Закономерности развития литературных языков СССР... – М.: Наука, 1973 – С. 273-321.

1973 йилда «Нутқ маданиятига оид масалалар» номли илмий тўплам ҳам нашрдан чиқади.¹⁴² Бу тўплам Ўзбекистон Фанлар академиясининг А.С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти томонидан тайёрланган бўлиб, унга 1969 йилда нутқ маданияти масалаларига бағишлаб ўтказилган Республика конференцияси материаллари киритилади. Материаллар орасида алифбо ва имлога оид қуйидаги мақолалар ҳам бор. «Ўзбек тилининг нутқ маданиятига оид масалалар» (С.И. Иброҳимов), «Нутқ маданиятининг баъзи бир назарий масалалари» (Э.Фозилов), «Фикримизни ўртоқлашайлик» (И. Абдуллаев), «Ўзбек алифбосининг такомил учун» (М. Валиев), «Ҳозирги ўзбек алифбосидаги камчиликлар» (М. Зокиров), «Алифбомизни такомиллаштиришга оид таклифлар» (А. Ишаев), «Ўзбек тили нутқ маданияти имло ва алифбони такомиллаштиришни талаб қилади» (Н. Маматов) ва бошқалар. Чунончи, С.И. Иброҳимовнинг мақоласида алифбо ва имлога ажратилган махсус бўлим мавжуд бўлиб, бу бўлимда алифбо адабий тилдаги фонемаларни тўла ва тўғри ифодалаш учун етарли ҳарфий белгиларга эга бўлсагина у амалий ёзувнинг талабларига жавоб бера олиши айтилади, шу жиҳатдан қаралганда ўзбек алифбосининг айрим жузъий камчиликлари борлиги, уларни тузатиш ва янги ҳарфлар билан янада мукамаллаштириш зарурлиги таъкидланади. Бундай камчиликларга қуйидагилар киритилади: а) икки мустақил фонема ўрнига бир ҳарф олинганлиги (ж, о); б) бир товуш икки ҳарф кўшилмаси билан ифодаланганлиги (нг); в) айрим ҳарфлар ўз ўрнини топмаганлиги (а,о); г) артикуляцияси ўхшаш фонемаларнинг ҳарфий белгилари ҳам ўхшаш бўлиб қолганлиги (х-х); д) ўзбек адабий тилининг хусусиятларига тўғри келмайдиган ортикча белги ва ҳарфлар кириб қолганлиги (ъ, ь, е, ё, ю, я, ц) ва б.

Э. Фозиловнинг мақоласида мактабларда ўзбек тилини ўқитиш, ўқувчиларга тўғри ёзиш ва адабий талаффуз қодаларини ўргатишдаги

¹⁴² Нутқ маданиятига оид масалалар – Т. Фан, 1973 - 208 б.

баъзи қийинчиликларни ҳозирги алфавитда учрайдиган камчиликлар билан боғлашга интилаётганлар борлиги айтилади ва шу позициядаги мутахассисларнинг алифбога ўзгартиш киритиш кераклиги ҳақидаги таклифларига эътироз билдирилади. Унингча, алфавитга қўшимча ҳарфлар киритиш ёки ундан ҳарфларни чиқариш билан нутқ маданиятини ошириш учун имконият яратилмайди, балки, аксинча, нутқ маданиятимиз такомиллашувида янада кўпроқ чалкашлик содир бўлади, чунки минг-минглаб ўқувчи ва талабалар, зиёли ва хизматчилар, колхозчи ва ишчилар ҳозирги кундаги алфавитимизда таҳсил кўришган. Шу каби, ҳозирги алфавитимиздаги миллионлаб китобларни қайта нашр қилдириш – давлат ва халқимизнинг зарурий эҳтиёжлари учун ишлатиладиган маблағ устида ҳам ўйлаш керак.

И. Абдуллаевнинг мақоласида алифбодан **е, ё, ю, я, ц, ь, ў, к, х** ҳарфларини бутунлай олиб ташлаш, **е, ё, ю, я** ҳарфларини иккита ҳарфга бўлиб, яъни лотинча **j** ни қабул қилиб, кейинги тегишли унлини ифодаловчи ҳарфларни қўйиш (озарбайжон ёзувида бўлганидек **je, jo, ju, ja** тарзида ёзиш), алифбога **э, һ, қ, ҷ** (ёки **ч**), **ј, н, и** (узун «и» учун), **ў** (узун «у» учун) ҳарфларини қўйиш тавсия этилади.

М. Зокиров ўзбек алифбосини такомиллаштириш учун унга **н** ёки **п** ҳарфларини (саёз тил орқа «нг» учун), **ѓ, ѓ, є** шаклларидан бирини (куйи кенг «**ɔ**» унлиси учун), апострофни (айириш белгиси ўрнига) киритишни, шунингдек қоришиқ «**джъ**» учун махсус бир ҳарф танлашни таклиф қилади, **ў, ё, ю, я** ҳарфларини ва юмшатиш (**ь**) белгисини эса алифбодан чиқариш керак деб ҳисоблайди. Унингча, рус алфавитидаги **ц** ва **щ** ҳарфларини ўзбек алифбосига киритиш ёки киритмаслик масаласи ҳам бизда тўғри ҳал этилмаган: **ц** ҳарфи қабул қилинган, **щ** олинмаган, унинг ўрнида **шч** ёзилмоқда. Аслида, бу ҳарфларнинг иккови олинishi ёки икковидан воз кечилиши керак. Улардан бирини олиб, иккинчисини олмаслик тўғри бўлмайди.

А. Ишаев алифбодан ў харфини чикаришни (ўрнида о ни қўллашни), а харфининг хозирги вазифасини (олд қатор қуйи кенг « э » унлисини ифодалаш функциясини) э шаклидаги белгига олиб беришни, а харфининг ўзини эса орқа қатор қуйи кенг « ɔ » унлиси учун олиб қолишни таклиф қилади. Шунда, авторнинг таклифига биноан, ўзбек тилининг олти та унли фонемаси **а, э, о, у, и, е** харфлари билан ифодаланадиган бўлади. Маколада алифбога **ң** (сонор «нг» учун), **ч** (коришиқ «джъ» учун) харфларини киритиш, алифбодаги айириш (**ъ**) белгисини апостроф (') билан алмаштириш, харфларнинг жойлашиш тартибини ўзгартириш ҳам тавсия этилади. Шунда алифбо қуйидаги тусга киради: Аа, Ээ, Бб, Вв, Гг, Ғғ, Дд, Ее, Ёё, Жж, Зз, Ии, Йй, Кк, Ққ, Лл, Мм, Нн, Ңн, Оо, Пп, Рр, Сс, Тт, Уу, Фф, Хх, Ҳх, Цц, Чч, Чч, Шш, ь, Юю, Яя (').

Н. Маматовнинг мақоласида алифбо ва имлодаги камчиликлар мактабларда она тилини ўқитиш, ўқувчиларни тўғри ёзиш ва тўғри талаффуз қилишга ўргатишда айрим кийинчиликларга сабаб бўлаётганлиги айтилади, бундай камчиликлар қаторида коришиқ « ж » ва сонор «нг» учун махсус харфларнинг йўқлиги кўрсатилади. «ж (дж) ва ң(нг) товушларининг тилимизда мустақил фонемалиги ва уларни алфавитга алоҳида харф тарзида киритиш лозимлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир... ч ва ң товушларини ифодаловчи харфлар СССРдаги деярли ҳамма туркий халқларнинг алифболарига киритилган. Улар фақат гагауз, қорақалпоқ ва ўзбек алифбосига киритилмаган, холос. Албатта, гагауз тилида бу икки товуш фонема сифатида ишлатилмас экан, уларнинг алифбога киритилмагани ҳам табиийдир. Аммо ўзбек тилида энг кўп ишлатиладиган актив фонемалардан бўлмиш ч в ң товушларининг алифбода ўз ифодасини топмаганлиги ўзбек графикасининг жиддий нуксонларидан бири ҳисобланиши керак», - дейилади мақолада. Булардан ташқари, мақола автори **х** харфини **һ** шакли билан алмаштириш кераклигини айтади, шунда хозирги **х** ва **ҳ** харфлари билан боғлиқ имло

хатоларини камайтиришга эришиш мумкин бўлар деб ҳисоблайди. Макола автори алифбодан е, ё, ю, я ҳарфларини чиқариш, а ҳарфини “ э ” унлиси учун ишлатиш, о ҳарфига ўзбекча ў нинг вазифасини олиб бериш ҳақидаги тақлифларга кўшилмайди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти академик *И.М. Мўминов* нутқ маданиятига оид илмий конференцияда сўзлаган нутқида алифбо бўйича билдирилган фикрларни хулосалаб шундай дейди:

«... Энди мен алифбо масаласида ҳам икки оғиз сўз айтмоқчи эдим. Афтидан, ҳозирги алифбодаги айрим товушларнинг берилиши мутахассисларда эътироз уйғотмоқда. Улар айниқса « Ҷ » ва « Ж » товушлари хусусида жиддий мулоҳазаларни билдирмоқдалар. Дарҳақиқат, биз ҳозир « ж » деб ёзамиз, « ж » деб ҳам, « Ҷ » деб ҳам ўқиймиз. Лекин бу ва бошқа масалада алифбога ислоҳ киритиш учун уни яхши ўйлаб кўришимиз, ўрганишимиз, масаланинг манфий ва мусбат томонларини кўриб чиқишимиз керак. Балки зарурият бўлиб қолса, масалани илмий томондан асослаб берсангиз, алифбода бу товушларнинг берилишини ўзгартириш ҳам мумкин. Лекин гап шундаки, ўзгартириш аниқ ва тўғри истикболни кўриш асосида, моддий ва техник имкониятларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш асосидагина бўлиши мумкин... Акс ҳолда бирор тилшуноснинг чакки айтилган мулоҳазаси ҳам юзлаб ўқитувчиларни ва минглаб ўқувчиларни нотўғри йўлга етаклаши мумкин».

1982 йилда Э.Н. Фозилов, Н. Маматов ва Х. Дониёровларнинг алифбо муаммоларига бағишланган мақолалари эълон қилинади.

Э. Фозиловнинг мақоласида араб ва лотин ёзувларига асосланган ўзбек алифболари, уларнинг халқимиз тарихи, маданиятида тугган ўрни ҳақида гапирилади, бу алифболар қачон ва қаерда, қай даражада ислоҳ қилинганлиги ҳақида обзор-маълумот берилади, сўнг рус графикасига асосланган ҳозирги ўзбек алифбосига ўтишнинг сабаблари, ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамияти ёритилади, бу алифбонинг ютуқлари билан

бирга бирмунча камчиликлари борлиги ҳам кўрсатилади, алифбони такомиллаштириш бўйича айтилган фикрларга муносабат билдирилади, шулардан келиб чиқиб, ўзбек алибоси (шунингдек, орфографияси ҳам) вақти-вақти билан такомиллаштириб турилиши керак деган хулосага келинади.¹⁴³

Н. Маматовнинг мақоласида қуйидаги фикрлар билдирилади: а) рус графикасига асосланган янги алифбонинг қабул қилиниши ўзбек халқи ҳаётида муҳим воқеа бўлган; б) бу алфавитда баъзи камчиликлар ҳам бор, ammo уни тўдан ўзгартириш зарурати йўқ: баъзи кишиларнинг алифбодан **е, ё, ю, я** харфларини чиқариш керак деган таклифларига қўшилиб бўлмайди, чунки бу харфларнинг алифбодан чиқарилиши рус тили орқали ўзлашган сўзларнинг талаффуз хусусиятларини ёзувда нотўғри ифодалашга олиб келади, масалан, **я** ўрнида **йа** ёзадиган бўлсак, унда *аккумуляция, артикуляция, регулятор, калькуляцион* типидagi сўзларнинг ўқилиши кийинлашади, қолаверса, **е, ё, ю, я** ўрнида **йэ, йо, йу, йа** ёзилиши ўзбекча матн ҳажмининг ортишига ҳам олиб келади.¹⁴⁴

Х. Дониёров ўз мақоласида қуйидаги таклифларни беради:

а) “а” товушини (орфографиядаги “о”ни) **а** харфи билан ифодалаш: хозир *бой, ой, сой, оқ* деб ёзилаётган сўзларни *бай, ай, сай, ақ* деб ёзиш;

б) “о” товушини **о** харфи билан (хозиргидек **ў** билан эмас) бериш;

в) олд катор қуйи кенг лабланмаган унли товуш учун алифбога **э** харфини қўшиш (бу товуш хозир **а** харфи билан берилмоқда): *эка, Эли, алла, амэки* каби. Бу белги бошқа туркий тиллар алифболарида (масалан, озарбайжон алифбосида) ҳам бор;

г) **ў** харфини алифбодан чиқариш, унинг функциясини **о** (орқа катор «ў» учун) ва **ө** (олд катор «ў» учун) харфларига бериш; *орақ, ор, ой, қой* ва *өрик, өрдэк, бөз* каби ёзиш;

¹⁴³ Фазылов Э.И. Развитие алфавита и орфографии за 60 лет // Опыт совершенствования алфавитов и орфографий языков народов СССР. – М.: Наука, 1982. – С. 75-81.

¹⁴⁴ Маматов Н. Некоторые вопросы совершенствования алфавита и орфографии // Опыт совершенствования алфавитов и орфографий языков народов СССР. – М.: Наука, 1982. – С. 81-86.

д) коришик « ж » учун алифбога ж харфини кўшиш: *жун, жан, жэбр* тарзида ёзиш;

е) нг ўрнга ң харфини қабул қилиш: *таң, кэң* каби;

ж) е, ё, ю, я харфлари ўрнида *йе, йё, йо, йа* ёзиш;

з) орқа қатор «и» учун алифбога ы харфини кўшиш: *қыз, қыр* каби ёзиш;

и) олд қатор «у» учун алифбога ў белгисини киритиш: *қул, ун* («овоз»), *туў* («тузмок»).¹⁴⁵

Юқорида келтирилган маълумотлардан шу нарса англашиладики, рус графикаси асосида тузилган ўзбек алифбосининг ўзига яраша муаммолари бўлган, бу муаммолар узок йиллик баҳсларга сабаб бўлиб келган. Шунинг учун 1985 йилда Ўзбекистон Халқ Маорифи вазирлигининг 154-сон (7 июнь) буйруғи билан махсус илмий комиссия тузилиб, унга алифбони такомиллаштириш вазифаси топширилади. Комиссияга Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси (ҳозир - академик) филология фанлари доктори проф. *Ғ.А. Абдураҳмонов* бошчилик қилади, комиссия ишида етакчи тилшунос олимлардан академик *Ш.Ш. Шоабдураҳмонов*, СССР Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси филология фанлари доктори, проф. *М.А. Асқарова*, филология фанлари докторлари проф. *А.Ғ. Ғуломов*, проф. *Ш.У. Раҳматуллаев*, проф. *А.П. Ҳожиев*, проф. *А.Ш. Шерматов* ва бошқалар иштирок этишади. 1985 йилнинг 14 июнида комиссиянинг биринчи йиғилиши бўлади, унда ташкилий масалалар кўрилади. Шу йилнинг 19 июнида комиссиянинг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтади, унда комиссия аъзоларининг алифбони такомиллаштиришга оид таклифлари тингланади ва шу асосда қуйидаги қарорга келинади:

¹⁴⁵ Данияров Х.Д. Диалектология и вопросы литературной нормы // Опыт совершенствования алфавитов и орфографий языков СССР. – М.: Наука. 1982. – С. 86-88.

1. Алифбога қоришиқ « ж » ундоши учун ч харфини кўшиш, **ж** харфини эса сирғалувчи « ж » учун қўллаш.

2. Сонор « н » товуши учун алифбога н харфини киритиш.

3. Алифбодаги о харфидан русча лексик ўзлашмалардаги ўрта кенг «о» ва ўзбекча «ў» товушларини ифодалашда фойдаланиш; ў харфини алифбодан чиқариш.

4. Ўзбек тилининг қуйи кенг “ ɔ ” фонемаси учун алифбога ɔ харфини киритиш.

5. Русча лексик ўзлашмаларда қўлланадиган сирғалувчи « ш » фонемаси учун алифбога **щ** харфини кўшиш (бу товуш хозирча шч аналитик графемаси билан ифодаланмоқда).

6. Шу ўзгаришлардан сўнг шаклланадиган алифбо таркибида 38 харф бўлиб, улар қуйидаги тартибда жойлаштирилади: Аа, Бб, Вв, Гг, Дд, Ее, Ёё, Жж, Зз, Ии, Йй, Кк, Лл, Мм, Нн, Ўў, Оо, Өө, Пп, Рр, Сс, Тт, Уу, Фф, Хх, Цц, Чч, Шш, Щщ, Ъъ, Ьь, Ээ, Юю, Яя, Ққ, Ғғ, Ҳҳ.

Бу лойиҳа муҳокама учун Республикадаги барча педагогика институтлари ва университетларига юборилади ва қисқа вақт ичида шу ўқув юртлари мутахассисларининг лойиҳа ҳақидаги фикрлари олинади. Муҳокама баённомаларининг барчасида лойиҳа маъқулланади, аммо уларнинг айримларида баъзи янги таклифлар ҳам учрайди. Масалан: «Биз лойиҳадаги х ва х харфлари ҳақида қуйидаги фикрларни билдирмоқчимиз. Бизнингча, х-х харфларини бирлаштириб, уларнинг вазифасини битта (х)га юклаш маъқул бўлур эди» (Улуғбек номли Фарғона Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедраси йиғилиши қароридан кўчирма, 25 июнь, 1985 йил);

«а) бўғиз товуши «х» учун янги график белгининг – **h** харфининг қабул қилиниши маъқулга ўхшайди;

б) рус тилидаги орқа катор «ы» фонемаси учун ўзбек тилида ҳам **ы** харфини қўллаш пайти келганга ўхшайди, чунки «ы» фонемаси билан

келган русча–интернационал сўзларнинг ўзбек тилида и ҳарфи билан (*посилка, вишка* каби) ёзиб келинаётгани шундай сўзларнинг нотўғри талаффуз қилинишига сабаб бўлмоқда» (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли Наманган Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг йиғилиши 7-сон қароридан кўчирма, 26 июнь 1985 йил). «Юмшатиш (ь) белгисини айириш (ъ) белгиси вазифасида ҳам қўллаш. Айириш (ъ) белгисини алифбодан чиқариш» (Тошкент Давлат университети профессори Ш.У. Раҳматуллаевнинг муҳокамадаги нутқидан).

1985 йилнинг 27 июнида Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида илмий комиссиянинг кенгайтирилган учинчи йиғилиши бўлади. Бу йиғилишда комиссия аъзоларидан ташқари Тошкент шаҳридаги институт ва мактаблардан, илмий текшириш институтлари, нашриёт ва редакциялардан ҳам ходимлар катнашади. Йиғилишда лойиха ва шу лойиха бўйича область институтларидан олинган баённомаларда билдирилган фикр ва таклифлар муҳокама қилинади, уларга муносабат билдирилади, сўнг шу фикрлар асосида бир неча лойиха вариантлари жадвали тузилади, бу жадвални ЎзССР Халқ маорифи вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Коммунистлари Партияси Марказий Комитетига юбориш режалаштирилади. Бирок бу иш яна ниҳоясига етказилмайди: лойиха атрофидаги мунозара ва тортишувлар ишни ижобий ҳал қилишга ҳалақит беради.

1988 йилнинг январь ойида «Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари» лойиҳасининг тuzатилган ва тўлдирилган варианты матбуотда муҳокама учун эълон қилинади.¹⁴⁶ Шу лойиха муносабати билан матбуотда чиққан айрим мақолаларда алифбони ҳам қайта ишлаш кераклигига оид фикрлар учрайди.¹⁴⁷

¹⁴⁶ Ўзбек Орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари (Лойиха) // Ўқитувчилар газетаси - 1988. - 30 январь.

¹⁴⁷ Рустамов Алибек. Принципиал қоидалар керак // Ўқитувчилар газетаси - 1988. - 21 май.

1988 йилнинг 23 декабрида Ўзбекистон Фанлар академиясининг А.С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида «Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари» лойиҳасининг юқорида келтирилган сўнги варианты муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган илмий кенгаш ўтказилади, бу кенгашда қуйидаги таклифлар бўлади:

1. *Ғ. Абдураҳмонов*: а) айтилган фикрлар ҳисобга олиниб, «Лойиҳа» қайта кўрилиши керак; б) орфографияни тасдиққа беришдан олдин ҳозирги ўзбек алифбоси ва графикасини қайта ишлаш, сўнг орфографияни шунга мослаш лозим бўлади.

2. *Ш. Шобдураҳмонов*: «Лойиҳа»ни 1956 йил «Қоидалари»нинг давоми деб, уни Халқ Маорифи министрлиги тасдиғининг ўзи билан (Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиғисиз) нашр қилсак бўлар. Охириги тасдиқни 5-6 йилдан сўнг алифбо ва графика билан қўшиб амалга оширайлик.

3. *Карим Назаров*: а) «Лойиҳа»ни тасдиққа беравериш керак; б) алифбо ва графикани қайта ишлашга киришиш керак.

4. *Бахтиёр Назаров*: а) «Лойиҳа» маъқуллансин, чунки у асосан тугалланган; б) таклифлар кўриб чиқилсин ва графикани ишлашга киришилсин.

Сўнги таклиф кўпчилик овоз билан маъқулланади ва кенгаш қарори сифатида қабул қилинади.

Нихоят, юқоридаги қарорга биноан 1989 йилда А.С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида академик *Ш. Ш. Шобдураҳмонов*, академик *Ғ.А. Абдураҳмонов*, филология фанлари доктори *Э. Бегматов* ва филология фанлари номзоди *Сора Отамирзаевалардан* иборат махсус ишчи гуруҳи тузилади. Бу гуруҳ алифбонинг қуйидаги янги лойиҳасини тайёрлайди: Аа, Бб, Вв, Гг, Ғғ, Дд, Жж, Жж, Зз, Ии, Йй, Кк, Ққ, Лл, Мм, Нн, Ҳҳ, Ўў, Оо, Пп, Рр, Сс, Тт, Уу, Фф, Хх, Ҳх, Цц, Чч, Шш, Ее, ь, ь.

Лойиха 1989 йилнинг декабрида Республика матбуотида муҳокама учун эълон қилинади.¹⁴⁸ Унда мавжуд алифбога киритиладиган айрим ўзгаришлар ҳақида шундай дейилади:

1. **О** ҳарфи орқа катор, ўрта–тор унлини ифодалайди: *от* (ўт), *ос* (ўс), *оқ* (ўқ), *октам* (ўктам), *отин* (ўтин), *озбек* (ўзбек), *орик* (ўрик), *отмиш* (ўтмиш); *Москва, октябрь, отряд, атом, тонна, конституция*.

2. **Ў** ҳарфи ўзбек алифбоси сирасидан чиқарилади.

3. Орқа катор, кенг унлини ифодалаш учун ўзбек алифбоси сирасига **Э** ҳарфи қабул қилинади: *Эна, Эт, ЭфтЭб, лЭла, дЭн, Эрзу, йЭш, айвЭн, мЭмЭ, Эта, баҳЭр, бЭбЭ, бЭб*.

4. **Ж** ҳарфи сирғалувчи ундошни билдиради: *журнал, инженер, Жуковский, аждар, гижда*.

5. Қоришиқ, жарангли ундошни билдириш учун ўзбек алифбоси сирасига **ж** ҳарфи қабул қилинади: *жўра, жўжа, ўжар, тож, хирож, ажаб, жуда*.

6. Тил орқа, портловчи, бурун сонорини билдириш учун ўзбек алифбоси сирасига **н** ҳарфи қабул қилинади: *Эн* (онг), *сиңил* (сингил), *соң* (сўнг), *тиңла* (тингла).

7. Ёлашган ундошлар деб аталмиш ҳарфлардан **ё, ю, я** ўзбек алифбоси сирасидан чиқарилади.

8. Тил олди, ўрта-тор, лабланмаган унли сўзнинг ҳар қандай ўрнида ҳам **е** ҳарфи билан ифодаланади: *кел, елак, пойезд, сьйезд, керак, еьлон, безак, газета*.

И з о х: Юкоирдаги матн газетадан ўзгаришсиз (имло хатолари тузатилмай) кўчирилди, шунинг учун унда *жўжа, хўжа, тож, эн* (онг), *соң* (сўнг) каби ҳар хилликлар учрайди. Қиёс қилинг: *хўжа* (орқа катор, ўрта-тор унли **ў** билан ёзилган), *соң* (орқа катор, ўрта-тор унли **о** билан

¹⁴⁸ Ҳозирги ўзбек алифбосига киритиладиган айрим ўзгаришлар (Лойиха) // Ўқитувчилар газетаси. – 1989 – 6 декабрь

ёзилган), конституция (охирги бўғин я билан ёзилган), 7-моддада эса я харфининг алифбодан чиқарилиши айтилган.

Лойиха бўйича Республика матбуотида турли фикрлар билдирилади. Улардан айримларини келтириб ўтамиз:

Х. Юсупов, Т. Мансуров, Н. Қурбонов, Х. Хўрозов (Қашқадарё вилояти Чирокчи туманидаги А.Умарий номи мактаб ўқитувчилари). «Биз мазкур лойихани ўкиб чиқиб, шундай хулосага келдик: хозир шундай лойиха керакми? Саккиз-ўнта ўзгартириш билан ҳарфларимиз графикаси асосан ўша-ўшалигича қолаверади-ку! Бундай лойиханинг амалга ошгандан кейинги моддий ва маънавий зарари ҳақида ҳам ўйлаб кўрилганми? Республикамиздаги кишиларнинг билим даражаси пастлиги устига «билимли саводсизлар» сони ҳам ошишини тасаввур қилиш керак.

Яхшиси, хозирги ҳарфларимиз сақланиб колгани маъқул».¹⁴⁹

А. Халилбеков, М. Юсупов (Наманган Давлат педагогика институти доцентлари). «... Бизнингча, алифбони ўзгартириш билан уни тўла мукаммаллаштиришга эришиб бўлмайди. Аслида бирор халқнинг алифбосини мукаммал дейиш кийин. Рус алифбоси ҳам мукаммал эмас. Немис ёзувида “х” товуши икки ҳарф билан, “ш” товуши уч, “ч” товуши тўрт ҳарф билан ифодаланади. Бу – ёзув учун ҳам, ўрганиш учун ҳам қулай эмас. Аммо улар алифболарини ўзгартиришмаяпти. Нега биз алмаштираверамиз?

Алифбони ўзгартириш, биринчидан, кўпчиликни яна саводсиз қилиб қўяди; иккинчидан, ярим аср давомида нашр қилинган китобларнинг бекор бўлишига, илмий, маданий ва адабий меросдан узилишга олиб келади, кейинги авлод хозирда ёзилган, нашр қилинган китобларни ўқий олмайди ёки нотўғри ўқийди., учинчидан, совет-интернационал сўзларнинг ёзилишида жиддий фарқни вужудга келтиради, тўртинчидан, давлат тили тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган муҳим бир ишни – бошқа миллат

¹⁴⁹ Асли колгани маъқул (Юсупов Х., Мансуров Т., Қурбонов Н., Хўрозов Х.) // Ўқитувчилар газетаси. - 1990. - 20 январь.

кишиларнинг ўзбек тили ва ёзувини, ўзбекларнинг рус тилини ўрганишларини қийинлаштиради; бешинчидан, бундай ўзгариш жуда катта харажатларга – моддий зарарга сабаб бўлади...»¹⁵⁰

С. Тангриев (Бухоро область Қоракўл районидаги Н.В. Гоголь номи ўрта мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси). «... Қайта қуриш муносабати билан жумхуриятимиз тилшунослари дадил қадам ташладилар: ҳозирги ўзбек алифбоси ислох қилинадиган бўлди... Алфавитнинг мукамаллиги миллатнинг саводхонлигига таъсир қилади. Ҳар бир тил алфавитида шу тилнинг товуш қурилмаси тўла ҳисобга олинishi, нутқ товушлари тўла ва тўғри акс этиши, шу миллатнинг ўзига хос товуш оҳангдорлигини тўлиқ таъминлаши ҳисобга олинган бўлиши керак.

Мен тилшунос олимларимизнинг ўзбек алифбоси лойиҳасини «дадил қадам» дедим. Бу бежиз эмас, албатта. Алифбомиз ҳақидаги гап жуда эски, у ҳар доим айтиб келинади, аммо амалга ошмасдан қолиб кетаверади...

Қайта қуриш шарофати билан тилшунослигимиздаги йиғилиб қолган муаммоларнинг тезлик билан ечилиши тарафдоримиз...»¹⁵¹

Икром Улуғбоев. «... Ахир, араб алифбоси ўзбек тилига хос товушларни тўла ифодаламаганлиги учун лотин графикаси асосидаги алифбо қабул қилинган эди-ку? Орадан 11 йил ўтиб лотин графикасидаги алифбо ҳам барча товушларни қамраб ололмаганлигини бечора тилшуносларимиз беҳосдан сезиб қолишибди. Хуллас, ўзбек ёзувидаги бу «сакрашлар» ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Ёш авлодларнинг ўз ўтмиш тарихларини ўрганишларига катта зарба берди.

Бугунги кунга келиб алифбомизни яна бир янгилик қутмоқда. Ҳозир ўзбек алифбосини такомиллаштириш мақсадида унга айрим ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги лойиҳа «Ўқитувчилар газетаси»нинг

¹⁵⁰ Халилбеков А., Юсупов М. Яна саводсиз қолмоқчимизми? // Ўқитувчилар газетаси - 1990 - 20 январь.

¹⁵¹ Тангриев С. Қоғозда қолиб кетмасин // Ўқитувчилар газетаси. - 1990 - 7 февраль.

1989 йил 6 декабрь сонида кенг оммага муҳокама этиш учун тақдим этилди.

Лойиха бўйича ў, е, ю, я харфларини ўзбек алифбоси сирасидан чиқариш, ўрнига янги харфлар татбиқ этиш назарда тутилади. Кенг жамоатчиликка муҳокама учун тақдим этилаётган ҳозирги лойиҳанинг ҳам биз учун фойдасидан кўра зарари кўпроқ бўлиши мумкин... Энди лойиҳадаги камчиликларга тўхтасак, лойиҳанинг 1-, 2-, 3-моддаларида ёзилишича, ў харфи ўзбек алифбоси сирасидан чиқарилиши ва ўрнига о ишлатилиши, о харфи ўрнига эса бошқа харф ишлатилиши тақлиф этилади. Бундай олиб қарасак, фақат харфларнинг ўрни ўзгартирилиб, алифбомиз мураккаблашади, холос.

7-моддага эса умуман қўшилиб бўлмайди. Агар ё, ю, я харфлари ўзбек алифбоси сирасидан чиқарилса, у ҳолда шу қунгача яратилган адабиётларни ўқишда, ўзбек алифбосида чалқашликлар юз беради...»¹⁵²

Республика матбуотида эълон қилинган мақолалардан намуна тарзида келтирилган юқоридаги парчалар жамоатчиликнинг «Лойиҳа»га ва умуман алифбо билан ёзув масалаларига бўлган муносабати ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Афсуски, матбуотда уюштирилган бу муҳокама бор-йўғи беш-олтита мақола эълон қилинган, тўхтатилди. «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1990 йил 7 февраль сонида бу ҳақда шундай дейилади: «Биз редакция почтаси орқали қабул қилинган хатларнинг айримларидан фойдаландик ва газета имкониятларидан фойда олиб чиқиб, янги лойиҳага яқун яшаш учун уларнинг барчасини Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтига топширдик. Лойиҳа муҳокамасида иштирок этган газетхонларга миннатдорчилик билдирамиз».

Дарҳақиқат, кўп ўтмай А.С. Пушкин номи Тил ва адабиёт институтида «Лойиҳа» муҳокамасига бағишлаб илмий конференция (кенгаш) ўтказилади. Унда институт директори муовини проф.

¹⁵² Улугбоев Икром. Чалғитишнинг ўзи-ку! // Ўқитувчилар газетаси. – 1990. – 7 февраль.

А.П. Ҳожиев шундай маълумотларни келтиради: «Лойиҳа» бўйича институтга 4000 дан ортиқ хат ва мақола келган, уларнинг 80% дан ортиғида «Лойиҳа» маъқулланмайди, қолганларида «Лойиҳа», асосан, маъқуллангани ҳолда, унга яна баъзи ўзгартиришлар киритиш тавсия қилинади.

Конференцияда сўзга чиққан ўртоқларнинг нутқларида ҳам тахминан шу руҳ сезилиб туради.

Конференция алифбо лойиҳасини таклифлар асосида қайта кўриш ва мукамаллаштириш керак деган қарорга келади.

Конференциядан кейин Республика матбуотида алифбо муаммоси яна кўтарилди: Тошкент Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудирини проф. *Карим Назаров*, А.С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти етакчи илмий ходими филология фанлари доктори *Эргаш Умаров*, Самарқанд Давлат университети умумий тилшунослик кафедрасининг мудирини филология фанлари доктори проф. *Худойберди Дониёров* ва бошқаларнинг бир қатор мақолаларида алифбога оид айрим масалалар муҳокамага қўйилади. чунончи, *Карим Назаровнинг* «Алифбо ҳам миллий бўлсин»,¹⁵³ «Ёзув такомил учун»,¹⁵⁴ «Миллий мактаб калити»¹⁵⁵ номли мақолаларида саводхонлик билан алифбо ўртасидаги алоқадорлик, бунда алифбо сирасидаги харфларнинг миллий тил товушларини ифода эта олиш даражаси ҳақида гап боради. Унингча, ўзбек алифбосини ташкил этувчи харфларни ижтимоий вазифаси жиҳатидан уч гуруҳга бўлиш мумкин:

а) ўзбекча миллий товушнинг ифода этувчи харфлар: о, а, б, в, г, ғ, д, ж (аждар), (?), з, и, й, к, л, м, н, (?), у, ў, п, р, с, т, ф, х, ч, ш;

¹⁵³ Қаранг: Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990. – 9 ноябрь.

¹⁵⁴ Қаранг: Совет Ўзбекистони. – 1991. – 25 июнь.

¹⁵⁵ Қаранг: Маърифат. – 1991. – 19 октябрь.

Б. Тўйчибоев ва Қ. Йўлдошевлар билан ҳамкорликда ёзган яна бир мақоласида юқоридаги фикрларини ривожлантириб, «и» ва «ы» унлиларининг ҳар бири туркий тилларда қадимдан мустақил товуш бўлганлигини Маҳмуд Кошғарий XI асрдаёқ айтиб ўтганлигини, бу товушларнинг эски ўзбек тилида ҳам фарқланганлигини ҳазрат Алишер Навоий «Муҳокаматул луғатайн»да қайд этганлигини далил сифатида келтиради ва бу икки унли товушни ҳозирги ўғуз, қипчоқ лаҳжалари вакилларининг барчаси, қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжа вакилларининг асосий қисми, айна пайтда адабий тил қонун-қондасига амал қилиб гапирувчи бутун ўзбек фарқли талаффуз қилишини, бундай ҳолат у - ў (у), ў (о) - ў (ө) каби тўртта лабланган унли (жуфт унлилар)га нисбатан ҳам сакланганини айтади, шулардан келиб чиқиб «бу тўрт лабланган унли товушнинг шартли белгисини ажратиб беришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир», - дейди.¹⁵⁷

Филология фанлари доктори *Эргаш Умаровнинг* «Унли харфлар муаммоси» номли мақоласида¹⁵⁸ Алишер Навоий даврида фақат «ў» ва «и» унлиларининг ўзи саккизта эканлиги, унга битта «а»ни қўшсак, шоир яшаган давр ўзбек шеваларида тўққизта унли бўлганлиги маълум бўлиши айтилади, шундай экан «таркибида битта «ў», битта «и» бўлган асосан Тошкент шеваларига хос олти (а, у, ў, э, и, о) номуқамал унли билан XV асрда тўртта «ў», тўртта «и» билан ёзилган Алишер Навоий ғазалларидаги аруз вазнини текшириш мумкинми?!» - деган савол қўйилади, шу билан ўзбек алифбоси муаммолари қаторига яна бир масала (ўйлаб кўриш керак бўлган масала) қўшилади.

Ўзбек алифбосидаги камчиликлар устида олиб борилаётган мунозаралар, айниқса, е, ё, ю, я, ж (ж), нг (н), ў (о), о (о , а°), х (h) харфлари атрофидаги баҳслар **1991-92 йилларда** ҳам давом этади, айна шу

¹⁵⁷ Дониёров Х., Тўйчибоев Б., Йўлдошев Қ. Муқамал алифбо – саводхонлик омили // Ўқитувчилар газетаси. – 1991. 11 апрель

¹⁵⁸ Умаров Эргаш. Унли харфлар муаммоси // Ўқитувчилар газетаси. – 1991 – 28 май.

йилларда мавжуд алифбодан бутунлай воз кечиб, ўзбек ёзувини рус графикасидан бошқа график тизимга кўчириш гоёси юзага келади. Бу гоёнинг пайдо бўлиши ва кун тартибига махсус масала сифатида куйилишини куйидагича изоҳлаш мумкин: а) амалдаги (русчалаштирилган) алифбонинг миллий ва умумтуркий жиҳатларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш юзасидан узок йиллар давомида олиб борилган ишлар (бахслар, мунозаралар, илмий кенгаш ва конференциялардаги таклиф-тавсиялар) натижа бермади; б) собик иттифокдаги туркий халқлар орасида ёзувни рус графикасидан бошқа график тизимга кўчириш ҳаракати бошланиб кетди. Буни куйидаги далиллардан англаб олиш кийин эмас: **1990 йилнинг баҳор ойларида** Озарбайжонда лотинлаштирилган алифбога кўчиш масаласи бўйича мунозаралар уюштирилади, Боку кўчаларидаги магазин ва қахвахонларда лотин алифбосида ёзилган пешлавҳалар пайдо бўла бошлайди, охири оқибатда **1990 йилнинг 11 сентябрида** Озарбайжон Республикаси Олий Кенгаши томонидан янги (лотинлаштирилган) озарбайжон алифбоси яратиш бўйича комиссия тузиш ҳақида махсус қарор қабул қилинади.¹⁵⁹ **1990 йилнинг октябрь ойида** Иттифок туркологларининг Нальчикда ўтказилган бутуниттифок конференциясида мамлакатдаги барча туркий халқларнинг ўзаро уйғунлаштирилган лотин алифболарига ўтиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр билдирилади.¹⁶⁰ **1991 йилнинг апрелида** Татаристонда туркий халқларнинг қурултойи ўтказилиб, унда ҳам бу масала махсус қўрилади.¹⁶¹ **1991 йилнинг 18-20 ноябрида** Туркияда (Истанбулдаги Мармара университетиде) «Қардош турк алифболари» («Çag'daş, Türk Alfabeleri») муаммоларига бағишланган халқаро симпозиум ўтказилади, унда татар, бошқирд, чуваш, қирим-татар, қорачой – болқор, қирғиз халқлари вакиллари (тилшунослар, тарихчилар, ёзувчилар

¹⁵⁹ Бу ҳақда қаранг: - Milletlerarasi Çag'daş türk alfabeleri Sempozyumu (18-20. Kasım, 1991) - İstanbul: 1992. - B. 35

¹⁶⁰ Қаранг: Юқоридаги «... Sempozyum» - Б. 28.

¹⁶¹ Қаранг: Юқоридаги «...Sempozyum» - Б. 62.

ва б.) иштирок этади. Симпозиумда лотин графикаси асосида туркий алифболар тузиш ғояси маъқулланади ва шу алифболар учун асос (негиз) сифатида қуйидаги лойиҳа тавсия этилади:

a	b	c	ç	d	e	ä
f	g	ğ	h	x	j	i
j	k	q	l	m	n	ñ
o	ö	p	r	s	ş	t
u	ü	v	w	y	z	

Лойиҳа остида симпозиум қатнашчиларидан 34 киши (шу жумладан, ўзбекистонлик Холжигит Санакулов ва Бердиёр Юсуповлар ҳам) имзо чекишади.¹⁶²

1991 йилнинг 25 декабрида Озарбайжон Парламенти лотин графикаси асосида тузилган янги озарбайжон алифбоси лойиҳасини тасдиқлайди, бу ҳақдаги қарорга Озарбайжоннинг ўша пайтдаги Президенти Абулфайз Элчибей 1992 йилнинг бошларида имзо чекади.¹⁶³ Бу жараён аста-секин Ўзбекистондаги ёзув муаммосига ҳам ўз таъсирини ўтказа борди: айти шу йилларда Республика матбуотида рус графикасига асосланган ўзбек алифбосини бошқа график тизимдаги алифбо билан алмаштириш лозимлигини тарғиб қилувчи мақолалар пайдо бўла бошлайди, бундай мақолалар кўздан кечирилганда алифбо муаммоси атрофида тўрт хил йўналиш юзага келганлиги маълум бўлади.

Биринчи йўналиш ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбога кўчириш тарафдорларини бирлаштиради (бу йўналиш тарафдорлари – Қўчқортоев Иристой, Ҳожиев Азим, Одил Ёқубов, Маҳмудов Низомиддин, Бегматов Эрнст, Миртожиев Миразиз, Жабборов Анвар, Рафиев Абдурозиқ, Мадвалиев Абдувахоб, Қораев Суюн, Каримов Убайдулла, Турсункулов Аббос, Қаҳрамонов Алибой ва бошқалар). Бу йўналиш

¹⁶² Юкоридаги «. Sempoziym» - Б. 67-68.

¹⁶³ Бу ҳақда қаранг. Ahmet B. Erçilasun. Lotin Alfabesi Konusunda gelişmeler // Türk Dili va edebiyati Dergisi. Sayi: 523. Temmuz: 1995 - B. 740.

тарафдорларининг фикрича, лотин графикасидаги алифбога ўтишнинг куйидаги асослари бор:

1. Дунёдаги халкларнинг аксарияти лотин ёзуvidан фойдаланади. Бу алифбога ўтишни хоҳловчилар сони бундан кейин ҳам ортиб боришига шубҳа йўқ (Н. Маҳмудов, С. Қораев).¹⁶⁴

2. Турли машиналарнинг техникавий ҳужжатлари ҳам шу ёзувда битилган (С.Қораев. Кўрсатилган мақола).

3. Лотин алифбоси энг мукамал алифбо бўлиб, хоҳлаган фонетик ўзгаликларни аниқ акс эттира олади. Ҳарфларнинг график шакллари ҳам содда (С. Қораев. Кўрсатилган мақола). 30-йиллардаги лотинлаштирилган ўзбек алифбоси ҳам асосан ижобий баҳоланган (И. Кўчқортоев).¹⁶⁵

4. Фан-техника, хусусан, компьютер техникаси ўта тараккий этган ҳозирги кунда лотин ёзувини билмаслик мумкин эмас. (С. Қораев).

5. Америка ва Ғарбий Европадаги ўзбекшунос олимлар ўзбек тилини лотин ёзувида ўрганадилар (С. Қораев).

6. Молдаван, озарбайжон, татар, бошқирдлар лотин ёзувига 1992 йилдан ўтишга тайёргарлик кўрмоқда (С. Қораев).

7. Туркияда культур (маданият) Вазирлиги назоратида дунёдаги барча турк тиллари учун лотин ҳарфида «Алифбо» яратилмоқда. Бундай алифбонинг яратилиши шу тилларда сўзлашувчи халкларнинг ўзаро фикр алмашувини, кардош тилларда яратилган ёзма манбалардан фойдаланишни осонлаштиради. (Н. Маҳмудов, С. Қораев, И. Кўчқортоев – кўрсатилган мақолаларда).

8. Ҳозирги кириллча ўзбек ёзувимиз тилимиздаги миллий сўзларнинг ҳамда товушларнинг нозик фарқларини ифода эта олмайди. Айниқса, о харфининг ҳозирги функциялари туфайли ўзбек алифбоси бошқа халқлар орасида оқ қарғага ўхшаб ажралиб қолади; е, ё, ю, я, ц харфлари, айириш

¹⁶⁴ Қораев Суюн. Ёзувимиз тақомилга муҳтож // Ўзбекистон адабиёти ва санъати - 1991. - 23 август. Яна: Ўзбек Миллий алифбоси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати - 1993. - 13 август (Абдунаби Хайдаров томонидан тайёрланган махсус саҳифага қаранг).

¹⁶⁵ Кўчқортоев Иристой. Ўзбек ёзуви муаммолари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1991. - 22 март.

(ъ) ва юмшатиш (ь) белгилари туркий тил учун бегона; “дж” қоришиқ портловчи ва “нг” товушлари учун махсус ҳарфларнинг йўқлиги ўзбек ёзуви имкониятини чеклаб қўймоқда. (С. Қораев, Н. Маҳмудов, И. Қўчқортоев).

9. Асримизнинг ўттизинчи йилларида мамлакатимизда қўлланилган, дунёнинг турли мамлакатларида ҳозир ҳам қўлланаётган лотинча туркий алифболарда ҳаммаси бўлиб 39 ҳарф ишлатилса, кириллча алифболарда 74 ҳарф ишлатилади. Бунинг сабаб шуки, айни бир ҳарф билан ифодаланиши мумкин бўлган ва лотинча туркий алифболарда ҳақиқатан ҳам бир ҳарф билан ифода этилган товушлар кириллча туркий алифболарда иккитадан олтигагача ҳарф билан берилади. Кириллча туркий алифболардаги бундай фарқлар шунга олиб келдики, бундай алифболар асосида иш кўрувчи туркий халқлар вакиллари бир-бирларининг оғзаки нутқини бемалол тушунгани ҳолда ўз тилидан бошқа туркий тилда ёзилган ёзувларни ўқий олмайдиган бўлиб қолди. Одамлар, элатлар, халқлар орасида бир-бирларини англаш, ҳамкорлик қилиш, тижорат ҳаракатлари кучайган ҳозирги даврда бундай сунъий тўсикка ҳеч қандай зарурат йўқ. (И. Қўчқортоев).

10. Ҳозирги кириллча ўзбек алифбоси ўзбек тилидаги жуфт унлиларни (олд қатор ва орқа қатор унлиларни) ифода этиш хусусиятига эга эмас (Н. Маҳмудов).

11. Араб графикаси ҳозирги туркий тилларнинг фонетик хусусиятларини, шунингдек, Европа тилларидан ўзлашган байналмилал атамаларнинг фонетик таркиби талаффузини ёзувда тўғри ифодалаш имконига эга эмас (С. Қораев).

12. Босмаҳоналарда арабча матни босиш учун 133 белги (унсур)дан фойдаланишга тўғри келади. Араб шрифтидаги машинкада ҳам ҳарфлар, белгилар бекиёс кўп (С. Қораев).

Иккинчи йўналиш араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзуви (алифбоси) мавқеини тиклаш тарафдорларини бирлаштиради (Булар Бўрибой Аҳмедов, Шопсонов Мухтор ва бошқалар). Бундай йўналиш тарафдорларининг фикрича, лотин имлосига қайтиш кўпчиликни, айниқса, ёши эллиқдан ошиб қолган одамларни саводсиз қилиб қўяди. Аждодларимизнинг IX асрдан то 1930 йилларгача яратган ва илм-фаннинг барча тармоқларини камраб олган китоблари араб тилида ва араб имлосида ёзилган. Бундан ташқари, араб ёзуви ўз вақтида барча туркийзабон халқларнинг тилларига мослаштириб олинган эди. Араб имлоси компьютерга тушмайди деган фикрлар ҳам беҳуда. Шунинг учун жорий алифбони ҳозирча саклаб қолиш, айни пайтда, мактабларда араб имлосига кўчиш керак. Олий ўқув юртиларида эса араб имлоси ёки қадимги ўзбек тили, форс тили ва араб тилларини ўқитишни кенгайтириш керак. Маълум вақт шундай қилинса, муайян вақт ўтиб, ўша ўзимизнинг арабий имломизга ўтиб қолганимизни сезмай ҳам қоламиз (Аҳмедов Бўрибой. «Зинҳор шошилмайлик». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 й., 7 август).

Халқимиз лотин алифбосида бор-йўғи тўққиз йил иш олиб борган. Кириллицани эса сал кам олтмиш йилдан бери қўллаб келяпти. Олдий чўпондан тортиб президентгача шу имлода ўқиган. Аҳолининг сал кам юз фоизи шу ёзувни билади. Лотин имлосини бир фоиз ҳам одам билмайди.

Хўш, араб алифбосини неча фоиз аҳоли билади? Ишонч билан айтиш мумкинки, 35-40 фоиз аҳоли эндиликда араб ёзувини билади. Айримлар бунга ишонқирамай қараш мумкин. Аввало, лотин имлосига қадар араб ёзувини ўрганган оталаримиз ҳамон бу имлода ёзмокдалар. Қолаверса, бугун жуда кўплаб мактабларимиз, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларимизда араб ёзувига асосланган ўзбек имлоси кенг қўламда ўқитилмокда. Башарти, алифбони ўзгартириш зарур экан, бу жиҳатни ҳам

хисобга олмасликка ҳаққимиз йўқ (Шопсонов Мухтор. «Жаҳонга ақл билан чиқилади». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 й., 7 август).

Учинчи йўналиш тарафдорлари қадимги туркий (урхун) ёзувига эътиборни тортишади. Улардан бирининг (Элмурод Келдиевнинг) фикрини келтириб ўтайлик: «... келгусида яна хатога йўл қўймаслик учун танлаш имкониятимиздаги араб, лотин, урхун ёзувларини ҳар томонлама чуқур муҳокама қилиб, улардан бирини ўзимиз учун дастуриламал қилиб олишимиз керак.

Тарози паллаларини юкдан ҳоли қилиб, ўлчаб кўрайликчи, бу ёзувлардан қай бири бизнинг талабларимизни қаноатлантиришга кўпроқ қодир экан? Дастлаб, «Товушлардаги бир хиллик худди рангларнинг бир хиллиги каби» эканлигини эътибордан қочирмай, тилимизнинг ранг-баранг товушларини ўз жиловлари билан намоён эта олиш имконияти қай бир ёзувда кўпроқлигини ўлчаёлик.

Тўғри, халқимиз араб ёзувидан узоқ давр фойдаланиб келган, аммо эндиликда маълум бўляптики, бу ёзув ҳам тилимиз сингармониясини сақлаш имконини бермайди. Лотин ёзувида эса, менимча, ҳозирда фойдаланаётганимиз – кириллица хатидан устунроқ жиҳатлар йўқ. Демак, тошимизни боса оладиган ёзув фақатгина урхун ёзуви бўла олади, холос...»

Шундан сўнг мақола муаллифи лотин ва туркий (урхун) ёзувларини ўрганишга имконият яратилса, кўп нарса ойдинлашар эди, дейди (Қаранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1991 й. 3 май сони).

Тўртинчи йўналиш тарафдорлари мавжуд кириллча ўзбек алифбосининг ўзини сақлаш, ҳеч бўлмаганда, уни алмаштиришга шошилмаслик керак деб ҳисоблайдилар. Бу борада проф. Карим Назаровнинг қуйидаги фикри характерлидир. Унингча, алифбо албатта ўзгаради, бироқ бундай ўзгариш мавжуд алифбони алмаштириш йўли билан эмас, балки ундаги ҳарфлар сирасини мукамаллаштириш, алифбога миллий руҳ бахш этиш – демократиялаштириш йўли билан ўзгаради.

Борди-ю мавжуд ёзувни бошка алифбога кўчириш шарт бўлса, буни даврнинг ўзи хал қилади. («Маърифат», 1991 й., 19 октябрь).

Алифбони ўзгартиравермаслик ёки, ҳеч бўлмаганда, ўзгартиришга шошилмаслик гоёси, айниқса, Мухтор Шопсоновнинг «Жаҳонга ақл билан чиқилади» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 й. 7 август) номли мақоласида кескин кўйилади. У ёзади: «Келгусида авлодлар ҳам биз сингари ҳадеб имлони ўзгартираверишнинг жабрини тортмасинлар. Биз бундай ниҳоятда масъулиятли масалани ҳал этишда қизиққонлик қилиб, унисини ё бунисини бирданига қабул қилиб қўймайлик..., имло масаласини бир йилдаёқ ҳал этиб ташлашга бизнинг маънавий ҳаққимиз йўқ. Беш-ўн йил олдинги тарихга бир қур назар ташланг, не-не тутуруксизликларни кўрасиз, 37-йилда миллатнинг энг сара гулларини сотганлар бугун уларни асраб қололмаганимиз учун кўз ёш тўкиб, қаҳрамон бўлиб ўтирса... Бундай одамларга ишониб бўладими ўзи? Биз шу киёфа, шу савиямиз, шу маънавиятимиз билан имлони ўзгартириш масаласини ҳал қилиб юборсак, эрта бир кун фарзандларимиз уни ўзгартиришга эҳтиёж сезганларида ким деган одам бўламиз? Қори Ниёзийдек улкан алломаларга бугун отилган тошлар эртага ўзимизга ҳам отилмайди деб ҳеч ким қафолат бермайди. Уларнинг хатолари бизга сабоқ, аччиқ, аламли сабоқ бўлмоғи керак».

1993 йилнинг биринчи ярмида алифбони ўз холича (рус графикасида) қолдириш тарафдорлари билан уни лотин графикаси тизимига кўчириш тарафдорлари ўртасидаги баҳслар давом эттирилади. Чунончи, «Алифбони ислоҳ қилиш керакми?» номли мақолада ёзувни лотин графикаси тизимига кўчиришнинг ҳеч бир ижтимоий-тарихий, маърифий, маънавий, иқтисодий ва лисоний асослари йўқлиги, бундай ислохотнинг амалга оширилиши авлодларни ўтмишдаги ёзма манбаларни асл нусхада ўқий олиш имкониятидан маҳрум қилиши, янги яратилган алифбо ва имло қоидаларини тез-тез қайта ишлаб, мукаммаллаштириб бориш каби жараёнларнинг авж олишига олиб келиши, бу жараённинг, ўз

навбатиди, халқни асосий меҳнат фаолиятдан четга тортиши, ҳатто жамият тараққиёти суръатига салбий таъсир қилиши мумкинлиги айтилади.¹⁶⁶ Шунга қарамай, матбуотда эълон қилинган мақолаларнинг аксариятида алифбони лотин графикасига кўчириш ғояси кўпроқ тарғиб қилинади: «Товуш ёзувга эмас, ёзув товушга маслаштирилсин». (Аббос Турсунқулов, Алибой Қаҳрамонов. «Маърифат», 1993 й., 13 февраль). Тилимиз жозибасининг тилсими (Иристой Кўчқортоев, Азим Ҳожиёв, Одил Ёкубов, Низомиддин Маҳмудов, Эрнст Бегматов, Анвар Жабборов, Абдурозик Рафиев, Абдувахоб Мадвалиев. «Халқ сўзи», 1993 й., 28 июль), Ўзбек миллий алифбоси («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993 й., 13 август), Инон-ихтиёр билан танланган алифбо (Абдулла Шер. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993 й., 27 август) каби мақолалар бунинг далили. Уларда шундай дейилади: «Дунёда бирор ёзув йўқки, у ўша халқларнинг талаффузларини тўлиқ ақс эттирган бўлсин. Ўзбек тилининг ҳам талаффузини, товуш нозикликларини биронта ёзув ўзида тўлиқ ифода қила олмайди. Лекин, нисбатан олганимизда, лотин ёзуви бошқа ёзувларга қараганда тилимиз хусусиятларини тўлароқ ёритишга қодир. Иккинчидан, бу ёзувга ўтиш бутун турк олами билан яқинлашишга, бутун дунё турклари учун ягона ёзув бўлишига эришиш имконини беради. 1991 йилнинг ноябрида Туркиядаги Мармара дорилфунунининг Туркиёт тадқиқотлари илмгоҳида «Ҳозирги замон турк алифболари» мавзусидаги симпозиумда турк қавмлари учун лотин ёзувидаги алифбонинг тавсия этилиши шу йўлдаги биринчи қадамдир. Учинчидан, ривожланган мамлакатларнинг ёзуви лотин тилида эканлигини унутмаслик зарур...

Хуллас, тилимизнинг софлиги, гўзаллиги, ундаги мусикий оҳангни сақлай оладиган, талаффузимизга мос бўлган лотин ёзувига босқичма-босқич ўтиш даври келди». (Аббос Турсунқулов, Алибой Қаҳрамонов).

¹⁶⁶ Бу ҳақда қаранг: Жамолхонов Ҳ. Алифбони ислоҳ қилиш керакми? // Туркий тиллар тараққиёти муаммолари. Низомий номидаги ТДПУ илмий асарлари. Тошкент, 1993. - Б 12-17

«Биз ўзбек тилининг кўп асрлик ёзма анъаналари, тилимизнинг хозирги аҳволи ва келажаги тўғрисида фикр юритиб, мавжуд алифболарни бир-бирига, шунингдек ўзбек тилининг товушлар тизимига муқояса қилиб кўриб, Самарқанд қурилтойида (1929) қабул қилинган алифбо лотин ҳарфли ўзбек алифбоси учун асос бўла олади, деган хулосага келдик. Бу билан биз Самарқанд қурилтойида қабул қилинган алифбони айнан тиклаш керак демокчи эмасмиз. Лотин ёзувига асосланган алифболарнинг қатор ҳарфлари, алифбода ҳарфларнинг жойлашиш тартиби каби масалалар бўйича кейинги йилларда қимматли таклифлар ўртага ташланди. Бизнинг фикримизча, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг товушлар (фонемалар) сонини тайин этишда Самарқанд қурилтойида қабул қилинган алифбога таяниш, бу товушларни қандай ҳарфлар билан ифодалаш масаласида илмий ва ўқув муассасалари, мутахассислар томонидан айтилган таклифларни ҳисобга олиш ўринли бўлади.

... Шу йилнинг март ойида туркий тилларда гаплашувчи республикаларнинг олимлари ва расмий кишилари иштирокида ўтказилган анжуманда туркий тиллар учун муштарак алифбо лойиҳалари муҳокама қилинди ва умумий бир лойиҳа ишлаб чиқилди... бу алифбо 34 ҳарфдан иборат бўлиб, Самарқанд қурилтойида қабул қилинган 33 ҳарфли ўзбек алифбосидан деярли фарқ қилмайди...» (Иристой Қўчқортоев, Азим Ҳожиёв, Одил Ёқубов...).

«... лотин алифбосига зудлик билан ўтмоғимиз замон тақозоси. Чунки бу алифбо, боя айтганимдек, қилич билан ҳам, замбарак билан ҳам кириб келмаган, уни фахр ила Ўзбекистонимизнинг, бутун Туркистонимизнинг ўз инон-ихтиёри билан танлаган мустақил алифбоси дейиш мумкин. Зеро, мустақил алифбо – мустақиллик алифбоси бўлмоғи даркор» (Абдулла Шер).

Юқоридаги йўналишларнинг тарафдорлари ўртасидаги баҳслар, охир оқибатда, ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбога кўчириш

харакатининг устун келиши билан яқунланади: **1993 йилнинг 2 сентябрида** ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» қуйидаги қонунни қабул қилади:

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТУҒРИСИДА

1-модда. Қонуни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида асосланган ва Ўзбек Ёзувининг лотин алифбосига ўтказилган 1928—1940 йиллардаги ижобий тажрибасидак келтирилган, кенг жамоатчилик вакиллари билан биргаликда истақ-хоҳишларини инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама қамол топи-

лиши ва маданий коммунистик таълимга қираниши жадаллаштирувчи қудай шароит яратишга қизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасида лотин ёзуви асосланган, қуйидаги 31 ҳарф ва 1 тугуз белгиси (апостроф)дан иборат Ўзбек алифбоси жорий этилади:

Ўзбекистон			Қирғиз	Ўзбекистон			Қирғиз
Х а р ф л а р			Ҳ а	Х а р ф л а р			Ҳ а
Босма	Қома	Талаффуз	Харфлар	Босма	Қома	Талаффуз	Харфлар
А а	А а	а	А а	Б б	В в	е	Р р
В в	В в	ве	В в	С с	Д д	е	С с
С с	С с	се	Ц ц	Т т	Ф ф	те	Т т
Д д	Д д	де	Д д	У у	Х х	у	У у
Е е	Е е	е	Э э	Ҳ ҳ	Х х	ве	В в
Ҳ ҳ	Ҳ ҳ	еҲ	Ф ф	Ҳ ҳ	Х х	хе	Х х
Ҳ ҳ	Ҳ ҳ	еҲ	Т т	Ҳ ҳ	Х х	хе	Ҳ ҳ
Н н	Н н	не	Х х	З з	З з	зе	З з
И и	И и	и	Н н	С с	С с	се	Ч ч
Ҳ ҳ	Ҳ ҳ	еҲ	Х х	Ҳ ҳ	Ҳ ҳ	еҲ	Г г
К к	К к	ке	(ҲҲ)	Ҳ ҳ	Ҳ ҳ	еҲ	Г г
Л л	Л л	ле	Л л	Ҳ ҳ	Ҳ ҳ	еҲ	Ҳ ҳ
М м	М м	ме	М м	Ҳ ҳ	Ҳ ҳ	еҲ	Ҳ ҳ
Н н	Н н	не	Н н	Ҳ ҳ	Ҳ ҳ	еҲ	Ҳ ҳ
О о	О о	о	О о	Ҳ ҳ	Ҳ ҳ	еҲ	Ҳ ҳ
Ҳ ҳ	Ҳ ҳ	еҲ	П п	Ҳ ҳ	Ҳ ҳ	еҲ	Ҳ ҳ
Қ қ	Қ қ	қа	Қ қ	Ҳ ҳ	Ҳ ҳ	еҲ	Ҳ ҳ

2-модда. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш билан бирга Ўзбекистон халқининг миллий ифтихори бўлиб бебаҳо маънавий мерос битуми бўлиб

ниш ва улардан фойдаланиши учун зарур шароитлар сақлаб қолинади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. ҚАРМОВ.

2-модда. Латин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш билан бирга Ўзбекистон халқининг миллий ифтихори бўлмиш бебаҳо мерос битилган араб алифбосини ва кириллицани ўрганиш

ва улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар сақлаб қолинади.
Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябр.

Республика Олий Кенгашининг шу сессиясида Қонунни амалга киритиш тартиби ҳақида махсус қарор ҳам қабул қилинади, унда янги алифбога босқичма-босқич ўтиш, бу ишни 2000 йилнинг 1 сентябрига қадар тўлиқ тугаллаш лозимлиги кўрсатилади.¹⁶⁷

1994 йилда юқоридаги қарорда назарда тутилган тадбирлар бўйича иш олиб борилади:

- алифбони жорий этиш бўйича республика комиссияси тузилади;
- «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» (лойиҳа) тайёрланиб, матбуотда эълон қилинади («Халқ сўзи», 1994, 7 июль);


- Республика ва маҳаллий бошқарув органларининг янги алифбони жорий этиш юзасидан амалга ошираётган ишлари бўйича ҳисобот-ахборотлар тинглаб борилади;

- латин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш учун керак бўлган ўқув адабиётлари яратиш ишлари олиб борилади;

- идора ва корхоналарда ходимларга янги алифбони ўргатиш курслари ташкил этилади.

1995 йилда ёзув техникасидан, биринчи галда компьютерлардан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида янги алифбога маълум ўзгартишлар киритиш зарурати борлиги сезилиб қолади. Натижада **1995 йилнинг 6 майида** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Олий Кенгашнинг 1993 йилдаги қонунига қуйидаги ўзгаришларни киритади:

¹⁶⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси – 1993. - № 9.



Шундан сўнг янги лотин-ўзбек алифбоси қуйидаги таркибда тасдиқланди:

ЯНГИ АЛИФБО

Босма	Ёзма	Харф рими	Босма	Ёзма	Харф рими
Aa	<i>Aa</i>	a	Qq	<i>Qq</i>	qe
Bb	<i>Bb</i>	be	Rr	<i>Rr</i>	er
Dd	<i>Dd</i>	de	Ss	<i>Ss</i>	es
Ee	<i>Ee</i>	e	Tt	<i>Tt</i>	te
Ff	<i>Ff</i>	ef	Uu	<i>Uu</i>	u
Gg	<i>Gg</i>	ge	Vv	<i>Vv</i>	ve
Hh	<i>Hh</i>	he	Xx	<i>Xx</i>	xe
Ii	<i>Ii</i>	i	Yy	<i>Yy</i>	ye
Jj	<i>Jj</i>	je	Zz	<i>Zz</i>	ze
Kk	<i>Kk</i>	ke	O'o'	<i>O'o'</i>	o'
Ll	<i>Ll</i>	el	G'g'	<i>G'g'</i>	g'e
Mm	<i>Mm</i>	em	Sh sh	<i>Sh sh</i>	she
Nn	<i>Nn</i>	en	Ch ch	<i>Ch ch</i>	che
Oo	<i>Oo</i>	o	Ng ng	<i>Ng ng</i>	nge
Pp	<i>Pp</i>	pe			

1992 йил 12 декабрда қабул қилинган 1995 йил 6 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан ўзгартирилган Ўзбекистон алифбоси.

1995 йилнинг 24 августида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 339-сонли қарори билан «O‘zbek tilining asosiy imlo qoidalari» тасдиқланади.¹⁶⁸

Юқориди келтирилган Қонун ва қарорлардан кўриниб турибдики, янги ёзувга тўла ўтиш муддати дастлаб 2000 йилнинг 1 сентябрига қадар қилиб белгиланган. Алифбога ўзгартишлар киритилганлиги муносабати билан бу муддат кейинроқ 2005 йилнинг 1 сентябрига қадар узайтирилган.¹⁶⁹

2004 йилнинг 30 апрелида Ўзбекистон Республикасининг «... айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилинади. Унга кўра лотин ўзбек ёзувига тўла ўтиш муддати 2005 йилнинг 1 сентябридан 2010 йилнинг 1 сентябрига кўчирилади,¹⁷⁰ шу тариқа Ўзбекистонда маълум муддат ичида (1995-2010 йиллар орасида) ўзига хос янги вазият – иккиёзувлилик ҳолати юзага келтирилади.

* * *

Мавжуд материаллар таҳлилидан шундай хулосалар келиб чиқади: алифбо ва имло масалалари 1940 йилдан кейин ҳам қизғин

¹⁶⁸ 1995 йил, 24 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 339-сонли қарори: Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида // Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 1.

¹⁶⁹ 1995 йил, 6 май. «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори // Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 120-модда. Яна қаранг: Халқ сўзи – 1995 – 6 июнь, Маърифат – 1995 – 7 июнь.

¹⁷⁰ 2004 йил, 30 апрель. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида:

VI Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш тартиби ҳақидаги Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 332-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 120-модда);

2-бандидаги «2005 йил» деган сўзлар «2010 йилнинг» деган сўзлари билан алмаштирилсин; 10-бандидаги «2005 йилнинг» деган сўзлар «2010 йилнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Қаримов. Тошкент шаҳри, 2004 йил 30 апрель.
[Халқ сўзи – 2004 йил, 26 июнь, № 134 (3409)] (шанба).

мунозара-бахслар предмети бўлиб келган. Бундай мунозара-бахслар доирасига кўпроқ қуйидаги масалалар тортилган: а) ўзбек алифбосини Иттифокдаги бошқа туркий тиллар алифболари билан уйғунлаштириш (ёки бирлаштириш) масалалари; б) ўзбек алифбоси ва имлосининг миллий жихатларини, унинг ўзбек тили фонологик тизимига мослик даражасини мустахкамлаш масаласи; в) алифбодаги ҳарфларнинг вазифаси ва шакл хусусиятлари масаласи; г) алифбодаги ҳарфларнинг миқдори масаласи; д) алифбо ва имлонинг ёзув техникаси (матбаа-босмахона, ёзув машинкалари, компьютер аппаратлари ва шу кабилар) имкониятига мослик даражаси; е) алифбо ва имлонинг ёзув эстетикасига алоқадор жихатлари; ж) ҳарфларнинг алифбодаги ўрни (жойлашиш тартиби) масаласи; з) алифбодаги ҳарфларнинг номланиши масаласи; и) ўзбек ёзувини рус графикасидан бошқа график тизимга кўчириш масаласи.

1. **Ўзбек алифбосини бошқа туркий тиллар алифболари билан уйғунлаштириш масаласи**, аслида, 20-йилларнинг ўрталарида собик СССРдаги умумтуркологик муаммолардан бири сифатида юзага келган бўлиб, у шу кунгача ҳам ўзининг аниқ ва изчил ечимини топгани йўқ.

2. **Ўзбек алифбоси ва имлосининг миллий жихатларини, унинг ўзбек тили фонологик тизимига мослик даражасини мустахкамлаш характери** ҳам анча илгаридан бор. Бунинг учун З.М. Бобурнинг «Хатти бобурий»ини (XVI аср), «Чигатой гурунги» жамиятининг 1919-1921 йиллардаги фаолиятини, 1921-1923 йиллар орасида тил ва имло масалаларига бағишлаб ўтказилган курултой ва конференцияларнинг қарорларини, 1926-1929 йиллардаги мунозара-бахсларни, 1934-1938 йилларда лотин графикасидаги ўзбек алифбоси ва имлосига киритилган ўзгаришларни эслаш кифоя. Бу жараён 1940 йилдан кейин ҳам давом этиб келмоқда. *Бир гуруҳ тилшуносларнинг фикрича*, ҳозирги ўзбек алифбоси ва имлоси ўзбек тилининг миллий жихатларини етарли даражада ифодалай олмайди. Уларнинг таъкидлашича, ҳозирги ўзбек адабий тили вокализмида

эски ўзбек адабий тилига ва ҳозирги кипчоқ лаҳжаларига хос бўлган контраст жуфтликлар (и-ы, э-а, ў-у, ө-о каби зидланишлар) мавжуддир, аммо алифбо ва имлода бу хусусият ҳисобга олинмаган, демак, уларни (алифбо ва имлони) шу камчиликни бартараф қилиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш керак.

Иккинчи гуруҳ тилишуносларнинг фикрига кўра ҳозирги ўзбек адабий тили унлилари 6 тадир (и, э, а, у, ў, о). Бу фикр тарафдорлари қаторида А.К. Боровков, В.В. Решетов, А.Ф. Ғуломов, Ш. Шоабдурахмонов, Ф. Камолов, А. Маҳмудов, С. Отамирзаева, А. Абдуазизов, А. Нурмонов, Ш. Раҳматуллаев ва бошқалар бор. Бирок шу 6 унлининг ёзувдаги ифода воситалари бўлган ҳарфларнинг микдори (и, э, а, у, ў, о, е, ё, ю, я), вазифалари масаласида бу гуруҳ вакиллари орасида ҳам яқдил қараш йўқ: проф. *В.В. Решетов* я, е, ё, ю ҳарфларининг соф ўзбек сўзларида қўлланишига эътироз билдиради, чунки уларнинг икки товушни (е=й+э, ё=й+о, ю=й+у, я=й-а каби) ифодалаш ифодадаги ўзбекча сўзларнинг морфологик таркибини хиралаштириб қўймоқда. Бундай қараш *С. Отамирзаева, С. Иброҳимов, И. Абдуллаевлар* томонидан ҳам маъқулланади, аммо *Н. Маматов, Э. Фозилов, Икром Улуғбоев* ва бошқалар мазкур ҳарфларининг алифбодан чиқарилиши ғоясига эътироз билдирадилар. *Н. Маматовнинг* айтишича, **я, ё, е, ю** каби графемаларнинг мавжудлиги ўзбек тилига ўзлашган интернационал сўзларнинг фонологик таркибини ёзувда тўғри ифодалаш имконини беради, демак, ўзбек ёзувининг байналмилал жихатларини мустаҳкамлайди; Икром Улуғбоевнинг фикрига кўра эса **ё, ю, я** ҳарфлари ўзбек алифбосидан чиқарилса, у ҳолда шу кунгача яратилган адабиётларни ўқишда, ўзбек алифбосида чалкашликлар юз беради.

Юқоридаги каби мунозаралар ҳозирги ўзбек адабий тилидаги коришиқ «дж», саёз тил орка «нг» ва русча ўзлашмаларда қўлланидиган коришиқ «ц» фонемалари, бинобарин, уларнинг ёзувдаги ифода

воситалари бўлган **ж, нг, ц** графемалари хусусида ҳам юз бериб турибди. Демак, ўзбек алифбоси ва имлосининг миллий жиҳатларини мустаҳкамлаш масаласидаги айрим мунозарали ҳолатлар ҳануз давом этиб келмоқда. Бундай вазият аслида, алифбо ва имлога эмас, балки улар учун лингвистик асос бўлган ўзбек адабий тилининг фонологик тизимлари билан боғлиқ равишда юзага келмоқда.

3. Алифбодаги ҳарфларнинг шаклий ва функционал хусусиятлари масаласи Бу масала ўзбек алифбосининг дастлабки (1939 ва 1940 йиллардаги) лойиҳаларини тузиш жараёнида махсус кўрилган эди. Унда ўзбек алифбоси рус алифбосини максимал сақлаш принципида тузилганлигини кўрамиз, шунинг учун алифбонинг 1939 йилда муҳокамага кўйилган биринчи лойиҳасига рус алифбосидаги 32 (33) ҳарфнинг барчаси шаклан ўзгаришсиз киритилган. Шундан сўнг бу ҳарфлар қаторига ўзбек тилининг специфик товушлари учун қўшимча ҳарфлар киритиш масаласи кўрилган, уларни танлаш ёки шакллантиришнинг беш йўли ўрганиб чиқилган, натижада специфик товушлар учун рус алфавитидаги **ч, к, г, х, н** ҳарфларининг ҳар бирига диакритик белгилар қўйилиб, янги ҳарфлар шакллантирилган (**ч, к, г, х, н** каби). Кейинчалик (1940 йилда) **ч** шакли **ж** билан, **н** шакли **нг** билан алмаштирилган, **ы** ва **ш** ҳарфлари лойиҳадан чиқарилган. Алифбодаги ҳарфларнинг аксарияти (**ў, қ, ғ, х, ц** дан бошқалари) полифункционал графема вазифасини бажариб келмоқда: уларга ўзбек ва рус тиллари фонемаларини ифодалаш функцияси юкланган. Бу принцип (бир графема воситасида икки тил фонемаларини ифодалаш принципи) ҳозирги латин ўзбек графемаларига ҳам татбиқ этилган.

4. Алифбодаги ҳарфларнинг миқдори масаласи. Маълумки, ҳозирги кирилл ўзбек алифбоси 35 ҳарфдан таркиб топган. Унинг 1939 йилда тузилган дастлабки (биринчи) лойиҳасида эса ҳарфлар миқдори 39 та бўлган. Кейинчалик муҳокамаларда билдирилган бир қатор фикрлар

асосида алифбо лойиҳасидан **щ, ы, ч, џ** харфлари чиқарилган. Бу харфларнинг алифбо таркибидан чиқарилишида “щ” ва “ы” товушли сўзларнинг ўзбек тилида кўп эмаслиги, “щ”, “ы”, “џ”, “ч” товушлари талаффузидаги айрим хусусиятлар, шунингдек, диакритик белгили харфлар миқдорини камайтириш лозимлиги ҳақидаги таклифлар ҳисобга олинган, шу йўл билан лойиҳадаги харфлар миқдорининг 39 тадан 35 тага туширилишига эришилган. Алифбодаги харфлар миқдорининг 35 та бўлиши, шулардан 31 тасининг рус алифбосидаги харфлар эканлиги, қолган 4 та харфнинг (ў, к, ғ, х) русча харфлар шаклига асосланганлиги, биринчидан, рус алифбоси ва графикаси хусусиятларини ўзбек алифбосида максимал сақлаш принципига мос бўлса, иккинчидан, босмаҳона техникаси, ёзув машинкалари ва компьютер техникаси имконияти талабларига ҳам жавоб беради.

Ҳозирги лотин ўзбек алифбосининг дастлабки (1993 йилда тасдиқланган) вариантида 31 харф ва битта тутук белгиси бўлган, унинг сўнгги (1995 йилда тасдиқланган) вариантида эса 26 харф ва 3 та қўшма харф (жами – 29 графема) бор.

Лотин ўзбек алифбосидаги харфлар миқдорининг камайтирилишида ҳам, асосан, компьютер имкониятлари ҳисобга олинган.

5. Харфларнинг алифбо таркибидаги ўрни (тартиби) масаласи. Кирилл ўзбек алифбосининг биринчи (1939 йилда тузилган) лойиҳасида, маълумки, 38 харф («ё» мустақил белги деб қаралган тақдирда эса 39 харф) бўлган. Улар қуйидаги тартибда жойлаштирилган:

1. Аа	11. Кк	21. Фф	31. Юю
2. Бб	12. Лл	22. Хх	32. Яя
3. Вв	13. Мм	23. Цц	33. Өө
4. Гг	14. Нн	24. Чч	34. Чч
5. Дд	15. Оо	25. Шш	35. Ққ

6. Ее, Ёё	16. Пп	26. Щщ	36. Ғғ
7. Жж	17. Рр	27. Ёъ	37. Һһ
8. Зз	18. Сс	28. Ыы	38. Ңң
9. Ии	19. Тт	29. Ьь	
10. Йй	20. Уу	30. Ээ	

Кўриниб турибдики, алифбода ҳарфлар икки тоифага бўлиб жойлаштирилган: биринчи тоифага рус алифбосидаги ҳарфлар киритилган, улар рус алифбосидаги ўрни ва тартибини ўзбек алифбосида ҳам айнан сақлаган; иккинчи тоифадаги ҳарфлар алифбога янги қўшилган белгишаклар бўлиб, улар ўзбек тилининг специфик товушлари учун мўлжалланган. Бу ҳарфлар (ө, ч, к, ғ, һ, ң) алифбода соф русча ҳарфлардан сўнг ўрин олган.

Кейинчалик, 1940 йилнинг март-апрель ойларида («Лойиха»нинг Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясига қўйилиши арафасида) бу лойиха таркибидан 4 та ҳарф (щ, ы, ч, ң) чиқарилади, «ё» ҳарфи «е» дан ажратилиб, ўзи алоҳида (мустикал ҳарф сифатида) берилади, ө ҳарфи ў билан, һ ҳарфи эса х билан алмаштирилади, натижада алифбода қуйидаги 35 ҳарф қолади:

1. Аа	13. Лл	25. Чч
2. Бб	14. Мм	26. Шш
3. Вв	15. Нн	27. Ёъ
4. Гг	16. Оо	28. Ьь
5. Дд	17. Пп	29. Ээ
6. Ее	18. Рр	30. Юю
7. Ёё	19. Сс	31. Яя
8. Жж	20. Тт	32. Ўў

9. Зз	21. Уу	33 Ққ
10. Ии	22. Фф	34 Ғғ
11. Йй	23. Хх	35 Ҳҳ
12. Кк	24. Цц	

Алифбонинг шу таркиби ва тартиби 1940 йилнинг 8 майида Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1-чакирик 3-сессиясида тасдиқланади.

Алифбодаги ҳарфларнинг юқорида келтирилган таркиби ва тартиби ўтган йиллар давомида мутлақо ўзгармаган, аммо уни ўзгартириш кераклиги ҳақида таклифлар бўлган, шулар асосида лойиҳалар тузилиб муҳокамага қўйилган. Бундай лойиҳаларда ў, к, ғ, х ҳарфлари алифбо охиридан олдинроққа олинган: «у»дан кейин «ў», «к»дан кейин «к», «ғ»дан кейин «ғ», «х»дан кейин «х» тартибида. Бу лойиҳаларнинг барчасида қоришиқ «дж» ва саёз тил орқа «нг» фонемалари учун ч (ж) ва н ҳарфлари тавсия этилган ва улар ҳам юқоридаги принципга кўра ж ва н ҳарфларидан сўнг жойлаштирилган.

Алифбодаги ҳарфлар тартибининг бу тарзда ўзгартирилишига соф лингвистик позициядан баҳо берадиган бўлсак, унда маълум мантикий асос борлигини тан олиш керак, чунки бу тартиб ёнма-ён қўйилаётган ҳарфларнинг шаклларидаги умумийликни ҳамда шу ҳарфлар орқали ифодаланаётган фонемаларнинг акустик-артикуляцион жиҳатдан бирига яқинлигини ҳисобга олади. Аммо бундай лойиҳалардан бирортаси тасдиқланган тақдирда алифбо тартиби билан боғлиқ амалиётда маълум кийинчиликларнинг юз бериши ҳам муқаррар эди. Чунончи: а) ҳарфларнинг жорий алифбодаги тартибига нисбатан йиллар давомида шаклланган ижтимоий кўникма ўрнида янги тартибга асосланган кўникмани шакллантириш зарурати юзага келарди, бу иш, маълумки, кўп йиллик меҳнат-машаққатни талаб қилади; б) ярим аср давомида нашр

этилган турли лугатлардан келажак авлоднинг фойдаланиши бир оз бўлса-да қийинлашарди; в) кутубхоналардаги миллион-миллион китобларни ва уларнинг каталоглари ёки кўрсаткичларини, шунингдек турли даражадаги архив материалларини қайтадан системалаштиришга мажбур бўлардик, бу жараёни эса оғир меҳнатсиз ва қўшимча молиявий харажатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундан юқоридаги масалани ёхуд алифбо муаммоси таркибига кирувчи бошқа масалаларни фақат лингвистик позициядан ҳал қилишнинг ўзи етарли эмаслиги, уларни ижобий ҳал қилиш учун шу масалаларнинг ижтимоий-психологик, молиявий, тарихий жихатларига ҳам эътибор қаратилиши лозимлиги маълум бўлади, акс ҳолда яхши ниятда қилинган ишнинг фойдасидан кўра зиёни кўпроқ бўлиб қолиши ҳам мумкин.

6. Алифбодаги ҳарфларнинг номланиши масаласи. Бу масала тилшуносликда кам ўрганилган, ўзбек тилшунослигида эса умуман ўрганишнинг ҳожати йўқдек туюлади, аммо тилда ҳарф номлари билан боғлиқ анчагина ҳодисалар борлигини, масалан, қисқартма сўзларнинг ҳарф номлари асосида талаффуз қилиниши (БМТ – *бэ-эм-тэ* каби), баъзи имло қоидаларининг ҳарф номлари билан аталишини (масалан, *бош ҳарфларнинг қўлланиши ёки бош ҳарфлар имлоси* каби), шунингдек, мактабда алифбо, ҳарф, уларнинг турлари, ёзилиши ва номлари ҳақида маълумот берилишини ҳисобга олсак, мазкур масалани махсус ўрганишнинг амалий аҳамияти борлиги маълум бўлади.

Рус графикасига асосланган ўзбек алифбосидаги ҳарфларнинг аксарияти, маълумки, шу ҳарфларнинг русча номлари билан аталмоқда. Русча номлар эса икки хилдир: *тарихий номлар* (а – аз, б – буки, в – веди, л – люди, р – рцы, с- слово каби) ва *ҳозирги номлар* (а – а, б – бэ, в – вэ, л- эль, р – эр, с – эс каби). Ўзбекча номлар русча номларнинг ҳозирги турига асосланган.

Мавжуд адабиётларда ҳозирги номлар икки типга – *комплекс* ва *индивидуал* номларга ажратилади.¹⁷¹ Ўзбек тилида бу икки типни *умумий* ва *хусусий* номлар деб аташ мумкин бўлар деб ўйлаймиз.

Умумий номлар ўзаро ўхшаш белги-хусусиятларга эга бўлган ҳарфларни бир типга бирлаштиради. Бу тип, ўз навбатида, икки туркумга бўлинади:

1) фонемаларнинг ўхшаш белги-хусусиятларига асосланиб қўйилган умумий номлар туркуми;

2) ҳарфларнинг шаклий ва функционал хусусиятларига асосланиб қўйилган умумий номлар туркуми.

Биринчи туркумга қуйидагилар киради:

1) *унли товуш ҳарфлари* – унли фонемаларни ифодалайдиган ҳарфларнинг умумий номи.

2. *ундош товуш ҳарфлари* – ундош фонемаларни ифодалайдиган ҳарфларнинг умумий номи.

Э с л а т м а: мавжуд адабиётлада бу номлар *унли ҳарфлар*, *ундош ҳарфлар* шаклида қўлланмоқда.¹⁷² Бунга бирикмали терминларни ихчамлаштиришга бўлган интилиш сабаб бўлаётганлиги шубҳасиз. Қиёс қилинг: *унли товушларни ифодаловчи ҳарфлар* > *унли ҳарфлар*, *ундош товушларни ифодаловчи ҳарфлар* > *ундош ҳарфлар* каби. Бизнингча, бирикмали номларнинг ихчамлаштирилиши шу ном билан аталаётган ҳодисанинг табиатига хилоф бўлмагани маъқул.

Ҳарфларнинг унли ва ундош деб номланиши эса график ҳодиса табиатига мос келмайди, сабаби, ҳарфларнинг акустик ва артукуляцион хусусиятлари йўқ. Шуларга асосланиб, унли фонемаларни ифодаловчи ҳарфларни *унли товуш ҳарфлари* бирикмаси билан, ундош фонемаларни

¹⁷¹ Иванова В.Ф. Современный русский язык. Графика и орфография. Изд-е 2, перераб. и дополненное. - М. Просвещение, 1976. - С 55

¹⁷² Каранг: Х.Абдурахмонов, Д.Шодмонкулова. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1987. - 6.13

и эдаловчи харфларни эса *ундош товуш харфлари* бирикмаси билан нк млаш маъкул бўлар деган фикрдамиз.¹⁷³

3) *специфик харфлар* - ўзбек тилининг ўзига хос фонемаларини иф эдаловчи ў, к, ғ, х харфлари:

4) *элашган харфлар* – е, ё, ю, я харфларининг умумий номи. Бу харфлар дастлаб *унлилар* деб номланган,¹⁷⁴ сўнг русча «йотированные гласные буквы»¹⁷⁵ атамасининг таржимаси сифатида «*элашган унлилар*»,¹⁷⁶ «*Икк (товушни ифодалайдиган харфлар*»,¹⁷⁷ «*элашган унли харфлар*»,¹⁷⁸ «*элашган харфлар*»¹⁷⁹ тарзида қўлланиб келган. Баъзи адабиётларда улар *графе. талар* деб ҳам номланган.¹⁸⁰

Ё ташган харфлар сўз таркибидаги позициясига караб баъзан “йэ”, “йо”, “йу”, “йа” товушлари қўшилмасини (*ёр, ер, юлдуз, яхши* каби сўзларда), баъзан эса унлиларни (*кеча, слет, салют, сентябрь* каби сўзларда) ифодалайди. Ўзбек ёзувида бу харфларнинг (айникса, ё, ю, я харфларининг) икки товуш қўшилмасини ифодалаш функцияси ёлғиз унлини ифодалашга караганда устунрокдир.

Иккинчи туркум номларига куйидагилар киради:

1) *босма харфлар* – типография усули билан теришга мўлжалланган ҳамда ўзига хос шаклларда бўлган харфлар:

¹⁷³ Жамолхонов Хасанбой. Ўзбек алфавитидаги харфларнинг номланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1991. – 3-сон. – Б. 30.

¹⁷⁴ Хусайнов С., Камолов Ф. Рус графикаси асосида тузилган янги ўзбек алифбеси (проект). – Қизил Ўзбекистон – 1939 – 18 ноябрь.

¹⁷⁵ Иванова В.Ф. Современный русский язык. Графика и орфография. Изд-е 2. перераб. и дополненное. – М.: Просвещение. 1976. – с. 58-59.

¹⁷⁶ Хозирги замон ўзбек тили – Т.: ЎзССР Фанлар акад. нашриёти, 1957. – Б. 248.

¹⁷⁷ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Хозирги ўзбек адабий тили. Қайта ишланган, тўлдирилган учинчи наشري. Т.: Ўзбекистон – 1992 – Б. 43.

¹⁷⁸ Қаранг: М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расулов. Ўзбек тили. Педагогика институтларининг бошлангич мактаб ўқитувчилари тайерлайдиган факультетлари учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978, 64-б; М.Аскарлова, К.Косимова, Ҳ.Жамолхонов. Ўзбек тили. Пед. билим юртлари учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976, 16-б.; Р.Икромова, А.Азизова, Д.Мухамедова. Ўзбек тили Тошкент: Ўқитувчи, 1984, 35-б.

¹⁷⁹ Жамолхонов Хасанбой. Ўзбек алфавитидаги харфларнинг номланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1991. – 3-сон. – Б. 30.

¹⁸⁰ Решегов В.В. Узбекский язык. ч I Введение. Фонетика – Т.: Государственное учебно-педагогическое Изд-во УзССР. 1959 – С. 121.

2) *қўл ёзма ҳарфлар* – ёзув қуроллари (ручка, қалам, мўйқалам ва б.) воситасида ёзиш учун мўлжалланган ҳарфлар. Улар шакл жиҳатдан босма ҳарфлардан фарқ қилади;

3) *бош ҳарфлар* – атокли отларни ёзувда турдош отлардан фарқ қилиш учун ишлатиладиган, шунингдек, ҳар бир мустақил гапнинг ёки шеъринг мисранинг бошида қўлланадиган ҳарфлар. Улар кичик ҳарфлардан ҳажми катталиги, кўпинча шакли бошқалиги билан ҳам фарқ қилади: А-а, Б-б, Е-е, Д-д каби;

4) *кичик ҳарфлар* – бош ҳарфлардан ҳажми, функцияси ва шакли билан фарқ қиладиган ҳарфлар.

Хусусий номлар - ҳар бир ҳарфнинг ўзигагина тааллуқли номлар типи. Бу типга қуйидагилар киради:

1) *и, э, а, у, ў, о* ҳарфларининг номлари. Улар шу ҳарфлар ифода этган товушлар билан аталади;

2) *е, ё, ю, я* ҳарфлари “йэ”, “йо”, “йу”, “йа” товушлари бирикмаси билан аталади;

3) *б, в, г, д, ж, з, п, т, ц, ч* ҳарфлари бэ, вэ, гэ, дэ, жэ, зэ, пэ, тэ, цэ, чэ деб номланади.¹⁸¹ Ўзбек ёзувида бу номларнинг бе, ве, ге, де, же, зе, те, це, че шакллари ҳам учрайди.¹⁸² Бизнингча, *ч* ҳарфининг номи *че* шаклида (“ч” юмшоқ ундош бўлгани учун), колганларини *бэ, вэ, гэ...* шаклларида ёзган маъқул. Шундай қилинганда ўзбек ва рус алфавитлари учун умумий бўлган ҳарфларнинг номларида график уйғунлик сакланади.

¹⁸¹ Турсунов У, Мухторов Ж, Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи наشري. – Т.: Ўқитувчи, 1975 – Б. 95.

Имло луғати Мактаб ўқувчилари учун. – Т.: Ўқитувчи, 1987. – Б. 22

Асқарова М, Қосимова К. Ўзбек тили дарслиги. 1-қисм. IV синф учун. – Т.: Ўқитувчи, 1970. – Б. 77.

¹⁸² Қаранг: М Мирзаев, С. Усмонов, И Расулов. Ўзбек тили – Тошкент: Ўқитувчи, 1978, – Б. 64; М Асқарова, К Қосимова, Ҳ Жамолхонов. Ўзбек тили Пед билим юртлари учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – Б. 16.; Р Икромов, А Азизова, Д. Мухамедова. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984 – Б. 35.

4) й харфи. Бу харф ўзбек тилидаги адабиётларда *й*,¹⁸³ *йэ*,¹⁸⁴ *йи*.¹⁸⁵ деб номланмоқда. Маълумки, ундош товушларни ифодалайдиган харф номлари, одатда, икки товушдан (унли+ундош ёки ундош+унлидан таркиб топади: *эн(н)*, *ша (ш)*, *дэ(д)* каби. Шу нуктаи назардан *й* харфини фақат бир товуш билан (*й* деб) аташ тўғри бўлмайди. Уни *йэ* деб номлаш ҳам мумкин эмас, чунки бу ном *е* харфига нисбатан ишлатилмоқда. Демак, юқоридаги номлардан фақат биттаси – *йи* варианты унификациядан кузатиш мақсадга кўпроқ мос келади;

5) *к, х, ш* харфлари *ка, ха ша* деб номланади;

6) *л, м, н, р, с, ф* харфларининг номлари шу харфлар ифодалаган ундошлардан сўздин “э” унлисини келтириш билан ясалади: *эль, эм, эн, эр, эс, эф* каби;

7) *ъ* ва *ь* белгилари алфавитга *айриши белгиси* (*ъ*) ва *юмшатиш белгиси* (*ь*) номлари билан киритилган.¹⁸⁶ Уларнинг бундай номланиши шу белгиларнинг ёзувдаги етакчи функциясига асосланади. Баъзи адабиётларда *б* харфлар «орфографик белгилар» деб ҳам аталган (қarang: Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм.- Т.: ФАН, 1966.- Б.25-26). Рус тилидаги адабиётларда эса уларнинг *диакритические буквы* (диакритик харфлар) деб номлаш ҳоллари ҳам учрайди.¹⁸⁷

8) *к, г, х* харфларининг номлари. Улар дастлаб (1939 ва 1940 йилларда) рус тилидаги ўз шаклдошларининг номларига («ка», «гэ», «ха»ларга) тақдидан *қа, гэ, ҳа* деб аталган эди,¹⁸⁸ кейинчалик бу номларнинг *қе, ге, ҳе*¹⁸⁹; *қэ, гэ, ҳэ*;¹⁹⁰ *қа, га, ҳа*¹⁹¹ вариантлари пайдо

¹⁸³ У.Турсунов, Н.Мухтаров, И.Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975, - Б. 95

¹⁸⁴ Ш.Шоабдурахмонов, М.А.Карова, А.Ҳожиев, И.Расулов, Х.Дониёров. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1 қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980, - Б. 86.

¹⁸⁵ М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расулов. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978, - Б. 64.

¹⁸⁶ Ўзбек ёзувини латинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига кўчириш ҳақида қонун // Қизил Ўзбекистон – 1940 – 14 май.

¹⁸⁷ В.Г. Гак. Сравнительная типология французского и русского языков. Ленинград: Просвещение, 1977, с. 74.

¹⁸⁸ Хусайнов С., Камол Ф. Ўзбек графикаси асосида тузилган янги ўзбек алифбеси (проект) // Қизил Ўзбекистон – 1939 – 18 ноябр. Яна: Ўқитувчилар газетаси. – 1939. – 23 ноябр.

¹⁸⁹ М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расулов. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978, - Б. 65.

бўлган. Бизнингча, к, ғ, х харфларига нисбатан қўлланган юқоридаги номлар ичида ўша 1939 ва 1940 йилларда ишлатилган қа, ээ, ҳа варианти унификация талабларига кўпроқ мос келади, чунки у акустик-артикуляцион хусусиятлари ўзаро яқин бўлган “к” ва “қ”, “г” ва “ғ”, “х” ва “ҳ” ундошларининг номланишини бир қолипга солади.

7. **Ўзбек ёзувини рус графикасига асосланган алифбодан бошқа алифбога кўчириш масаласи.** Бу масала асосан, 1991-1992 йилларда кўтарилди. Унинг кун тартибига кўйилишини куйидагича изоҳлаш мумкин: а) амалдаги алифбонинг миллий ва умумтуркий :схатларини мустахкамлаш юзасидан узок йиллар давомида олиб бор лган ишлар (бахслар, мунозаралар, таклиф-тавсиялар) натижа берма ди; б) собик СССРдаги туркий халқлар орасида ёзувини рус графикасидан бошқа системага кўчириш ҳаракати бошланиб кетди; в) 1991 йилнинг 18-20 ноябрида Туркияда (Истанбулдаги Мармара университетида) «Қардош турк алифболари» муаммосига бағишланган халқ ро симпозиум ўтказилди, унда ҳам лотин графикаси асосида туркий алифболар тузиш гоёси тарғиб килинди; г) 1991 йилда собик СССРнинг тугатилиши, ундаги Республикаларнинг мустақил давлатлар деб эълон иилиниши ҳам шу давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам алифбо реформаси масаласининг актуаллашувига замин хозирлади. Нат ижада бу реформага алоқадор тўрт хил йўналиш шаклланди.

Биринчи йўналиш тарафдорлари ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алфавитга кўчириш масаласини ўртага қўядилар; **иккинчи йўналиш** тарафдорлари араб графикасидаги эски ўзбек ёзувини қайтишни ёхуд уни

М. Аскарлова, К. Қосимова, Ҳ. Жамолхонов Ўзбек тили. Пед. билим юртинлари учун дарслик. - Тошкент: Ўқитувчи, 1976. - Б. 16.; Р. Икромова, А. Азизова, Д. Муҳамедова. Ўзбек тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1983. - Б. 35.

^[10] У. Турсунов, Н. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1975. - Б. 95.

^[11] Аскарлова М., Қосимова К. Ўзбек тили дарслиги. - Б. 77.

(эски ёзувни) маълум вақт амалдаги ёзув билан параллель қўллашни, шу тарзда бу икки ёзувдан бирининг танланишини вақт ихтиёрига беришни тақлиф қиладилар; **учинчи йўналиш** тарафдорларининг аниқ шакланган хулоса ва тақлифлари бўлмаса-да, уларнинг фикрларида қадимги туркий (урхун) алифбосини тиклашга мойиллик бордек туюлади; **тўртинчи йўналиш** тарафдорлари эса амалдаги алифбони маълум ўзгаришлар билан саклаш кераклигини айтишади.

Юқоридаги йўналишларнинг тарафдорлари ўртасидаги баҳслар, охир оқибатда, ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбога кўчириш ҳолатининг устун келиши билан якунланади.

РУС ВА ЛОТИН АЛИФБОЛАРИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК ЁЗУВЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ

1993-1995 йиллардан бошлаб мамлакатимизда иккиёзувлилик вазияти юзага келди – рус ва лотин алифболарига асосланиб тузилган икки хил ёзувдан фойдаланиш жараёни бошланди. Бундай вазиятда ҳар икки ёзувнинг график тизимлари ва имло қоидаларини қиёсан ўрганиш талабаларнинг – бўлажак педагогларнинг бу соҳадаги билимларини мустаҳкамлайди, ёзув амалиётида учраб турган айрим муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради.

Маълумки, ҳозир амалда қўлланаётган ҳар иккала ёзув фонографик типга мансубдир, чунки бу ёзувлар муайян тилнинг товушлар тизимини ифодалашга асосланган: ҳар иккала ёзувнинг графика, орфография ва пунктуация каби компонентлари (тагсистемалари) бор. Улар ёзувнинг тил билан алоқасини таъминлашга, шу тилнинг коммуникатив, экспрессив, эмотив ва ҳоказо функцияларини оптик-график субстрат (моддий асос) воситасида ифодалашга хизмат қилади. Демак, фонографик ёзувнинг «иш

холати»ни тўғри англаш учун ёзувнинг ана шу уч компонентига хос умумий ва хусусий жиҳатларни махсус қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Графика

Графика. Муайян тилнинг фонетик-фонологик, лексик-семантик ва морфологик бирликларини ёзувда ифодалаш учун махсус шакллантирилган оптик-график белгилар тизимидир. Бу тизим белгиларининг ҳар бири график тилшунослиқда *графемалар* саналади.¹⁹² Ёзувнинг товуш тили билан алоқаса, одатда, ана шу графемалар воситасида амалга оширилади. Шунинг учун улар график тизимнинг энг асосий структуравий-функционал бирлиги ҳисобланади.

Графема ташки (моддий) ва ички (мавҳум) томонлари бор бўлган билатераль бирликдир. У шу икки томоннинг – шакл ва мазмуннинг узвий боғлиқ бўлишига асосланади. Уни қуйидаги чизмалар шаклида тавсифлаш мумкин.

К графемасининг		1) ташки (моддий, ифода) томони – алифбодаги к харфининг босма ва ёзма, бош ва кичик шакллари.
		2) ички (мавҳум, мазмун) томони – ўзбек тилининг чуқур тил орқа, портловчи, жарангсиз «к» фонемаси.

? графемасининг		1) ташки (моддий, ифода) томони – сўрок (?) белгисининг шакли (оптик-график тасвири).
		2) ички (мавҳум, мазмун) томони – сўрок оҳанги (интонама, просодема).

¹⁹² «Графема термини фанга И.А. Бодуэн де Куртенэ томонидан киритилган». Каранг. Бодуэн де Куртенэ И.А. Об отношении русского письма к русскому языку. – С. – Пб., 1912. – С. 27.

8 графемасининг	1) ташқи (моддий, ифода) томони – шу рақамнинг шакли (оптик-график тасвири).
	2) ички (мавхум, мазмун) томони – «етти» билан «тўққиз» орасидаги миқдор тушунчаси.

Чизмаларда кўрсатилган графемаларнинг биринчиси (к графемаси) алифбодаги ҳарфга, иккинчиси (? графемаси) тиниш белгисига, учинчиси (8 графемаси) рақамга асосланган. Шунга кўра биринчи тип графемалар *ҳарфий белгилар* гуруҳини, иккинчи ва учинчи тип графемалар эса *ноҳарфий белгилар* гуруҳини ташкил этади. Муайян тил ёзувининг график тизими ана шундай графемалар ва яна бир қатор ёрдамчи воситалар (сигнализаторлар, диакритик белгилар)дан таркиб топади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, графема ёзув бирлиги, фонема, интонама, акцентема ва лексемалар эса тил бирликларидир. Бинобарин, графема билан фонема (ёки интонама, лексема) ўртасидаги алоқа тўппа-тўғри (бевосита) бўлиши мумкин эмас, бунга товуш тилининг физик-акустик асосга, ёзувнинг эса оптик-график асосга таянганлиги йўл кўймайди.

Шунинг учун ёзув бирлиги (графема) билан тил бирлиги (фонема, интонама ёки лексема) ўртасидаги алоқа кодлаштириш орқали таъминланади: *код турли информацияларни узатиш, ишлаш, сақлаш ва хотирлаб қолиш учун мўлжалланган шартли белгилар, символлар системасидир*. Ҳар қандай графема ана шу системанинг бир аъзоси ҳисобланади.

Графемаларнинг ёзувдаги лингвистик-функционал хусусиятларини реаллаштиришда уларнинг дифференциал белгилари (шакли ёки тасвиридаги тафовутлар) муҳим роль ўйнайди. Бу жиҳатдан графемалар

товуш тилидаги фонемаларга ўхшайди, чунки фонемалар ҳам, маълумки, дифференциал белгилар туфайли сўз ёки морфемаларнинг моддий қобигини ва маъноларини фарқлайди, фарқи шундаки, фонемалардаги дифференциал белгилар акустик-артикуляцион омилларга, графемалардаги дифференциал белгилар эса оптик-график омилларга асосланади. Масалан, *товуқ* ва *совуқ* сўзларининг маъноларини фарқлашда «т» ва «с» фонемаларидан биринчисининг портловчи, иккинчисининг эса сирғалувчи бўлиши (акустик-артикуляцион тафовути) товуш тили учун қанчалик аҳамиятли бўлса, шу товушларни ёзувда ифодаловчи т ва с графемаларининг шаклларидаги тафовутлари (оптик-график тасвири) тилнинг ёзма формаси учун шунчалик аҳамиятлидир.

Графемалар ўзларининг тилдаги муқобили (қодлаштирилган референти) ва ёзувдаги вазифаларига кўра фонографема, просодемографема, логографема каби типларга бўлинади.

1. **Фонографемалар** товуш тилидаги фонемаларни ифодалайди: и фонографемаси «и» фонемасини, б фонографемаси «б» фонемасини ифодалагани каби.

Фонографемаларнинг ташқи (ифодаловчи) томони битта ҳарфга тенг бўлиши (масалан, **н**) ёки икки ҳарф қўшилмасидан таркиб топиши (масалан, **нг**) мумкин. График лингвистикада ташқи (ифодаловчи) томони бир ҳарфга тенг бўлган графемалар *монографлар* деб, икки ҳарф бирикмасига тенг графемалар эса *диграфлар* деб номланади. Ёзув тизимида графемаларнинг уч ёки тўрт ҳарф бирикмасига тенг турлари ҳам учрайди. Масалан, немис ёзувида «ш» фонемаси учун уч ҳарф бирикмасидан иборат графема (**sch** триграфи), «ч» фонемаси учун эса тўрт ҳарф бирикмасидан иборат графема (**tsch** полиграфи) белгиланган. Икки ёки ундан ортиқ ҳарфлар қўшилмасидан таркиб топган графемалар *полиграфлар* деб ҳам номланади.¹⁹³

¹⁹³ Бу ҳақда қаранг: Амирова Т.А. Функциональная взаимосвязь письменного и звукового языка. – М.: Наука, 198 – С. 109.

Фонографемаларнинг ички (ифодаланувчи) томонида битта ёки бир неча фонема кодлаштирилган бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек ёзувидаги **ғ** фонографемасининг ички томонида ўзбек тилининг битта фонемаси – чукур тил орка, сирғалувчи, жарангли “**ғ** ундоши, **ж** фонографемасининг ички томонида эса иккита фонема – сирғалувчи “**ж**” (*журнал* сўзи бошидаги ундош) ва коришик “**ж**” (*жуда* сўзи бошидаги ундош) кодлаштирилган. Графемаларнинг ички томонида кодлаштирилган фонемалар шу графемаларнинг *ифодаланувчилари* ёки *референтлари* деб хам юритилади. Ифодаланувчиси (референти) битта бўлган графемалар *монофонемали графемалар*, ифодаланувчиси иккита бўлган графемалар *бифонемали* ёки *полифонемали графемалар* саналади.¹⁹⁴

Фонографемаларнинг монограф, полиграф, монофонемали ва полифонемали характерда бўлиши уларнинг парадигматик тавсифига хосдир. Синтагматик тавсифда (ёзма нутк окимида) эса графемаларнинг яна бир катор хусусиятлари борлиги кўзга ташланди. Хусусан, *онг*, *минг* сўзларидаги *н* ва *г* харфлари бир товушни (саёз тил орка «*н*»ни), *менга*, *сенга* сўз шаклларида эса шу икки харф бир «*н*»ни эмас, икки товушни («*н*» ва «*г*»ни) ифодаламоқда. Шунга кўра, *онг*, *минг* сўзларидаги *нг* диграфи синтагматик планда *аналитик графема* (ёзма нутк окимида икки харф бир товушни ифодалагани учун), *менга*, *сенга* сўз шаклларидаги *н* ва *г* харфлари эса оддий графемалар (ёзма нутк окимида иккита бошка-бошка товушни ифодалагани учун) ҳисобланади; *е* монографида эса бошқачарок ҳолат (график коида) кузатилади: *у* сўз ёки бўғин бошида бир йўла икки фонемани – «*й+э*»ни ифодалайди, демак, *синтетик* характердаги графема саналади (мас., *елкан* сўзида), боши ёпик ёки тўла ёпик бўғин таркибида эса *е* монографи битта «*э*» унлисининг ўзини ифодалайди, демак, оддий графема характерида (бир товушга бир харф муносабатида) бўлади (мас., *мен* сўзида). Бу ҳол турли фонетик-график позицияда қўлланган *э* ва *е*

¹⁹⁴ Horejši V. Analyse structural de l'orthographe française. - "Philologica Pragensia". 1962. V №4. - S. 117-122. Яна қаранг: Амирова Т.А. Кўрсатилган асар, - Б. 75.

графемалари ўртасида синонимик муносабатни ҳам шакллантиради. Қиёс қилинг: *экин* (э = «э»)-*текин* (е = «э»). Бу икки сўзда ифода плани (шакли) ҳар хил бўлган э ва е графемалари битта «э» унлисини ифодалаган. Бундай ҳолни *парад* ва *наряд* (а ва я = «а»), *суд* ва *салют* (у ва ю = «у»), *флот* ва *слёт* (о ва ё = «о») сўзлари таркибидаги графемалар синонимиясида ҳам кўрамиз. Булар рус графикасига асосланган ўзбек ёзуви фонографемаларининг структуравий ва функционал, парадигматик ва синтагматик хусусиятлари анча мураккаблигидан далолат беради.

2. **Просодемографемалар** товуш тилининг оҳанг, мелодика, пауза, урғу каби ритмик-интонацион воситаларини ёзувда ифодалаш учун хизмат қилади. Хусусан, *урғу белгиси* сўзнинг урғули бўғинини ёзувда кўрсатиш зарур бўлган пайтларда ишлатилади. У урғули бўғиндаги унли товушни ифодалаган ҳарф (графема) устига қия чизик тарзида қўйилади: *атлас* («матонинг бир тури»), *атлас* («географик атлас») каби. Тиниш белгилари эса гап ва нутқнинг мазмун мундарижасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайдиган фонетик-фонологик воситаларни (кўтарилиувчи оҳанг, пасаювчи оҳанг, тўлқинли оҳанг, санаш оҳанги, пауза каби суперсегмент бирликларни) ёзувда ифодалаш учун қўлланади. Бундай белгилар қуйидаги вазифаларни бажариш учун ишлатилади:

а) ижтимоий алоқани (фикр алмашуви жараёнини) ёзувда тўғри ифодалаш учун;

б) мақсад, мазмун ёки маънони, уларнинг ўзига хос «ранг» ва «тус»ларини ёзувда аниқ ифодалаш учун;

в) гапнинг таркибини ҳамда шу таркиб элементлари (компонентлари) ўртасидаги грамматик-семантик муносабатларни ифодалаш учун;

г) ёзма нутқнинг ихчам ва раволигини таъминлаш учун;

д) ёзма нутқдаги мураккаб фикрий муносабатларни ифодалаш

учун.¹⁹⁵

¹⁹⁵ Бу ҳақда қаранг К. Назаров Ўзбек тили пунктуацияси. Т.: Ўқитувчи, 1976 – Б. 7-8.

Ўзбек тилшунослигида тиниш белгиларининг куйидаги 10та тури графиканинг марказий системасига киритилади:

- Нукта -----(.)
- Сўрок белгиси -----(?)
- Ундов белгиси -----(!)
- Нуктали вергул -----(;)
- Кўп нукта (уч нукта)-----(...)
- Вергул (қўш вергул)-----,(ёки ,,)
- Икки нукта (баён белгиси)-----(:)
- Тире (қўш тире)-----(-ёки- -)
- Кавс (қўш кавс)-----(),[]
- Тирнок (қўш тирнок) -----(" ")(« »)

Изоҳ: тиниш белгиларининг юқорида шархланган хусусиятлари ва шу асосда яратилган классификациялар уларнинг график белги (просодемографема) сифатидаги характеристикаси ҳисобланади, ammo тиниш белгиларининг қўлланишини меъёрлайдиган коидалар тизими эса графикада махсус кўрилмайди, чунки "коидалар" "Графика"нинг эмас, "Пунктуация"нинг предмети саналади.

Юқорида санаб кўрсатилган тиниш белгиларининг мисра баландлигига нисбатан жойлаштирилиши ҳам бир хил эмас: нукта (.), вергул (,), кўп нукта (...) мисранинг пастки чизиги бўйича кўйиб борилади; колган белгилар, масалан, кавс (), нуктали вергул (;), ундов белгиси (!), сўрок белгиси (?), икки нукта (:), қўш тирнок (« ») мисранинг устки чизигидан остки чизигигача бўлган масофа ҳажмида ёзилади. Қўш тирнокнинг асосан қўл ёзмада қўлланадиган тури (" ")сўз ёки гап бошида мисранинг остки чизиги бўйлаб, шу сўз ёки гап охирида эса мисранинг устки чизиги бўйлаб жойлаштирилади.

3. **Логографемалар (логограммалар).** Графемаларнинг бу типи тушунчаларни ёки тушунча номи бўлган сўзларни ёзувда ифодалашга

асосланади. Бундай белгилар аслида идеографик (семасиографик) ёзув типига мансуб бирликлар саналади, ammo улардан фонографик ёзув таркибида ҳам фойдаланилади. Ёзув тизимининг мураккаб оптик-график система эканлиги ҳам шундан.

Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзувида логографемаларнинг куйидаги турлари ишлатилади:

Рақамлар - сон туркумига мансуб сўзларнинг маъноларини ифодаловчи логографемалар. Улар ўз навбатида икки турга бўлинади:

а) гарбий араб (ғубор) рақамлари: 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 20, 100, 1000, 100000, 1000000, 1000000000 каби.

Араб рақамлари аслида Ҳиндистонда (5-асрга яқин) кашф этилган бўлса-да, Арабистонга буюк ўзбек олими Муҳаммад Хоразмийнинг араб тилида ёзилган «Ҳисоб ал-ҳинд» («Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб») асари орқали кириб келган, бу асар латин тилига таржима қилиниб, Европага (10-асрда Испанияга, 12-асрда Европадаги бошқа мамлакатларга) тарқалган. Демак, Ҳиндистонда юзага келган юқоридаги рақамларнинг "араб рақамлари" номи билан оммалашиб кетишида ҳамюртимиз Муҳаммад Хоразмийнинг улкан хизмати бор;

б) рим рақамлари - қадимги римликлар ишлатган рақамлар бўлиб, улар куйидаги белгилардан таркиб топган: I (бир), V (беш), X (ўн), L (еллик), C (юз), D (беш юз), M (минг). Қолган рақамлар шу белгилар комбинациясига асосланади: I(1), II(2), III(3), IV(4), V(5), VI(6), VII(7), VIII(8), IX(9), X(10), XI(11), XII(12), XIII(13), XIV(14), XV(15), XVI(16), XVII(17), XVIII(18), XIX(19), XX(20), XXX(30) XL(40), L(50), LX (60), LXX(70), LXXX(80), XC(90), C(100), CD(400), D(500), DC(600), CM(900), M(1000), MC(1100), MD(1500) ва бошқалар.

Рим рақамлари милoddан олдинги 500-йилларда этрусқлар томонидан кашф қилинган.

Символлар - илм-фаннинг маълум соҳаларида қабул қилинган махсус идеографик белгилар: а) математик символлар - $\sqrt{\quad}$ (илдиз), - (олув), + (кўшув), x (кўпайтирув), : (бўлув), X (икс), X^2 (икс квадрат), ~ (даврийлик, узлуксизлик), > (катта), < (кичик) ва бошқалар; б) астрономик символлар – ☾ (Куёш), С (Ой), ♂ (Марс), ♀ (Меркурий), ♃ (Юпитер), ♀ (Венера, Зухра), ♄ (Сатурн) ва бошқалар; д) кимёвий символлар – О (олтин), С (кумуш), О (мис), ♂ (кўрғошин), ♀ (симоб), ♂ (темир) ва бошқалар; э) ботаник символлар – А (андроцей, чангчилар), ○ (бир йиллик ўсимлик), ⊕ (икки йиллик ўсимлик), ♻ (бўта), G (гинецей, уругчи), () гул бўлаклари қўшилиб ўсган), L J (дарахт), Θ (кузги ўсимлик) ва бошқалар.

4. **Орфографик белгилар** - тўғри ёзиш нормаларини таъминлашда қўлланидиган махсус ноҳарфий график воситалар. Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзувида бундай белгиларнинг бир тури (дефис) мавжуд: *дефис* жуфт ва такрорий сўзлар орасига қўйиладиган горизонтал (тиредан кискарок) чизикчадир. Масалан, *эрта-кеч, катта-кичик, қоп-қоп, кўп-кўп* каби.

Изох: *5-синф, 9-модда, 24-мактаб* каби бирикмаларда дефис морфограмма (морфографема) вазифасида қўлланади, чунки у бундай ҳолатларда тартиб сон таркибидаги "-инчи" ("-нчи") морфемасини (маъноли қисмни) ифодалайди.

5. **Сигнализаторлар** - ўз референтига (товуш тилидаги фонемасига) эга бўлмаган, аммо синтагматик планда ўзидан олдин келган харф билан бирикиб, битта қўшма графема (диграф) ҳосил қиладиган белгилар. Ўзбек алифбосидаги айириш (ъ) ва юмшатиш (ь) белгилари (диакритик харфлар) ана шундай сигнализаторлар саналади. Чунончи, айириш белгиси *таъна, меъмор, мўътабар* каби арабча лексик ўзлашмаларда *аъ, еъ, ўъ* каби диграфларнинг таркибига киради ва «а» «э(е)», «ў» унлиларининг орқарок артикуляция билан чўзиқроқ талаффуз этилишига ишора қилади;

юмшатиш белгиси эса *альбом, вольт, ультратовуш, октябрь, сентябрь* каби сўзларда **ль** ва **рь** диграфлари таркибида қўлланиб, «л» ва «р» ундошларининг (рус тили фонемаларининг) юмшоқлигини билдиради.

Баъзан ўз референтига эга бўлган монографлар ҳам диграф таркибида қўшимча вазифани – сигнализаторлик функциясини бажариши мумкин. Масалан, **и, е, ю, я** монографлари *тип, телеграф, сюрприз, сентябрь* каби русча лексик ўзлашмаларда *ти, те, сю, тя* диграфлари таркибига киради ва ўз референтларини («и», «э», «у», «а» фонемаларини) ифодалаш билан бирга, ўзидан олдин қўлланган **т** ва **с** харфлари орқали ифодаланган товушларнинг юмшоқлигига ҳам ишора қилади (шунинг учун бу типдаги графемалар фақат структурасига кўра эмас, балки функциясига кўра ҳам мураккаб график белгилар саналади).

Харфларнинг босма турларига хос шрифт ранглари (*қора, ярим қора, оч ранг*), шакллар (масалан, курсив) ва усуллар (масалан, харфларнинг разрядка билан терилиши) ҳам графикада сигнализаторлар деб баҳоланиши мумкин, чунки улар босма матннинг айрим элементлари ёки қисмларини алоҳида таъкидлаш функциясини бажаради.

Ўз хусусиятига кўра апостроф (тутук белгиси) ҳам сигнализаторларга яқин туради, чунки унда «ишора қилиш» функцияси устундир. Бу белги рус графикасига асосланган ўзбек ёзувида 1956 йилгача қўлланган (*ма'но, ра'но, му'жиза, э'лон* каби). 1956 йилдан бошлаб апострофнинг ўрнида айриш белгиси (ъ) ишлатилмоқда: *маъно, раъно, муъжиза, эълон* каби. Ҳозирги рус-ўзбек ёзувида бу белги фақат *Жанна д'Арк, д'Аламбер, д'Артанян* каби французча номларни ўзбек тилидаги матнда бериш керак бўлгандагина ишлатилади.

6. Амалдаги (кириллча) ўзбек ёзувининг график тавсифи бўйича хулосалар: юкорида келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви фонографик (харф-товуш) ёзув типига мансуб бўлса-да, амалда у идеографик (семаснографик) ёзув

элементлари билан қоришган ҳолда қўлланиб келмоқда. Бу табиий бир ҳолдир, чунки ёзувнинг функционал-услубий хусусиятлари, ёзма матннинг грамматик ва композицион қурилиши фонографик ва семасиографик ёзув бирликларидан комплекс ҳолда фойдаланишни тақозо қилади, бу ҳол ёзувнинг график «тўқима»сида *фонографема, просодемографема ва логографема* каби графема типларининг ҳамда *сигнализаторлик* функциясида қўлланадиган қатор махсус белгиларнинг шаклланишига сабаб бўлган.

Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзувининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, унда *график полисемия (бифонемалилик, полифонемалилик) ва график синонимия* ходисаларига кенг ўрин берилган, бу системада графемаларнинг синтетик ва аналитик типлари ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси ўзбек ёзуви графикасининг ниҳоятда мураккаб система эканлигидан далолат беради. Унинг шу қадар мураккаб бўлишига олиб келган омиллар ичида биттаси - ўзбек алифбоси ва графикасига рус алифбоси ва ёзувининг структурал-функционал хусусиятларини максимал сингдиришга бўлган интилиш алоҳида ўрин тутди: айти шу интилиш ўзбек ёзувининг ортиқ даражада русчалаштирилишига олиб келган: ўзбек ёзуви графемаларига бир йўла икки тил - ўзбек ва рус тиллари фонемаларини ифодалаш функцияси юклатилган, рус графикасининг рус тили консонантизмга хос қаттиқлик ва юмшоқлик оппозициясини ифодалашга мослаштирилган хусусиятлари ўзбек ёзувига механик равишда кўчирилган, натижада ўзбек ёзувида ўзбек тилининг фонологик табиатига мос бўлмаган график бирликлар (*ти, те, тя, ли, лю, ле* каби мураккаб функцияли графемалар) юзага келган, а ва я, у ва ю, э ва е, о ва ё каби синонимик қаторлар шаклланди. Ўзбек ёзувининг бундай байналмилал характери Ўзбекистонда ўзбек-рус иккитиллигини (биллингвизмни) ривожлантиришга, шунингдек рус тилининг миллатлараро тил сифатидаги позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилганлиги аниқ,

аммо унинг ўзбек ёзуви миллий жиҳатларини анча чеклаб қўйганлиги ҳам шубҳасиз: унда ўзбек тилининг айрим миллий товушлари, масалан, «ж», «н», « ɔ » фонемалари учун махсус ҳарф белгиланмаган, бу товушларни ифодалаш функциялари рус графикасидаги «ж», «нг», «о» графемаларининг ўзларига юклаб қўя қолинган, оқибатда, ўзбек тилидаги ёзма матнларда омографларнинг – *ток* («узум ўсимлиги») ва *ток* («электр токи»), *торт* («тортмоқ» феълнинг иккинчи шахс, буйруқ майлидаги шакли) ва *торт* («кондитер маҳсулот»)нинг бир тури) каби бир хил ёзиладиган, аммо ҳар хил ўқиладиган сўзлар ва сўз формаларининг юзага келишига йўл очилган, бу ҳол, ўз навбатида, шу типдаги сўзлар таркибида қўлланган «о» (ўрта кенг) ва «о» қуйи кенг унлиларининг дифференциал белгиларини ёзувда илғаб олиш имкониятларини чеклаб қўйган. Бундай қийинчиликлар *журнал* ва *жуда*, *виждон* ва *мажлис* сўзларининг ўқирилишида ҳам учрайди: ж графемасининг полифонемали характери коришиқ «ж» ва сирғалувчи «ж» ундошларининг дифференциал хусусиятларини ёзувда фарқлаб бера олмайди. Ўзбек-рус ёзуви график тизимидаги бундай чекланишлар, айниқса, ўзбек тилининг бошқа миллат вакиллари томонидан ўрганилишига салбий тасир қилмоқда: ўзбек тилининг фонетик-фонологик системаларидан етарли хабардор бўлмаган бундай кишилар *журнал* ва *жуда* сўзларини, *торт* (1) ва *торт* (2) типдаги омографларни русча кўникмалар асосида ўқишга мажбур бўлмоқда.

Ўзбек ёзувининг график тизимида синтетик ва аналитик графемаларнинг борлиги ҳам кўпчилик мутахассислар томонидан салбий ҳодиса сифатида баҳоланиб келинган. Дарҳақиқат, бу типдаги графемаларнинг мавжудлиги сўз ва морфемаларнинг акустик ва график образларида асимметрия ҳодисасини юзага келтирмоқда: *ёшлик* (6 та фонема, 5 та графема, 5 та ҳарф), *онг* (2 та фонема, 2 та графема, аммо 3 та ҳарф) каби. Бундай асимметриянинг мавжудлиги сўзнинг фонетик ва

морфемик таркибини ёзувда тўғри ифодалашга, айникса, ҳарф билан товуш ўртасидаги алоқани илғаб олишга ҳалақит бермоқда. Буларнанг барчаси турли мунозара-баҳсларнинг юзага келишига, охир оқибатда ўзбек миллий ёзувининг бутунлай бошқа график системага кўчирилишига сабаб бўлган.

7. Янги (лотин) ўзбек ёзувининг график тизими. Бу ёзув ҳам фонографик характердаги система бўлиб, унинг график тизими, рус-ўзбек ёзувида бўлганидек, ҳарфий ва ноҳарфий белгилардан таркиб топган.

1) Ҳарфий белгиларнинг оптик-график тасвири рус-ўзбек ёзуви графемалари шаклидан жиддий фарк қилади.

Бу алифбо Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 май қарори билан тасдиқланган. Ана шу алифбо ҳарфларига асосланган фонографемаларнинг ифода жиҳатига кўра *монограф* (t, l, i...) *полиграф* (sh, ch, ng, ts) каби типлари мавжуд. Мазмун планига кўра *полифонемали графемалар* кўпчиликини ташкил қилади: *v* графемаси ўзбек тилининг лаб-лаб «в» ва русча ўзлашмалардаги лаб-тиш «в» фонемаларини, *j* графемаси сиргалувчи «ж» ва қоришиқ «ж»ни, *i* графемаси ўзбек тилининг «и» (*bit* сўзида), рус тилининг «и» (*lirika* сўзида) ва «ы» (*richag* сўзида) фонемаларини ифодалайди.

Синтетик ва *синоним* графемалар янги (лотин) ўзбек ёзувининг график тизимида йўқ.

Янги (лотин) ўзбек ёзувида ўзбек тилининг 6 та унли фонемаси 6 та графема воситасида ифодаланади: *i*, *e*, *u*, *o'*, *o* каби. Рус-ўзбек ёзувида эса бу 6 унли учун 10 та графема кўлланмоқда: *и*, *э*, *а*, *у*, *ў*, *о*, *е*, *ё*, *ю*, *я* каби.

2) Ноҳарфий белгиларнинг аксарияти (сигнализаторлардан бошқалари) рус-ўзбек ёзувидагидан фарк қилмайди: тиниш белгилари (просодемографемалар), рақамлар (логографемалар) ва дефис (чизикча) ҳар иккала ёзув учун умумийдир.

Сигнализаторлик функциясида тутук белгиси (апостроф) катнашади, у рус-ўзбек ёзувидаги айириш (ъ) белгиси ўрнида кўлланмоқда.

Янги (лотин) ўзбек ёзувида сигнализаторлик вазифасини бажарувчи юмшатиш (ь) белгиси ҳам йўқ.

Ҳар икки ёзув график тизимларининг қиёсий

тавсифи

1. Рус-ўзбек алифбосида 35 ҳарф бор (шу жумладан, иккита диакритик ҳарф: ъ, ь). Лотин-ўзбек алифбосида 29 ҳарф бор, шулардан 3 таси (sh, ch, ng) қўшма ҳарфлардир. Улар графемикада, юқорида айтиб ўтилганидек, диграфлар ёки полиграфлар саналади.

2. Ҳар икки ёзув тизимида монографлар кўпчиликни ташкил қилади, уларнинг аксарияти ёзма нутқ оқимида оддий графемалар сифатида катнашиб, ҳарф ва товуш алоқасида фонетик-график (фонографик) симметрияни «бир товушга бир ҳарф» муносабатини таъминлайди. Қиёс қилинг: *мактаб* (фонемалар – 6 та, графемалар – 6 та, ҳарфлар – 6 та) – *taktab* (фонемалар – 6 та, графемалар – 6 та, ҳарфлар бта) каби.

Фонетик-график симметрия ёзув амалиётида ижобий ходиса сифатида баҳоланиши мумкин, чунки у тез ва раво ўқиш кўникмасининг шаклланишига ёрдам беради.

3. Рус-ўзбек ёзувининг график тизимида иккита полиграф (шч, нг диграфлари) бор. Лотин-ўзбек ёзувининг график тизимида эса полиграфлар анча кўп: sh, ch, ng, ts, shch, ya, yu, yo каби. Алифбода улардан учтаси (sh, ch, ng) расман қайд этилган, қолганларининг ёзма нутқ оқимида ишлатилиши қоидалаштирилган: *konstitutsiya* (ts = «ц»), *meshchan* (shch = «ш»), *slavyan* («славян» сўзидаги «я» ўрнида «ya»), *byuro* («бюро» сўзидаги «ю» ўрнида «yu»), *aktor* («актёр» сўзидаги «ё» ўрнида «yo») каби.

4. Рус - ўзбек ва лотин-ўзбек ёзувларининг график тўқималаридаги белгиларнинг (графемаларнинг) қийсий тавсифида яна бир жиддий фарқнинг борлиги кўзга ташланади, бундай фарқ масаланинг статистик томонига тааллуқли эканлиги билан характерлидир. Буни «Ўзбек тилининг имло лугати» (1976 й) мисолида шундай изоҳлаш мумкин:

Луғатдаги барча сўзлар – 65000, шулардан 4140 таси «А» ҳарфи билан бошланади. «А» ҳарфи билан бошланган сўзлар таркибида “ш”, “ч”, “н”, “ц”, “щ” фонемаларининг қўлланиш частотаси қуйидагича:

- «ш» фонемаси 573 сўз таркибида бор (13,5%).
- «ч» фонемаси 481 сўзда қўлланган (12%).
- «н» фонемаси 93 сўзда учрайди (2,24 %).
- «ц» фонемаси 133 сўзда мавжуд (3 %).
- «щ» фонемаси 1 тагина сўзда қўлланган .

Демак, 4140 сўздан 1280 тасида “ш”, “ч”, “н”, “ц”, “щ” фонемалари иштирок этган. Рус-ўзбек ёзувида шулардан иккитаси – «н» ва «щ» фонемалари аналитик графемалар (нг ва щч диграфлари) билан, лотин ўзбек ёзувида эса 5 таси – «н», «щ», «ш», «ч», «ц» фонемалари аналитик графемалар (ng, shch,, sh ,ch, ts полиграфлари) билан ифодаланмоқда. Бу ҳол аналитик графемалар (диграфлар, полиграфлар) туфайли содир бўладиган фонографик асимметрия ҳодисасининг лотин ўзбек ёзувида анча кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Қийс қилинг: *хушчақчақ* (фонемалар – 9 та, графемалар – 9 та, ҳарфлар – 9 та) – *xushchaqchaq* (фонемалар – 9 та, графемалар – 9 та, ҳарфлар – 12 та), *шошлинч* (фонемалар – 8 та, графемалар – 8 та, ҳарфлар – 8 та) – *shoshilinch* (фонемалар – 8 та, графемалар – 8та ҳарфлар – 11 та), *мешчан* (фонемалар – 5 та, графемалар – 5 та, ҳарфлар – 6 та) – *meshchan* (фонемалар – 5 та, графемалар – 5 та, ҳарфлар 8 та: русча «щ» фонемаси лотин ўзбек ёзувида 4 та ҳарф қўшилмаси воситасида ифодаланган).

Юкоридаги тахлилдан кўриниб турибдики, ёзма нутқ оқида юз бериши мумкин бўлган фонетик-график асимметрия ходисаси рус-ўзбек ёзувида кам учрайди, лотин-ўзбек ёзувида эса у анча кўп тарқалган. Айниқса, “ш”, “ч” фонемаларининг қўлланиш частотаси беҳад фаол эканлигини (13,5 % + 12 % = 25,5 % бўлишини) ҳисобга олсак, лотин-ўзбек ёзувидаги фонографик асимметриянинг кенг тарқалишига сабаб бўлган ва бўлаётган омилларни билиб олиш қийин эмас. Бундай асимметрия эса, ўз навбатида, тез ва раво ўқиш кўникмаларининг шакллантирилишига ҳалакит бермоқда. Демак, уни (асимметрияни) ёзув амалиётининг педагогик-психологик аспектидаги ижобий ходиса деб баҳолаб бўлмайди.

5. Рус-ўзбек ёзувининг график тизимида рус тили орқали ўзлаштирилган сўзлар таркибидаги қаттиқ ва юмшоқ ундошларни фарқлаш системаси бор, бу система ёзма нутқ оқида қаттиқ ундошни ифодаловчи ҳарфлардан сўнг а, о, у ҳарфларининг, юмшоқ ундошларни ифодаловчи ҳарфлардан сўнг эса и, е, ё, ю, я ҳарфларининг ва юмшатиш (ь) белгисининг қўлланишига асосланади. Лотин-ўзбек ёзувининг график тизимида эса бундай система йўқ, бунга ўзбек тили консонантизмда қаттиқлик-юмшоқлик оппозициясининг (зидланишининг) йўқлиги асос қилиб олинган. Қиёс қилинг: *укол* ва *пароль* (рус-ўзбек ёзувида) – *ikol* va *parol* (лотин-ўзбек ёзувида), *плюс* ва *плюс* (рус-ўзбек ёзувида) – *plug* va *plus* (лотин - ўзбек ёзувида), *кислота* ва *слёт* (рус-ўзбек ёзувида), *kislota* va *slot* (лотин - ўзбек ёзувида) каби. Лотин - ўзбек ёзувининг бу хусусияти ўзбек ёзувининг миллий позицияларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади, аммо унинг айрим русча-байналмилал ўзлашмаларнинг фонетик-орфоэпик хусусиятларини ёзувда тўғри ифодалаш имкониятларини чеклаб қўяётганлиги ҳам шубҳасиз. Қиёс қилинг: *мотор* ва *актёр* (рус-ўзбек ёзувида) – *motor* va *aktor* (лотин - ўзбек ёзувида), *парад* ва *наряд* (рус - ўзбек ёзувида) - *parad* va *narad* (лотин-ўзбек ёзувида), *футбол* ва *бюро* (рус-ўзбек ёзувида) – *futbol* va *buro* (лотин-ўзбек ёзувида) каби. Бу

типдаги ўзлашма сўзларни русча меъёр асосида талаффуз қилиш кўпчилики ўзбекларда нуткий кўникма ҳолига келиб қолганлигини ҳисобга олсак, уларни ёзувда ҳам акс эттириш зарурати борлиги маълум бўлади. Шунинг учун проф. Ш.У. Раҳматуллаев «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» га қўйидаги иловани киритади: «... сўзнинг талаффузи кескин ўзгариб кетмаслиги учун баъзан уо, уи, уа харфлари ёзилади: *баксёр* – *boksyor*, *бюро* – *byuro*, *славян* – *slavyan* каби: Бу илова юқоридаги муаммони биқ қадар ҳал қилади, аммо у **уо, уи, уа** харфларининг бирикмали қў. ланишини аниқ чегаралаб бера олмайди: ёзув амалиётида *sentabr* va *sen'yabr*, *oktabr* va *oktyabr* каби сўзларнинг икки хил ёзила бошланганлиги ҳам шундан бўлса керак.

Қолаверсис, *boksyor*, *byuro*, *slavyan*, *aktyor* сўзларининг ёзма шаклларида харфлар миқдори фонемалар миқдоридан ортмоқда, демак, ёзувда фонетик-график асимметрия юз бермоқда, бу ҳолни ҳам, юқорида айтиб ўтилганидек, ижобий ҳодиса сифатида баҳолаб бўлмайди.

6. Лотин-ўзбек ёзувида тутук белгиси (') ва **o'**, **g'** каби босма харфларнинг мавжудлиги сўзларнинг ёзувдаги оптик-график тасвирини бир қадар дағаллаштираётганлиги ҳам шубҳасиз. Қиёс қилинг: *гўр* (рус-ўзбек ёзувида) - *g' o' r* (лотин-ўзбек ёзувида), *гўза* (рус-ўзбек ёзувида) - *g' o' za* (лотин-ўзбек ёзувида), *бўзма* (рус-ўзбек ёзувида) - *bo'g'ta* (лотин-ўзбек ёзувида) каби.

Юқоридаги таҳлилдан шундай хулоса келиб чиқади: лотин-ўзбек ёзувининг график тизимини шакллантиришда асосий эътибор унинг миллийлик позицияларини мустаҳкамлашга, ёзув техникасидан, айниқса компьютер имкониятларидан унумли фойдаланишга қаратилган, аммо ёзувнинг педагогик-психологик ва эстетик жиҳатларига оид айрим талаблар бу жараёнда эътибордан четда қолдирилган.

Орфография

Орфография (грек. Orthos- "тўғри" + grapho - "ёзаман") ёзув системасининг иккинчи компоненти бўлиб, у тўғри ёзиш меъёрларини белгилайдиган қоидалар тизимидан таркиб топади. Орфография графикадан қуйидаги белгилари билан фарқланади: графика қоидалари графемаларнинг мазмун планини (референтини) кодлаштиришга, орфография қоидалари эса маълум принциплар асосида орфограммаларни танлашга асосланади. Чунончи, *одам* сўзида "д" нинг ёзилиши д графемасининг графикада кодлаштирилган фонемасига мос, шу сабабли бу сўзнинг ёзилиши графика томонидан бошқарилади. *Савод* сўзида эса бошқачароқ ҳолатга дуч келинади: сўз охиридаги "д" жарангсиз "т"га ўтади (*савот* тарзида талаффуз қилинади), демак, уни икки хил ёзиш мумкин: *савод* (фонематик принцип асосида) – *савот* (фонетик принцип асосида). Бу икки ҳолатдан бирини имло учун меъёр (орфограмма) қилиб танлаш орфография зиммасига тушади. Ҳозирги ўзбек орфографиясида *савод* деб ёзиш қоидалаштирилган. Бундан ташқари, орфографияда қўшма сўз компонентларининг қўшилиб ёки ажратиلىб ёзилишини, сўз қисмларининг сатрдан- сатрга кўчирилишини, бош ва кичик ҳарфларнинг қўлланишини белгилаб берадиган қоидалар ҳам борки, улар ёзувнинг графикага алоқадор бўлмаган жиҳатларини тартибга солиш ва бошқариш имконини беради.

Адабий тилнинг оғзаки шаклида сўз танлаш, гап тузиш ва тўғри талаффуз меъёрларига амал қилиш қанчалик аҳамиятли бўлса, унинг ёзма шаклида орфография меъёрларига (имло қоидаларига) амал қилиш шунчалик муҳимдир. Бундай меъёрларга амал қилиш ёзма нутқ мазмунининг тўғри ва аниқ идрок қилинишига ёрдам беради, ёзма нутқда анархиянинг (бошбошдокликнинг) авж олишига йўл қўймайди. Адабий

тилнинг, хусусан, ёзма нутқнинг ижтимоий-маданий ва маърифий ролини мустаҳкамлашда бунинг ўзига яраша аҳамияти бор.

Орфография принциплари – орфография қоидаларининг тузилишига асос бўлган тамойиллар. Уларнинг қуйидаги турлари бор:

1. *Фонетик принцип*. Бу принцип асосида тузилган имло қоидаларига кўра сўз ёки сўз шакллари талаффуздаги кўринишига мос равишда ёзилади. Масалан, тожик тилидаги *танур* сўзининг ўзбек тилида *тандир* деб, русча *щетка* сўзининг эса *чўтка* деб ёзилиши шу сўзларнинг ўзбек тилидаги талаффуз меъёрларига (фонетик принципга) асосланади. Шунингдек, *эк+ган*, *эк+гунча* каби сўз шакллари ҳам ўзбек ёзуви имло қоидаларига кўра *эккан*, *эккунча* деб (талаффузига мос тарзда) ёзилади.

Қуйидаги ҳолатларда ҳам фонетик принципга амал қилинади:

а) айрим отларга эгалик аффикси қўшилганда: *бурун*>*буруни*, *кўнгиш*>*кўнгишим*, *оғиз*>*оғзинг*, *ўғил*>*ўғлим* каби;

б) айрим сифатлардан феъл ясалганда: *улуғ*>*улгаймоқ*, *сарик*>*саргаймоқ* каби;

д) *қотмоқ*, *ачимоқ*, *исимоқ* феълларидан сифат ясалганда: *қот(моқ)*>*қаттиқ*, *ачи(моқ)*>*аччиқ*, *иси(моқ)*>*иссиқ* каби;

е) *сон*, *от*, *ёш*, *онг* сўзларидан феъл ясалганда: *сон*>*сана*, *от*>*атамоқ*, *ёш*>*яшмоқ*, *онг*>*англамоқ* каби;

ф) *икки*, *етти* сонларига "-ов" аффикси қўшилганда: *икки*>*икков*, *етти*>*еттов* каби;

г) "-а" ёки "-я" билан тугаган феълларга "-в" ёки "-к" қўшилиб от ясалганда: *танла*>*танлов*, *сана*>*санов*, *сўра*>*сўроқ*, *бўя*>*бўёқ*, *сайла*>*сайлов* каби.

Орфографиянинг фонетик принципи ёзув билан талаффузни бири-бирига яқинлаштиради ва имло қоидаларининг ўзлаштирилишини ҳам осонлаштиради.

2. *Фонематик принцип*. Бу принцип асосида тузилган имло коидаларига кўра харфлар (ёки графемалар) сўз таркибидаги фонемаларга мослаб танланади. Чунончи, *китоб*, *омад* сўзларининг охиридаги "б" ва "д" фонемалари жарангсиз "п" (*китоп*) ва жарангсиз "т" (*омат*) тарзида талаффуз қилинса-да, фонеманинг асосий оттенкасига мос равишда "б" (*китоб*) ва "д" (*омад*) харфлари билан ёзилади.

Ўзбек тилшунослигида «фонематик принцип» тушунчаси XX асрнинг охирироғида қўллана бошланди,¹⁹⁶ бунгача у морфологик принцип билан бир ҳодиса сифатида изохлаиб келинган.¹⁹⁷

Рус тилшунослигида ёзувнинг фонемага таяниши ҳақидаги дастлабки фикр 1928 йилда Н.Ф. Яковлев томонидан айtilган эди,¹⁹⁸ аммо у бу фикрни орфографияга нисбатан эмас, ёзувнинг ўзига нисбатан билдиради. Орфографияга нисбатан бу фикр биринчи марта 1930 йилда Р.И. Аванесов ва В.Н. Сидоровлар томонидан билдирилади: улар имлонинг бу тамойилини **фонологик принцип** деб аташади.¹⁹⁹

Рус тили имлосининг фонематик характериға оид назария эса дастлаб И.С. Ильинская ва В.Н. Сидоровларнинг махсус мақоласида анча кенг ёритилган.²⁰⁰ Кейинроқ бу принцип А.А. Реформатский томонидан шундай таърифланади: «Ёзувнинг фонематик принципи шундан иборатки, унга кўра хар бир фонема қайси позицияда қўлланган бўлишидан қатъи назар ўзига бириктирилган харф билан ифодаланади».²⁰¹

¹⁹⁶ Қаранг: Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – Б. 65. Аскарлова М., Косимова К., Жамолхонов Х. Ўзбек тили. Пед. билим юртлари учун дарслик. Тўлдирилган 2-нашри. – Т.: "Ўқитувчи", 1989. – Б. 56.

Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Талкин, 2005. – Б. 103.

¹⁹⁷ Бегматов Э., Исмаилов Н. Ўзбек имлоси. – Т.: Фан, 1979. – Б. 15-16.

¹⁹⁸ Қаранг: Яковлев Н.Ф. Математическая формула построения алфавита (опыт практического приложения лингвистической теории) // Культура и письменность Востока – Москва, 1928, кн. 1. – С. 41-64.

¹⁹⁹ Аванесов Р.И., Сидоров В.Н. Реформы орфографии в связи с проблемой письменного языка // «Русский язык в школе», 1930, №4.

²⁰⁰ Ильинская И.С., Сидоров В.Н. Современное русское правописание. – М. Ученые записки кафедры русского языка Московского городского педагогического института им В.П. Потемкина, т. XXII, вып. 2, 1953.

²⁰¹ Реформатский А.А. Введение в языкознание. – Москва, 1967. – С. 373.

3. *Морфологик принцип ёки аналогия принципи.* Бу принцип асосида тузилган имло коидалари сўзнинг маъноли қисмларини (ўзак ва аффиксал морфемаларни), улар қандай талаффуз қилинишидан қатъи назар, аслига (типик шаклига) мос равишда ёзишни талаб қилади. Чунончи, "г" билан бошланган "-га", "-ган", "-гани", "-гунча" қўшимчалари "ш", "т", "п", "с" каби жарангсиз ундошлар билан тугаган ўзакларга қўшилганда "-ка", "-кан", "-кани", "-кунча" шаклларида талаффуз қилинса-да, морфемаларнинг асл шаклларига мос равишда "-га", "-ган", "-гани", "-гунча" ёзилади. Қиёс қилинг: *ишга* (ёзувда) – *ишка* (талаффузда), *кетган* (ёзувда) – *кеткан* (талаффузда), *кетгунча* (ёзувда) – *кеткунча* (талаффузда), *тонган* (ёзувда) – *тонкан* (талаффузда), *мисга* (ёзувда) – *миска* (талаффузда) каби.

Эслатма: "к", "к", "г", "г" билан тугаган сўзларга "г" билан бошланган аффиксларнинг қўшилишида бу қоидага амал қилинмайди: улар рус-ўзбек ёзуви имлосида талаффузига кўра (фонетик принцип асосида) ёзилади. Қиёс қилинг: *оқ+ган* (асл шакли)–*оққан* (талаффузда)–*оққан* (ад.-орф.ёзувда), *эк+ган* (асл шакли)–*эккан* (талаффузда)–*эккан* (ад.-орф.ёзувда), *туғ+ган* (асл шакли)–*туққан* (талаффузда)–*туққан* (ад.-орф.ёзувда), *соғ+ган* (асл шакли)–*соққан* (талаффузда)–*соққан* (ад.-орф.ёзувда) каби.

4. *График принцип.* Бу принцип, аслида, орфография коидаларини эмас, графика коидаларини белгилайди – графемаларнинг графикада кодлаштирилган фонемаларини ифодалашга асосланади, шунга кўра у, баъзан, **фонемографик принцип** деб ҳам номланади.²⁰² Чунончи, сирғалувчи "ж" билан коришик "ж"(дж) нинг ёзувда битта ж графемаси орқали ифодаланиши, "н" фонемасининг эса нг диграфи билан ифодаланиши графикада кодлаштирилган. Ёзувда бу меъёрга амал қилинади, холос: *жемпер* (сирғалувчи "ж"), *жанг* (коришик "ж" ва саёз тил

²⁰² Иванова В.Ф. Теоретические основы русской орфографии. АДД. – Л.: 1971. –С. 17.

орка "н") каби. Орфографиянинг бундай кодлаштиришга бевосита алоқаси йўқ, бу графемаларнинг ёзувда қўлланишини графиканинг ўзи бошқаради.

Ўзбек тилшунослигида график принципни *этимологик принципга* асос бўлган тамойил деб ёки ҳатто бу икки принципни бир ходиса сифатида таърифлаш ҳоллари ҳам бор.²⁰³ Хусусан, ўзбек график лингвистикасининг етакчи вакилларида бири Фахри Камолов уни айтиши шу маънода шарҳлайди: «Имлода,- дейди у,- график принцип бир халқнинг иккинчи халқ билан бўлган маданий алоқасига ва ёзувнинг қайси график система негизида майдонга келишига боғлиқдир. Араб алфавити асосидаги эски ўзбек ёзувида этимологик принципнинг тўла равишда амалга оширилиши учун ўша даврнинг график системаси асос бўлган. Шунинг учун ҳам арабча-форсча сўзлар, маҳаллий тилларда қандай ўкилиши ва қайси хилда талаффуз этилишидан катъи назар, ўзининг график шаклини тўла равишда сақлаб қолган, араб имлосида қандай бўлса, айнан шу шаклда ёзилган. Бу эса араб алфавитини қабул қилган халқлар ёзувида умумий қонун сифатида асосий принциплардан бири ҳисобланган...»²⁰⁴

Дарҳақиқат, график принципнинг юзага келишида бир халқнинг иккинчи халқ билан бўлган маданий алоқаси, унинг ёзув системасига таяниши каби омилларнинг роли бор: араб графикасидаги эски ўзбек ёзувида қисқа унлиларнинг ёзувда ифодаланмаганлиги (*بقا* - *бақо*: «абдийлик», «мангулик»; *صغار* – *сигор*: «ёш болалар», «гўдақлар» каби), арабча лексик ўзлашмаларнинг ёзма шаклларида ўзбек тили фонологик тизимига хос бўлмаган фонемаларни ифодаловчи *ع* (айн), *ث* (се), *ص* (сод), *ض* (зод), *ط* (то), *ظ* (зо) каби харф-графемаларнинг қўлланганлиги (*عزم* – *азм*: «катъий қарор», «жазм»; *ئانا* – *сано*: «мақтов»;

²⁰³ Фахри Камол Ўзбек орфографияси ҳақида (ўқитувчиларга ёрдам) – Т.: Ўқувпедавнашр, 1957. – Б. 26.

Ҳозирги замон ўзбек тили – Т. Фан, 1957. – Б. 26.

Бегматов Э., Исмаилов Н. Ўзбек имлоси – Т. Фан, 1979. – ы. 20-25

Ш. Шоабдурахмонов, М. Аскарлова, А. Ҳожиева, И. Расулов, Х. Донниёров. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 94-97.

²⁰⁴ Фахри Камол Ўзбек орфографияси ҳақида (ўқитувчиларга ёрдам) – Т.: Ўқувпедавнашр, 1957. – Б. 58

صابر - *собир*: «сабрли», «бардошли»; ضابط – *зобит*: «оксокол»; طالع *толеъ*: «бахт», «такдир»; ظفر - *зафар*: «ғалаба» кабилар) шундан далолат беради. Бирок график принципнинг мохиятини ўзбек ёзувига асос бўлган бошқа тил ёзувига хос график белгилар ва қоидаларнинг айнан (манба тилнинг ёзуви ва имлосида қандай бўлса, шундайлигича) сақланиши билан боғлашнинг ўзи этарли эмас: бу принцип манба тилдаги харф-товуш муносабатларидан четга чиқиши, бевосита ўзбек тилининг ўзидаги харф-товуш муносабатларини қамраб олиши ҳам мумкин. Масалан, рус-ўзбек ёзувининг график тизимидаги *о* графемаси русча лексик ўзлашмалардаги ўрта-кенг лабланган «*о*» унлисини ифодалайди: *опера, тонна* сўзларининг ёзилиши *о* графемасининг шу хусусиятига асосланган, бу хусусият аслида рус тилининг график тизимидаги харф-товуш муносабатларининг (график коиданинг) ўзбек ёзувига айнан (ўзгаришсиз) кўчирилишига таянади, Фахри Камоловнинг «график принципи»да шу ҳолат назарда тутилган. Бирок *о* графемасининг мазмун планида ўзбек тили вокализмининг куйи-кенг, кучсиз лабланган «*о*» унлиси (*ота, бола* сўзларининг биринчи бўғинидаги фонемаси) ҳам кодлаштирилган. Бу ҳолат рус тилининг график тизимига хос эмас, чунки рус тилида куйи-кенг «*о*» фонемаси ҳам, уни ёзувда ифодалайдиган графема ҳам йўқ: *о* графемасининг ўзбекча куйи-кенг «*о*» фонемасини ифодалаши ўзбек тилининг график тизимида назарда тутилган, шунга кўра *ота, бола* сўзларидаги *о* графемасининг қўлланиши ҳам график принципнинг махсули бўлади. Фахри Камоловнинг этимологик ёки график принципга берган таърифи эса кўпроқ тарихий-анъанавий принцип талабларига мосдир. Рус тилшуноси А.Н. Гвоздевнинг уни *этимологик ёки тарихий принцип* деб номлашида ҳам шу хусусият ҳисобга олинган.²⁰⁵

5.Тарихий-анъанавий принцип. Бу принципга асосланган имло коидалари сўзларнинг ёки сўз шаклларининг қадимдан одат бўлиб қолган

²⁰⁵ Гвоздев А.Н. Основы русской орфографии // Избранные работы по орфографии и фонетике. К 70-летию со дня рождения – М.: Изд-во Академии Пед. Наук. 1963. – С. 70-71.

формада ёки анъанага мос шаклда ёзилишини ҳозирги имло учун меъёр тарзида белгилайди. Чунончи, *хуррият* сўзи таркибида иккита "р"нинг мавжудлиги ҳозирги ўзбек тили учун меъёр саналади, ammo шу сўз иштирокида ясалган *жумҳурият* сўзида эса бир "р" ёзилади, чунки бу сўзни бир "р" билан ёзиш қадимдан одат бўлиб қолган.

Тарихий-анъанавий принцип сўзнинг ёки сўз шаклларининг ҳақиқий таркиби (фонема ёки морфемалари) етарли аниқланмаган ҳолатларга нисбатан ҳам қўлланади. Масалан, *тақозо* сўзининг охириги бўғинидаги унли баъзан "о", баъзан "а" ҳолида (*тақозо* ёки *тақоза* каби) талаффуз қилинади, шулардан қайси бири тўғри эканлиги ҳозирча аниқ эмас. Бироқ, шу нарса маълумки, ёзувда *тақозо* шакли активроқ қўлланиб келган, бу омил ҳозирги ўзбек ёзуви имлосига ҳам асос бўлган.

Тарихий-анъанавий принципга амал қилиш ҳолатлари ҳозирги пайтда яратилаётган айрим бадий асарлар тилида ҳам учраб туради: классик адабиёт тилига тақлид тарзида сўзларнинг эски ўзбек тилига хос шакллари ишлатилади. Масалан:

Гул фасли санам

Сайр ила гулшанда бўлибдур.

Гунча кўз очиб

Гул юзида ханда бўлибдур.

Гуллар ичида

Шоҳи ўзим дер эди лола,

Мағрурлигидан

Ул ўзи шарманда бўлибдур (Э.В.)

(Эски ўзбек тилига хос бирликлар – *ила*, *ул*, "*-дур*")

6. *Дифференциация принципи (символик принцип)*. Бу принцип асосида тузилган имло коидаларига кўра, шакли бир хил бўлган сўзлар (омонимлар) ёзувда сигнализаторлар (ишора белгилари), диакритик

белгилар воситасида ёки бир харф ўрнида бошқа харф ишлатиш оркали фаркланади: *атлас* (мато) – *атлас* (географик атлас), *янги* (сифат) – *янги* (равиш), *танá* (гавда) – *таъна* (миннат), *бандá* (қул) – *бáнда* (шайка), *уриш* (урмок) – *уруш* («жанг») каби. Келтирилган сўзларда ургу (') ва айириш (ъ) белгилари орфографиянинг дифференциация принципи талабига кўра қўлланган; *уриш* ва *уруш* сўзларида эса «и» ва «у» харфларининг ишлатилиши ҳам шу принципга асосланган.

7. *Шаклий-анъанавий ёзув*. Бу принцип сўз бошида ёки охирида икки ундош каторлашиб келган лексик birlikларнинг имлосини коидалаштиришга асос бўлади.²⁰⁶ Маълумки, ўтмишда туркий тилларда сўз бошида икки ундош каторлашиб келмаган. Шунинг учун бошқа тиллардан ўзлаштирилган айрим сўзларнинг бошида икки ундошнинг ёнма-ён қўлланиши учраса, улардан олдин ёки шу икки ундош орасида бир унлини орттириш одати бўлган. Бу одат ҳозирги жонли сўзлашувда ҳам учраб туради: *шкаф* > *ишкoп*, *стаж* > *истаж*, *драп* > *дирап*, *план* > *пилон* каби. Баъзан сўз охирида ҳам икки ундош орасида бир унли орттирилади ёки ундошлардан бири (сўнггиси) тушириб қолдирилади: *сабр* > *сабир*, *наср* > *насир*, *нашр* > *нашир*, *гўшт* > *гўш*, *гишт* > *гиш* каби. Шаклий-анъанавий ёзув принципига кўра бундай пайтларда сўзлар талаффузи асосида эмас, ўзларининг асл шаклини сақлаган ҳолда ёзилади: *шкаф*, *стаж*, *драп*, *план*, *сабр*, *наср*, *нашр*, *гишт*, *гўшт* каби.

Бу принципнинг моҳияти Фаҳри Камолов томонидан «этимологик ёки график принцип» деб номланган тамойил моҳиятига жуда яқин туради.²⁰⁷

8. *Семантик-услубий принцип*: а) *семантик принцип* сўз ёки сўз шаклларининг имлосини уларнинг маъноларига таяниб белгилайди. Масалан, *лола*, *пўлат* (турдош отлар) – *Лола*, *Пўлат* (атокли отлар), *ишчи* («-чи» касб оти ясовчи) – *иш-чи?* («-чи»- сўрок юкламаси), *сенда* («-да»-

²⁰⁶ Абдурахмонов Ғ., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б. 44-45.

²⁰⁷ Фаҳри Камол. Ўзбек орфографияси хақида (ўқитувчиларга ёрдам). – Т.: Ўқувпедавнашр, 1957 – Б. 58-62.

Ўрин-пайт келишиги аффикси)- *сен-да!* («-да»- кучайтирув ва таъкид юкламаси) каби; б) *услубий принцип* асосида тузилган имло коидалари сўз ёки грамматик шаклларнинг семантик таркибидаги услубий семаларнинг нутқдаги фаоллашувини ёзувда ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, *ота, она, ватан, сиз, ўзингиз* каби сўзлар ёки грамматик шакллар шу сўзлар (шакллар) орқали ифодаланган шахсларга ёки туғилиб ўсган юртга, дийёрга алоҳида хурмат-эътибор билдирилганда бош ҳарф билан ёзилади: *Ота, Ватан, Она, Сиз, Ўзингиз* каби. Шунингдек, гап ичида *тинчлик, озодлик, меҳнат, бахт* каби сўзларнинг баъзан бош ҳарф билан бошланиши ҳам услубий принцип талабларидан келиб чиқади. Масалан, *Яшасин Озодлик, Тинчлик* каби.

Оғзаки нутқда сўз маъносини кучайтириш мақсадида сўз таркибидаги айрим ундошларни қаватлантириш (геминация) ёки унлиларни чўзиш каби ҳолатлар учраб туради. Улар ёзувда ҳам ҳарфларни қаватлантириш орқали ифодаланади: *маза* ва *мазза, яшамагур* ва *яшшамагур, роса* ва *росса, она* ва *она-а* каби. Бундай ҳолатлар негизда ҳам услубий мақсадлар ётади.

Боб, абзац, гап бошидаги биринчи сўзнинг бош ҳарф билан бошланиши кўпроқ **синтактик принципга** таянади.

Орфографиянинг семантик-услубий принциплари В.Ф. Иванованинг «принципы русской орфографии» монографиясида махсус ёритилган, ²⁰⁸ аммо ўзбек тилшунослигида бу масала ҳали етарли тадқиқ этилмаган.

Амалдаги (кириллча) ўзбек ёзуви имло коидаларининг шакллантирилишида *фонетик, фонематик* ва *морфологик* принципларга кўпроқ амал қилинган.

²⁰⁸ Иванова В.Ф. Принципы русской орфографии. - Л.: Изд. - во Ленинградского университета, 1977. - С. 201-205.

Имло қоидалари

1. Рус-ўзбек ёзувининг имло қоидалари дастлаб 1940 йилнинг 4 июлида янги алифбе ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган ва шу йилнинг ўзида "Бирлашган ўзбек алфавити ва орфографияси" номи тўпламда эълон қилинган. Кейинчалик бу қоидалар яна бир неча марта қайта ишланди, шулар асосида 1952, 1953, 1955 йилларда "Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари" лойиҳа тарзида беш марта қайта нашр қилинди, ниҳоят, унинг 5-наши 1956 йилнинг 4 апрелида Ўзбекистон Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланди. Ҳозирги рус-ўзбек ёзувининг имлоси ана шу "... қоидалар"га асосланган. У қуйидаги 5 бўлимни ўз ичига олади:

1. Айрим ҳарфлар имлоси (1-30-§ қоидалари).
2. Ўзак-негиз ва қўшимчалар имлоси (31-55-§ қоидалари).
3. Қўшма сўз ва сўз бирикмалари имлоси (56-58-§ қоидалари).
4. Бўгин қўчирилиши (59-62-§ қоидалари).
5. Бош ҳарфларнинг ёзилиши (63-72-§ қоидалари).

2. Янги (лотин) ўзбек ёзувининг имло қоидалари 1995 йилнинг 24 августида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 339-сонли қарори билан тасдиқланган ва шу йилнинг ўзида "Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" номи билан китобча шаклида нашр қилинган. У қуйидаги 7 бўлимни ўз ичига олади:

1. Ҳарфлар имлоси:
 - Унлилар имлоси (1-7-қоидалар).
 - Ундошлар имлоси (8-32-қоидалар).
2. Асос ва қўшимчалар имлоси (33-37-қоидалар).
3. Қўшиб ёзиш (38-50-қоидалар).
4. Чизикча билан ёзиш (51-56-қоидалар).
5. Ажратиб ёзиш (57-65-қоидалар).

6 Бош ҳарфлар имлоси (66-74-қоидалар).

7. Кўчириш қоидалари (75-82-қоидалар).

Ҳар икки ёзувнинг имло қоидаларидаги тафовутлар

Рус-ўзбек ёзуви имло қоидаларининг айрим параграфлари янги (лотин) ўзбек ёзуви имло қоидалари таркибига киритилмаган. Масалан: 2-параграф (3-моддаси); 6-параграф (2 ва 3-моддалари); 8-параграф (1-моддаси); 9-параграф ("ё" ҳарфи), 10-параграф ("ю" ҳарфи), 11-параграф ("я" ҳарфи), 2-параграф (2-моддаси), 13-параграф (в>б каби ҳолатлар), 21-параграф, 22-параграф (2-моддаси), 26-параграф (1-моддаси), 27-параграф, 28-параграф, 31-параграф, 40-параграф, 41-параграф, 48-параграф, 49-параграф, 50-параграф (2-моддасидаги "у/ю" га алоқадор қисм), 52-параграф, 58-параграф ва бошқалар. Юқорида берилган қоидаларнинг янги қоидалар тўпламига киритилмаганлиги бир қатор омилларга асосланади: "е" ҳарфининг янги ёзувда фақат "э" унлисини ифодалаши ("й"+э"ни эмас), ё,ю,я ҳарфларининг янги алифбода йўқлиги, айрим қоидаларнинг ўзини оқламаганлиги каби сабаблар шулар жумласидандир.

Бу икки ёзув имло қоидаларида яна қуйидаги тафовутлар бор:

1. Рус графикаси асосидаги ўзбек орфографиясида "-ук" ("иқ") кўшимчасининг имлоси қоидалаштирилмаган, лотин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзуви орфографиясида эса бу кўшимчанинг имлосига оид махсус эслатма бор, унда шундай дейилади: "Ундош билан тугаб, таркибида **и** унлиси бор феълга **-иқ** кўшилади: *uz-uziq, yut-yutiq* каби. Лекин *uyushiq, burushiq, uchuriq* (шунингдек, *bulduriq*) каби сўзларнинг учинчи бўғинида "и" айтилади ва шундай ёзилади. (Қ.: 33- қоидаларнинг эслатма қисми);

2. Маълумки, отларга эгалик кўшимчаларининг кўшилишида ҳар хил ҳолатлар учраб туради. Масалан, *бобо* ва *авзо* сўзларига эгалик кўшимчаси икки хил тарзда – *бобо* сўзига "-м" ва "-нг" шаклларида (*бобом, бобонг* каби), *авзо* сўзига эса "й+им", "й+инг" шаклларида ("о"дан сўнг бир "й" орттирилиб) кўшилади: *авзо+й+им, авзо+й+инг* каби. Бундай ҳолатни "у" билан тугаган айрим сўзларда ҳам учратамиз: *уйқу+м, уйқу+нг, аммо мавзу+й+им, мавзу+й+инг* каби. Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзувининг имлосида бундай ҳолатларни меъёрлаштирувчи қоидалар йўқ эди. Латин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзувининг имло тизимида эса юқоридаги каби ҳолатлар ҳисобга олинган. Унда, хусусан, шундай қоида берилган: "о,о',у,е унлилари билан тугайдиган сўзларга эгалик кўшимчалари куйидагича кўшилади:

а) кўпчилик сўзларга эгалик кўшимчалари -м, -нг, -си; -миз, -нгиз (ёки -лар) шаклида товуш орттирмай кўшилади: *bobom, bobong, bobosi; bobomiz, bobongiz, bobosi* (ёки *bobolari*); *orzum, orzung, orzusi; orzumiz, orzungiz, orzusi* каби;

б) *parvo, obro'*; *mavqe, mavzu, avzo* сўзларига I, II шахс эгалик кўшимчалари кўшилганда бир "у" товуши кўшиб айтилади ва шундай ёзилади: *parvoyim, parvoying; parvoyimiz, parvoyingiz; obro' yim, obro' ying; obro' yimiz, obro' yingiz* каби; III шахс эгалик кўшимчаси *parvo, avzo, obro', mavqe* сўзларига "–уи" шаклида, *xudo, mavzu* сўзларига эса "-си" шаклида кўшилади: *avzoyi, mavzusi* каби (*dohiy* каби "у" ундоши билан тугаган сўзга ҳам III шахсда "-си" кўшилади: *dohiyisi* каби). (Қаранг: 35-қоидаининг 3-банди).

3. Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви имлосига кўра *шовул, овул, қувур* сўзларида "в"дан сўнг "у", *шовилламоқ, ловилламоқ, гувилламоқ* феълларида эса "в"дан сўнг "и" ёзилади. (Қ.: 2- ва 50-параграф қоидалари). Латин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзувида юқоридаги от ва феъллар учун битта умумий қоида берилган, бу қоидага кўра таклидий сўзлардан

ясалган феълларда ҳам "v"дан сўнг "i" эмас, "u" ёзилади: *shovulla, lovulla* каби. (Қаранг: 37-қоиданинг 1-банди).

4. Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви имлосида ("...қоида"нинг 42-параграфида) феълларнинг орттирма даража ясовчи "-дир" қўшимчаси жарангли ундош билан тугаган кўп бўғинли сўзларга "-тир" шаклида қўшилиши айtilган, аслида эса жарангли "з"дан сўнг "-тир" эмас, "-дир" қўшилади. Қиёс қилинг: *чўмилтирмоқ, севинтирмоқ, аммо томиздирмоқ, оқиздирмоқ* каби. Латин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзуви имлосида бу камчиликка барҳам берилган. Унда шундай қоида бор: "нисбат шаклини ясовчи "-dir" қўшимчаси жарангли ундош билан тугаган бир бўғинли сўзларга (*кел* сўзидан бошқа), шунингдек *z* ундоши билан тугаган орттирма нисбат ясовчидан кейин қўшилади: *quvdir, egdir, kuldır, yondir; otkazdir, tomizdir* каби". (Қаранг: 37-қоиданинг 2-банди).

5. Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви имлосида ("қоидалар"нинг 34-параграфида) "ғ" ёки "г" билан тугаган сўзларга "г" билан бошланган қўшимчалар қўшилганда, сўз охири ва қўшимча бошидаги ундошлар, айтилишига мос ҳолда ёзилиши қоидалаштирилган: *боғ-боққа, тоғ-тоққа, барг-баркка, тег-теккан* каби. Латин графикасига асосланган янги ўзбек ёзуви имлосига кўра эса бундай сўзлар талаффузига (фонетик принципга) кўра эмас, морфемаларнинг асл ҳолига мос равишда (морфологик принцип асосида) ёзилади: *bog'ga, tog'ga, sog'ga, og'gan, sig'guncha, bargga, teggan* каби. (Қаранг: 37-қоиданинг "в" банди).

6. 1956 йил "қоидалари"нинг 43-параграфига кўра "–гир", "гин", "–гиз", "–газ" қўшимчалари жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга қўшилганда айтилишига мувофиқ "–кир", "–кир"; "–кин", "кин"; "–киз", "–киз"; "–каз," қаз" шаклларида ёзилади: *ўтқир, чопқир; кескин, тошқин; етқизмоқ, ётқизмоқ; ўтқазмоқ, ютқазмоқ* каби. Латин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзуви имлосига кўра "–гин" қўшимчаси "–к" ёки "–қ" билан тугаган сўзлардан бошқа сўзларга қўшилганда, сўз

кандай товуш билан тугашидан ва қўшимчаларнинг бош товуши к ёки г айтилишидан катъи назар, "г" билан ёзилади. Қиёс қилинг: *торткин* (1956 йил қоидасига кўра) - *tortgin* (1995 йил қоидасига кўра), *топкин* (1956 йил қоидасига кўра) - *topgin* (1995 йил қоидасига кўра). Бироқ, "-гир" ("gir"), "-гиз" ("giz"), "-газ" ("gaz") қўшимчалари бу қоида доирасига киритилмаган.

7. Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзувининг "...асосий қоидалари"да икки отдан тузилган қўшма сифатларнинг ажратиб ёзилиши айтилган: *дупор бўйин* (от+от =қўшма сифат), *ҳаво ранг* (от+от =қўшма сифат), *бодом қовоқ* (от+от =қўшма сифат), *қўй кўз* (от+от =қўшма сифат), *гўза пўчоқ* (от+от =қўшма сифат) каби (58-параграф, 3-қоида). Қўшма сифатлар имлосига оид бу қоида амалда ўзини оклагани йўқ: *оромбахш*, *бугдойранг*, *илҳомбахш* сўзлари "от+от =қўшма сифат" қолипида тузилган бўлишига қарамай, деярли барча имло луғатларида қўшиб ёзилган, *девсифат*, *одамсифат* сўзлари эса (улар ҳам "от+от =қўшма сифат " қолипида шаклланган) луғатларда ҳар хил берилмоқда. Латин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзуви "қоидалари"да бу типдаги қўшма сифатларнинг имлоси бир қадар тартибга солинган: "қоидалар"нинг 38-бандида, *хона. нота, бaxsh. rang, mijoz, sifat* каби сўзлар ёрдамида ясалган қўшма от ва қўшма сифатларнинг қўшиб ёзилиши қайд этилган: *qabulxona, tabriknoma, orombaxsh, kamquvvat, bug'doyrang, sovuqmijoz, devsfat, suvtalab* каби. (Қаранг: 38-қоида). Шу қоида талабларидан келиб чиққан ҳолда, *ҳаво ранг, жигар ранг. бодом қовоқ, қўй кўз* каби қўшма сифатларнинг компонентлари ҳам латин-ўзбек ёзувида қўшиб ёзилиши керак. Қиёс қилинг: *ҳаво ранг*(рус-ўзбек ёзувида) – *havorang*(лотин-ўзбек ёзувида), *бодом қовоқ* (рус-ўзбек ёзувида) – *bodomqovovoq*(лотин-ўзбек ёзувида), *қўй кўз*(рус-ўзбек ёзувида) - *qo'uko'z* (лотин-ўзбек ёзувида), *жигар ранг*(рус-ўзбек ёзувида) - *jigarrang* (лотин-ўзбек ёзувида) каби.

8. Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви имло қоидаларига кўра *минг боши, ўн боши, сўз боши* кабилар "бирикмалик хусусиятини сақлаган сўзлар (?)" сифатида ажратиб ёзилади (қаранг: 58-параграф, 12-қоида). Латин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзуви имлосига кўра эса "қаратувчили бирикманинг бир сўзга айланиши билан юзага келган қўшма отлар қўшилиб ёзилади: *mingboshi, so'zboshi, olmaoqi*" (қаранг: 46-қоида).

9. 1956 йил "қоидалари"да иккинчи компоненти "ё"лашган товуш билан бошланган *шер юрак, муз ёрар, иш ёқмас, қўл ёзма* типидagi сўзларнинг ажратиб ёзилиши айтилган (қаранг: 58-параграф, 14-қоида). Латин графикасидаги янги ёзувда бундай сўзлар қўшилиб ёзилади: *sheryurak, muzyorar, ishyoqmas* каби (қаранг: 39-қоида).

10. Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви имлосига кўра *еру осмон, ору номус, туну кун, кечаю кундуз, ёшу қари, қўю қўзи* каби жуфт сўзларда дефис (чизикча) қўйилмайди (57-параграф, эслатма). Латин графикаси асосидаги ўзбек ёзуви имлосига кўра ҳам бундай сўзлар ажратиб ёзилади, ammo уларнинг қисмлари орасида -у(-уи) боғловчиси келса, шу элементлардан олдин чизикча қўйилади: *do'st-u dushman, kecha-yu kunduz* каби (51-қоидадаги эслатманинг 2-банди).

11. Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви имлосига кўра йил ва ойларни (числоларни) кўрсатувчи арабча рақамдан сўнг чизикча (дефис) ёзилмайди: *1956 йил 22 сентябрь* каби (47-параграф қоидаси). Латин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзуви имлосига кўра бундай ўринларда чизикча қўйилади: *1991-йилнинг 1-сентябри, 60-йиллар* каби (56-қоида).

12. Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви имлосига кўра *алла, қай* элементлари сўзга қўшиб ёзилади: *аллаким, аллақандай, қайбир, қайвақт* каби (58-қоида, 13-банди). Латин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзуви имлосига кўра *қай* сўзи ўзидан кейинги ёки олдинги сўздан ажратиб ёзилади: *qay kuni*. Агар *қай* сўзи *уоқ, уер* сўзлари билан ишлатилганда, бир

"у" товуши тушса, бу сўзлар кўшилиб ёзилади: *qayoqqa, qayerga* каби (60-қоида).

Изох: лотин графикаси асосидаги янги ўзбек имлосида *алла* компонентли сўзларга қоида берилмаган, уларга муносабат ҳам билдирилмаган.

13. Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви имлосига кўра *бир оз* равиши таркибидаги компонентлар ажратиб ёзилади. Лотин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзуви имлосига кўра *bigoz* сўзининг компонентлари кўшиб ёзилади (60-қоида).

14. Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви имлосида *йилдан-йилга, кўлдан-кўл* типидagi бирликлар жуфт сўзлар доирасида қаралган, шу боис уларнинг компонентлари орасида чизикчанинг (дефиснинг) ёзилиши қоидалаштирилган (57-параграф, 1-қоида). Лотин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзуви имлосига кўра биринчи қисми чиқиш келишигида, иккинчи қисми жўналиш келишигида бўлган бирикмаларнинг компонентлари, шунингдек, белгининг ортик даражасини билдирувчи *kopdan kop, tekından tekín, yangidan yangi, ochiqdan ochiq, qizigandan qizigan* кабилар ажратиб (чизикасиз) ёзилади (64-қоида).

15. Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви имлосида изофали сўзларнинг (*нуқтаи назар, ойнаи жаҳон, дарди бедаво* кабиларнинг) ажратиб ёзилиши назарда тутилган (58-параграф, 7-қоида). Лотин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзуви имлосида бу қоидага битта ўзгариш киритилган: эндиликда (янги ёзувда) изофа ундош билан тугаган сўзларга "i" шаклида (масалан, *dardi bedavo* каби), унли билан тугаган сўзларга эса "yi" шаклида (масалан, *nuqtayi nazar* каби) кўшилади (65-қоида).

16. Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви "қоидалари"нинг 69- ва 71-параграфлари бир хил ҳодисанинг бирикмали номларини икки хил ёзишга йўл очади: бирикма муҳим йиғилиш номи бўлганда, ундаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан, бирикма муҳим тарихий воқеа номи бўлганда эса

ундаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади (демак, колганлари кичик ҳарф билан ёзилади): *Қрим Конференцияси* (69-параграф коидасига мос) – *Қрим конференцияси* (71-параграф коидасига мос).

Изоҳ: биринчи мисолда *Қрим Конференциясининг* муҳим йиғилиш номи эканлиги, иккинчи мисолда эса шу бирикманинг муҳим тарихий воқеа номи ҳисобланиши назарда тутилган.

Лотин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзуви имлосида шу икки коидадан фақат биттаси сақланган, унга қўра "Муҳим тарихий сана ва байрамларнинг номлари таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: *Mustaqillik kuni, Xotira kuni, Ramazon hayiti, Navro'z bayrami* каби" (70-коида). Демак, лотин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзуви имлосида юқоридаги икки коиданинг параллель яшашига чек қўйилган, шу билан мазкур коиданинг изчил бўлиши таъминланган.

17. Лотин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзуви имлосининг "Кўчириш коидалари"да рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви имлосида берилмаган қуйидаги коидалар бор:

77- коида: ўзлашма сўзларнинг бўғинлари чегарасида келган икки ёки ундан ортик ундош қуйидагича кўчирилади:

1)икки ундош келса, улар кейинги сатрга биргаликда кўчирилади: *dia-gramma, mono-grafiya* каби;

2)уч ундош келса, биринчи ундош олдинги сатрда колдирилиб, колган икки ундош кейинги сатрга кўчирилади: *silin-drik* каби.

79-коида: ...бўғинга тенг қисм ва бош ҳарфлардан иборат қисқартмалар сатрдан сатрга бўлиб кўчирилмайди: ЎЗМУ каби.

Изоҳ: 79-коиданинг бош ҳарфлардан тузилган қисқартмаларга (AQSh, BMT кабиларга), шунингдек, кўп хонали рақамларга (16,245, 1994, XIX кабиларга) алоқадор қисми рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви имлосида ҳам бор.

80-қоида: Ҳарфлардан иборат шартли белги ўзи тегишли рақамдан ажратиб кўчирилмайди: 5-"А" sinf,V " В" guruhi, 110gr, 15 ga, 105 m, 25sm, 90 mm каби.

81-қоида: Атокли от таркибига кирадиган рақам номдан ажратилган ҳолда кейинги сатрга кўчирилмайди: "Navro'z-92" (фестиваль), "O'qituvchi-91" (кўрик танлов), "Andijon-9", "Termiz-16" (ғўза навлари), "Boing-767" (самолёт), "Foton-774" (телевизор) каби.

82- қоида: А.Ж. Jabborov, А.Д. Abduvaliyev кабиларда исмнинг ва ота исмининг биринчи ҳарфига тенг кискартмалар фамилиядан ажратиб кўчирилмайди. Shuningdek, v.b. (va boshqalar), sh. k. (shu kabilar) сингари ҳарфий кискартмалар ҳам олдинги сўздан ажратиб кўчирилмайди.

АДАБИЁТЛАР

Дарслик,қўлланма ва рисодалар

- 1.Абдуллаев Й. Намтоҳим (Ҳамроҳим).- Т.: Ўқитувчи,1996
- 2.Бегматов Э., Исматуллаев Н. Ўзбек имлоси. – Т.: ФАН,1979.
- 4.Бегматов Э. Киши номлари имлоси.- Т.: ФАН,1970.
5. Джамалханов Х.А. Основы узбекской графики. – Т.: ФАН,1991.
6. Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. 1-қисм. -Т.:Низомий номли ТДПУ босмаҳонаси ,2004.
- 7.Жамолхонов Н. Hozirgi ozbek adabiy tili .Darslik. - Т.:Talqin,2005.
- 8.Камолов Ф. (Фаҳри Камол). Ўзбек орфографияси ҳақида. – Т.: Ўқувпедавнашр,1957.
- 9.Маҳмудов Н.М. Тил ва ёзув.- Т.: Ўзбекистон, 1987.
- 10.Рафиев Абдурозик. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси. – Тошкент, 2003.
- 11.Раҳматуллаев Ш. Орфография қоидалари – саводхонлигимиз асоси.- Т.: ФАН, 1980.
- 12.Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси.- Т.: Университет,2002.

Имло қоидалари ва лугатлар

- 1.Бегматов Э. Ўзбек исмари. -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти,1991.
- 2.Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари имлоси.-Т.: ФАН, 1972.
- 3.Имло лугати. Мактаб ўқувчилари учун./Ўзувчилар: Абдуллаев Йўлдош, Омилхонова Мушарраф, Зуфарова Сайёра. – Т.: Ўқитувчи,1987.
- 4.Раҳматуллаев Ш., Ҳожиёв А. Қўшма сўзларнинг имло қоидалари ва лугати. – Т.: Ўрта ва олий мактаб,1961.
- 5.Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари. – Т.: ФАН,1956.
- 6.Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари / Нашрга тайёрловчи: Шавкат Раҳматуллаев.-Т.: Ўқитувчи, 1995.

7.Ўзбек тилининг имло лугати. ЎзССР Фанлар академияси академиги Ш.Ш.Шоабдурахмонов таҳрири остида.-Т.:ФАН.,1976.

8.O'zbek tilining imlo lug'ati./ Tuzuvchilar: Rahmatullayev Sh., Hojiyev A.- Toshkent: O'qituvchi, 1995

9.O'zbek tilining kirill va lotin alifbolaridagi imlo lug'ati. / Tuzuvchilar: To'liqin Tog'ayev,GulbahorTavaldiyeva,Muyassar Akromova. – Т.: «SHARQ» nashriyot-matbaa konserni bosh tahririyati, 1999.

10.Ўзбек тилининг қисқача имло лугати. Филология фанлари кандидатлари Ф.Камолов ва З.Маъруфов таҳрири остида. –Т.: ФАН ,1962.

Мақолалар

1.Абдулла Шер. Инон-ихтиёр билан танланган алифбе // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати».- 1993- 27 август.

2.Абдуллаев Йўлдош. Мозий ва янги алифбо // «Ўзбекистон овози».- 1995.- 24 январь.

3.Ахмедов Бўрибой. Зинҳор шопилмайлик // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати».- 1992.- 7 август.

4.Джамалханов Х.А. Графическая характеристика буквенных знаков нового узбекского письма // Преподавание языка и литературы.-1997.- №5-6.-С.87-91.

5.Дониёров Х. Алфавит: ўзгаришлар бўладими? // «Ўқитувчилар газетаси».- 1991.- 14 март.

6.Дониёров Х.,Тўйчибоев Б., Йўлдошев Қ. Мукамал алифбо – саводхонлик гарови. // «Ўқитувчилар газетаси».- 1991.- 11 апрель.

7.Еникеев Радик. Тил ҳақидаги қонунлар тарихига оид // «Тил ва адабиёт таълими» журнали.- 1997.- №2.- Б. 88 – 90.

8.Жамолхонов Ҳ.А. Алифбони ислоҳ қилиш керакми? // Туркий тиллар тараққиёти муаммолари: Низомий номидаги ТДПИ илмий асарлари. – Тошкент, 1993. – Б. 12-17.

9.Жамолхонов Ҳ.А. Араб графикаси асосидаги эски ўзбек алифбосидан лотин графикаси асосидаги ўзбек алифбосига ўтишнинг асосий саналари // Туркий тилларнинг тараққиёти муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари . – Т.: Фан, 1995.- Б. 44- 49.

10.Жамолхонов Ҳ.А. Рус ва лотин графикалари асосидаги ўзбек ёзувларининг имло қоидаларидаги тафовутлар. // Тил ва адабиёт таълими.- 1997.-№4.- Б.58-64.

11.Жамолхонов Ҳ.А. Ўзбек алфавитидаги ҳарфларнинг номланиши // «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. -1991. -3-сон.- Б. 29 – 31.

12.Жамолхонов Ҳ.А. Ўзбек ёзуви графемаларининг график тафси - лоти // Ўзбек тили ва адабиёти.-1994.-№4-5-6 (қўшма сон).-Б.72-75.

13.Жамолхонов Ҳ.А. Ўзбек ёзуви тарихидан (1938 – 1940 йиллар)// Туркий тилларнинг тараққиёти муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари . – Т.: Фан, 1995.- Б.15 -20.

14.Жамолхонов Ҳ.А. Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи.1-мақола (1900 -1923 йиллар) // «Педагогик таълим» журнали.- 2000.- 4-сон. – Б.73 -75.

15.Жамолхонов Ҳ.А. Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи.2-мақола (1924 -1938 йиллар) // «Педагогик таълим» журнали.- 2001.- 1-сон. – Б.71 -74.

16.Жамолхонов Ҳ.А.Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи. 3-мақола (1938 -1940 йиллар) // «Педагогик таълим» журнали.- 2002.- 12-сон. – Б.36 -39

17.Жамолхонов Ҳ.А. Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи.4-мақола (1940 -1956 йиллар) // «Педагогик таълим» журнали.- 2002.- 3-сон. – Б.54 -57.

18.Жамолхонов Ҳ.А. Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи.5-мақола (1956 -1980 йиллар) // «Педагогик таълим» журнаלי.- 2002.- 5-сон. – Б.55 -57

19. Жамолхонов Ҳ.А. Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи.6-мақола (1981 -1987 йиллар) // «Педагогик таълим» журнаלי.- 2003.- 1-сон. – Б.45 -47

20. Жамолхонов Ҳ.А. Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи.7-мақола (1988 -1990 йиллар) // «Педагогик таълим» журнаלי.- 2003.- 3-сон. – Б.36 -38

21. Жамолхонов Ҳ.А. Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи.8-мақола (1990 -1992 йиллар) // «Педагогик таълим» журнаלי.- 2004.- 1-сон. – Б.64 -67

22. Жамолхонов Ҳ.А. Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи.9-мақола (1992 -2005 йиллар) // «Педагогик таълим» журнаלי.- 2005.- 1-сон. – Б.60 -61.

23.Жамолхонов Ҳ.А. Ёзув тизимининг графемик таркиби // Ўзбек тилшунослиги муаммолари.(Илмий мақолалар тўплами) – Т.:Низомий номидаги ТДПУ, 2003.- Б.59 – 62.

24.Жамолхонов Ҳ.А. Қоришиқ «ц» муаммоси ва ёзув амалиёти (Илмий-назарий анжуман матермаллари) – Т.: Жаҳон иктисодиёти ва дипломатия университети, 2004. – Б.59- 62.

25.Жамолхонов Ҳ.А. Фонетик-график симметрия ва асимметрияга оид кузатувлар (Республика илмий-амалий анжумани материаллари)- Т.. ТДПУ кичик босмаҳонаси,2005.-Б.24 -25.

26.Жомонов Равшан. Бош харфларнинг қўлланиши тарихига доир// «Тил ва адабиёт таълими».- 1998.- 5-сон. – Б.19-24.

27. Жомонов Равшан. Фитрат имло қоидаларининг зарурати ҳақида // «Тил ва адабиёт таълими».- 1998.- 6-сон. – Б.58-60.

28.Жомонов Равшан. «Чигатой гурунги» ва имло масалалари // «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали.- 1998.- 5-сон. – Б. 18-20.

29.Махмудов Низомиддин. Мустақиллик: ўзбек тили ва ёзуви // «Халқ сўзи».- 1992.- 19 май .

30.Назаров Карим. Миллий мактаб калити. // «Маърифат».- 1991.- 19 октябрь .

31.Назаров Карим. Алифбо ҳам миллий бўлсин // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати».- 1990.- 9 ноябрь.

32.Назаров Карим. Энг катта муаммо ечилади. // «Маърифат».- 1992.- 22 февраль .

33.Тилимиз жозибасининг тилсими. (Иристой Қўчқортоев,Азим Ҳожиев, Одил Ёкубов, Низомиддин Махмудов, Эрнст Бегматов, Анвар Жабборов, Абдурозик Рафиев, Абдувахоб Мадвалиев). // «Халқ сўзи».- 1993.- 28 июль.

34.Турсункулов Аббос, Қахрамонов Алибой. Товуш ёзувга эмас, ёзув товушга мослашсин.// «Маърифат».- 1993.- 13 февраль.

35.Улуғбоев Икром. Чалғитишнинг ўзи-ку! // Ўқитувчилар газетаси.-1990. -7 февраль.

36.Умаров Эргаш. Унли харфлар муаммоси.// Ўқитувчилар газетаси.-1991- 28 май.

37.Халилбеков А., Юсупов М. Яна саводсиз колмоқчимизми? // Ўқитувчилар газетаси.- 1990.-20 январь.

38.Холиёров Мели. Миллий товушлар тақдири. // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати».- 1992.- 24 июль.

39. Шопсонов Мухтор. Жаҳонга ақл билан чиқилади.// «Ўзбекистон адабиёти ва санъати».- 1992.- 7 август .

40.Юсупов Ҳ., Мансуров Т., Қурбонов Н., Хўрозов Х. Асли колгани маъқул // Ўқитувчилар газетаси.- 1990. -20 январь.

41. Қораев Суюн. Ёзувимиз такомилга мухтож // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати».- 1991.- 23 август .

42. Қўчқортоев Иристой. Ўзбек ёзуви муаммолари // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати».- 1991.- 22 март.

Тил ва ёзувга онд қонун, фармон ва қарорлар

1.1921 йил январда бўлгон биринчи Ўлка ўзбек тил ва имло курултойи чикоргон қарорлари.- Т.: «Туркдовнашр», 1922.

2.1923 йил, 18 октябрь. Туркистон Жумхурияти Маориф Комиссарлигининг Туркистон ўзбекларининг имлолари тўғрисидаги берган буйруғи (буйрук №48). - Т., 1923.

3.1926 йил, 10 июнь. Постановление 4-сессии ЦИК Советов УзССР 1-созыва «О необходимости введения ново-узбекского (латинского) алфавита , об образовании Комитета по введению нового узбекского алфавита // Центральный Архив АН Республики Узбекистан, фонд №4, опись №2, ед. хр. 14. – С.1 -3.

4.1926 йил, 16 октябрь. Ўзбекистон Шўролар жумхурияти Марказий Комитетининг Янги алифбе Марказий ва маҳаллий қўмиталари низомини тасдиқлаш тўғрисидаги 88-сонли қарори // Маориф ва ўқитғучи. – 1926.- №7 – 8. - Б. 43-46.

5. 1928 йил, 11 август. Ўзбекистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг 123-сонли қарори: «Об объявлении в узбекской письменности ново-узбекского (на латинской основе) алфавита – государственным и о порядке перехода на ново-узбекский алфавит всех учреждений, школ и издательств» // Центральный Архив АН Республики Узбекистан, фонд №4, опись №2, ед. хр. 14. – С. 9 -10.

6. 1928 йил, 1 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг 209-сонли қарори: «О дополнении постановления Центрального Исполнительного Комитета ... статье 12-ой» // Централь-

ный Архив АН Республики Узбекистан, фонд №4, опись №2, ед. хр. 14. - С. 11.

7. 1929 йил, 15 – 23 майда Самарқандда бўлиб ўтган Республика тил ва имло конференцияси қарорлари. – Т.: Ўздавнашр, 1930.

8. 1940 йил, 8 май. Закон о переводе узбекской письменности с латинизированного на новый узбекский алфавит на основе русской графики // Ведомости Верховного Совета Узбекской Республики, №4, июль. - С.4 -5.

9. 1956 йил, 4 апрель. Ўзбекистон Олий Кенгашининг Фармони: «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари тўғрисида» // Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари. – Т.: ФАН, 1956. – Б.3.

10. 1989 йил, 21 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги Қонуни. – Т.: Ўзбекистон. 1989.

11. 1993 йил, 2 сентябрь. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида. Ўн иккинчи қақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида қабул қилинган қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси.- 1993, №9, 332 – мода.

12. 1995 йил, 6 май. «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга қиритиш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарорига ўзгартишлар қиритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори. // Халқ сўзи.- 1995.-6 июнь; «Маърифат». – 1995. -7 июнь. Яна қаранг: Тил ва адабиёт таълими.- 1995.-№3. – Б.4.

13. 1995 йил, 24 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 339-сонли қарори: Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида. // Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995.- Б. 1.

14. 1995 йил, 21 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори: Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг янги таҳририни амалга киритиш тартиби тўғрисида. – Т., 1995.

15. 2004 йил, 30 апрель. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида:

VI. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №9, 332-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №6, 120*модда):

2-бандидаги «2005 йил» деган сўзлар «2010 йилнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10 – бандидаги «2005 йилнинг» деган сўзлар «2010 йилнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов.

Тошкент шаҳри,

2004 йил 30 апрель.

[Халқ сўзи. -2004-26 июнь. №134 (3409)]. (шанба).

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	4
“Имло муаммолари” танлов фанининг предмети, мақсади, вази­фалари	6
Ҳозирги ўзбек адабий тили тараққиётининг илк босқичида (XX асрнинг биринчи чорагида) алиф­бо ва имло муаммолари	6
1930 – 1940 йилларда алиф­бо ва имло муммолари	62
1940 – 1995 йилларда алиф­бо ва имло муаммолари.....	95
Рус ва лотин алиф­боларига асосланган ўзбек ёзув- ларининг қиёсий тавси­фи.....	149
Графика	149
Ҳар икки ёзув график тизимларининг қиёсий тавси­фи	162
Орфография.....	165
Имло қоидалари.....	174
Ҳар икки ёзувнинг имло қоидаларидаги тафовутлар.....	175
Адабиётлар.....	183

72 - б/юртма. 200 нусха. Ҳажми 12 б.т.
2007 йил 13 октябрда босишга рухсат этилди.
Низсвий номидаги ТДПУ ризографида
нашр қилинди.

